Ўрта Осиёда карст жараёнларининг тарқалиши ва ривожланишида тектоник ёриқлар муҳим рол ўйнайди. Тектоник ёриқлар дарз кетган зоналарни келтириб чиқаради, зоналарда кимёвий ва механик эрозияларнинг ривожланиши тезлашади ва карст жараёнларининг тараққий этиши ва тарқалиши учун гидрогеологик шароит яратилади. Чунки тектоник ёриқларда ёғин сувлари тоғ жинсларига шимилиб ер ости сув горизонтларини келтириб чиқаради. Агар тектоник ёриқлар дарё тармоқларини кесиб ўтса, бундай шароит янада кучаяди.

Ўрта Осиё тоғларида карст жараёнлари асосан кичик эрозион тармоқлар ва текисланган юзаларда яхши ривожланган. Чунки йирик эрозион тармоқларда чуқур эрозия устун бўлиб, карст жараёнларининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Текисланган юзалар эса ёғингарчилик ва эриган қор сувларининг карстланувчи тоғ жинсларига шимилиши учун қулай топографик шароит яратади.

Ўрта Осиёда карст жараёнлари карстланувчи ва карстланмовчи тоғ жинсларининг бир-бири билан туташган жойларида кенг тарқалган. Бундай жойларда фақат турли карст шаклларида ташқари, йирик карст булоқлари ҳосил бўлган. Масалан, Қозоғистон ҳудудидаги Қоратовда кембрий-ордовик даври карстланган карбонат тоғ жинслари кембрийгача давр карстланмовчи сланецлар билан туташган ерларда сув сарфи бир секундда 1500 литргача сув чиқувчи булоқлар ер юзасига чиқади. Чирчик водийсида карстланган тошқўмир оҳақтошлари билан каранкулит деб номланган карстланмовчи тоғ жинслари туташган жойларда карст жараёнлари кучли ривожланган. Зарафшон тизмасидаги узунлиги 450 м дан зиёд Амир Темур ғори ҳам силур даври оҳақтошлари билан отқинди тоғ жинслари туташган жойда келиб чиққан. Бундан ташқари, турли литологик таркибга эга карстланувчи тоғ жинсларининг ёнма-ён жойлашган ҳудудларида ҳам карст жараёнлари жадал ривожланган. Масалан, Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларининг баъзи ҳудудларида юқори юра даври гипслари оҳақтошлари билан туташган жойларида ер усти карст рельеф шакллари жуда кенг тарқалган. Чунки бундай жойларда тоғ жинсларининг дарзлантирувчи ва ер усти сувларининг тоғ жинсларига шимилиши учун қулай шароит яратувчи ер ёриқлари мавжуд.

Ўрта Осиё ҳудудида карст жараёнларининг жадал ривожланиши карстланувчи тоғ жинсларининг кимёвий таркиби билан ҳам боғлиқдир. Ўлка ҳудудида тарқалган карстланувчи тоғ жинсларининг таркиби ёки сувда эрувчи ва эримовчи кимёвий элементлар нисбати ҳар хил. Масалан, Ғарбий Тяньшанда тошқўмир даври турне ва визе оҳақтошлари таркибида сувда эрувчи кимёвий элементлар 98-81 % ташкил қилган, эримовчилариники эса 0,11 % дан 4, 98 % гача. Шунинг учун турне ва визе оҳақтошларида карст жараёнлари жуда кучли ривожланган. Бу Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари учун ҳам ҳосдир. Бундай ҳол фақатгина карст жараёнларини турли жойларда ҳар хил ривожланишига олиб келмай, балки карст рельеф шаклларининг зичлигига ва уларнинг катта-кичиклигига ўз таъсирини кўрсатган.

Ўрта Осиё тоғлари карсти азонал жараёндир. Бу ҳудудда карстнинг ривожланиши арид ва семиарид зоналарга хос бўлмай, типик гумид иқлим минтақасининг тоғли вариантыга киради. Чунки ёғингарчилик миқдори карст жараёнларининг ривожланиши учун етарлидир. Ўрта Осиё текислик қисмида эса аксинча карст арид ва семиарид минтақалари шароитида ривожланмоқда. Ўлканинг бу қисмида тектоник ҳаракатлар кучли эмас, карстланувчи тоғ жинслари кенг тарқалмаган ер юзасининг эрозион жараёнлар билан парчаланиши заиф, доимий оқувчи дарёлар йўқ, ёғингарчилик миқдори кам. Бу омиллар карст жараёнларининг ер юзасида ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўлканинг бу қисмида карст жараёнлари фақат локал кўтарилган ҳудудларда

(Марказий Қизилқум, Устюрт, Мингистов) ривожланган. Бироқ, ер юзасидан турли чуқурликларда тоғ жинслари тектоник ёриқлар таъсирида дарз кетган зоналарда, ер ости сувлари ҳаракат қилаётган жойларда чуқур карст ривожланган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда карст жараёнлари ер юзаси ва турли чуқурликларда ривожланган. Агар карстланувчи тоғ жинсларини қоплаб ётган карстланмовчи тоғ жинслари қалин бўлмаса, улар ўзидан сув ўтказиш хусусиятига эга бўлса карст жараёнларининг ривожланишида атмосфера ёғинлари ва эриган қор сувлари асосий ролни ўйнайди. Чунки карстланувчи ва карстланмовчи тоғ жинслари орасида карстни ривожланиши учун махсус микроклим шароити яратилган.

Ўрта Осиёда карст жараёнларининг ривожланишида ер усти ва ер ости сувлари қатнашади. Ҳудуддаги мавжуд карст бўшлиқлари тараққиётининг дастлабки даврларида ер ости сувларининг корризион фаолияти асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тектоник кўтарилишлар таъсирида ер остида ҳосил бўлган карст бўшлиқлари ер юзасига чиққандан сўнг, уларнинг тараққиётида гравитацион, эрозион ва бошқа жараёнлар ҳам қатнаша бошлайди ва уларнинг қиёфасини шаклланишида фаол қатнашади. Ўрта Осиёнинг баъзи ҳудудларида карст рельеф шакллари келиб чиқишида ер ёриқлари орқали кўтарилаётган термал сувлар ҳам қатнашади, натижада йирк карст бўшлиқлари, масалан, Копетдоғ тизмасини шимолий этагидаги узунлиги 250 м, майдони 6300 м², ҳажми 75000 м³ дан зиёд Бахариддин ғори ҳосил бўлган. Бундай жараён ўтган геологик даврларда ҳам содир бўлган ва улар яхши сақланган.

Ўрта Осиёнинг континентал иқлим шароитида карст жараёнларининг ривожланишида ёғингарчиликнинг йил давомида нотекис тақсимланиши ҳам муҳим омил ҳисобланади. Маълумки, бу ўлкада энг кўп ёғин (80 % гача) куз, қиш ва баҳор фаслларида ҳаво ҳарорати паст, буғланиш жуда кам даврларда тушади. Намлик ва иссиқликнинг бундай нисбатининг аҳамияти карстнинг ривожланишида каттадир. Чунки намгарчиликнинг катта қисми карстланувчи тоғ жинсларига шимилиб, уларни эритади. Бундан ташқари, қор қопламанинг эриш даврларида, эриган қор сувларининг карбонат тоғ жинсларига нисбатан агрессив бўлганлиги сабабли карст жараёнларининг ривожланиши кучаяди.

Ушбу мақоланинг ҳажми чегараланганлиги сабабли Ўрта Осиё ҳудудида карст жараёнларининг тарқалиши ва ривожланишининг баъзи қонуниятлари ҳақидагина тўхтадик.

С.И.Абдуллаев

Қарши Давлат университети

ГЕОЭКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги географиянинг аппарати ёрдамида экологик муаммоларни ўрганиш *геоэкологик тадқиқотлар* дейилади. Геоэкологик тадқиқотлар кишилиқ жамияти яшайдиган атроф табиий муҳитни ўрганиш, унинг ривожланиш тенденцияларини башорат қилиш, муҳитнинг хоссаларини ландшафт-экологик баҳолаш ва экспертизаси орқали бош-қаришни ўз ичига олади (Макунина, 1989). Бошқачароқ қилиб айтганда, муайян ҳудудда табиий муҳитга инсон хўжалиқ фаолиятининг таъсири натижаларини акс эттира-диган тадқиқотлар геоэкологик тадқиқотлардир. Географик тадқиқотлар ҳам экологик, ҳам географик ёндашувларга асосланади.

Географиянинг экологиялашуви унинг ички тузилиши ва ривожланишига интегратив таъсир кўрсатди, табиий ва социал-иқтисодий географик кичик тизимларининг жипслашувига олиб келди. Бундай шароитларда геогра-фиянинг ўзида ҳамда унга яқин бўлган фанлар ва билим-ларнинг айрим муҳандислик-техникавий соҳалари орасида бир қатор илмий йўналишлар ривожланди. Ана шундай илмий

йўналишлардан бири - *геоэкология*дир. Геоэкология немис географ К. Тролл 1939 йилда асос солган ландшафт экологиясининг тадрижий ривожланиши негизида вужудга келди. К. Тролл (1963, 1972) ландшафт экологиясининг асосий вазифаси ҳудуд бўйича экологик ўзгаришларни функционал таҳлил қилишдан иборат, деб ҳисоблайди ва ландшафт экологияси (*Landshaftokologie*) тушунчасининг синоними сифатида геоэкология (*Geookologie*) тушунчасини қўллайди. Ландшафт экологияси Халқаро уюшмасининг дастурларида ландшафт экологияси фанлараро соҳа сифатида белгиланиб, у табиат ва жамият ўзаро таъсирининг турли жиҳатларини кўпгина фанларнинг методлари ва концепцияларидан фойдаланган ҳолда ҳудудий ривожланиш режаларини асослаш учун фойдаланилади (1984).

XX асрнинг 80- йилларидан бошлаб геоэко-логик тадқиқотлар жамият ва табиат ўзаро таъсири нати-жасида вужудга келадиган ҳудудий ва тизимли уюшган ҳо-дисалар (табиий, табиий-антропоген ва антропоген гео-системалар) ва жараёнларни, яъни геосистемаларнинг мав-жудлиги, динамикаси ва барқарорлигини, уларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишга йўналиш тутди. Шу сабабли «гео-экология» тушунчаси кенг қўлланила бошланди. Таниқли немис олими Х.Ноймейстер ҳам геоэкологиянинг моҳиятини баён қилишга бағишланган китобини «Геоэкология» деб номлаган (Neumeister, 1988). Ҳозирги геоэкология ландшафт экологиясига нисбатан кенгрок қамровга эга бўлган интеграл илмий йўналишга айланди. Шундай қилиб , ҳозирги пайтда геоэкология табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар оралиғида турадиган, жамият ва табиат ўзаро таъсири натижасида вужудга келадиган ҳудудий ва тизимли уюшган жараёнлар ва ҳодисаларни турли микёсларда ўрганадиган интеграл илмий йўналишдир (Поздеев, 1992). Аммо, геоэкологиянинг объекти, предмети, мақсади, вазифалари ва фанлар тизимида тутган ўрни тўғрисидаги масалалар баҳсли бўлиб қолмоқда.

Геоэкологиянинг тадқиқот *объекти* - географик қобик-нинг инсон ҳаёти ва фаолияти кечадиган атроф табиий муҳит ва уни ташкил этувчи турли катталиқдаги геосистемалардир. Геосистемалар атроф муҳитни ва географик қобикни яхлит моддий тизим сифатида шакллантиради. Геоэкологиянинг *асосий мақсади* эса турли микёслардаги геосистемалардан самарали фойдаланиш учун уларга инсоннинг таъсирини оптималлаштиришдан иборат. Геоэкологиянинг *методологик асосини* ҳаёт ва унинг табиий, социал ва техноген (антропоген) ҳосилаларини ўз ичига оладиган муҳитнинг моддий бирлиги тамойили таш-кил этади.

Геоэкологиянинг *асосий мақсади* атроф муҳитни таш-кил этувчи геосистемалардан самарали фойдаланиш мақ-садида уларга инсоннинг таъсирини оптималлаштиришдан иборат. Бунда геотизимларнинг табиий салоҳиятидан имкон даражасида кўпроқ фойдаланилган ҳолда атроф муҳитнинг ҳаёт фаолияти учун зарур булган меъёрларда бўлишини таъминлайдиган биологик ва физикавий хоссаларини сақлаб қолиш имконини берадиган экологик мувозанатни таъминлаш назарда тутилади.

Геоэкологиянинг асосий вазифаларини қуйидагилар ташкил этади: геосистемаларнинг табиат қонуниятларига боғлиқ бўлган тузилмасини, уларнинг хусусиятлари ва функцияларини инсоннинг ҳаётий ва ишлаб чиқариш фа-олиятига боғлиқ ҳолда ўрганиш; геосистемаларнинг табиий салоҳиятидан имконият даражасида самарали фойдаланган ҳолда уларда экологик мувозанатни сақлаб қолиш; геосис-темаларни ортиқча техноген юқдан ҳимоялашнинг табиий механизмини очиб бериш ва геосистемаларнинг барқа-рорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш; ландшафтларни мақсадли ўзгартириш, яъни ўзга-раётган табиий геосистемаларнинг шаклланаётган янги геосистемалар билан ўзаро таъсирини таҳлил қилиш, улар-нинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш; табиий жараёнларни табиатдан оқилона фойдаланиш тамо-йиллари асосида бошқаришнинг мажмуий назарияларини

ривожлантириш; геосистемаларда модда ва энергия ҳара-кати тўғрисидаги тизимли тасаввурлар ривожланишини ифодаладиган назарий ва ҳудудий тадқиқотлар ўтказиш; геосистемалар динамикасининг мониторингини ташкил этиш ва узоқ муддатли башорат учун мажмуий методларни ишлаб чиқиш; геотизимлардан режали фойдаланиш ва ат-роф табиий муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг ечимига доир тадбирларни илмий асослаш; маҳаллий ва ҳудудий геоэкологик муаммоларнинг хусусиятларини очиқ бериш ва уларнинг глобал муаммолар тизимидаги мавқени белгилаш; муайян геосистема доирасида ишлаб чиқаришни экологиялаштиришни географик-экологик жиҳатдан асослаш.

А.А.Абдулқосимов, М.С.Шомуратов
Самарқанд Давлат университети, Урганч Давлат университети
АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАРНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ

Хоразм вилояти ҳудудидаги антропоген ландшафтлар асосан селитеб, қишлоқ хўжалик, саноат, ирригацион, қадимий селитеб ва бошқалардан иборат бўлиб, улар ҳозирги табиат комплексларининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Маълумки, антропоген ландшафтларнинг, айниқса воҳаларнинг функционал ҳолати табиий ландшафтлардан фарқ қилиб, улар мунтазам равишда инсон томонидан бошқарилиб туради. Шунинг учун антропоген ландшафтларни муҳофаза қилиш ва бошқариш системасида уларнинг зонал, регионал ва маҳаллий хусусиятларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда антропоген ландшафтларни муҳофаза қилиш масаласи табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш масаласи каби ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Антропоген ландшафтларнинг экологик ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиш, уларни тартибга солиб туриш ва бошқариш – бу селитеб ва саноат ландшафтларининг атмосфера ҳавосини чиқинди газлар билан ифлосланишдан, агроландшафтларни пестицидлар ва нитратлар билан заҳарланишдан, шамол ва сув эрозиясидан, иккиламчи шўрланиш ва ботқоқланишдан, ер ости ва ер усти сувларини минераллашишдан, сув омборлари ва каналларнинг биомассаларини камайиб кетишидан муҳофаза қилиш демакдир (Абдулқосимов, 1983). Бундан ташқари Амударё дельтасида кўп учрайдиган бузилган ерларни, техноген ландшафтларни рекультивация қилиш, уларни компонентлараро алоқадорлигини тиклаб, қишлоқ хўжалик муомаласига киритиш ва такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўли билан иқтисодий самарадорликни ошириш ҳам антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишнинг бир кўринишидир.

Куйи Амударё регионидаги воҳаларда, айниқса полиз экинларидан таркиб топган агроландшафтларда кейинги 4-5 йил ичида пайдо бўлган зараркунанда ҳашаротлардан бири қовун пашшасидир. Бу пашшалар полиз экинларига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг оптимал ривожланишига тўсқинлик қилиб, бозор иқтисодиёти даврида жамоа, ширкат ва фермер хўжаликлариغا катта моддий зарар етказмоқда. Агроландшафтларнинг таркибий қисми бўлган полиз экин майдонларини ана шундай зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг эътироф этишича қовун пашшалари куйи Амударё региони ва Хоразм воҳасига жанубий минтақалардан кириб келган. Яқин келажакда эса бу зараркунанда ҳашаротлар Ўзбекистоннинг Бухоро, Навоий ва қашақадарё вилоятларига тарқалиш эҳтимоли бор.

Хоразм воҳасида муҳофаза қилишга молик бўлган қадимий селитеб ландшафтлар ҳам кенг тарқалган. Бу хилдаги селитеб ландшафтлар антропоген геосистемаларнинг асосий пойдевори ҳисобланиб, улар манбаларда Жонбосқалъа, Тупроққалъа,

Анқоқалға, Қалажиқ, Кичикқалғажиқ, Олмаотишган ва бошқа номлар билан аталиб келинади. Буларнинг вужудга келиш ва шаклланиш тарихи Хоразм антропоген воҳа ландшафтларининг вужудга келиш ва шаклланиш тарихи билан узвий боғлиқ.

Қадимий селитеб ландшафтлар дастлаб кичик-кичик қишлоқ ва шаҳар ландшафтлари сифатида мавжуд бўлиб, уларнинг ареаллари аста-секин кенгайиб борган. Кейинчалик селитеб ландшафтлар ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ҳамда босқинчилик урушлар натижасида бир неча бор бузилиб, харобаларга айланган ва улар ҳозирги кунда мадфун ландшафтлар сифатида сақланиб келинмоқда. Бу геокомпекслар қадимги маданият ва архитектура ёдгорликлари бўлиш билан бирга, ўзида минг йиллаб тарихга эга бўлган антропоген воҳа ва агроландшафтларнинг дастлабки структурасини, шаклланиш босқичларини ва динамик ривожланишини сир сақлаб келаётган ноёб палеоантропоген ландшафтлардир. Бинобарин, қадимий селитеб ландшафтларни комплекс тадқиқ этиш антропоген ландшафтшунослик ва археологиянинг бир қатор муаммоларининг ечимини топишда ва уларни муҳофаза қилиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим тарихий географик объект ва асосий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, табиатни муҳофаза қилишда табиий ландшафтларга қанчалик ғамхўрлик қилиш талаб этилса, антропоген ландшафтлар тўғрисида ҳам шунчалик ғамхўрлик қилиш талаб этилади. Чунки икки хил тоифадаги ландшафт комплексларидан ташкил топган геосистеманинг маконда бир-бирига ҳамоҳанг тарқалиши Хоразм вилояти ҳудудида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Дала шароитида амалга оширилган йирик масштабли ландшафт-типология карталаштириш шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси ва унга туташ бўлган ҳозирги ландшафтларнинг морфология структураси шунчалик даражада мураккаб тузилганки, уларни муҳофаза қилиш мақсадида қўлланиладиган барча чора-тадбирларни ишлаб чиқишда табиатнинг регионал ва маҳаллий хусусиятлари, табиий шароитининг ўзига хослиги, ҳар қайси фация ва урочишалар учун характерли бўлган табиий географик ҳодисалар ва бошқа механизмларни эътиборга олишни тақозо этади. Ана шуларга асосланган ҳолда биз табиий ва антропоген ландшафтларни муҳофаза қилишимиз, уларнинг соғломлигини сақлашимиз ва атроф муҳитда вужудга келган геоэкология вазиятни оптималлаштиришимиз мумкин.

Р. Парсон ўзининг «Природа предъявляет счёт» (1961) монографиясида эътироф этишича табиатни муҳофаза қилувчи биринчи навбатда табиат компонентларидан бирортасига заррача ўзгариш киритадиган бўлса, аввало у табиий муҳитнинг бир бутунлигини тушунган бўлишига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунинг учун у дастлаб табиий шароит ва ҳодисаларнинг таъсирини ўрганиб, сўнгра табиий ресурсларни муҳофаза қилиш йўллари танлаш керак. Шундай экан, табиий ресурслардан фойдаланишда, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш ва уни бошқаришда Е.В. Миланова ва А.М. Рябчиковлар (1979) таъкидлаганидек географик қонуниятларга ва унинг тамойилларига асосланиш мақсадга мувофиқдир.

А.А.Абдулқосимов, О.М.Қўзибоева

**Самарқанд Давлат университети, Қўқон Давлат Педагогика институти
КОНУССИМОН ЁЙИЛМА ЛАНДШАФТЛАРИНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШНИНГ
АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Табиатда мавжуд бўлган барча турдаги ва микёсдаги ландшафт комплекслар, жумладан Сўх конуссимон ёйилмаси ландшафтлари ҳам бир бутун ва мураккаб структурали табиий-антропоген ҳосила ҳисобланади. Турли таксономик микёсдаги ландшафт комплексларни мелиорациялашда уларнинг регионал хусусиятларини,

типологик белгилари, парагенетик ва парадинамик алоқадорликларини ҳисобга олиш каби принципларга асосланишни тақозо этади.

Ландшафт комплексларини мелиорациялашнинг регионал принципи. Табиатшунос олимлар табиатни ўзгартиришда дастлаб ҳар бир регионнинг табиий шароитини ҳисобга олиш зарурлигини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашган. Мутахассисларга тақлиф этиладиган мелиоратив чора-тадбирлар муайян регионнинг, қолаверса ҳар бир жойнинг табиий географик шароитини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Ландшафт комплексларининг регионал хусусиятларини мелиорация амалиётида анча вақтдан бери ҳисобга олиб келинишини алмашлаб экишни тўғри жорий этишда, тупроқларга ишлов беришда илғор агротехник қоидаларга риоя қилишда, экин майдонларига ўғит солиш каби тадбирларни зонал ва маҳаллий шароитга узвий боғлиқ ҳолда олиб борилишида кўриш мумкин.

Регионал комплекслар генетик жиҳатдан бир хиллиги, ҳудудий жиҳатдан яхлитлиги ва индивидуал структурага эга эканлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ландшафт комплексларини оптималлаштиришда қўлланиладиган мелиоратив чора-тадбирларни асослашда юқорида келтирилган мисоллардан ташқари уларнинг келиб чиқишини, ҳудудий яхлитлик белгиларини ва индивидуал структурасининг ўзига хослигини ҳам таҳлил қилиш ва эътиборга олиш керак. Бинобарин ландшафт комплексларни мелиорациялашда регионал принципни қўллашнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги тажрибаларда асосланган. Регионал принципга амал қилиш узок муддатли ва самарали мелиоратив системаларни вужудга келтиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ландшафт комплексларини мелиорациялашнинг типологик принципи. Типологик ландшафт комплекслари ўзининг ареалини тарқоқлиги, генетик жиҳатдан бир бутун эмаслиги, морфологик жиҳатдан ўхшашлиги каби белгилари ва хусусиятлари билан регионал ландшафт комплексларидан фарқ қилади. Типологик комплексларни жойларда ажратиш ва чегаралаш ландшафт карталаштириш асосида амалга оширилади.

Ландшафт комплексларини мелиорациялаш мақсадида тадқиқ этиш ва уларга доир лойиҳаларни тузишда типологик принципга амал қилиш жой типлари, урочиша типлари ва фация типларининг зонал, баландлик-геоморфологик ва литологик хусусиятларини ҳамда ландшафт структурасини ҳисобга олишни тақозо этади.

Ландшафт комплексларини мелиорациялашда парадинамик ва парагенетик алоқадорликларни ҳисобга олиш принципи. Ландшафт комплекслари билан мелиоратив системалар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг оптимал шароитини вужудга келтириш бевосита табиат комплексларининг парадинамик алоқадорлигини чуқур ўрганиш ва уни ҳисобга олиш билан чамбарчас боғлиқ. Мелиорациялаштирилган ландшафт комплекслари чегарадош табиий муҳит билан доимо динамик алоқадорликда бўлади. Бундай алоқадорликлар модда ва энергия оқимлари ёрдамида юзага келади. Табиий ва антропоген ландшафт комплексларини мелиорациялашда модда ва энергия алмашилиш жараёнини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шунини эътироф этиш лозимки, ландшафт комплексларининг ўзаро парадинамик таъсирини аниқлашга фақат модда ва энергия алмашилиш жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилиш йўли билан эришиш мумкин. Бундай тадбирларни амалга оширишда Ф.Н. Мильков (1980) томонидан асосланган парадинамик ландшафт комплекслари тўғрисида яратилган концепциясидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мелиоратив системаларни лойиҳалаштиришда ва яратишда парадинамик ландшафт комплексларининг элементларини ўзаро таъсир этиш характерини ҳам эътиборга олиш зарур.

Ландшафт комплексларини мелиорациялашда парагенетик алоқадорликни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Парагенетик геокомплекслар парадинамик системанинг

алоҳида бир тури ҳисобланади. Унинг моҳияти, хусусиятлари ва турлари Ф.Н. Мильков (1966), А.Ю. Ретеюм (1968), Н.А. Гвоздецкий (1979), А.А. Абдулқосимов (1977), К.А. Дроздов (1977, 1978), В.В. Козин (1979), В.Б. Михно (1984) ва бошқаларнинг илмий ишларида ақс эттирилган.

Ўзгартирилган ландшафт комплексларининг ёндош табиий комплекслар билан парагенетик алоқадорлиги ва парадинамик ўзаро таъсири барпо этилган сув омборлари, магистрал каналлар ва суғориладиган агроландшафтларда ўз аксини топган. Сув омбори ишга туширилиши билан атроф-муҳитга таъсир этиб парагенетик системани вужудга келтиради. Шу пайтдан бошлаб инсон хўжалик фаолияти таъсирида яратилган антропоген ландшафтлар бир томондан тўғри таъсир этиш майдонини вужудга келтирса, иккинчи томондан тескари таъсир этиш майдонини шакллантиради.

Барча турдаги ландшафт комплексларни мелиорациялаш уларнинг табиий географик компонентларига таъсир этиш йўли билан амалга оширилади. Ландшафт комплексларининг табиий хусусиятларига ва барқарорлик даражасига боғлиқ ҳолда мелиорацияни битта табиий географик компонентга ёки бир неча компонентларга таъсир этиш орқали ўтказиш мумкин.

Н.И.Сабитова

Национальный университет Узбекистана

**ПРОСТРАНСТВЕННАЯ МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ
ГЕОСИСТЕМ**

Из теории картографии известно, что карта - это уменьшенная модель реальной действительности на плоскости, построенная по определенным математическим законам, показывающих размещение, свойства и связи изучаемых объектов. А.М. Берлянд (1984), К.А. Салищев (1982), А.А. Лютый (1987) и др. определяют тематическую карту особым, единственным и уникальным средством познания, позволяющим одновременно обозревать, оценивать взаиморасположение ареалов изучаемых явлений и сопоставлять в пространстве их свойства, выявлять тенденции и закономерности изменения различных процессов. Особенность карты при ее использовании для научного описания, анализа и познания объясняется тем, что она одновременно выступает и в качестве формы и в качестве источника знания. Информация, содержащаяся в карте, извлекается не только через зафиксированных в знаках знаний о явлениях, их свойствах и признаках, но и через их пространственное размещение, рисунок то есть конфигурацию.

Выделение и картирование геосистем сложная задача. На правильно составленной карте, геосистемы мотивированы и увязаны с факторами, обуславливающими пространственную неоднородность природных объектов и явлений, из которых часто на первое место выступает рельеф. И это должна фиксироваться графически, а не только подразумеваться. На традиционно составляемых картах ландшафтные единицы не увязаны с рельефом. Целесообразно для решения данной проблемы использование топографических карт, на которой геометрическая форма горизонталей несёт огромную информацию о границах природных систем.

Для выделения границ геосистем, необходим простой методический прием предварительная подготовка горизонтали топографической основы для полевого картирования горных пород, растительности ландшафтов. Известно, что точность проведения границ, не обнаруживаемого визуально геосистем, зависит от выраженности форм земной поверхности. Масштаб плановой основы скрывает некоторые детали рельефа, вследствие чего закладываются нерепрезентативные, случайные для контура шурфы, которые затем дают некорректные аналитические

данные. Во избежаний последних нами используется однозначный и объективный критерий для выделения границ геосистем (горных пород, почв и ландшафтов). Это линия (морфоизграфа), которая проводится по точкам нулевой плановой кривизны горизонталей топографических карт (Метод пластики..., 1987). Точность и однозначность проведения линий нулевой кривизны позволила значительно повысить информативность топографической карты. На ней стали видны ранее скрытые от глаз детали конфигураций геосистем (рельефа, почвенных и геологических тел). В результате чего появился новый ранее не учтенный показатель- форма контура геосистем.

Карта пластики рельефа -это реальная морфологическая карта, на ней изображены две формы систем рельефа: выпуклости и вогнутости. Характер планового узора, отражаемый на карте, выявляет бассейны речного и подземного стока, и определяют для исследуемого масштаба литодинамические потоки, с которыми связаны естественные потоки грунтовых и подземных вод. Контурные природных объектов созданы силами гравитации и на карте должны иметь "гравитационный почерк" в виде потоков, которые образуют системы (геосистемы). Поточковые структуры и их генезис рассмотрены в работах А.Ю.Ретеюма (1974), В.А.Бокова (1977), а в дальнейшем И.Н.Степановым (1987).

Формы геосистем на картографических моделях (ландшафтной) выделяются по измеренным или определённым качественным признакам: положению в пространстве, морфологическим, генетическим, возрастным, геометрическим и т.д. Линия, при переходе через которую эти признаки или их показатели терпит разрыв, или испытывают максимальные изменение, представляет собой границу выделенной поверхности.

Фация, урочища, местности выделяемые нами на составленной ландшафтной карте - это геосистемы различного иерархического уровня существующее на определенной территории, т.е. геосистем, элемент и части систем. Впервые установлено, геосистемы в аллювиальных долинах имеют геометрическую форму в виде «луковиц» (Сабитова,2002). Иерархически складываясь меньший в большую они образует ее пространственную ландшафтную структуру.

Ландшафтные карты составленные традиционным методом и на основе карты пластики рельефа имеют достаточно большие отличия. Их анализ позволяет получить ряд новых научных гипотез, а также иметь интересный материал при решении практических задач. Например,они позволяют увидеть как микроскопические водные потоки когерентно самоорганизуются в ритмически повторяющиеся макроскопические аллювиальные толщи. Выделенные геосистемы (Сабитова, 2002) позволяют сформулировать принципиальную новизну, которая заключается в том что контурность характеризуется относительной величиной показывающей численные соотношения длин, площади и иных параметров как самих геосистем так и выпуклостей и вогнутостей рельефа, а также количественно связанного с ним тематического содержания (почв, растительности и т.д.).

Здесь каждая граница (геосистем, фации, урочища) приобретает особый смысл, так как с его помощью устанавливается взаимная связь и соотношение между всеми числами и геометрическими элементами (например, между выпуклостями и вогнутостями рельефа, между верхними и нижними частями потока и др.). Кроме того, в узорах потоков запечатлены механические и геохимические барьеры, участки равномерного, убыстренного и замедленного движения, места интенсивной аккумуляции веществ. Поточковые структуры – это векторные образы и процессы проявления на поверхности и в глубине литосферы, гравитации, результат ее многовековой деятельности.

Дифференциация ландшафтной структуры, на составляемых картах, отражается в мозаике геосистем, разных рангов и разных типов. Задачи ландшафтоведения состоит именно в том, чтобы познать закономерности их дифференциации, свойств, структур, функционирования, динамики и эволюции.

Список использованной литературы

1. Берлянд. А.М. Информация, которую даёт карта. Наука и жизнь, 1984, №6.
2. Боков В.А. Учение о симметрии и физико-географические объекты. Вопросы географии 104. Системные исследования природы. М., Мысль, 1974.
3. Лютый А.А. Язык карты, М, Знание, 1981
4. Метод пластики рельефа в тематическом картографировании. Пушино. ОНТИ НЦБИ АН СССР, 1987.
4. Ретеюм А.Ю. О факторах и формах упорядоченности пространства оболочки земли. Вопросы географии, 104. Системные исследования природы. М., Мысль, 1974.
5. Салищев К.А. Картография. М, Высшая школа, 1982.
6. Степанов И.Н. Формы в мире почв. М., 1986.
7. Сабитова Н.И. Научные основы морфогидрогеометрического метода при решении географо-гидрогеологических задач (на примере Узбекистана и прилегающих территорий). Ташкент. НУУз, 2002.

И.А.Хасанов

Национальный университет Узбекистана

МЕТОДИКА ОЦЕНКИ АРИДНЫХ ПРИРОДНЫХ ТЕРРИТОРИАЛЬНЫХ КОМПЛЕКСОВ ДЛЯ ЦЕЛЕЙ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Внедрение оценочных исследований в географию и разработку её теоретических и методических сторон проводили Д.Л.Арманд, Т.В. Звонкова, А.А. Минц, В.С. Преображенский, А.Г. Исаченко, Е.Б. Лопатина, О.Р. Назаревский, Л.И. Мукина. Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай, С.Е. Сальников, А.А.Рафиков, Ш.С.Закиров, И.А.Хасанов и др. В их работах достаточно четко определены основные понятия проблемы, их смысл и сущность, установлены значения ряда терминов, изложены схемы процесса получения оценок их формы выражения, принципы и методы некоторых конкретных видов оценок.

В последние годы в оценочных исследованиях в географии проводимых в Узбекистане мы не видим полноценную оценку, хотя в республике имеется опыт применения оценочных исследований в географии (Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.А.Рафиков, Ш.С.Зокиров, И.А.Хасанов и др.).

В связи с этим хотелось бы еще раз остановиться на основных принципах и методах оценочных исследований, особенно конкретных видов оценок на примере оценки аридных природно-территориальных комплексов (ПТК) для целей орошаемого земледелия. Поставленная нами задача решалась в несколько этапов:

1 этап – выявление взаимоотношений между аридными ПТК (природной средой) и орошаемым земледелием. В данном этапе рассматриваются требования орошаемого земледелия к природной среде и устанавливается характер того воздействия, которое орошение оказывает на ПТК.

2 этап – выявление и картографирование ПТК. Основным объектом оценки служат не отдельные компоненты природной среды, а ПТК объективно отражающие природные потенциалы территории. В связи с этим, выявление, картографирование и всестороннее изучение ПТК считаем важнейшим (начальным) этапом исследования пригодности и степени благоприятности природных условий территории с точки зрения орошаемого земледелия. Результат этого этапа исследования – карта ПТК. Это

необходимая картографическая основа оценки, по ней можно судить о характере и пространственном распределении ПТК. Она содержит разнообразную информацию об особенностях ПТК и об его наиболее существенных компонентах.

3 этап – исследование современного использования аридных ПТК в сельском хозяйстве и их мелиоративное состояние. Такой анализ позволяет раскрыть картину хозяйствования, даёт возможность выявить современное мелиоративное состояние земель, степень оптимальности учета всех специфических особенностей ландшафтов, знание которых необходимо в оценочных исследованиях.

4 этап – анализ важнейших факторов, определяющих мелиоративное состояние ПТК. При оценке ПТК для целей орошаемого земледелия необходимо учесть все свойства ландшафтов, существенные для способа земледелия. Они складываются из следующих разнохарактерных факторов: литолого-геоморфологических, гидролого-гидрогеологических, почвенно-климатических, сочетание которых обуславливают формирование тех или иных мелиоративных условий. Как показывает анализ в аридных условиях рельеф и литология считаются ведущими факторами, определяющими качества ПТК и их пригодность для орошаемого земледелия.

5 этап – разработка методов оценки природных факторов с точки зрения орошения. Данный этап начинается с отбора показателей, по которым оцениваются факторы определяющие мелиоративное состояние ПТК. Синтез данных по выбранным (этим) показателям для целей орошения даёт объективную информацию для выявления возможности или сложности освоения ПТК. Поэтому одним из основных этапов оценочных исследований должен быть подбор показателей, по которым оцениваются природные факторы, разработка оценочных шкал по показателям соответственно с требованием решаемых задач и разработки содержания карт, характеризующих основные параметры природно-мелиоративных условий.

Оценка каждого показателя и их обобщение является основной для интегральной оценки ПТК.

6 этап – оценка ПТК как целостных систем (интеграция частных оценок). Это наиболее важная и сложная часть в методике оценки ПТК с точки зрения орошаемого земледелия. Её дают путем сравнения и объединения многих поэлементных оценок на базе стеки ландшафтных контуров.

Прежде чем приступить к оценке ПТК как целостность систем, необходимо выяснить пригодность их для целей орошаемого земледелия. Указания на это содержатся в легенде ландшафтной карты. Изучения и анализ её даёт возможность выявить ограничивающие ведение орошаемого земледелия свойства ландшафтов и наиболее существенные их компоненты. По ним выделяются группы пригодности аридных ПТК.

По пригодности для орошаемого земледелия аридные ПТК объединены нами в три группы: непригодные для орошения, выборочно пригодные и пригодные. Эта дифференциация основана прежде всего на литогенных признаках, в значительной степени определяющих гидрогеологические и почвенные процессы, динамику физико-географических и геохимических процессов, тенденции их развития под влиянием антропогенных и техногенных факторов. Учитывается также возможность освоения целинных земель под орошаемое земледелие при существующих экономических условиях и уровне развития сельскохозяйственного производства, мелиоративном состоянии освоенных массивов и тенденции их развития под влиянием орошения.

После установления пригодности ПТК для орошаемого земледелия целесообразно приступить к их классификации по степени сложности. Однако из ландшафтной карты нельзя извлечь информацию, необходимую для такой классификации. В её легенде не отражены те показатели, которые дали бы возможность выявить все существенные для

орошаемого земледелия свойства ПТК. В связи с этим мы на основе сетки ландшафтных контуров произвели всестороннюю комплексную характеристику пригодных для орошаемого земледелия ПТК по этим показателям. Результаты показали, что некоторые ПТК имеют одинаковые условия применительно к решению поставленной нами задачи, поэтому они были сгруппированы по типам, или «ландшафтно-мелиоративным комплексам» (ЛМК).

Внутри одного ПТК также выявлено различное сочетание природных факторов мелиоративного значения (показателей, раскрывающих качество ПТК для орошаемого земледелия), что вызвало необходимость внутреннего расчленения их; каждая часть представляет собой самостоятельный тип. Таким образом, путём объединения, а в отдельных случаях дробления ПТК на основе сходных свойств с точки зрения требований орошаемого земледелия выявлены ландшафтно-мелиоративный комплексы. Они являются – основным объектом картографирования в данном этапе и служат исходными территориальными единицами оценки.

Основная сущность оценки ЛМК – сопоставление свойств их с требованиями орошаемого земледелия. Оценку ЛМК можно определить как классификацию их свойств по степени сложности для орошения.

Для определения степени сложности пригодных орошению ЛМК на основе сочетаний частных оценочных шкал по показателям мелиоративного значения разработана общая шкала степени сложности и критерии сложности основных природных факторов: рассмотренные отдельные показатели сведены в специальную оценочную таблицу, в которой количественные и качественные характеристики образуют градации оценки.

Используя эту таблицу, можно провести оценку степени сложности ЛМК аридной зоны с точки зрения орошаемого земледелия.

При этом целесообразно каждый ЛМК отнести к категории сложности, выраженной в словесной форме: «простая», «осложнённая», «среднесложная», «сложная» и «очень сложная». Устанавливая принадлежность ЛМК к той или иной группе сложности, следует учитывать также результаты анализа и синтеза данных количественной и качественной характеристики ЛМК по важнейшим природным факторам мелиоративного значения, при этом особое внимание уделять значимости каждого фактора для орошаемого земледелия.

У.К.Абдуназаров

Национальный университет Узбекистана

**ПАЛЕОГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИЗУЧЕНИЯ ПОГРЕБЕННЫХ ПОЧВ
ЛЕССОВЫХ ТОЛЩ ПРИТАШКЕНТСКОГО РАЙОНА**

Формирование современных ландшафтов теснейшим образом связано с историей их становления. Богатую, достоверную информацию об этом может представить детальное, комплексное изучение почвенного покрова- важнейшего компонента ландшафта, являющегося «зеркалом ландшафта». Изучение почвенного покрова с точки зрения «почва-момент» и «почва-память» даёт возможность понять многие свойства и особенности современных ландшафтов - наиболее важную часть природных ресурсов. Вместе с тем исключительно важное значение имеет также и изучение древних почв разных геологических эпох, позволяющих восстановить эволюцию становления как современных, так и древних ландшафтов. В этом плане богатую информацию может представить изучение лессовых толщ с горизонтами древних, погребенных почв, которые широко распространены в пределах Приташкентского района. Выявлено, что в лессовых толщах района присутствуют несколько горизонтов

погребенных почв, имеющих стратиграфическое и палеогеографическое значение (Степанов, Абдуназаров, 1977). Впервые погребенные почвы в лессах Приташкентского района были выявлены Ю.А.Скворцовым (1961). Однако он связывал их происхождение с залегающими под ними галечниками и конгломератами, отрицая возможность самостоятельного, неаллювиального накопления лессового материала. Это привело к отказу от возможностей применения погребенных почв в лёссах для стратиграфических и палеогеографических целей. Попытки изучения погребенных почв Таджикистана, Казахстана другими исследователями также не увенчались успехом, так как большинство геологов считали, что погребенные почвы в лессах Средней Азии - явление случайное, не связанное с оро-климатическими этапами; кроме того они очень слабо выражены в толщах лессов, поэтому их выделение и систематизация невозможно.

Однако бурное развитие палеогеографии и блестящий опыт применения погребенных почв для стратиграфии лёссов Украины, Русской равнины и Западной Сибири служили толчком для дальнейшего изучения погребенных почв Средней Азии. В.Б.Гусак, Я.Насыров, Ю.А.Скворцов (1961) из одиннадцати шурфов, заложенных на террасах нанайского и ташкентского циклов в долине р.Чирчик, в семи зафиксировали и изучили четко выраженные погребенные почвы, различающиеся по окраске и структуре. Н.И.Кригер в 1965 г. в Приташкентском районе (с. Кумышкан, долина р. Паркент) обнаружил в лёссах три-четыре горизонта примитивных погребенных почв. А.А.Лазаренко и В.И.Громов (1970) близ с.Паркент выделяют серию различных по свойствам погребенных почв и отмечают несоответствие их возраста (по данным археологических находок) с возрастом террасового уровня. Г.А.Мавлянов, А.М.Худойбердиев, М.Ш.Шерматов (1972) в лёссах ташкентского цикла близ города Чирчик обнаружили три погребенных почвенных горизонта толщиной от 2 до 4 м, желтовато-серого цвета, плотного сложения, с червеобразной комковатой структурой. В.И.Елисеv (1973) в районе г. Ташкента в лёссах мощностью до 25 м находит пять горизонтов погребенных почв. На основании археологических и абсолютных датировок он указывает, что лёссы ташкентского комплекса являются не только среднелепистоценовыми, как считают многие геологи, но и верхнелепистоценовыми.

В Приташкентском районе выполнен ряд почвенных, геологических и геоморфологических работ с целью выявления связей современных и погребенных почв с ярусностью рельефа в предгорной зоне. Исследованиями было выявлено, что на склонах гор и на плато современные коричневые и сероземные почвы часто замещаются погребенными почвами различного возраста. Слабая изученность последних иногда создаёт путаницу, при которой даже опытный почвовед не может отличить современную почву от древней, вышедшей на дневную поверхность в результате недавних денудационных процессов или не может отличить в почве современные признаки от реликтовых.

Современные сероземные и коричневые горные почвы формируются не только на склонах, но и на ровных поверхностях террас. Так как поверхности террас имеют различный возраст, то и развитие на них почвы должны иметь существенные различия.

Почвы молодых террас и склонов южной, а также восточной экспозиции имеют малую мощность (30-50 см), высокую карбонатность с глубины 20-40 см, содержание гумуса до 2 %, слабо дифференцированный профиль со щебнем и галькой.

Коричневые почвы с развитым профилем обычно находятся на более высоких террасах ташкентского эрозионно-аккумулятивного цикла и на плоских вторичных водоразделах. Они имеют ясно выраженный двучленный профиль: верхние 60-120 см темноокрашенные, структурные (орехово-зернистые), бескарбонатные суглинки по четкой прямой линии переходят в карбонатные палево-серые лёссовые породы.

Глубина залегания карбонатов обычно связывается со степенью выщелачивания их из верхних горизонтов атмосферными осадками. По этому признаку почвы делятся на подтипы: слабо-, средне-, (типичные), и глубококарбонатные (или выщелочные). Однако, в большинстве случаев верхняя бескарбонатная толща генетически не связана с нижележащей, которая представляет собой выходы древних лёссов и шохов. По этой причине граница между бескарбонатной и карбонатной толщами прямая, чёткая, а при внимательном рассмотрении она оказывается денудационной линией.

Обычно на горных склонах современная почва лежит с незаметным контактом на относительно молодых (голоценовых) карбонатных слоях, создавая впечатление генетически однородного тела. Но часто близко к дневной поверхности залегают древние почвы сохранившие в течении тысячелетий коричневую окраску и ореховатую структуру, что приводит к ошибочным заключениям об их современном генезисе.

Сравнение современных почв с древними погребёнными почвами показывает, что последние по мере увеличения их возраста становятся более структурными, глинистыми и приобретают буроватую окраску, в подстилающих их суглинках появляются карбонатные конкреции, размеры которых увеличиваются по мере увеличения возраста слоя; меняются с возрастом и формы конкреций. Все эти признаки позволяют различать древние погребенные почвы одни от другой по возрасту в вертикальном разрезе лессовой толщи. Таким образом, изучение разновозрастных почв Приташкентского района, одного из орографических частей Тянь-Шаня даёт богатый палеогеографический материал для восстановления эволюции развития ландшафтов региона.

Литература

1. Гуссак В.Б., Насыров Я.М., Скворцов Ю.А. Почвообразование на лессовых аккумуляциях разного возраста и плодородие сероземов. Т., «Фан», 1961. 161 с.
2. Елисеев В.И. О происхождении лёссов Средней Азии и Казахстана. Бюлл комиссии по изучению четвертичного периода. М, 1973. № 40. с 52-68.
3. Кригер Н.И. Лёсс, его свойства и связь с географической средой. М., «Наука», 1965. 296 с.
4. Лазаренко А.А., Громов В.И. Находка палеолитического отщеп в отложениях Ташкентского комплекса в районе г. Пскент. В кн. Труды международного симпозиума по литологии и генезисы лёссовых пород. Т.1. Ташкент, 1970, с. 233-237.
5. Мавлянов Г.А., Худойбердиев А.М., Шерматов М.Ш. Инженерно-геологические условия г. Чирчик. Т., «Фан», 1972, 123 с.
6. Степанов И.Е.Н., Абдуназаров У.К. Погребенные почвы в лёссах средней Азии и их палеогеографическое значение. М., «Недра», 1977, 120 с.

Х.Ваҳобов, Н.Алимқулов, Н.Рисбаева

Тошкент Давлат Педагогика университети

**АРИД ХУДУДЛАР ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ**

Жаҳон мамлакатларининг анчагина қисми арид ҳудудларда жойлашган. Маълумки мазкур ҳудудларнинг асосий хусусиятларидан бири ҳаво ҳароратининг юқорилиги, ёгин миқдорининг камлиги ҳамда сув ресурсларининг танқислигидир. Арид ҳудудларда хўжаликни, айниқса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сунъий сув ҳавзалари қурилади ва катта майдонларда қишлоқ хўжалиги суғориш асосида ривожлантирилади. Бу эса ландшафт-экологик шароитни кескин ўзгартириб юборади.

Шунинг учун арид худудларда ландшафт-экологик шароитнинг шаклланиши, ривожланиши ва ўзгариши муаммоси билан қатор олимлар шуғилланишган: А.Г.Бабаев, И.П.Герасимов, М.А.Глазовская, В.А.Ковда, А.С.Кесь, Н.А.Солнцев, Н.Т.Кузнецов, Э.М.Мурзаев, М.П.Петров, Б.А.Федарович, В.А.Николаев, А.Г.Исаченко, Н.А.Гвоздецкий, Ф.М.Мильков, В.М.Чупахин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, А.А.Рафиқов, А.А.Абулқосимов, Л.А.Алибеков, А.Нигматов, И.Хасанов, Ш.Зокиров ва бошқалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида арид ва бошқа худудларнинг катта миқёсда ўзлаштирилиши натижасида янги маданийлашган ва ўзгарган ҳамда бузилган ландшафтлар вужудга келди. Бу эса антропоген ва техноген ландшафтларнинг вужудга келишига олиб келди. Ўз навбатида ушбу даврда ландшафтшуносликда янги-янги тушунчалар шаклланди, масалан, антропоген ландшафтлар, техноген ландшафтлар, агроландшафтлар, суғорма деҳқончилик ландшафтлари, лалми деҳқончилик ландшафтлари, гидроген ландшафтлар, селитеб ландшафтлар, беллигератив ландшафтлар, ландшафт-экологик шароит, ландшафт-экологик шароитни баҳолаш ва башорат қилиш ва ҳ.к.

Арид геотизимлар табиий ва антропоген қисмлардан иборат бўлган мураккаб, узоқ ёки қиска давом этувчи жараёнларнинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади ва ривожланади. Арид худудларнинг ландшафт-экологик шароити чўллашиш жараёни таъсирида ўзгаради. Чўллашиш охириги 20-30 йил ичида жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлиб қолди, чунки ФТИ таъсирида инсоннинг табиатга таъсири юқори суръатларда олиб борила бошланди. Ландшафтларнинг барча таркибий қисмлари чўллашиш жараёнига тортила бошлади. Жаҳонда 120-130 та давлат чўллашиш жараёнидан бевосита ва билвосита зарар кўрмоқда (Гельдиева, 1992). В.А.Ковда (1984) маълумотига биноан дунёда чўллашиш жараёнининг тезлиги йилига 25 минг км² ни ташкил қилади. Чўллашиш жараёни инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида аллювиал ва аллювиал-дельта текисликларини ҳам қамраб ола бошлади. Хўжаликнинг тўхтовсиз олиб борилиши, суғориш ишларини дренажсиз амалга оширилиши натижасида ландшафтларнинг шўрланиши катта майдонларда содир бўлмоқда В.А.Ковда (1984). Г.В.Гельдиева (1992) фикрича, «чўллашиш» термини география фанида яқинда пайдо бўлиши муносабати билан, унинг мазмуни ва моҳияти турлича талқин қилинади. А.В.Чигаркин (1979) қурғоқчилик ва ер ресурсларидан нотўғри фойдаланишнинг уйғунлиги деб тушинса, В.М.Баровский, Н.Т.Кузнецов (1979) эса чўллашиш жараёнини фақат инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлайди.

Н.Г.Харин ва М.Петров (1977) чўллашиш деганда арид ва семиарид худудлардаги табиий географик ва антропоген жараёнлар уйғунлигини тушунишади. Мазкур жараёнлар ушбу худудларда экотизимларнинг бузилиши ва органик ҳаётнинг барча шаклларининг емирилиши тушинилади. Б.Г.Розанов ва И.С.Зонн (1981) бўйича чўллашиш – бу экстримал ҳолатларда биосферанинг имкониятларини тўла емирилишига олиб келадиган ва худудни чўлга айлантирадиган қурғоқчил худудларнинг аридлашишига ва биологик маҳсулдорликни камайтирадиган тупроқ ва ўсимлик копламининг қайтарилмас ўзгаришидир.

Деярли барча олимларнинг фикрича чўллашиш жараёни табиий ва антропоген омиллар таъсирида содир бўлади.

Демак, чўллашиш деганда табиий (қурғоқчилик) ва антропоген омиллар таъсирида ландшафтларда содир бўладиган ўзгаришлардир. Чўллашиш таъсирида ландшафтларнинг морфологик тузилиши ўзгариши мумкин ва ландшафтларнинг маҳсулдорлиги кескин камайиб кетади.

Жуда кўп олимлар тамонидан охирги пайтларда ландшафт-экологик шароит, ландшафт-экологик таҳлил, ландшафт-экологик ёндошиш тушунчалари ишлатила бошланди (В.М.Чупахин, Г.В.Гельдиева, В.Н.Николаев ва бошқалар).

В.М.Чупахин (1990) тамонидан чўллашишга қарши курашнинг ландшафт-экологик ёндашиши ишлаб чиқилди. Бундан ташқари у чўллашиш жараёнини асосий индикаторларини аниқлаган. Т.В.Гельдиева ва бошқалар (2004) тамонидан Сирдарё водийсида чўллашишга қарши кураш схемасини ландшафт жихатдан таъминлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Т.В.Гельдиева, Р.В.Плохин, Веселоваларнинг Қозоғистоннинг дашт ва чўл зоналарнинг ландшафт-экологик шароитини ўрганиш бўйича жуда муҳим ишларни амалга оширишган. Ландшафт-экологик шароит бўйича А.Г.Исаченко, В.Н.Николаев, Ф.Н.Мильков ва бошқалар катта ишларни амалга оширишган. Аммо ландшафт-экологик шароит, ландшафт-экологик таҳлил, ландшафт-экологик ёндашиш тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти бўйича аниқ фикрлар мавжуд эмас. А.Г.Исаченко (2000) тамонидан ландшафтларнинг экологик имконияти тушунчаси ишлаб чиқилган. Ландшафтларнинг экологик имконияти 20 баллик тизимда баҳоланган. Бунда ландшафт имкониятининг асосий кўрсаткичи сифатида термик коэффициент олинган. Текисликларда термик коэффициент 0-42 гача олинган. Термик коэффициент миқдорига қараб қуйидаги ландшафт имкониятлари ажратилган: ўта юқори, нисбатан юқори, ўртача, паст, жуда паст, экотермал. Ландшафт имконияти деганда А.Г.Исаченко одам ва органик ҳаётнинг яшаши учун шароити етарли бўлган табиий-худудий комплексларни тушунади.

Ландшафт-экологик таҳлил тушунчасининг ҳам аниқ мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилмаган. В.М.Чупахин (1990) фикрича ландшафт-экологик таҳлилда табиий ва антропоген омиллар биргаликда таҳлил қилинади. Чўл ва чала чўл шароити учун А.А.Рафиқов тамонидан табиий-мелиоратив шароитни баҳолаш ва башорат қилиш мезонлари ишлаб чиқилган. Мазкур тадқиқотлар Мирзачўл мисолида амалга оширилган. Бундай ишлар Қарши чўли учун И.Хасанов тамонидан амалга оширилган. Қизилқум чўли бўйича ландшафт-экологик тадқиқотлар А.А.Абулқосимов, ва С.Б.Аббосовлар тамонидан амалга оширилган. Арид худудларда чўллашиш жараёнини башорат қилиш соҳасида қуйидаги тушунчалар ишлаб чиқилган (В.М.Чупахин,1990): табиий шароитни амалий мақсадларда таҳлил қилиш; ландшафтларни экологик оптималлаштириш; чўллашишнинг ландшафт-экологик башорати; хўжаликни комплекс ривожлантиришнинг ландшафт-экологик талаблари ва ҳ.к.

Текисликларда асосан қишлоқ хўжалик ишлари олиб борилганлиги учун агроландшафтлар вужудга келади. Агроландшафтларнинг шаклланиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги бўйича Ф.Н.Мильков (1984), Л.И.Куракова (1986), В.А.Николаев (1982), В.М.Чупахин (1990), Х.Вахобов ва Ш.Досанова (1999) ва бошқалар тадқиқот олиб боришган.

Арид худудлардаги тоғли ўлкаларда чўллашишга қарши курашнинг ландшафт-экологик асослари В.Н.Чупахин (1990) тамонидан ишлаб чиқилди. Мазкур муаммо ЮНЕСКО тамонидан ҳам олиб борилган (лойиха № 6-«Тоғ ва тундра экотизимларига инсон фаолиятининг таъсири»). Тоғ худудларининг чўллашишини ўрганиш ва баҳолаш ҳамда унга қарши курашишнинг қуйидаги асосларини В.М.Чупахин (1990) таклиф қилган: мунтазам кузатишларни ташкил қилиш ва ривожлантириш асосида табиий жараёнларнинг ўз-ўзини бошқариш қонунларини тадқиқ қилиш; баландлик ландшафт комплексларини турли хил техноген таъсирларга барқарорлигини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини башорат қилиш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг биологик асосларини тадқиқ этиш; йирик масштабли лойиҳалар амалга оширилаётган худудларда минтақавий ва таҳлилий ландшафт-экологик башоратларни амалга ошириш; рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш.

Шундай қилиб, нашр қилинган адабиётлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида ландшафт-экологик шароитнинг мазмунини куйидагича талқинини беришимиз мумкин. *Ландшафт-экологик шароит деб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг яшаши ва фаолиятини ҳамда турли хил хўжалик ишларини олиб боришни таъминлай оладиган табиий-худудий тизимга айтилади.*

Ландшафт-экологик шароитнинг кўрсаткичлари турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир ландшафтнинг ўзи табиий географик шароитга кўра турли хил кўрсаткичларга эга бўлган худудлардан иборат бўлиши мумкин. Шунинг учун дашт, чўл, чала чўл, тоғ ландшафтлари турли хил табиий шароитлардан иборат бўлган табиий-худудий тизимлардан иборат бўлади.

А.Зайнутдинов, А.Соатов

Ўзбекистон Миллий университети ҚИЗИЛЖАРСОЙ ЛАНДШАФТЛАРИ

Қизилжарсой Чорбоғ дала-амалиёти ўтказиладиган база яқинидаги табиий система мукамал намоён бўлган, табиий географик компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқ кўриниб турган, табиий географик ва геологик жараёнларнинг кичик ландшафт бирликларга кучли таъсир кўрсатиши яққол кўриниб турадиган худуд сифатида бошқа ён-атрофдаги сойлардан ажралиб туради.

Сой Угом ва Писком дарёлари Q_2^3 даврига қарашли Сижжак террасасининг ғарбий ёнбағридан бошланиб, ғарбга 4-4,5 км масофага оқиб бориб, Хумсон қишлоғи чеккасидан 1 км жанубда Угом дарёсига қуйилади.

Фақат шу сойлик юқори оқимида узокдан яхши кўриниб турадиган, қалинлиги 6-10 метрли қаттиқ цементлашган конгломерат баъзан конглобрекция ер юзасига чиқиб етади. Конгломерат тагида кучли юза эрозияси, нураш ва гравитацион оғирлик таъсирида қалинлиги 10-30 см дан 2-8 метргача тош-тупроқли деллювиал ётқизик ҳосил бўлган.

Сой водийсининг чеккасидаги сувайирғичлардан кенглик бўйича чўзилган усти турли қалинликдаги лёсс тоғ жинслари билан қопланган Q_2^4 даврининг Қизилсув террасаси юзаси жойлашган. Қизилсув террасасининг юзаси кенг (500-1500 метргача) ва текис, ғарбга $6-12^0$ қия, ўрта ва чеккалари сув эрозияси туфайли 2-8 метргача ўйилган бўлиб, алоҳида кичик тепалар юзадан ажралиб туради. Сои Қизилсув терраса юзаси ҳосил бўлган даврдан шу давргача водийнинг юқори қисмини 100-120 м, ўрта қисмини 120-150 м, қуйи қисмини 150-180 метрдан ортиқ (неоген-тўртламчи давр ётқизикларини) ўйган ва ассиметрик кўринишдаги водий ҳосил қилган.

Водийда 3 та экспозиция бор; улар бир-биридан геологик-географик жараёнлар у билан боғлиқ ландшафтлар тизимининг хилма-хиллиги бўйича ажралиб туради. Жанубий ёнбағирда қалин жигарранг тупроқлар устида ҳар хил ўтлар орасида бутазорлар ландшафт хили тарқалган. Ғарбда юпқа тожли жигарранг тупроқлар устида арчазор ландшафт хили ривожланиб таркиб топгандир.

Ушбу ландшафтлар кичик морфологик қисмларининг (жой, урочишче, фация) кўриниши, тарқалиши, сони, майдони ёнбағир бўйлаб ҳам хилма-хилдир. Морфологик бирликлар табиий географик комплекснинг вертикал компонентлар структураси: тоғ жинслари, рельефи, ҳаво хусусиятлари, ички сувлари, тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот оламининг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирида таркиб топган.

Водийда табиий кучлар турли жараёнларнинг ўзаро таъсирига ва мувозанатига таъсир кўрсатиб қолмай, балки экспозицияга боғлиқ ҳолда турлича кечади ва кичик морфологик бирликларни ҳосил бўлишида фаол иштирок этади.

Жанубий ёнбағир табиий географик комплексларидаги географик жараёнларнинг фаоллиги, тури фаслларга боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Табиий географик жарёнларга айниқса Қуёш энергияси таъсир этади. Қишнинг айрим Қуёшли кунларида ер юзасидаги қор тез эриб, совуқ таъсирида тоғ жинслар ичидаги нам музлаб, совуқдан нурашни кучайтиради. Кечаси совуқ, кундузи илиқ бўлганидан совуқдан нураган жинслар гравитацион куч таъсирида нам юзада ўзини оғирлигини тутиб туролмай, пастга қулашидан тошли уюм ҳосил қилади, нураш маҳсулотларининг кўпчилиги ўзангча етиб келади. Баҳорда қорнинг тез эриши ва ундан ҳосил бўлган сувлар юза ювишини тезлаштиради. Натижада юзадаги майда жинслар ювилиб, уларнинг тагидаги неоген тоғ жинсларини очилиб қолишига сабаб бўлади. Неоген ётқизиклари қизил ранг юпқа деллювиал ётқизикдан кўриниб туради. Ёзда кучли буғланиш, намнинг камлиги, жигарранг тупроқларнинг кучли ювилганлигини ривожланишига имкон бермайди, шунинг учун ёнбағир ўтлар билан қоплангандир. Ўт ўсимлиги билан қопланиш қалинлиги 20-50 % дир. Ўт ўсимликларининг сийрак бўлишига Қуёш энергиясидан ташқари, қорва моллари ҳосил қилган ёнбағирга параллел сўкмоқлар ҳам сабабчидир.

Ёнбағирда гилли субстрат қалин ерлари ва ер ости сувлари билан намланиб турадиган майдонлар ўзига хосдир. У ерларда ўт ўсимлиги қалин, турларга бой, турли баландликда, баъзи ерларда бута ва тўқай ўсимлиги учрайди.

Жанубий ёнбағирда табиий географик комплекслар катта майдонларни эгаллаган бўлиб секин ўзгаради. Қадимги сурилмалар бор жойда сойнинг юқори қисмида фация ва урочишчелар сони кўп, майдони тез-тез ўзгариб туради.

Шимолга қараган қабарик ёнбағир юқоридаги кўринишга тамомила тескаридир, яъни дашт, ҳар хил ўтлар орасида бутазорлар табиий географик комплекси таркиб топган.

Ландшафт комплекс турлари, уларнинг компонентлари структураси ва геологик-географик жараёнлари таркиб топишида ва ривожланишида ёнбағирнинг шимолга қараганлиги, чуқур ўйилганлиги асосий омилдир. У билан боғлиқ Қуёш энергиясидан тўғри радиациясини ер юзасига кам таъсир кўрсатишидир. Айниқса Қуёш экватордан жанубий тропик томонига ўтганда. Қуёш нурини тушиш бурчаги 50^0 дан $26,5^0$ гача камайган вақтида ёнбағирга иссиқлик энергияси кам таъсир қилади. Шимолий ёнбағирда қорни узоқ туриши, қалин бўлиш, қорсиз даврда тупроқда нам кўплиги қалин ўтлар билан қопланиши, шамол олиб келадиган чанглари қор ва ўтлар орасида аста-секин тўпланиб, вақтда, маконда улардан турли қалинликда лёсс ва лёссимон тоғ-жинслари ҳосил бўлади. Қалин «соз тупроқ» устида сурилмалар кўпдир. Сурилма ва унинг орасидаги кичик сурилма, қолган ерлар кичик табиий географик комплексни жой морфологик бирлигини ҳосил қилгандир. Сурилма турли ёшда, ҳозир ҳам ҳосил бўлмоқда. Ҳар бир жойда (местностда) 3-4 донна манзил (урочишче) ҳосил бўлгандир. Ҳар бир урочишчеда 6-15 тур фация бордир. Фациялар сони сурилманинг ёшига, майдонинг катта-кичиклигига ва ер ости сувларининг сурилма ичидаги фаолиятига боғлиқдир.

Ғарбий ёнбағирда арчазор табиий географик комплекси таркиб топгандир. Арчазор адир минтақада фақат шу сойнинг юқори қисми қалин ҳолда ўсишига сабаб, тепадаги кангломератлардан тўкилиб тушган тошлардир. Бу табиий географик комплекснинг кичик морфологик бирликларни ғарбий ёнбағирда жойлашишида литологик омил асосий ўрин (роль) ўйнайди. Тепадан пастга кангломерат қавати усти лёссли, конгломератли, пастки қисмида тош-шағал-қум, гилли юпқа деллювиал ёнбағир ажралиб туради. Геологик-географик жараёнлар ҳам литологияга боғлиқ ҳолда жой (местност) табиий географик кичик морфологик бирлиги таркиб топгандир. Урочишче ҳосил бўлишида, сойнинг тепа қисми бўлган учун сувнинг чуқурлатиш эрозияси, фаол

нураш, гравитацион ва юза ювилишига боғлиқдир. Фация ҳосил бўлишида юқоридаги омилларнинг қайси бири фаол бўлса, ўша ерда, фациялар сони кўпаяди.

И.Х.Жанкобылов

**Каршинский Национальный университет
ЛАНДШАФТНО - ГЕОИНДИКАЦИОННЫЕ ПРИЗНАКИ
НЕФТЕГАЗОНОСНЫХ СТРУКТУР ДЕНГИЗКУЛЬ –ХОДЖИХАЙРАМСКОГО
ДУГООБРОЗНОГО ПОДНЯТИЯ**

С целью определения дешифровочных признаков глубинного строения новейших тектонических элементов на многозональных космоматериалах и влияния их на процессы миграции и скопления углеводородов было проанализировано более 35 комплектов МДС, охватывающие Денгизкуль –Ходжихайрамского поднятия.

В процессе определения ландшафтно-геоиндикационных признаков нефтегазоносных структур применены корреляционный метод. В процессе корреляции использованы различные картографические материалы: фрагмент карты линеаментов и кольцевых структур Узбекистана (Баязитов, Глух и др. , 1985), фрагмент космоструктурной карты БХНГО по данным интерпретации результатов дешифрирования КАТЭ, многозональных КС МКФ-6М (Азимов и др., 1990), ландшафтная карта бассейна р. Кашкадарьи (Жанкабылов 1993), фрагмент геологической карты Узбекистана (Хамрабоев и др., 1982), литологическая карта Кашкадарьинской долины (Мавлянов и др., 1982) и др. фрагмент карта линеаментов и кольцевых структур Узбекистана (Баязитов, Глух и др. , 1985), фрагмент космоструктурной карты БХНГО по данным интерпретации результатов дешифрирования КАТЭ, многозональных КС МКФ-6М (Азимов и др., 1990), ландшафтная карта бассейна р. Кашкадарьи (Жанкабылов 1993), фрагмент геологической карты Узбекистана (Хамрабоев и др., 1982), литологическая карта Кашкадарьинской долины (Мавлянов и др., 1982), фрагмент геоморфологической карты Узбекистана (Пословская и др., 1982), фрагмент структурно-геоморфологической карты Узбекистана (Туляганов, 1977), схема неотектонической карты юго-восточной части БХНГО (Ефимцев, 1969), карта неотектоники Узбекистана (Давлятов и др., 1982) и др.

Исходя из вышепоставленной задачи возникает вопрос «Имеют ли определяемые ландшафтно-геоиндикационные признаки контролирующее значение в процессах миграции и скопления углеводородов, если да, то какова их роль?». Из опыта нефтегазопоисковых работ известно что, во первых, процессы миграции и скопления углеводородов тесно связаны с неотектоническими и современными движениями, создающими вид ландшафта. Во-вторых, наиболее чувствительными элементами ландшафта к современным движениям являются внешние его компоненты. Учитывая эти факторы при исследованиях мы особое внимание уделяли космоструктурным элементам, обусловленным новейшими тектоническими движениями и ярко прослеживающимися компонентами (рельеф, почвы, гидросеть, геологический субстрат) ландшафта. В процессе определения ландшафтно-геоиндикационных признаков нефтегазоносных структур мы основное внимание уделяли к известным месторождениям нефти и газа и их ландшафтных особенностей. Комбинирование ландшафтного и структурного дешифрирования позволило нам проследить 25 КСт, одну и две зоны линеаментов. Полученные результаты предварительной интерпретации на основе анализа комплексирования оконтуриванных КСт и линеаментов, выражаются в ландшафте изучаемой территории следующим образом. Космоструктура дешифрируется на МДС от темно-серого до светло-серого

фототонами и выделяются от других природных образований в виде дуги (более чем 200 км) между месторождениями Денгизкуль-Ходжихайрам. Выпуклая часть обращена на юг и юго-восток. На северо - западе космоструктура обрывается Алатским разломом. В целом, в плане структура создаёт по терминологии О.М. Борисова и А.К. Глуха (1982 с. 48) типа «мегавал дуговой». Следует отметить, что по Бухарскому глубинному разлому, пересекающему космоструктуру в центральной части, не наблюдается заметное изменение конфигурации «мегавала». В северной части КСт распространен апшеронский ярус, в южной части-акчагылский ярус плиоцен-неогеновой системы, а в центральной части-верхнечетвертичные и современные отложения четвертичной системы.

Методом корреляции с геолого-геофизическим материалом выяснены следующие закономерности. Площадь космоструктуры перерезаны линейными элементами. В частности, Бухарский глубинный разлом пересекает ее центральной части по северо-западному направлению, а мегазоны и зоны трещиноватости по меридиональному направлению (Глух и др., 1988). В зонах пересечения разломах космоструктуры с разломами приурочены известные месторождения Денгизкуль, Северный Уртабулак, Марковское, Джеба, Мубарек, Северный Мубарек, Ходжихайрам.

В пределах КСт амплитуде новейших поднятий неоген-четвертичного периода составляет 200-300 м (Юрьев, 1982). Поверхностные отложения космоструктуры составляют глины, суглинки, супеси и пески олигоцен-неоген-антропогенного возраста. В рельефе проявляются плоская и слововолнистая речная долина и песчаные равнины.

В центральной части космоструктуры оконтурены дельтовые равнины с комплексом песчаных отмелей, островов и тугаев на голоценовых отложениях, а на севере - такыровидные и песчано-щебнистые поверхности речных террас, а в южной части - орошаемые дельтовые равнины, массивы грядовых и бугристых песков.

Таким образом, в процессе выявления природы КСт и их интерпретации с другими катрографическими материалами требуют параметры не менее 20-30 км. В таких условиях, результаты комбинации структурного и геоиндикационного методов исследования содержат много полезной информации на поиски новых нефтяных и газовых структур. В дальнейших детальных поисковых работах нефтегазоносных структур с помощью дистанционных материалов, имеющих разрешение на местности не хуже 100 м, первостепенное внимание надо уделять КСт, прослеживающимся по типичным ландшафтам новейших поднятий.

С.И.Абдуллаев, Б.Ч.Муртазаев

Қарши Давлут университети

АТРОФ МУҲИТ МУАММОЛАРИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Атроф муҳитга доир тадқиқотларнинг мақсади инсониятнинг ҳозирги ва келгуси авлодларининг фаравон ва соғлом ҳаёти учун табиий муҳитни муҳофаза қилиш, яхшилаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг экологик муаммоларини ўрганишдан иборат. Шу сабабли инсоннинг табиатга таъсирини ифодалайдиган экологик тадқиқотлар билимларнинг барча соҳаларида ўтказилиши ва ўзаро боғлиқ сажияда бўлиши лозим.

Барча илмий тадқиқотлар атроф муҳитни ўрганиш ва муҳофаза қилишнинг турли объектлари, муайян технологик жараёнлар, ижтимоий ва иқтисодий баҳолар, ҳуқуқий меъёрларни танлашда ва турли илмий методлардан фойдаланишда ўз олдига атроф муҳит ва жамият ўзаро алоқаларни очиш ва ўрганишни, инсоният мавжудлигининг

оптималь шароитларини таъминлаш тамойилларини ишлаб чиқишни умумий вазифа қилиб қўяди.

Тадқиқот предметининг хусусиятларига кўра табиий ва ижтимоий фанлар оралиғида турадиган, табиатни тадқиқ қилишга комплекс ёндашадиган география фанлари табиат ва жамият ўзаро таъсири муаммоларига аъъанавий равишда жуда катта эътибор билан қарайди.

Атроф муҳит ва жамият ўзаро таъсирига доир тадқиқотлар асосида географик қобик ҳақидаги концепция туради. Бу концепция табиатда мавжуд бўлган ўзаро алоқалар, географик қобикни ташкил этувчи ландшафтларнинг ресурс ва муҳит ҳосил қилувчи аҳамияти тўғрисида тасаввур беради. Географик қобик табиат ва жамиятнинг мураккаб бирлиги бўлиб, унинг жамият ўзининг ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти билан мужассам боғлиқ бўлган қисми атроф муҳитни ҳосил қилади. Географик қобик ҳақидаги таълимотнинг асосчиларидан бири бўлган П.И. Броунов (1910) география «инсоннинг атроф табиатини ўрганиши»ни таъкидлаган ҳолда, бу фан «табиатшуносликнинг инсон ва бошқа организмларнинг ҳаёти кечадиган муҳит ҳақида талқин қиладиган предметлардан биридир», деб ёзган эди. Географиянинг россиялик таникли олимлари А.А. Григорьев, К.К. Марков, И.П. Герасимов, В.Б. Сочава, П.С.Преображенский, А.М. Рябчиков ва бошқалар географик қобик жамиятнинг муҳити сифатида география фанларининг ўрганиш объекти эканлигини таъкидлашган. В.Б. Сочава (1970) «инсоннинг атроф муҳити тўғрисидаги фан азалдан мавжуд-бу баҳолашнинг экологик ўлчовларидан фойдаланадиган географиядир», деб фикр билдирган эди. Ю.Г. Саушкиннинг фикрига кўра, география «табиат ва жамият ўзаро таъсири жараёнида Ер юзасида шаклландиган динамик ҳудудий тизимларнинг ривожланиши қонунлари ва тузилмалари, бу тизимларни жамиятни энг оптималь ҳолда ташкил этиш ва атроф муҳитни яхшилаш мақсадида бошқариш тўғрисидаги фандир». Франциялик географ Joli Fernand (1989) ҳам география атроф муҳит тўғрисидаги бир бутун ва бўлинмайдиган фан, дея фикр билдиради.

Табиат ва жамият, инсон ва атроф муҳит ўзаро таъсири муаммолари географлар савиясини кенгайтишига имкон берган ҳолда бир бутун ва алоҳида география тўғрисидаги ортикча мавҳум мунозараларга барҳам берди. Табиий ва социал-иқтисодий география йирик мажмуали табиий - хўжалик муаммоларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳал этиш учун қонуний ва конструктив ҳолда бирлашди. География фанларига мураккаб динамик тизим сифатидаги атроф муҳит тўғрисидаги тасаввурнинг киритилиши, географик муаммоларга экологик ёндашув географиядаги ички ва бир қатор фанлар билан интеграция жараёнларининг кучайишига олиб келди. Географиядаги экологик муаммолар ечимида янги интегратив илмий йўналишлардан бири бўлган геэкологиянинг таркиб топиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки табиат ва жамият ўзаро таъсири муаммоси ҳозирги пайтда география фанларидаги фундаментал йўналиш бўлиб, унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Экологик муаммолар геэкология олдида муайян ҳудуд (ландшафт, геосистема)ларда табиат ва жамият ўзаро таъсирининг ижобий ва салбий оқибатларини баҳолаш, табиий – антропоген геосистемаларнинг ўзгаришининг башоратларини ишлаб чиқиш ва уларни бошқариш бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш, йирик хўжалик лойиҳаларининг оқибатларини ўрганиб олдиндан айтиб бериш, геосистемаларнинг ресурсларни ва муҳитни қайта ҳосил қилиш имкониятларини сақлаб қолиш каби бир қатор долзарб вазифаларни белгилайди. Шу сабабли географик қобикнинг инсон фаолияти кечадиган атроф муҳит геэкологиянинг объектига айланмоқда. Л.Л. Розановга кўра (1990), атроф муҳит географик қобикнинг табиий ва техноген жисмлар, моддалар, шароитлар, ҳодисалар ўзаро таъсирининг мажмуаси, яъни инсоннинг фаолияти, шунингдек жамиятнинг мавжудлиги, ҳамда табиатнинг жонли ва

жонсиз объектларининг ривожланиши амалга ошадиган қисми бўлиб, у макон – замон категориясидир. Жамият, аҳоли, хўжалик тармоқлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг турлари, табиат ва жамиятнинг жонли ва жонсиз объектлари атроф муҳитнинг субъекти бўлиши мумкин.

Геоэкология атроф муҳит ва уни ташкил этувчи турли катталиқдаги геосистемалар динамикасини, табиий жараёнларнинг йўналиши ва ўзаро таъсирини ўрганиш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг фундаментал муаммоларини ишлаб чиқишга эътиборини қаратмоғи лозим. Шу сабабли табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва оптималлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, геосистемаларни ва уларни бошқаришни оптималлаштириш, атроф муҳит мониторинги ва шунингдек, табиий муҳитга антропоген таъсирлар туфайли етказиладиган зарарни баҳолашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш атроф муҳитни тадқиқ қилишдаги энг долзарб масалалар сирасига киради.

А.М.Маматов., Р.А.Аҳмедов., А.А.Маматов

Қарши Давлат университети

**ҚАРШИ ЧЎЛИ ЖАНУБИЙ ҚИСМИНИНГ АГРОИҚЛИМ
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР**

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши – суғорма деҳқончилик, баҳорикор деҳқончилик билан яйлов чорвачилиги йўналишларида олиб борилади. Носуғорма қишлоқ хўжалиги тармоғида ўсимликларнинг етилиши учун зарур бўлган табиий намликни, асосан йилнинг намгарчилик давридаги ёғин миқдорини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиё агроиқлимшунослигида кўпроқ Г.Т. Селяниновнинг гидротермик коэффициенти тушунчаси қўлланилади. Турон провинциясининг таркибидаги Ўзбекистон ҳудуди агроиқлим жиҳатдан текислик ва тоғолди – тоғ кичик провинцияларига ажратилади. Қарши чўли текислик кичик провинциясининг энг иссиқ зонаси доирасида жойлашган. Бу ерда мусбат ҳароратлар йиғиндисини 5000⁰ дан юқоридир. Қайд этганимиздек, деҳқончиликнинг кўпчилик тури учун гидротермик кўрсаткич муҳим аҳамиятга молик рақам. Чунки бунда тупроқнинг табиий намланиш даражаси ҳисобга олинади. Г.Т. Селянинов ва Н.Н. Ивановлар изоҳлаган гидротермик коэффициентда +10⁰ юқори ҳароратлар йиғиндисининг ўндан бир қисмига тўғри келадиган атмосфера ёғинлари миқдорининг нисбати ҳисобга олинган. Вегетация давридаги ёғин миқдори билан буғланиш миқдори тенг бўлганда, гидротермик коэффициент бирга тенг деб қабул қилинади. Гидротермик коэффициент бирдан паст бўлса, буғланишдан ёғин миқдори кам бўлади. Кўпчилик агроиқлимшунослар фикрича, гидротермик коэффициент 0,5 дан юқори бўлса, лалми деҳқончилик учун имконият мавжуд бўлади. Л.Н. Бабушкин гидротермик коэффициентни суғорма деҳқончилик экинлари турларига тадбиқ қилишни илмий жиҳатдан асослаб берган. Шу тахлит агроиқлим ресурсларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий томонларини ҳисобга олиб, Қарши чўлини, хусусан унинг жанубий ҳудудларини анча қулай суғорма деҳқончилик имкониятларига эга, деб қараш мумкин. Маълумки, Нишон, Касби ва Миришкор туманлари доирасидаги деҳқончилик ерлари денгиз сатҳидан 280 – 450 метр баландликда жойлашган. Шу сабабли, бу ҳудудлар жуда иссиқ ва қуруқ гидротермик зоналар ҳисобланади. Қарши чўлининг бундай гипсометрик поғоналарида термик ресурслар 5300⁰ дан 4900⁰ орасида бўлиши мумкин. Бу термик имконият пахтанинг кечпишар, ингичка толали навлари етилиши учун тўла шароитга эга, демакдир. Бу зонада термик ресурслардан фойдаланиш коэффициенти 1,20 – 1,12 га тенг. Тезпишар ғўза навлари экилган термик ресурслардан фойдаланиш коэффициенти 1,41 – 1,36 га тенг бўлади. Беда учун Қарши чўлининг жанубий зонаси

жуда қулай бўлиб, уни бир йилда 5 – 6 марта ўриб олиш мумкин. Узумнинг кечпишар навларини етиштиришга термик ресурслардан фойдаланиш коэффиценти 1,45 – 1,38, эртапишар навлар учун 1,93 – 1,85 га тенг бўлиб, термик имкониятлардан фойдаланиш узумчиликда Қамаш ва Яккабоғ туманларига қараганда икки барабар ортиқдир. Шолининг ҳам кечпишар, ўртапишар ва эртапишар навларини етиштириш учун қулай термик имкониятлар бор. Шоли экканда термик ресурслардан фойдаланиш коэффиценти 1,38 дан 1,60 гача бўлиши мумкин. Шундай экан, ер ости сувларининг чуқурлиги 1,5 – 2,0 м бўлган кам шўрланган майдонларда шолининг ўртапишар навларини етиштириш яхши натижа беради, деб ўйлаймиз. Қарши чўлининг жанубий қисми баҳорикор экинларни етиштириш учун бир қадар ноқулай. Улардан юқори ва меъёрида ҳосил олиш кафолати 15 – 60 % оралиғида. Табиий имкониятлар атиги 0,60 – 0,95 ни ташкил этадики, намнинг етишмаслиги, жазирама иссиқнинг кўпинча эрта бошланиши, лалми деҳқончилик, хусусан дончилик учун қулай бўлмаслигининг сабаби, деб қараш лозим.

Қашқадарё хавзасининг агротупроқ ва агроиклим бўйича районлаштириш тузилмасида Қарши чўлининг жанубий қисми Қуйи Қашқадарё агроиклим ва агротупроқ райони таркибига киритилган. Бу ерда асосан шўрхок кумоқ ва тақир тупроқлар тарқалган. Аллювиал ётқизиклар устида ҳосил бўлган тупроқларда гумус миқдори 0,5 – 0,8 %, азот миқдори 0,04 дан 0,06 % гача эканлиги аниқланган. Фақат тақир тупроқларда гумус 1% гача, азот 0,7% гача етиши мумкин. Қарши чўли вилоят текислик қисмининг жанубида жойлашганлигига қарамай, унинг ҳудуди текислик зонасининг энг қуруқ ва қиши энг совуқ ҳудуди ҳисобланади. Кузги намгарчилик ноябр ўрталаридан бошланади, декабр бошларида ҳарорат нулдан паст даражага тушадики, бу ҳол ўсимликларнинг вегетацияси тўхтаб, қишки сокинлик – уйқу ҳолатига ўтишига олиб келади. Кузги намгарчилик даври атиги 10 кун атрофида бўлади, аммо ўсимликларнинг тўлиқ сокинлик – уйқу ҳолати ҳам ўртача 20 – 25 кунни ташкил этиши кузатишлар натижасида аниқланган. Ўртача барқарор манфий суткалик ҳаво ҳарорати кўпинча январ ойи охирида бошланади. Демак, агроиклим ва агротупроқ хусусиятлар Қарши чўлининг катта қисмида табиий ўт – ўланларнинг муайян даражада ривожланишига қулайлик туғдирсада, айрим йилларда баҳорнинг қурғокчил келиши, табиий ем – хашак ва лалми дончилик учун анча ноқулай эканлигини таъкидлаб ўтаемиз. Аксинча, суғорма деҳқончилик учун бу ҳудуд ниҳоятда қулай агроиклим билан таърифланади. Агротехник талабларга риоя қилинса, аниқ майдонларнинг мелиоратив ҳолати ҳисобга олинса, ҳайдаш қоидалари, алмашлаб экиш тартибига қатъий риоя қилинганда пахта, узум, полиз экинларидан юқори ҳосил олиш учун агроиклим шароитлар етарли. Бедани олти марта ўриш мумкин. Бугунги қишлоқ хўжалиги ислохотлари кенг кўламда амалга оширилаётган даврда кузда суғорилган ерлардаги ғалла ўриб олинган майдонларда полиз, маккажўхори, мош, тарик, кунжут каби экинлардан етарлича ҳосил олиш мумкинлигини, ердан тадбиркорлик билан фойдаланаётган фермерлар тажрибаси кўрсатмоқда. Зеро, суғорма деҳқончилик учун замин бўлган вегетациянинг узоқ давом этиши, қуёшли кунларнинг кўплигида ифодаланган агроиклим шароит қишлоқ хўжалиги юритишида беминнат имкониятдир.

О.Л.Бабушкин, М.В. Ситникова
Национальный университет Узбекистана,
Научно-исследовательский гидрометеорологический институт Узбекистана
ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ПРОДУКТИВНОСТИ
КАРАКУЛЕВОДЧЕСКИХ ПАСТБИЩ В УЗБЕКИСТАНЕ

Пустынные и полупустынные пастбища, занимающие большую часть равнинной территории Узбекистана, являются основной базой каракулеводства – одной из ведущих отраслей животноводства республики. В настоящее время на этих пастбищах выпасается около 4 млн. голов каракульских овец.

Наличие различных по условиям произрастания, кормовым свойствам и урожайности групп растений (полынь, эфемеры, солянки и т.д.), а также достаточно благоприятные для выпаса метеорологические условия дают возможность выпасать поголовье каракульских овец в течение всего года.

Средняя урожайность пустынных пастбищ составляет 1,4 – 2,5 ц/га и только в полупустынных предгорных районах она повышается до 3,5 ц/га. В благоприятные годы урожайность пастбищ может возрасти вдвое, в неблагоприятные – снижается в 2-3 раза. Крайне изменчива питательная ценность пастбищных кормов по сезонам года. Наиболее высокая питательность весной, наиболее низкая – зимой. В холодный период года она в 1,5-2,0 раза ниже весенней питательности.

Пустынные и полупустынные пастбища Узбекистана являются легкоранимой экологической системой. Нерациональное использование этой территории, чрезмерная нагрузка на пастбища при проведении выпаса, развитие как антропогенных, так и природных процессов создают опасность разрушения этой системы, возникновения и усиления процессов деградации пастбищ.

Для слежения за продуктивностью пастбищ, процессами их деградации, своевременным обнаружением негативных процессов в аридных экосистемах разрабатывается система экологического мониторинга за состоянием земель, находящихся в хозяйственном использовании. К настоящему времени разработаны и продолжают разрабатываться методы слежения за природными процессами на основе спутниковой информации. Она позволяет охватить большие территории однородной по качеству информацией, дает возможность тождественного отображения пространственного распределения непрерывных полей и явлений и получения интегральных характеристик этих полей.

Спутниковая информация широко используется для оценки состояния пустынных экосистем. На ее основе производится оценка состояния пастбищной растительности, определяется распределение растительной массы по территории пастбищ, выявляются площади выбитых пастбищ (толоков), проводится слежение за ростом солончаков, за увеличением площади высыхающего дна Аральского моря, за процессом его зарастания. Для работы используется спутниковая информация системы NOAA разрешением 1 км. Для исследования распределения урожайности пастбищной растительности по территории использованы данные о растительной массе, полученной в период максимума весеннего отрастания травянистой растительности.

На основе этой информации созданы электронные карты масштаба 1:2500000 распределения растительной массы, привязанной к типам пастбищ; участков пастбищ, лишенных растительности; очагов интенсивного засоления на территории пустынных пастбищ Кызылкума, плато Устюрт, Приаралья и обсохшего дна Аральского моря.

В последние годы практически по всей пустынной территории отмечается тенденция к ухудшению условий произрастания пастбищной растительности. Устойчивое снижение урожайности началось с 1983 года. Районы со значительным

снижением урожайности, где значимость трендов превышает 85%, отмечаются в различных местах пастбищной территории. Но особенно интенсивное снижение величины растительной массы, где значимость трендов превышает 95%, наблюдается в Северо-Кызылкумском Каракалпакском районе. Здесь среднее многолетнее значение урожайности за период 1966 - 2004 гг. составляет 0,9 ц/га, в то время как среднее за период 1966 - 1986 гг. составляло 1,6 ц/га. Этот район характерен и значительными площадями, где урожайность пастбищ составляет менее 0,5 ц/га. Практически, это лишённые растительности участки. Здесь же интенсивно развиваются процессы солевыноса, в первую очередь, с осушенного дна Аральского моря, на месте которого образовалась новая пустыня Аралкум общей площадью более 45000 км², оказывающая заметное влияние на состояние и динамику природных комплексов окружающей территории. В связи с этим данный район требует особо пристального внимания.

Источником засоления и деградации почвенно-растительного покрова пустынных территорий является также коллекторно-дренажная сеть, самоизливающиеся скважины. За счет этих вод в понижениях пустыни образуются озера, которые при высыхании создают очаги интенсивного засоления. Эти очаги становятся источниками солёпереноса на сопредельные территории пастбищ и орошаемые зоны, что приводит к выпадению земель из хозяйственного оборота.

Карта распределения средних многолетних значений растительной массы на пастбищах является основой для получения в автоматизированном режиме карт ежегодных отклонений растительной массы от средних многолетних значений. Такие карты могут быть использованы для корректировки нагрузки на пастбища.

Полученные данные имеют практическое значение для каракулеводства при определении урожайности пастбищ, выявлении районов с низким запасом пастбищных кормов, особенно в засушливые годы, когда необходимо учитывать земли, требующие ограниченного выпаса и перераспределения нагрузки поголовья на пастбища.

Т.А.Базарбаева

**Казахстанский Национальный университет
СОСТОЯНИЕ КАРАТАЛ-ЛЕПСИНСКОЙ ГЕОСИСТЕМЫ**

Бурный рост промышленного производства, ускоренный темп развития транспортных средств, интенсивное использование природных ресурсов усиливает антропогенные нагрузки на природу и приводит к неблагоприятным последствиям экологического состояния природной среды. Негативные факторы возникающие в результате производственно-хозяйственной деятельности человека определяет актуальность разных подходов в изучении природной среды, в том числе геосистемного подхода.

В изучении природных объектов в последние годы большое внимание уделяется геосистемно-бассейновому подходу. Концепция геосистемного подхода разработанная авторами /1-3/ позволяет утверждать о функционально-целостном, методологическом геосистемном подходе к изучению бассейнов крупных рек.

Геосистемы речного бассейна – это парагенетические природно-территориальные комплексы, объединённые единством вертикальных и горизонтальных токов вещества и энергии, формирующиеся в условия одного литогенеза и одного направления географического стока/4/. При изучении Каратал-Лепсинского геосистем нами выделены следующие субгеосистемы: Каратальская, Лепсинская, Аксуйская, Аягузская.

Каратальская субгеосистема сформирована природными комплексами функционирующими в условиях влияния стока реки Каратал.

Геосистемы бассейна своеобразны по природно – геологическим условиям. Река Каратал является второй по величине и водностью рекой Южного Прибалхашья. Истоки основных рек составляющих реку (Карой, Чиже, Коксу) расположены на западном склоне Джунгарского Алатау, ограниченном с юго-востока системой гор (Токсанбай, Кояндытау, Алтынэмель и др.), понижающихся к западу. Бассейн реки – это среднегорная часть с обширной орошаемой Кугалинской долиной и широкой долиной р. Каратал и низкогорная, степная западная часть, переходящая в сухие степи и пустыни Прибалхашья.

На востоке и юго-востоке субгеосистемы прослеживается влияние горных хребтов Джунгарского Алатау. С юго-запада ощутимо влияние на геосистему низкогорных и мелкосопочных Чу-Илийских гор с абсолютными отметками 600—900 м. Лишь некоторые отдельные горы достигают 1000 м, но большую часть занимают равнины с абсолютными отметками от 800 м в предгорье до 360—340 м на южном побережье оз. Балхаш. Эти равнины сложены грядовыми, бугристыми и грядово-бугристыми песками, закрепленными скудной травянисто-кустарниковой растительностью и саксауловыми зарослями. Наиболее значительными из этих равнин являются пески Сары-Ишикотрау, Жаманкум, Моинкум, Люккум, Аралкум, Каракум, пересекающиеся с юга на север долиной реки Каратал. Геологический фундамент субгеосистемы представлен палеозойскими эффузивно-осадочными и интрузивными породами, перекрытые мезозой-кайнозойскими отложениями. Одной из характерных особенностей данной субгеосистемы является широкое распространение неогеновых и четвертичных осадков континентального генезиса.

Бассейн реки Каратал находится на восточной части территории Алматинской области. Эта территория специализируется на выпуске сельскохозяйственной продукции, так как основным природным ресурсом этого региона являются воды реки Каратал большая часть которых используется для орошения.

Основными загрязнителями реки Каратал являются сельскохозяйственные поля и функционировавший до недавнего времени Текелийский ГОК. По данным исследований ряда авторов/5/ данная территория имеет существенное загрязнение химическими элементами. Среди тяжелых элементов (марганец, хром, свинец, медь, цинк, никель, кадмий) в разных количествах встречающихся в составе воды, нередко и присутствие сельскохозяйственных ядохимикатов, оказывающих отрицательное воздействие на развитие биоценоза.

Другие субгеосистемы (Лепсинская, Аксуйская, Аягузская) функционирующие в условиях влияния антропогенной нагрузки испытывают изменения в элементах геосистем. Воды всех вышеназванных рек загрязняются в основном сельскохозяйственными полями расположенными вдоль рек. Например, в списке элементов содержащихся в воде р. Лепсы встречаются такие микроэлементы как титан, марганец, барий, стронций, ванадий, цинк, хром, никель, медь, свинец, кадмий.

Содержание разных химических элементов колеблется в довольно широком диапазоне. В частности содержание таких химических элементов как титан в воде речного бассейна достигает 662 мкг/дм³, а тяжелые металлы- свинец и кадмий в образцах воды средних многолетних данных вовсе не обнаружены. А по данным 2001 года в образцах водных проб уже обнаружены тяжелые металлы свинец и кадмий в ощутимых количествах, это делает актуальным изучение поведения данных элементов в субгеосистемах региона, так как они являются концентраторами и отрицательно влияет на биоту территории.

Изучаемая территория приурочена к пустынной зоне, что определяет общий аридный характер почвенно-растительного покрова данной территории и чутко реагирует на антропогенные нагрузки.

Пустынные территории Каратал-Лепсинского междуречья, как и другие пустынные территории Прибалхашья, длительное время использовались в качестве пастбищ (70-80%), поэтому растительный покров в разной степени деградирован.

В таких геосистемах происходят огромные изменения в общем балансе массоэнергообмена. Значительные изменения происходят в таких природных средах, как почва, растительный мир и воды. Перевыпас снижает не только биологическую продуктивность, формируется негативный видовой состав растений, изменяется жизнеспособность полезных видов. Смена растений в результате различной их приспособляемости к пастбищному режиму называется пастбищной дигрессией.

Основной причиной исчезновения доминирующих полезных растений по мнению автора/6/ является разрушение структуры почв, изменение их механического состава вследствие ее уплотнения пасущимися животными, разрежение травостоя при стравливании, развитие дефляционных процессов, что особенно губительно для песчаных массивов.

На данной территории более заметна потеря биоразнообразия на всех типах пастбищ и замена коренной естественной растительности неустойчивыми малоценными модификациями, что привело к снижению урожайности в среднем в 2-3 раза, кормоемкости в 1,5 - 3 раза и нарушило сезонность использования угодий/5/. Сильная степень деградации пастбищ отмечается в радиусе 1 -3 км от колодцев и зимовок, в радиусе 3-5 (10) км в окрестностях населенных пунктов. Средняя степень деградации наблюдается повсеместно в песчаных массивах и зональных автоморфных экосистемах. Фоновый естественный растительный покров экосистемы сохраняется в полугидроморфных экосистемах солончаков и труднодоступных участках песчаных массивов. В последнее десятилетие, в связи с миграцией населения из отдаленных мест, сокращением поголовья скота и уничтожением колодцев, наблюдается естественное восстановление растительности на обширных площадях, удаленных от населенных пунктов. Если эта тенденция сохранится и в дальнейшем, то следует ожидать улучшения состояния пустынных пастбищ, но процесс восстановления растительности песчаных массивов длительный и усугубляется площадным развитием процессов дефляции. В окрестностях поселков пастбищный пресс, наоборот, усилился и привел к полному уничтожению растительности в радиусе 1-2 км.

В последние годы идет варварское истребление пустынных саксауловых лесов Каратал-Лепсинского междуречья в связи с коммерческой ценностью древесины. Отмечается значительное сокращение их ареала. Деградация саксаульников также усугубляется из-за интенсивного пастбищного использования при иссушении пойм пустынных рек, распашке и засолении пахотнопригодных почв, при ветровой эрозии.

Часто природные взаимосвязи в геосистемах, особенно сельскохозяйственных и техногенных, грубо нарушаются в результате производственной деятельности. Это приводит к резкому ухудшению экологических условий местообитания растений и жизнедеятельности людей, снижению производительности природных ресурсов, нарушению возможности их воспроизводства и даже полному исчезновению отдельных из них.

Хозяйственная деятельность особенно сильное, нередко катастрофическое воздействие оказывает на воды, почвенно-растительный покров, животное население, которые относятся к самым неустойчивым компонентам геосистем /7/. Поэтому при осуществлении хозяйственных мероприятий, затрагивающих территорию той или иной геосистемы, необходим тщательный учет изменений этих природных компонентов при антропогенном воздействии.

Использованная литература

1. Сочава В.Б. Учение о геосистемах. –Иркутск. 1976. –360 с.

2. Солнцев Н.А. Избранные труды. Учение о ландшафте. –М., 2001.
3. Джаналеева Г.М. Структурная организация геосистем Или-Балхашского региона. –Алматы: КазГУ, 1994.
4. Джаналеева Г.М. Будникова Т.И., Вилесов Е.Н. и др. Физическая география Казахстана. – Алматы: «Казак университеті», 1998 – 266 с.
5. Современное экологическое состояние бассейна озера Балхаш. Под редакцией Т.К.Кудекова,. Алматы: Издательство «Канагат», 2002 – 388 с.
6. Оразымбетова Г.Ш. Антропогенная трансформация геосистем дельты р. Или. // Материалы международной научно-практической конференции. 2004 - с. 110.
7. Шикломанов И.А. Влияние хозяйственной деятельности на речной сток. Л.: Гидрометеиздат, 1989 - 334 с.

А.Г.Кушимова

**Казахстанский Национальный университет
ИЗУЧЕНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ НЕФТЕНОСНЫХ РАЙОНОВ
ПРИКАСПИЯ С ПОМОЩЬЮ ДИСТАНЦИОННЫХ МЕТОДОВ**

Прежде чем осуществлять или даже планировать те или иные мероприятия по охране природной среды и рациональному использованию естественных ресурсов, необходимо знать виды, размеры и характер происшедших изменений экологических условий и их распространение. Эти материалы могут быть получены только при проведении комплексного изучения и картографирования современного состояния природной среды на основе различных наблюдений в том числе и дистанционных.

Наибольшее практическое значение для территориальной характеристики экологических условий региона может иметь создание специальных экологических карт на основе материалов дистанционных исследований /1, 2,3/.

Картографирование таким методом экологических ситуаций, выявление и оценка нарушенных территорий дают возможность получить наглядные высокоинформативные документы, отражающие современное состояние природно-территориальных комплексов, позволяющие наиболее объективно планировать и контролировать природоохранные мероприятия. Такие специально составленные карты являются необходимым картографическим обеспечением экологических проблем, имеющих целью охрану и рациональное использование природных ресурсов в масштабах не только одного Прикаспийского региона, но и республики в целом. Анализ литературных и картографических источников показал, что картам охраны природы, составленные на основе космической информации уделяется довольно много внимания, однако, до сих пор еще нет полностью разработанной и общепринятой методики их составления /4/.

Конечно, главное достоинство космических снимков – в возможности выявления по ним крупных изменений ландшафта, в результате открытых разработок. По ним можно картировать нефтяные и другие открытые горные разработки, но и дать оценку их динамики и развития /5/.

По космическим снимкам фиксируются, конечно, не сами глубинные нарушения литосферы, связанные с добычей нефти, нефтепромысловыми работами, строительством трубопроводов и других линейных сооружений, а разнообразные попутные изменения ландшафта, и среди них такие экологические опасные, как загрязнение разлившейся нефтью почвы, в результате – нарушение и поражение растительности, что очень характерно для данного региона.

По материалам дистанционного зондирования можно также фиксировать, как сжигание природного газа в местах добычи нефти и газа. На снимках, выполненных с

американского метеорологического спутника, в ночное время, видны огни от горящего газа. Большею частью они приурочены к нефтяным месторождениям (например, Тенгиз и др.) и в меньшей степени – к газовым (на примере, Карашыганак) /4/.

Наблюдения, произведенные с космоса позволяют получить представление о характере географического ландшафта, морфологических типах рельефа и комплексе современных экзогенных процессов. Это дает возможность судить о направленности и интенсивности движений земной коры и геологической структуре местности, что исключительно важно для платформенных нефтегазовых областей и районов, покрытыми мощными четвертичными отложениями, в частности для Западного Казахстана. Мофроструктурный анализ может сократить здесь объем дорогостоящих буровых работ и геофизических исследований. Эколого-геоморфологическое картирование основано на изучении морфологии, генезиса, возраста рельефа, а также динамики и интенсивности развития современных экзогенных процессов, обусловленных антропогенным воздействием. Причем антропогенное воздействие может быть как одиночным, дающим только толчок для дальнейшего развития процесса, так и многократным или постоянно действующим фактором, постоянно усиливающим и направляющим естественный ход процесса /5/.

Для эколого-геоморфологических исследований основой является систематизация экологических условий причин опустынивания и разработка оценки антропогенного воздействия на природную среду. При этом рассматриваются антропогенные нарушения природно-территориальных комплексов при различном хозяйственном освоении и нарушения, обусловленные различными причинами. Так, выделяются:

1) естественные природно-территориальные комплексы (ПТК), не используемые в хозяйстве (например, в данном районе – солончаки, которые занимают по площади большую часть территории), нарушение природной среды которых может быть вызвано только случайно и не может быть не очень сильным;

2) ограниченно используемые ПТК, где возможна лишь слабая или локально умеренная нарушенность природных компонентов - северо-восточная часть территории – денудационная равнина;

3) экстенсивно используемые территории, к которым отнесены пустыни (Прикаспийские Каракумы) и территории с отгонно-пастбищным хозяйством, в этом случае нарушения природной среды вызваны с высокой нагрузкой при эксплуатации естественных ресурсов – перевыпас скота;

4) интенсивно используемые территории, связаны с добычей нефтегазовых месторождений, предполагает формирование антропогенных типов рельефа.

Такая условная оценка степени изменения компонентов природной среды принята исходя из их нарушенности, начиная от наиболее раннего растительного покрова до нарушения самой литогенной основы рельефа /7/.

Эти условные оценки дают некоторое представление о величине антропогенной измененности экологических условий в связи с характером освоения и использования земель, с одной стороны, и, выраженностью в рельефе тех или иных воздействий человека на его компоненты – с другой. Она послужила для дальнейшей систематизации видов антропогенного изменения экологических условий и опустынивания, которые могут быть изучены и отображены на картах а помощью геоморфологического дешифрирования космической информации.

Заканчивая краткое рассмотрение экологической проблемы и возможностей использования дистанционных материалов для ее картографического обеспечения, необходимо отметить характерные тенденции в этой области:

1) комплексный подход ко всей проблеме экологии в целом (рассмотрение антропогенного воздействия на все компоненты природы, геоморфологический подход

к изучению возможных и существующих антропогенных изменений);

2) использование эколого-геоморфологических методов исследований (изучение и картографирование на геоморфологической основе);

3) необходимость создания серий экологических карт для обеспечения проблемы в целом;

4) целесообразность использования дистанционных материалов для составления карт природных условий, современного состояния и динамики природной среды.

Список использованной литературы

1. Востокова Е.А. Использование аэрокосмических фотоснимков при гидрогеологических исследованиях в пустынях. М.: Недра. 1980.

2. Виноградов Б.В. Космические методы изучения природной среды. М.: Мысль. 1976. 287 с.

3. Григорьев А.А. Антропогенные воздействия на природную среду по наблюдениям из космоса. Л.: Наука. 1985. 226 с.

4. Исследование природной среды космическими средствами. География. Методы космической съемки, т.4. М.: ВИНТИ АН СССР, 1975, с.244.

5. Картографирование по космическим снимкам и охрана окружающей среды. Под ред. Е.А.Востоковой, Л.И.Злобина, Ю.Г.Кельнера. М.: Недра. 1982.

6. Харин Н.Г. Комплексные карты опустынивания и методы их составления по космическим снимкам. – Исследование Земли из космоса. М. 1985. №1, с.52-59.

7. Востокова Е.А., Сушеня В.А., Шевченко Л.А. Экологическое картографирование на основе космической информации. М.: Недра. 1988. с.5-13.

Н.П.Гасанова

Институт географии МОН РК КЛИМАТИЧЕСКИЕ РЕСУРСЫ ДЖУНГАРСКОГО (ЖЕТЫСУСКОГО) АЛАТАУ

Климат во многом определяет рекреационные возможности территории, накладывает отпечаток на ее «рекреационную специализацию». Для рационального использования ресурсов климата необходимы детальное изучение его с точки зрения возможного влияния на развитие системы отдыха и туризма и систематизация рекреационного потенциала по видам рекреационной деятельности в разные периоды года.

Основной причиной плохой изученности климата горной территории Джунгарского Алатау является недостаток фактических данных. В настоящее время на северном склоне Джунгарского Алатау действуют станции и посты, расположенные в основном, на низкогорных на высотах менее 800 м, а выше 1500 м они отсутствуют. В этих условиях для оценки климатических факторов целесообразно использовать аналогию с близрасположенным, более изученным северным склоном Заилийского Алатау. Отличительным для территории Джунгарского Алатау является то, что она, будучи расположена севернее Тянь-Шаня, свободно открыта для северо-западных воздушных течений, которые, не имея на своем пути к нему горных барьеров, оказывают значительно большее воздействие, чем на климат горной области Северного Тянь-Шаня.

При рекреационной оценке Джунгарского Алатау нами был использован метод типизации погоды каждого дня в зависимости от теплового состояния здорового человека, разработанный И. С. Кандрором с соавторами [1] и трансформированный в дальнейшем Н. А. Даниловой [2] для целей рекреации. Воспользовавшись

многoletними среднемесячными данными о температурах воздуха и скоростях ветра произведена типизация погод Джунгарского Алатау по выше указанным методикам. Целесообразность использования средних климатических характеристик была обусловлена спецификой поставленной задачи – выявлением сезонов, в различной степени благоприятных для развития познавательного туризма.

Детальный анализ погодных условий по северной части Джунгарского Алатау и для сравнения в Заилийском Алатау дал следующие результаты. Для низкогорья, среднегорного пояса и нижней части высокогорья характерен преобладающий тип погоды 1X (прохладный субкомфортный, а именно: слабо холодные, прохладные, прохладные мягкие).

Зимние месяцы в горных районах, высотой более 2000 м, а также с ветром более 5 м/с характеризуются холодным дискомфортным типом погоды – 2X и 3X.

В связи с этим, для историко-географического картирования природной среды эпох раннего антропогена разрабатываются хроностратиграфические основы базирующиеся на результатах датирования опорных разрезов Узбекистана палеомагнитным методом. Особенность хроностратиграфических исследований в процесс палеогеографических исследований является также более дифференцированный синтез ряда геологических, геолого-геоморфологических, историко-археологических и других данных. Это вполне логично, так как в предложенной стратиграфической схеме органически интегрируются и сливаются представления о различных, но взаимосвязанных аспектах многогранного процесса развития антропогеосферы Средней Азии на четвертичном этапе геологической истории.

В.П.Благовещенский, Т.С.Гуляева, О.В.Силина

Институт географии МОН РК

ОЦЕНКА АТТРАКТИВНОСТИ ЛАНДШАФТОВ ПРИ РЕКРЕАЦИОННОМ РАЙОНИРОВАНИИ ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Одним из очень важных рекреационных свойств ландшафтов является их внешняя привлекательность для посетителей. Это свойство можно назвать также эстетической ценностью. В зарубежной литературе обычно используется термин – аттрактивность. Это свойство ландшафтов не может быть выражено никакими физическими величинами или количественными показателями. Единственным мерилom является предпочтительность выбора отдыхающими. Несмотря на явную субъективность оценки аттрактивности ландшафтов, существует все же некоторые общие моменты, которые оцениваются одинаково большинством рекреантов.

Проблемы оценки эстетической ценности ландшафтов рассматривались, в частности, в работах [1-5]. Оценка ландшафтов респондентами проводится по категориям от «крайне притягательных» до «крайне непритягательных». Исследователи отмечают, что эстетическая ценность ландшафтов, определяемая специалистами по развитию территорий, часто не совпадает с ценностью их для посетителей.

Внешний облик ландшафта называется пейзажем. Посетитель ландшафта в первую очередь воспринимает его как пейзаж. Поэтому при оценке эстетической ценности ландшафтов необходимо исследовать именно свойства пейзажа. При этом эстетическая ценность может отличаться от рекреационной ценности местности.

Наиболее значимыми в формировании облика пейзажа элементами ландшафта являются рельеф и растительность. Значительно повышают эстетические свойства пейзажа водные объекты. Наиболее притягательными частями ландшафта являются краевые зоны и фокусные точки. Неосвоенные «девственные» территории обладают

особой притягательностью. Отгалкивающий эффект производят однородные лесные насаждения, заболоченные низины, антропогенные бедленды.

В процессе исследования рекреационных ресурсов Джунгарского Алатау нами была выполнена оценка эстетической ценности ландшафтов. Канвой для выделения территориальных единиц послужила ландшафтная карта М 1:500 000, на которой выделено 247 видов ландшафтов. Все ландшафты были ранжированы по их аттрактивности и сгруппированы в 5 категорий, оцененных качественно и количественно (баллами):

- непривлекательные, 1 балл,
- мало привлекательные, 2 балла,
- относительно привлекательные, 3 балла,
- привлекательные, 4 балла,
- очень привлекательные, 5 баллов.

При оценке аттрактивности принимались во внимание основные пейзажеобразующие компоненты ландшафта: рельеф, растительность, водные объекты. Эстетические качества рельефа определялись его расчлененностью, разнообразием форм, наличием фокусных точек, обзорностью. В зависимости от вида растительности наиболее привлекательными являются лесные ландшафты, а наименее привлекательными полупустынные и пустынные. Из водных объектов наиболее ценными являются озера, водопады и реки.

Оценка аттрактивности проводилась с использованием топографических карт, аэрофотоснимков, наземных фотографий, карт расчлененности рельефа и растительности. Наиболее привлекательными были признаны лесные ландшафты с расчлененным рельефом, в которых есть крупные озера, водопады и реки. К привлекательными были отнесены лесные ландшафты со слабо расчлененным рельефом, а также безлесные высокогорные ландшафты с глубоко расчлененным рельефом и ледниками. Относительно привлекательными являются безлесные низкогорные ландшафты с кустарниковой растительностью, с глубоко расчлененным рельефом и внутригорные котловины с выровненным рельефом и степной растительностью, а также долины крупных рек, пересекающих низкогорную зону. Малопривлекательными являются низкогорные полупустынные ландшафты. К непривлекательным отнесены предгорные ландшафты с выровненным рельефом и пустынной растительностью. Внутри 5 выделенных категорий иногда удавалось выделить еще две подкатегории, когда соседние ландшафты, по всем критериям попадали под одну категорию, но при этом были явно не равноценны. При этом более ценному ландшафту добавлялось еще 0,5 балла. Таким образом, наиболее привлекательные ландшафты получали оценку 5,5 балла.

По результатам оценки была составлена карта аттрактивности пейзажей, на которой выделено 10 категорий пейзажной привлекательности ландшафтов.

В Джунгарском Алатау все привлекательные и очень привлекательные ландшафты расположены в пределах среднегорной и высокогорной зон. При этом наиболее привлекательные ландшафты сосредоточены в долинах крупных рек с широкими днищами и высокими склонами, покрытыми лесом. Основным эстетическим элементом ландшафтов высокогорной зоны являются ледники и скальные пики. Относительно привлекательные ландшафты расположены по периферии среднегорной зоны и во внутригорных котловинах. В низкогорной зоне расположены преимущественно мало привлекательные ландшафты. Наименьшей эстетической ценностью обладают ландшафты предгорных равнин.

Литература

1. Голд Дж. Психология и география. Основы поведенческой географии (пер. с англ.). М.: Прогресс. 1990. С. 211-224.
2. Иванов Д. А. Неизменные природные ландшафты Томской области как туристский ресурс для развития экологического туризма. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 88-89.
3. Калашникова О. В. Пейзажеобразующее значение элементов ландшафтной структуры. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 90-92.
4. Николаев. В. А. Феномен пейзажа. Вестник МГУ Сер. 5. География. 2002, № 6. с.12-18.
5. Тюменцева Е. М. Оценка эстетических ресурсов Тункинской котловины. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 110-112.

А.Р.Жумадилов

Казахстанский Национальный университет ОПЫТ ОРГАНИЗАЦИИ КОМБИНИРОВАННОГО ТУРА В ЦЕНТРАЛЬНОМ ТЯНЬ-ШАНЕ

Высокогорная зона Баянкольско-Хантенгрийской рекреационной местности, включающая территорию бассейнов рек Баянкол, Какпак, ледники Северный и Южный Иныльчек, исключительно богата альпинистско-туристскими ресурсами. Здесь, на стыке хребтов Кокшаал-тау, Меридионального, Сарьжас и Тенгри-Таг в приграничной зоне Казахстана, Кыргызстана и Китая находится серия труднодоступных вершин, превышающих пять, шесть и даже семь тысяч метров. Пики Мраморная стена (6400 м), Пржевальского (6400м), Шатра (6637м), Баянкол (5790м), Семенова (5816м) и ряд других вершин ежегодно привлекают сюда сотни любителей экстремальных видов туризма и альпинизма, а высшие точки Тянь-Шаня – пик Победы (7439м) и Казахстано-Хан-Тенгри (7010м) входят в число наиболее интересных для горовосходителей высшей квалификации. Только с ледника Северный Иныльчек на пик Хан-Тенгри проложено около десятка сложных маршрутов [2].

В среднем течении р. Каркара расположен международный альпинистский лагерь «Хан-Тенгри». На моренах ледников Северный и Южный Иныльчек в летний период базируется несколько высотных альпинистских лагерей.

Предлагаемый вниманию читателей тур был разработан в свое время директором МАЛ «Хан-Тенгри» К.Ш. Валиевым. По данному маршруту проходили туристы-клиенты ТОО МАЛ «Хан-Тенгри» из разных стран. В настоящей работе описан тур, осуществленный в 2004 году автором в качестве гида и переводчика с группой французских туристов от фирмы «Алибер» (Allibert).

Организация тура представляет собой весьма сложную задачу предполагает четкое взаимодействие всех задействованных служб и команд, причем ошибки в данном случае не допустимы. В работе принимает участие несколько видов автомобильного транспорта, лошади для перевозки грузов, команда носильщиков и обслуживающий персонал, имеется три стационарных базовых лагеря, один штурмовой лагерь, шесть раз используется вертолет, в том числе четыре раза для организации забросок. Обслуживание предполагает максимально возможный комфорт для клиентов: багаж переносится лошадьми или носильщиками, им предоставлены двухместные палатки, имеются палатка-столовая, палатка-кухня, тент-туалет, столы, стулья, в базовых лагерях – баня и другие удобства, приготовлением пищи занимается квалифицированный повар (в 2004г. – повар 5 разряда) с помощником, предоставляются услуги гида и переводчика.

Даты проведения тура: 1-23 августа.

Активная часть маршрута: 4-19 августа, протяженность свыше 160 км. Первая часть – треккинг, вторая – альпинистская. Перепад высот 3250 м (2200м - Каркара, 5450м - пик Карлытау). Название тура – Баянкольский трек. Фирмой «Алибер» назван «Высокогорная тропа Небесных гор» (La haute route des Monts Celestes). По пути из Алматы в базовый лагерь «Каркара» (330 км) совершается экскурсия в каньон Шарын.

Активная часть маршрута

1 день. «Каркара»: 42° 40', 49" с.ш., 79° 11', 54" в.д., 2226м. Переезд на автомобиле (4x4) 40км вверх по ущелью р.Каркара к слиянию рек Кокжар и Туз. По пути следования предусмотрено посещение юрт киргизских чабанов. 7.2 км пешком до лагеря 1 у р. Кокжар. С этого момента груз перевозится на лошадях. Лагерь 1: 42° 30', 57" с.ш., 79° 35', 44" в.д., 2955м, зона альпийских лугов.

2 день. Перевал Кубергенты (3500м). Радиальный выход с перевала на южную вершину. 42° 30', 45" с.ш., 79° 38', 42" в.д., 3718 м. Великолепная панорама Центрального Тянь-Шаня с пиками Хан-Тенгри, Нансена и др. Лагерь 1-2 – 24 км. Лагерь 2 на р.Туюк-Какпак: 42° 34', 41" с.ш., 79° 47', 41" в.д., 2620 м.

3 день. Перевал Безымянный и радиальный выход: 42° 34', 03" с.ш., 79° 48', 05" в.д., 3122м. Лагерь 2-3 – 7.2 км. Лагерь 3 на р.Улкен – Какпак в зоне хвойных лесов: 42° 33', 49" с.ш., 79° 50', 49" в.д., 2400м.

4 день. Перевал Караколь и радиальный выход: 42° 31', 54" с.ш., 79° 54', 23" в.д., 3748м. Лагерь 4 у озера Караколь в зоне альпийских лугов: 42° 30', 65" с.ш., 79° 54', 47" в.д., 3116 м. Лагерь 3-4 – 10 км.



Рис.1 Пики Хан-Тенгри и Семёнова с пер. Надежда

5 день. Перевал и радиальный выход к вершине: 42° 29',04" с.ш., 79° 55', 76" в.д., 3705 м. Лагерь 4-5 – 11 км. Лагерь 5 у озера Акколь в зоне альпийских лугов: 42° 29',35" с.ш., 79° 58', 12" в.д., 3128 м. Лагерь 5-6 – 15 км.

6 день. Перевал: 42° 27',64" с.ш., 79° 58', 34" в.д., 3850 м. Лагерь 6 на р. Ашутор в зоне альпийских лугов: 42° 25',38" с.ш., 80° 01', 20" в.д., 3115 м. Первая заброска вертолетом. Сюда доставлено дополнительное оборудование и команда носильщиков. Начиная с лагеря 6 грузы переносятся носильщиками, коноводы с лошадьми и лишним грузом отправляются обратно.

7 день. Лагерь 6-7 – 6 км. Лагерь 7 на морене ледника Надежда: 42° 22',55" с.ш., 80° 00', 93" в.д., 3620 м.

8 день. Ледник Надежда преодолевается по прямой линии от лагеря к перевалу, трещины отсутствуют. На перевале есть небольшое озеро. Перевал Надежда (рис. 1) и радиальный выход к вершине: 42° 22',31" с.ш., 79° 59', 55" в.д., 4100 м. Переход к лагерю 8 по правобережной морене ледника Семенова с выходом на ледник. Лагерь 7-8 – 8 км. Лагерь 8 на леднике Семенова: 42° 20',22" с.ш., 80° 01', 50" в.д., 3930 м. Вторая заброска вертолетом. Доставлено альпинистское снаряжение (кошки, обувь, дополнительные веревки, ледорубы, карабины, бахилы), газ, свежие продукты. Ледник Семенова (длина 18 км) закрыты, изобилует трещинами, покрыт глубоким снегом. После 11 утра передвижение весьма затруднительно, поэтому выход необходимо совершить не позднее 3-4 часов ночи. От лагеря вверх вечером надо заранее разметить начало маршрута с помощью туров. Передвижение осуществляется в связках, у всех должны быть фонари, бахилы и теплые альпинистские двойные ботинки. Крутизна поверхности ледника – до 30°.

9 день. День перехода к лагерю 9 – один из лучших дней маршрута. Вид северных склонов окружающих вершин (Хан-Тенгри, Мраморная Стена, Семенова и др.) великолепием. Перевал Семенова: 42° 20',22" с.ш., 80° 04', 97" в.д., 4372 м расположен на леднике. Спуск к лагерю 9 после выхода с ледника – по левобережной морене. Лагерь 8-9 – 12 км. Лагерь 9 на левобережной морене ледника Семенова: 42° 20',06" с.ш., 80° 07', 46" в.д., 4070 м.

10 день. Спуск к базовому лагерю «Баянкол» у подножья Мраморной Стены. Баянкол и его приток необходимо преодолеть рано утром, т.к. после обеда это становится чрезвычайно трудной и опасной задачей. Лагерь 9-10 – 8.2 км. Лагерь 10 расположен на правом берегу реки в зоне альпийских лугов ниже двух ледниковых языков: 42° 20',83" с.ш., 80° 12', 06" в.д., 3230 м.

11 день. Радиальный выход к Китайскому перевалу: 42° 19',93" с.ш., 80° 15', 47" в.д., 4043 м и к вершине Узловая: 42° 19',68" с.ш., 80° 15', 93" в.д., 4334 м. Отсюда открывается панорама китайской части Тянь-Шаня, Мраморной Стены и др. вершин. Пройденное за день расстояние – 15 км.

12 день. Перелет в базовый лагерь «Северный Иньльчек»: 42° 15',09" с.ш., 80° 09', 67" в.д., 4038 м. Лагерь находится на правобережной морене ледника. Отсюда совершаются восхождения на Хан-Тенгри и др. вершины. С этого момента начинается альпинистская часть маршрута. Теперь восхождением руководят высококвалифицированные альпинисты. В 2004г. это был знаменитый альпинист Ю.М. Моисеев.

13 день. Путь к пику Карлытау начинается с движения по леднику Северный Иньльчек. Далее – преодоление сераков в кошках, после чего крутой взлет около 600 м. После этого необходимо преодолеть ледяную стенку высотой около 30-40 м. Страховка через ледовые крючья и ледорубы. Переход по левому борту ледника с преодолением сераков и трещин. Передвижение осуществляется в связках. Штурмовой лагерь находится на леднике у подножья Карлытау напротив пика Хан-Тенгри: 42°

16',32" с.ш., 80° 13', 25" в.д., 4850 м, т.е. выше Монблана. Сюда предварительно доставлено вертолетом необходимое снаряжение: высотные палатки, палатка-столовая, газ, продукты. Температура в палатке в 5 часов утра минус 12° С.

14 день. Передвижение по леднику в связках, в кошках и с ледорубами. Выход на вершинное ребро, покрытое глубоким снегом. Вершина Карлытау: 42° 16',86" с.ш., 80° 13', 82" в.д., 5450 м. С вершины открывается замечательный вид: в непосредственной близости находятся пики Мраморная Стена, Казахстан, немного дальше – Хан-Тенгри, Баянкол, долина Баянкола, ледник Северный Иньльчек и др.

15 день. Спуск с вершины – по пути к подъему. Перелет в базовый лагерь Каркара и переезд в Алматы на автобусе.

Сведения о путешествии

Географические координаты и абсолютные высоты измерены с помощью GPS. Количество клиентов 11, в том числе тур-лидер – высококвалифицированный гид (ранг «Guide de Haute montagnes»).

Команда: гид-переводчик, сирдар, три портера, повар, помощник повара, 2 коновода, 20 носильщиков, в т.ч. 2 сирдара, 2 гида-альпиниста. Использовано 9 лошадей. Транспорт: автобус, автомобиль высокой проходимости, 6 раз – вертолет.

Снаряжение: трекинговые палатки, кухня, столовая, тент-туалет, высотные палатки, столы, стулья, ледорубы, веревки и др. альпинистское снаряжение, теплые вещи и медикаменты.

«Изюминки» этого путешествия:

- красивейшие пейзажи;
- отсутствие больших технических сложностей, постепенная акклиматизация (способ «зубья пилы»);
- восхождение на пятитысячник;
- полеты на вертолете в окружении высочайших вершин и ледников;
- знакомство с местными видами флоры (тянь-шанская ель, арча туркестанская, ирисы, аконит, горечавки, сиббальдия, татарник, соссюрея и др.) и фауны (сурки, улары, горный козел, архар, сокол-балобан).

Дополнительные сведения:

- клиенты должны быть в хорошей физической форме;
- вес багажа клиента, переносимый носильщиками или лошадьми, не должен превышать 15 кг. Превышение веса оплачивается отдельно;
- клиенты должны иметь казахстанскую визу. Кроме того, короткий отрезок пути проходят по территории Кыргызстана. При необходимости виза оформляется на месте;
- в случае прохождения групп туристов по частным или охраняемым территориям, а также через КПП, турфирма снабжает гида соответствующими письмами и многочисленными копиями документов и списков групп.

Литература

1. Гвоздецкий Н.А., Голубчиков Ю.Н. Горы. – М.: Мысль, 1987.
2. Попов В.И., Гуляева Т.С. и др. Рекреационная оценка горных территорий Казахстана.- Алматы: Институт географии, 2003.
3. www.allibert-trekking.com

Н.И.Сабитова, О.Ш.Рўзиқулова

Ўзбекистон Миллий университети

ЗАРАФШОН ДАРЁ ҲАВЗАСИ ГЕОСИСТЕМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУПРОҚ-МЕЛИОРАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

Табиий географиянинг тадқиқот йўналишларидан бири – геотизимлар ва уларни чегарасини илмий жиҳатдан асослаш масаласидир. Биз ҳам тадқиқот объекти сифатида геотизимларни ажратган ҳолда, уларнинг компонентларини (рельеф, сув, тупроқ ва ҳоказо) вақт ва маконда ўзгариш хусусиятларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Мелиоратив географияга тааллуқли муаммони ечиш, геосистемани ташкил қилган тупроқдаги сувларнинг динамик ҳаракати, кимёвий элементлар, туз сифатини вақт ва маконда ўзгариш қонуниятини аниқлашдан иборат.

Маълумки, геотизим – географик қобик компонентларининг ўзаро боғлиқ ва бир-бирига таъсир кўрсатадиган бир бутун табиий ҳудудий бирлик, географик мажмуалардир. Ҳозирги кунда геотизим тушунчасига олимларнинг қарашлари турлича. Биринчи томон вакиллари геотизим – оқим йўналишига мос жойлашган табиий географик жараён, деб ҳисоблашса (Ретеюм, 1970; Арманд, 1968; Дяконов, 1973 ва бошқалар), кейинчилари, анъанавий, табиий географик комплексларни тушунади (Сочава, 1978; Исаченко, 1980 ва бошқалар).

Биз биринчи илмий йўналиш хулосаларига асосланиб, тадқиқот объекти-Зарафшон дарё ҳавзасини бир бутун геотизим деб олдик. Илмий изланишларимизнинг вазибаларидан бири дарёнинг ўрта ва қуйи оқимида жойлашган геотизимларнинг географик жараёнлар таъсирида табақаланиш қонуниятларини ўрганган ҳолда, чегараларини картографик моделда кўрсатишдан иборат. Ажратилган чегара доирасида маълум жараёнларни маконда ривожланиши, сифат ва миқдор ўзгариш сабабларини очиб бериш долзарб масалалардан биридир. Зарафшон ҳавзаси геотизимларини табақаланишида морфологик бирликларнинг геометрик шаклларига алоҳида эътибор берамиз. Сабаби, энергия ва модда кескин алмашинуви кичик геотизимлар чегарасида содир бўлади, ривожланади. Кичик геотизимларнинг мелиоратив ҳолати шу ернинг рельефи, тупроғи, ер усти ва ер ости сувларининг минерал таркиби, ер юзасига нисбатан жойлашиши, ўсимлик турлари кабиларга боғлиқ. Геотизимларнинг чегарасини аниқлаш ва сувда эриган тузларнинг тупроқда тўпланиш сабаблари, геоморфологик шакллар доирасида таҳлил қилинди. Геотизим тушунчасининг назарий асослари яратилганига бир неча йил вақт ўтган бўлсада, локал геотизимларни чегаралаш масаласи ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли тадқиқот объектида табиий географиянинг назарий асосларига амал қилган ҳолда, геотизимларнинг қўллаб чегараларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ажратилган чегара доирасида кичик геотизимлар тупроқларининг мелиоратив ҳолатини ўргандик.

Мавжуд адабиётлар ва дала ландшафт тадқиқотлари асосида рельеф пластикаси усулини қўллаб (Метод пластики рельефа... 1987), Зарафшон дарё ҳавзаси геотизимларининг мелиоратив картасини туздик. Рельеф пластикаси картаси билвосита, ер усти ва ер ости сувлар оқими, кичик геосистемаларнинг геометрик структураси ҳақида ва умумий ҳолатини тасвирловчи ботиқ ва қавариқ шаклларни ўзида мужассамлаштирган. Улар тупроқда туз тўпланиш қонуниятларини аниқлашда ва ландшафт-мелиоратив карталарни тузишда асос бўлиб хизмат қилди. Тизимли усул ландшафт шўрланиш сабабларини аниқлаган ҳолда, ҳар бир ажратилган геосистемани мелиоратив ҳолатини баҳолашга имкон беради.

Дала тадқиқот ишлари ана шу ажратилган геотизимлар асосида олиб борилди. Ҳар бир геотизимда таянч шохобчалар оқимнинг ўрта ва қуйи қисмида жойлаштирилди. Инсонларнинг табиатга таъсирини ортиши билан суғориладиган ерлар

транспирациясининг динамик ўзгариши, коллектор-зовур ва суғориш сувлари сифати, суғориш мелиорацияси кўрсаткичларини таҳлил қилдик. Геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш мақсадида 600 дан ортиқ тупрок, сизот сувлари ва коллектор-зовур сувлари намуналари олинди ҳамда Тупрокшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институтининг аналитик марказида таҳлил қилинди. Сувларни таҳлил қилишда сувда эриган тузлар I ва II-сувли сўрим, куруқ қолдик усулларидан фойдаланиб, тузларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Натижада ҳар бир геотизим тупроқларининг ўсимликлар ўсиб ривожланиши учун қулай бўлган юза қисмидаги (0-1, 1-2 ва 0-2 метр) туз миқдори аниқланди. Оқим бўйича гипсометрик юқори жойлашган ҳудудлардан, пастки ҳудудларга маълум қонуниятлар асосида тузларни ортиб бориши аниқланди. Кўрсаткичларнинг ортиб бориши айниқса, геосистема тупроқларининг устки ҳайдалма қатламларига хос. Олинган натижалар асосида геотизимлар ҳозирги мелиоратив ҳолати таҳлил қилинди ва карталаштирилди. Биз геосистеманинг табақаланиш хусусиятига мос ҳолатда картада тупрок шўрланишини карбонат, сульфат ва хлорид-сульфат, сульфат-хлоридли зона чегараларини ажратдик (Сабитова, Ахмедов, 2005).

Тадқиқот натижалари келгуси изланишларимизда геосистемаларнинг мелиоратив ҳолатини илмий асосланган ҳолда баҳолаш ва башоратлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арманд Д.Л. Физическая география в наши дни. М., Знание, 1968.
2. Ретеюм А.Ю. К определению содержания понятия “геосистема”. В кн.: Гвоздецкий Н.А., Геренчук К.И. и др. Состояние и задачи физической географии. - Материалы V съезда географического общества СССР, Л., 1970.
3. Дьяконов К.Н. О соотношении понятий географический ландшафт, геохимический ландшафт и геосистема. -В кн.: Методы прикладной и региональной физической географии. М., 1973.
4. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск: Наука, 1978.
5. Исаченко А.Г. Методы прикладных ландшафтных исследований. Л., 1980.
6. Метод пластики рельефа в тематическом картографировании. Пушино, ОНТИ, НЦБИ, 1987.
7. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. “Университет”, Тошкент-1999.
8. Сабитова Н.И., Ахмедов А.У. Системный анализ в изучении мелиоративного состояния почв (На примере бассейна р.Зарафшан). Ўзбекистон тупроқшунослар ва агрокимёгарлар жамиятининг IV курултойи материаллари, Тошкент 2005.

Г.Х.Муратова

Самарқанд Давлат университети

МОЛГУЗАР ТИЗМАСИ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон рекреацион ресурсларга бой мамлакат ҳисобланади. Айниқса давлатимизнинг мустақиллик йилларида тез суратларда ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг жадаллашиши, шаҳар аҳолисининг ортиб бориши, аҳоли турмуш даражаси, маданий савиясининг ўсиши ва бошқа омиллар фаол дам олишга ва саёҳатга бўлган эҳтиёжни оширади. Дастлаб республикамизда 1960 йил 19 февралда сайр-саёҳат (турист- экскурсия) бошқармаси ташкил этилди. Санаторий-профилакторийлар, курортлар, дам олиш уйлари, саёҳатчилар учун меҳмонхоналар, оромгоҳлар қурилиши кенг кўламда олиб борилди.

Ўзбекистонда даволаш-соғломлаштириш муассасаларининг географик жиҳатдан ўрганиш муаммоси, яъни рекреация масалалари (иқлим, минерал сувлари, шифобахш балчиқ ва бошқалар) иқтисодий омиллар мажмуасини ҳисобга олиб ҳал қилинади. Соғломлаштириш муассасаларининг ҳудудларда тарқалиши, рекреация омили ва ресурсларини аҳолини жойлашишига, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади. Шу боис Ўзбекистон ҳозирги вақтда рекреацион район ва кичик районларга бўлиб ўрганилмоқда. Бу эса дам олиш уйлари, санаторий – курортлар, саёҳат ва спорт–соғломлаштириш муассасаларини қуришни режалаштиришда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Молгузар тизмасининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари рекреацион муассасаларни қуриш учун қулай эмас. Шунинг учун ҳам бундай муассасаларни қуришда жойнинг шу мақсадда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш борасидаги текширишларнинг илмий асосланган хулосаси талаб қилинади.

Молгузар тоғ тизмаси рекреация омилларига ва иқтисодий имкониятларга эга бўлиб, бу муассасаларни кенгайтириш ва янгиларини қуриш учун жуда қулайдир. Туркистон тоғи шимолий ёнбағри ва унинг тармоқларида юз минглаб одамлар ҳордик чиқара оладиган оромгоҳлар вужудга келтиришга имкон беради.

Молгузар тоғ тизмаси тоғ туризми ва маданий курортлар, санаторийлар, оромгоҳлар вужудга келтириш учун катта имкониятларга эга. Молгузар тоғ тизмаси табиий шароитининг ранг–баранглиги, чалачўл иқлимининг текислик ва қолдик тоғлардан, Туркистон тоғидаги арчазорлар ва нивал минтақалар (қор ва музликлар) зоналаригача ўзгариши, Жиззах вилояти марказининг Тошкент, Янгиер, Самарқанд каби саноат марказлари билан темир йўл, автомобил, ҳаво йўллари орқали боғланганлиги бу ерда туризмни ва курорт марказларини вужудга келтиришга ва ривожлантиришга имкон беради. Шундай экан, нима сабабдан ҳудудда тоғ туризми ва курорт хўжалигини ривожлантиришга эътибор берилмайди деган савол туғилади.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш рекреация инфратузилмаси ёки ижтимоий-иқтисодий, техник омилларга боғлиқ. Молгузар тизмаси рекреацион имкониятларини қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин.

А) Энг қулай ҳудудлар Молгузар тизмасининг ўртача баланд тоғларининг (1200-2200 м) ва намликнинг (25-30%) меъёрдалиги билан ажралиб турувчи ҳудуди.

Бу ер ўсимлик ресурсларига арчазорлар, ёнғоқзорлар ва б. бой. Айниқса гидрография сув ресурслари ҳудудга ўзгача чирой бахш этади. Тоғларда сайёҳлик объектлари кўплаб учрайди. Бу ерда қисқа ва узоқ муддатли дам олиш, сайёҳлик, турли касалликларни даволаш, спорт ўйинларини ташкил қилиш имкониятлари катта.

В) Кам қулай ҳудудлар паст тоғлар (800-1200), адирлар ва текисликларнинг кўпгина қисмларини ўз ичига олади. Бу жойларда табиий омилларнинг баъзилари қулайлик даражасининг пастлиги билан ажралиб туради. Рельефда жарларнинг мавжудлиги рекреация имкониятларини камайтиради. Сув тармоқлари кам, ўсимлик дунёсига бой эмас. Бу ҳудудларда қисқа муддатли дам олиш (баҳор ойлари)ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

С) Ноқулай ҳудудларга текисликларнинг каттагина қисми, адирлар, тоғларнинг қояли ёнбағрлари киради. Ўсимликларга камбағал (асосан, эфемер ва эфемероидлар). Рельефида баланд тоғлар, тоғларда дарёлар ва сойлар, жарлик ва ўпирилмалар кўплаб учрайди. Бу ҳудудда баҳорги ойларда қисқа муддатли дам олиш ва саёҳатлар ташкил қилиш имкониятлари мавжуд.

Демак, ҳар бир дам олиш тури учун маълум табиий ресурсларни ҳисобга олиш рекреация мажмуаси ёки муассасини ихтисослашувини аниқлашга имкон беради. Булар дам олувчиларнинг эҳтиёжи ва талабларига биноан мажмуа хусусиятларини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Бу эса рекреация тизимларини ташкил қилишда қўл келади.

В.А.Рафиқов

**ЎзРФА Сейсмология институти География бўлими
ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ҚИСМИ:
МУАММО, ЕЧИМЛАР ВА ТАКЛИФЛАР**

Орол денгизи–ноёб улкан кўл, Ўрта Осиёдаги йирик чўллар Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсик, Оролбўйи Қорақумлари оралиғида жойлашган. У Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмидан бери мавжуд. 1961 йилдан эътиборан Ўрта Осиёда суғоришнинг тез суръатларда ривожланиши муносабати билан унга қуйилаётган сув хажми йилдан йилга камайиб борди, баъзан (2000 ва 2001 йиллар) сув мутлақо қуйилмади. Табиий буғланишнинг мунтазам давом этиши туфайли унинг сатҳи фалокатли тарзда тушиб бориши кузатилди. 2004 йил охирида унинг сатҳи 28.5 м (1961 йилда 53 м) мутлақ баландликда бўлганлиги қайд этилди. Бунинг оқибатида унинг 45 минг км² қисми қуриб, қуруқликка айланди.

Янгитдан вужудга келган континентал қуруқлик табиий муҳитнинг типик чўл хусусиятларга эгаллиги ва унинг атрофдаги кум-шўрхок ландшафтларидан деярли фарқ қилмаслиги билан ажралиб туради. Денгиз сувининг ҳар йили туб қирғоқдан маълум масофага чекиниши ва тубидаги ётқизикларнинг литологик таркибига кўра шамолнинг рельеф ҳосил қилувчи фаолияти натижасида ўтган 45 йил мобайнида унинг ер усти тузилиши мураккаблашиб борди. Вужудга келаётган янги табиий комплекслар структураси, динамикаси ва уларнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда истиқболдаги ўзгаришлари денгиз тубидаги ётқизиклар таркиби, гидрогеологик режим, тупроқларнинг вужудга келиши, тараққиёти ва туз режими, ўсимликларнинг фаолияти ва сукцессияси, улар негизида ландшафтларнинг тадрижий ўзгаришлари ва тараққиёти Оролнинг қуриган қисмини синчиклаб ўрганишни тақозо этади.

Олигоценнинг охирида Турон плитасининг шарқий ҳудудлари секин-аста кўтарилиб, қуруқликка айланган ва денудация жараёнлари кучаяди. Миоценда Оролбўйи ва Қизилқум ўрнида пасттекислик таркиб топади.

Аниқланишича, Орол чўкмасининг вужудга келиши плиоценда содир бўла бошлаган. У тектоник, дефляция, суффозия-карст жараёнларнинг таъсири натижасида вужудга келган бўлиши эҳтимол қилинади. Оқчағилдан олдинроқ ҳудуднинг умумий кўтарилиши туфайли аввал тўпланган ётқизиклар кучли эрозияга берилиши натижасида улар бутунлай ювилади. Бунда сарматнинг юмшоқ (бўш) терриген аллювиал-дельтали ётқизиклари деярли тўлиғи билан йўқолган. Бу мураккаб жараёнда шимоли-шарқда ҳозирги Аральск шаҳридан бошлаб то жануби-ғарбда Сарикамишнинг жанубий соҳилигача бўлган ҳудудда улкан эрозион ботик таркиб топган (Рубанов ва бошқ., 1987).

Орол чўкмасининг илк бор сув билан тўлиши юқори плиоценда рўй берган (Кесь, 1969), ўшанда Каспийнинг оқчағил трансгрессияси Турон пасттекислигининг катта қисмини босган. Бу воқелик Оролбўйидаги Қушхонатов ва Белтов баландликларидаги оқчағилнинг қушхонатов (қалинлиги 60 м), денгизкўл (70-80 м) ва зoir кўл-денгиз ётқизикларидан иборат бўлган свиталар асосида тасдиқланиши мумкин. Апшерон эпохаси (плиоцен) да Сарикамиш-Орол чўкмалари яна Каспий трансгрессияси билан қопланади. Орол чўкмасида кум-гил ётқизиклари вужудга келади, уларда денгиз чиғаноқлари мавжуд. Денгизнинг шимолий туб қирғоғида бу ётқизиклар 54-62 м мутлақ баландликда тарқалган.

Амударё ётқизиклари билан Сарикамиш, Хоразм ва Оқчадарё ботикларини тўлиши натижасида юқори тўртламчи давр (голоцен) да Сарикамишбўйи ва Оқчадарё дельталари, эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмида Оролбўйи

(хозирги Амударё) ва Сирдарё дельталари вужудга келган ва Амударё билан Сирдарё Оролга қуйила бошлаган. Эрамиздан аввалги I минингчи йилнинг ўрталарида Орол денгизида энг баланд трансгрессия юз берган, унинг кўл-денгиз ётқизиклари 58-59 м мутлақ баландликда учрайди ва у қадимги орол террасаси билан машхур. Эрамиздан олдинги VII-IV асрларда янги орол трансгрессияси содир бўлган. Ўшанда денгиз сатҳи 54,5 м мутлақ баландликкача кўтарилган ва Орол тарихида янги орол террасаси билан таникли. Орол денгизининг жанубий қисми Амударё ётқизиклари билан банд ва кўпинча авандельта деб ҳам айтилади.

И.В.Рубанов ва унинг ҳаммуалиф (1987) ларининг таъкидлашича, Орол денгизи тубининг ётқизиклари турли механик таркибдаги қумдан тортиб гилгача мавжуд. Қумлар дельта ва қирғоқ ётқизиклари, алевроитлар дарё фаолияти, гил ва мергел денгиз (марказий қисмда) иши билан боғлиқ. Катта ҳамда Кичик денгизнинг марказий ва ғарбий чуқур (Устюрт чинки яқинида) қисмларида карбонатли гиллар тарқалган, қирғоққа яқин ҳудудларда улар турли механик таркибдаги алевроитлар билан ўралган. Туб қирғоққа яқин ҳудудлар турли механик таркибдаги қум ётқизиклар билан банд. Айниқса, шарқий қирғоққа яқин жойлар ва Лазарев-Возрождения ороллари (Архангельский марзаси) атрофи қалин қумлардан иборат. Дельта ва денгиз ётқизиклари остида палеогеннинг денгиз трансгрессиясида вужудга келган гил, қум, мергел қатламлари ётади, улар бўр даврининг терриген жинслари устида тарқалган.

Денгизнинг қуриган қисмида табиий комплексларни вужудга келиши, динамикаси ва таракқиёти Қуёш радиацияси, грунт сувлари режими ва тупроқнинг сув-туз мароми, ўсимликлар сукцессияси, табиий жараёнларнинг ривожланиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Аввало қуриган тубнинг табиий нишаблик бўйича грунт сувларини ер ости оқими ва унинг Орол сатҳини тушиб бориши натижасида борган сари чуқурлашиши оқибатида тупроқнинг сув-туз режимини ўзгариши табиий комплексларни вужудга келиши ва шаклланишига жиддий таъсир этиши аниқланган. Эндиликда денгиз сатҳининг 20 м дан зиёд пасайиши туфайли 60-70 –йилларда сувдан ҳалос бўлган қисмларида (49-53 м мутлақ баландлик) грунт сувлари юзаси 7-10 м дан кўпроқ чуқурлашди. Бинобарин, автоморф шароитнинг барқарор мавжудлиги тупроқларнинг табиий шўрсизланиш вазиятда шаклланишига таъсир этиши туфайли шўрланган тупроқлар ва шўрхоқлар 90-йиллардаёқ қолдиқ шўрхоқларга айланди. Бу минтақада асосан эол қум рельеф шакллари ривожланган. 80-йилларнинг биринчи ярмида сувдан озод бўлган қисмларда (42-49 м) аввалги типик шўрхоқлар ҳам қолдиқ шўрхоқларга айланган ва механик таркиби оғир бўлган тупроқларда тақирли тупроқ белгилари намоён бўла бошлади, шуни ҳисобга олиб бу тупроқларни тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар деб ҳисоблаш мумкин, лекин эволюцион жараён давом этмоқда.

80-йилларнинг иккинчи ярмида денгиз суви чекинган минтақалар (39-42 м) да грунт сувлари сатҳининг 7 м дан қуйига пасайиши туфайли типик шўрхоқлар қолдиқ шўрхоқларга айланиш босқичига кирган. 90-йиллар арафасида денгизнинг қуриган қисми (37-39 м) грунт сувлари сатҳининг 5-7 м да мавжуд бўлиши шўрхоқларнинг фаоллик хусусиятини йўқота бошлашидан дарак беради, бинобарин уларда туз тўпланиш хусусияти сусая бошлаган. 90-йилларда сувдан ҳоли бўла бошлаган қуриган қисмда (32-37 м) грунт сувлари сатҳи 0-5 м да жойлашганлиги сабабли тупроқларда туз тўпланиши фаол давом этмоқда. Денгиз қирғоғидан 0,5-0,8 км масофада қуруқлик ичкариси томон маршли шўрхоқлар ривожланган.

Грунт сувлари сатҳининг жойлашуви, минераллашув даражаси, тупроқ тури ва унинг туз режимига боғлиқ ҳолда ўсимлик қоплами ривожланган. Эол қум рельефи мавжуд бўлган минтақада қора саксовул, черкез, юлғун ва бир йиллик шўралар тарқалган. Тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар минтақасида юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар; қолдиқ шўрхоқлар минтақасида қорабароқ, юлғун, бир йиллик шўралар;

типик шўрхоқлар минтақасида юлғун, қорабароқ, кермек, бир йилик шўралар; ўтлоқ шўрхоқларда бир йиллик шўралар, маршли минтақада ўсимлик мутлақо йўқ.

Тупроқ шўрланиши даражаси билан ўсимлик тури орасида яқиндан боғлиқлик мавжуд. Ўта шўр тупроқда қорабароқ, шўрхоқда юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар, шўр тупроқда кермек, қора саксовул, турли ўтлар вегетацияси кузатилади. Шунинг учун ҳам туб қирғоқдан то денгиз қирғоғигача тупроқ ва ўсимликларнинг, шунингдек грунт сувлари режимини маълум минтақалар бўйича жойлашуви аниқланган. Туб қирғоқдан бошлаб денгиз маркази томон унинг тубида ётқизикларнинг механик таркиби оғирлашиб боради (йирик–ўрта-майда донали кумлар, алеврит, кумли гил-гил, мергел). Шунга мувофиқ грунт сувларининг ер ости оқими секинлашиб боради, марказий қисмида оқим деярли кузатилмайди, шунинг учун уларнинг минераллашув даражаси туб қирғоқ яқинида ҳар литр сувда ўртача 20-25 г бўлса, ўтлоқ минтақада 80-100 г ва ундан зиёд. Шунга мувофиқ тупроқ шўрланиши ҳам ўзгариб боради: эол кум минтақада чўл кум тупроқлари турли даражада шўрланган, шўрхоқлар минтақасида қолдиқ шўрхоқлар юқори қатламда туз қуйи томон бироз ювилган, типик шўрхоқларда юқори қатламда туз миқдори 3-15, баъзан 25-40 фоизни ташкил қилади, ўтлоқ минтақада туз миқдори 10-20, маршли шўрхоқларда 4-8 фоизга боради. Айрим чуқурроқ ботикларда, хусусан Оқпетки (аввалги архипелаг) даги қўлтиқларда грунт сувлари минераллашуви 400-500 г, шўрхоқдаги туз миқдори 100 фоиз атрофида. Тузнинг кўплигидан кумли ётқизикларда ҳам шўрхоқ вужудга келган.

Рельеф ҳосил қилувчи омиллар–дефляция, эрозия, аккумулятив жараёнлар денгизнинг қуриган қисмида энг фаол ҳаракат қилади. Шўрхоқнинг юқори қатламини қуриши билан шамол фаолиятига берила бошлайди, туб қирғоққа туташган кумли минтақа ва Архангельский марзасида Қизилкумдагидек типик эол рельеф шакллари таркиб топган, бу ҳудудларда бархан ва дўнг кумлар ҳуқумрон, уларга туташган қолдиқ шўрхоқларда бута олди фитоген кумлар кенг тарқалган. Жойларда дефляция ботиклари барханлар яқинида умумий мажмуа ҳосил қилган. Қолдиқ шўрхоқларда дефляция ва аккумуляция шаклланиш, шўрсизланаётган ва қуриётган кум ётқизикларида дефляция кучайиш босқичида фаоллашмоқда. Типик шўрхоқларда дефляция эндигина жонлана бошлайди, бунда кавариқ рельефдаги бўрсилдоқ сульфатли тузлар шамол таъсирида тўзиш босқичига кирган. Ўтлоқ шўрхоқлар дефляцияга намлиги туфайли берилмайди. Маршли минтақада денгиз сувнинг тошиши ва қайтиши жараёнида, айниқса кейингисининг катта тезликда бўлиши натижасида тупроқ ўйила бошлайди ва баъзан росмана ариқсимон ботиклар таркиб топади. Демак, рельеф шакллари ва уларни вужудга келтирувчи омиллар ҳам маълум минтақалар бўйича жойлашган.

Юқоридаги табиий комплекслар вужудга келтирувчи ўзгарувчан табиий муҳитни таҳлил қилиш натижасига кўра денгизнинг қуриб бораётган қисмида турли даражада шаклланаётган ва вужудга келаётган ландшафтлар тизимларини ажратиш мумкин бўлади. Бунда шундай табиий қонуният мавжуд, яъни туб қирғоқдан бошлаб ичкари томон ландшафтларнинг гидроморфли (гидрогаломорфли) хусусияти ортиб боради. Бинобарин, туб қирғоқдан бошлаб элювиал, яримгидроморф ва гидроморф ландшафт гуруҳлари маълум минтақалар бўйича жойлашади. Бу ҳодиса ландшафтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва жойлашувида маълум тартиб ёки табиий қонуният мавжудлиги сезилиб туради.

Туб қирғоқ яқинидаги аввалги пляж ва қирғоқ бўйи сувлар эгаллаган минтақа (53-49 м) денгиз тубининг ёнбағри бўлган. Орол чекиниши натижасида унинг остидаги сувдан холи бўлган кумлар дефляция фаолияти туфайли эол аккумулятив рельеф шакллари вужудга келтиришга берилди. Бу минтақадаги типик дўнг-бархан рельеф турлари эндиликда тўла ривожланиш босқичига етган ва шамол таъсирида улар асосида

марзали кум рельеф шакллари таркиб топиши йўналишида эволюцион тараққиёт белгилари мавжуд. Минтақадаги эол ландшафтлар турини ривожланиш босқичига кўра етарли даражада вужудга келган табиий комплекслар деб баҳолаш мумкин, чунки кейинги босқични амалга ошиши учун нисбатан жуда узоқ муддат зарур бўлади.

Автоморф ландшафт шароити йўналишида ривожланиш босқичига ўтган колдик шўрхоқлар ландшафтлар тури эгаллаган минтақа (49-37 м) грунт сувлари сатҳининг муттасил тушиб бориши туфайли тезкор тараққиёт босқичини ўтамоқда. Бу минтақада барча компонентлар тезкор ривожланиш босқичида бўлганликлари туфайли уларнинг табиий хусусиятлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, айниқса, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, ўсимлик ассоциациялари сукцессияси, рельеф шароитлари, табиий жараёнлар динамикаси ва улар асосида ландшафтнинг морфологик қисмларини вужудга келиши, динамикаси ва шаклланиши содир бўлмоқда. Бу босқич минтақада типик тақирли тупроқ (агарда тупроқнинг механик таркиби оғир бўлган тақдирда) ёки хақиқий эол кум рельеф шакллари (агарда кум ётқизиклари ҳукумрон бўлса) дан иборат табиат комплекслари бунёд бўлганга қадар давом этиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда бу минтақа ландшафтлар турини шаклланётган ёки ривожланиш босқичини ўтаётган гуруҳга киритиш мумкин.

Типик шўрхоқлар ривожланаётган минтақа ландшафтлар тури энг ёш бўлиб, 90-йилларда таркиб топа бошлаган. Бу минтақа ландшафтларининг табиий хусусиятлари эндигина такомиллашиб бормоқда, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари шаклланмоқда, қатқалоқ, бўрсилдоқ, ўтлоқ, нам, ботқоқ шўрхоқлар ва шўрларнинг туз режими, гидроморфли хоссалари, гумус тўпланиши ва бошқа биокимёвий жараёнлар ривожланиши туфайли арид комплекслар белгилари таркиб топмоқда. Рельеф ҳосил қилувчи омиллар таъсирида денгиз тубининг бирламчи юзаси кучли ўзгаришларга учрамоқда, чунончи дефляция, суффозия ва эрозия натижасида рельефнинг ўйдим-чуқурлиги таркиб топмоқда. Ўз навбатида бу жараёнда ландшафтнинг морфологик қисмлари мураккаблашмоқда.

Типик шўрхоқлар минтақасида улар таркибида тузнинг ҳаддан ташқари мўл (15-25, баъзан 35 фоиз) бўлишлиги оқибатида ва грунт сувлари минераллашув даражасининг юқорилиги (ҳар литр сувда 40-60, баъзан 80 г ва ундан зиёд) туфайли бир йиллик шўраларнинг ҳам вегетацияси мураккаблашмоқда, шунинг учун ҳам ўсимлик жуда сийрак, ёки умуман йўқ. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб денгиз сувидан ҳоли бўлаётган Орол тубида ўсимлик деярли ўсмаётганлиги қайд этилмоқда. Бундан кейинги йилларда унинг чекиниши натижасида янги очиладиган тубида ўсимлик мутлақо ўсмаслиги мумкин, чунки шўрхоқлар усти оппоқ туз билан қопланиш босқичи бошланмоқда. Типик шўрхоқлар минтақаси ландшафтларини ривожланиш даражаси жиҳатдан дастлабки вужудга келаётган табиий комплекслар гуруҳига киритиш мумкин.

Орол денгизининг тақдири Амударё ва Сирдарёдан келадиган сув миқдорига боғлиқ. 2000 йилдан бошлаб дарёлардан келаётган сув хажмининг кескин камайиб кетиши унинг сатҳини фалокатли тушиб кетишига олиб келди. Орол сатҳининг 28,5 м (2004 йил, сентябр) мутлақ баландликка тушиши натижасида Катта денгиз Архангельский марзаси бўйича икки қисмга ажралди: Устюрт платосининг шарқий чинкига туташган камбар акваторияда нисбатан чуқур (денгиз сатҳидан минус 16 м пастда) ғарбий қисм ва саёз шарқий қисм таркиб топди. Бу вазиятда ғарбий қисм узоқ вақт кичик шўр кўл вазифасини ўтайди, шарқий қисм тобора шўрланиб бориши ва буғланишга сарф бўлиши натижасида секинлик билан қуриб, улкан шўр-кўлга айланади. Бунда марказий қисмда саёз ўта намोकбли кўл ва унинг атрофида улкан шўр таркиб топади. Шўр атрофида маълум минтақалар бўйича кучли шўрланган шўрхоқлар (аваллига ботқоқли, билқиллама, ундан кейинги минтақада нам, сўнгра қатқалоқ

шўрхоқлар минтақаси вужудга келади. Демак, истиқболда Катта денгизнинг шарқий қисмида гидрогаломорфли континентал ва ғарбий қисмда акваториал ландшафтлар таркиб топиши башорат қилинмоқда.

И.В.Рубанов (1984) нинг ҳисоб-китобига кўра, Катта денгиз сувининг минераллашув даражаси ҳар литрда 120 г дан ошганда қишда мирабилит тузлари таркиб топа бошлайди, шўрлик 320-425 г га етганда ош тузи билан астраханит тузи мажмуа ҳолда вужудга келади. Денгиз сувида эриган ҳолда 6 млрд т ош тузи мавжудлигини эътиборга олинса, келажакда улкан туз кони вужудга келиши муқаррар.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин, яъни денгизнинг қуриши натижасида унинг ўрнида улкан кум-шўр-шўрхоқли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топади. Бу чўлни Оролқум деб аташ мақсадга мувофиқ.

Денгизнинг қуриган қисми катта туз макони ҳисобланиши туфайли атроф муҳитга жиддий хавф туғдиради, шамол айниқса, сульфат тузларни тўзиштиши натижасида Оролбўйига туз ёғини ёғилмоқда, ҳисоб-китобларга кўра Мўйноқ кенглигида ҳар га майдонга 1000 кг, Нукус кенглигида эса 150 кг гача тузли чанг тушади. Тузли чанг ва тузларни кўтарилиши, қумларни кўчиб юришини тўхтатиш, хусусан қумларни Амударё ва Сирдарё дельталарига бостириб киришини олдини олиш мақсадида уларни мустаҳкамлаш, туз тўзиши мумкин бўлган жойларни шамолга берилишини олдини олиш учун маълум тадбирларни қўллаш амалий аҳамият касб этади. Бу борада фитомелиорация тадбири яхши самара бериши аниқланган. Эол рельефи мавжуд бўлган минтақаларда псаммофитларни экиш билан қумларни мустаҳкамлаш борасида ҳозирда яхши натижаларга эришилмоқда.

Денгизнинг қуриган қисми-Ўзбекистон ҳудудида ҳар йили камида 25 минг га майдонга қора саксовул, қандим, черкез, юлғун ва бошқа буталар кўчатлари экилмоқда. 80-йилларда экилган кўчатлар анча йирик бўлиб қумларни мустаҳкамлашдаги хизматлари катта майдонларда яхши сезилиб турибди. Ҳудди шундай усулни қолдиқ шўрхоқларда ҳам маҳаллий рельеф хусусиятларини эътиборга олиб экишни ташкил қилиш самара бериши мумкин, бунда асосан галофитлар (қора саксовул, юлғун, қорабарок) ўстириш мумкин бўлади.

А.А.Ҳамидов, З.Аманбаева

**Фарғна Давлат университети, Тошкент Давлат Педагогика университети
ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ ЎЗАРО ТАЪСИР ҲАМДА
АЛОҚАДОРЛИКЛАРИДА ҲАЙВОНЛАРНИНГ РОЛИ**

Ландшафтларини ўрганишга бағишланган илмий ишларнинг аксариятида ландшафтларнинг ҳайвонот компонентининг номлари санаб ўтилади ҳолос. Ландшафтлар ҳайвонот оламини табиий географик таҳлил қилиш масалалари ҳали тўлиқ ишланмаган. Айниқса ландшафтнинг ички ва ташқи ўзаро таъсир ҳамда алоқадорликларини ўрганишда ҳайвонларнинг родини аниқлаш қанчалик муҳим бўлмасин, тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қола берган. (Ш.С.Зокиров,1999) Бошқа ландшафт компонентлари сингари ҳайвонот олами ҳам яруслилик бўйича пастдан юқорига томон ўзгариб боради.

Фарғона водийсида ҳам бир нечта, чўл, адир, тоғ ва яйлов каби яруслилик минтақаларини ажратиш мумкин.

Чўл минтақаси ҳайвонот олами ҳам ички ландшафт кўринишларида бир-биридан фарқ қилади. Масалан: тупроқли чўллар яшаш шароити жиҳатидан қумли чўллардан фарқ қилади, бу ерда қумдагидек ер остига осонгина ғойиб бўлиш имконияти йўқ. Кўпчилик ҳайвонларнинг ҳаёти тупроқли чўлларда ер қазувчи ҳайвонларнинг ва баъзи

хашоратларнинг ини билан узвий боғланган. Юмронқозик ва дала сичқонлари ин куради, уларнинг инларини калтакесаклар, куртлар, каналар бошқа ҳайвон ва хашоратлар эгаллаб олади. Шунингдек, тупроқли чўллар ўсимликхўр чумолилар ва термитларнинг инларини кўплиги билан тавсифланади. Чигирткаларнинг уруғ қўйиши учун қумли чўлларга нисбатан тупроқли чўллар қулай шароитга эга.

Гилли (тупроқли) чўл ландшафтлари айниқса туёқли ҳайвонларнинг тез ҳаракат қилиш учун қулайдир, лекин Фарғона водийсидаги чўл ландшафтларда айтарлик туёқли ҳайвонлар қолмади (яйратиб боқиладиган уй ҳайвонларини ҳисобга олмаса). Гилли чўл ландшафтлар ҳудудида тошлоқ майдонлар ҳам бўлиб, бу ерда айниқса хашоратларнинг кўпайиши учун қулайдир. Масалан, Сўх, конуссимон ёйилмасининг ўрта бўғинлари умуртқасиз ҳайвонлар, кундузи тошларнинг остига яшириниб яшайди. Калтакесаклар, чаён, ҳар хил куртлар ҳам ҳаётини кўп қисмини тошлар остида ўтказди.

Фарғона водийси ҳудудида тақирлар катта майдонларни эгалламайди. Вақтинчалик тақирларда юқори ўсимликлар учрамаганлиги учун ўз-ўзидан ҳайвонот дунёси ҳам жуда камбағал, боғловчи звено йўқ, фақат термитлар, калтакесакларни баъзи турлари, кўнғизларнинг бир неча тури ҳамда чумолиларни учратиш мумкин. Улар ҳам тақирларда доимий яшамайдилар, зуқа ахтариб кириб қолган бўлишлари ҳам мумкин. Бундан ташқари улар чўл ландшафтига жуда мослашган бўлиб ҳайвонот оламининг эвритерм турларига хосдир.

Лёссли эфемерли чўл ландшафтларида чигирткалар жуда кўпчиликни ташкил этади. Бундай шароитда чигиртка ва ҳаттоки чумоли ва бошқа хил хашоратлар учун озуқа занжири тўлиқ циклда давом этади.

Сирдарё водийлари ва тўқайзорлари ҳар ҳолда ҳайвонот оламига бойроқ. Бу тўқайларда тўнғиз, чиябўри каби сут эмизувчилардан ташқари кўршапалаклар, ўнлаб кушларнинг тури, какликлар, ўрдак, ғоз ва тустовуқлар яшайди.

Тўқай ландшафтларида ландшафт компонентларининг бошқа турлари сингари ҳайвонот компонентининг ҳар ҳолда турларини кўп бўлиши биринчи навбатда қулай табиий шароит бўлса, иккинчи навбатда антропоген таъсирнинг бу занжирга ҳали тўлиқ шикаст етказмаганлигидан бўлса керак. Тўқай ландшафтларида яшовчи ҳайвонларнинг яшаш шароити жуда кам ўзгаради, шунинг учун бу ердаги маромийлик издан чиқса ўзига хос ҳолатлар юз бериши мумкин. Бу ердаги кўпгина ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар рН даги энг кичкина ўзгаришларга ҳам жуда сезувчандир, яъни толерантлик (лимитловчи омил) қонунига бўйсунди. Лекин ҳар қандай ландшафт кўринишларида ҳайвонот компоненти ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан бошқа компонентлардан ажралиб туради ва бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлангандир. Биз бу ерда ландшафт компонентлари орасида қайси бири кучли ёки кучсиз, етакчи ёки кейинги даражада эканлиги ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз, лекин бу масала тўғрисида ҳам қарашлар бор, масалан Н.А. Солнцев (1960) ландшафтнинг ўсимлик ва ҳайвонот компонентини учинчи даражали ёки кучсиз деб ҳисоблайди.

Ҳайвонот қайси ландшафт тури таркибида фаолият кўрсатмасин уларнинг ҳар бир тури озуқа таркибини аниқ танлай олади. (Ландшафт компонентлари ичида ҳайвонот тури у ҳайвон ўтхўрми ёки гўштхўрми барибир озиқланиш маҳсулотларини кўп ёки оз ёки бўлмаса умуман йўқлиги билан ундаги иштирокини аниқлаш мумкин). Ҳайвоннинг ҳар бир тури ўзича озуқа сифатига талабчандир. Ҳайвонлар орасида ўсимлик ва жониворларнинг бир тури (монофаглар), кўп турлари (полифаглар), шунингдек, озуқаларнинг кўп ёки озроқ чегараланган хиллари (кенг ёки тор олифаглар) билан овқатланадиганлари бор.

Ҳайвонлар ўртасидаги муносабатларнинг энг кенг тарқалгани бу вахшийлик, яъни бир тур иккинчисини билвосита ва бавосита таъқиб этади. Бу таъқиб ҳудуд учун

ёки озикланиш учун бўлади албатта. Яъни масалан, улар бир хил ландшафт тури таркибида яшасалар ҳам ўсимлик билан озикланувчи туёқлиларни вахший ҳайвонлар, хашоратларни кушлар, майда балиқларни йирик балиқлар еб қўядилар. Вахшийлик чўл ландшафтларида ҳаёт кечирувчи умуртқасиз ҳайвонлар орасида ҳам кузатилади. Вахший хашоратлар, чувалчанглар, молюскалар, энг оддий вахший бактериялар мавжуддир.

Ҳар қандай ландшафт тури таркибида яшовчи ҳайвонлар орасидаги муносабатларда яна бир шакл текинхўр ҳам мавжуддир. Энг одатдаги ҳолатда текинхўрлик организм доимий равишда бошқа ҳайвоннинг танасида яшайди. Бу текинхўр организмлар билан асосан кушлар озикланади.

Яна бир ҳолат ҳайвонлар ва ўсимликлар (қайси ландшафт турида бўлишидан қатъий назар) ўртасидаги муносабат яна ҳам мураккаб ва ҳилма-ҳил бўлиши мумкин. Бу икки ландшафт компоненти бир-бирига нисбатан чанглатувчи, уруғ ташувчи, шунингдек касаллик тарқатувчи, ташувчиси сифатида бўлиши мумкин.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, агар гап ҳайвонларни ландшафтни ички ва ташқи таъсир алоқаларидаги роли ҳақида кетадиган бўлса улар текинхўрми, вахшийми, зоофаг ва фитофагми ўз хўжайинларига ва қурбонларига нисбатан муҳит омиллари ҳисобланади, ўз навбатида озуқа ўсимликлари улар учун муҳит омиллари, уларга экологик токча элементлари ҳисобланади. Демак, экологияда тутган ўрнига кўра уларнинг ҳаммаси экотизимнинг бир-бирига ўзаро керак бўладиган элементларидир. Уларнинг ўзаро таъсири жараёнида табиий танланиш ва мослашиш, мувофиқлашиш ўзгарувчанлик, яъни энг муҳим эволюцион жараёнлар амалга ошади.

Т.Абдрахмонов, З.А.Жаббаров, Э.М.Хушвақтов, Б.Х.Хушвақтов

Ўзбекистон Миллий университети

**МИНГБУЛОҚ НЕФТ КОНИ АТРОФИДАГИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ
МИКРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ФОЙДАЛАНИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Бизга маълумки, республикамизда мавжуд сув ресурслари ҳар тамонлама миқдор жихатдан ҳисоблидир, ҳатто сув танқислиги охириги йилларда муаммо даражасига кўтарилди. Бунга ер шари бўйича ҳароратнинг кўтарилиши, суғориладиган ерларнинг кенгайиши (сув омборлар сонининг ортиши, шўр ювиш ишларининг кўпайиши) ва халқ хўжалигида сувга эҳтиёжнинг ортиши сабаб бўлмоқда.

Ҳар соҳада сувнинг миқдори билан бир қаторда унинг сифати (кимёвий таркибининг ўзгариши) муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга келиб дунё сув ресурсларининг қарийб барчаси кимёвий жихатдан ўзгаришга учраган, бунга бир қатор омиллар: саноат корхоналарининг (металлургия, қоғоз ва енгил саноат корхоналари, тоғ-кон комбинати, нефтни қайта ишлаш заводлари ва х) фаолияти ҳамда улар билан боғлиқ жараёнлар сабаб бўлмоқда. [1,2,3.]

Ҳусусан республиканинг асосий сув манбаи Сирдарё дарёсининг Мингбулоқ нефт кони худудига яқин қисми ва шу худуд ер ости ва ер усти сувлари ҳамда тупроқ қоплами маълум даражада нефт углеводородлари билан ифлосланган.[4]. Нефт углеводородларининг бу захарли таъсири суғорма дехкончиликда фойдаланиладиган сувларнинг микробиологик хусусиятларига таъсир этган. Тадқиқотлар давомида нефт конига нисбатан 100, 200, 800, 1500, 5000, 8000, 12000, ва 20000 метр узоқликдан олинган сув намуналари (фаслар бўйича) микробиологик таҳлил қилинди. Тадқиқот натижаларига кўра улардаги умумий микроорганизмлар миқдори 100 м.- 2×10^3 , 200 м.- $2,4 \times 10^3$, 800 м.- $2,5 \times 10^3$, 1500 м. $3,1 \times 10^3$, 5000 м.- $1,7 \times 10^5$, 12000 м.- $1,5 \times 10^5$ (хуж/1мл сувда) миқдорида микроорганизмлар борлиги аниқланди. Бундан кўринадики

Мингбулок нефт кони атрофидаги сув ресурсларининг микробиологик хусусияти табиий холига нисбатан ўзгарган. Республикамиз сув ресурсларининг экологик тоза холида сақлаш ва айрим сув манбаларини тозалашнинг биологик ечимлари топилган. Жумладан Республикамизнинг бир қатор вилоятларида нефт углеводородлари билан ифлосланган сув ресурсларини тозалашда қўлланиладиган микроорганизмлар (нефт парчаловчи бактерия штаммлари) ва сув ўтларинг самараси жуда юқоридир.

Адабиётлар

1. Миронов О.Г. Взаимодействие морских организмов с нефтяными углеводородами.-Л.: Гидрометиздат, 1985.С.128-135.
2. Суртко Л.Ф., Финкельштейн З.И., Баскунов Б.П. и др. // Утилизация нефти в почве и воде микробными клетками. // Микробиология, 1995. Т.64, №3. С.393-398.
3. Квасников Е.И., Ключникова Т.М. Микроорганизмы-деструкторы нефти в водных бассейнах.-К.: Наукова думка, 1981. С.131.
4. Абдрахмонов Т.А., Жаббаров З.А., Хушвактов Э.М. Влияние загрязнений почв нефтью и нефтепродуктами на её микрофлору. // Материалы IV съезда почвоведов и агрохимиков Узбекистана. Ташкент. 2005. С. 208-209.

А.А.Ҳамидов, К.Жўраева

Фарғона Давлат университети, Фарғона Политехника институти ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Фарғона водийси мураккаб ландшафт структурага эга, у тоғлар орасида ўзига хос вулкан (78,9 минг км кв) ва бетакрор ботик. Ундаги чўл, адир, тоғ ва яйлов каби баландлик минтақаларида турли табиий ва табиий – антропоген ландшафтлар таркиб топган. Мавжуд табиий ресурслардан қадимдан фойдаланиб келиниши, аҳолининг ниҳоятда зичлиги, ишлаб чиқариш корхоналарининг кўплиги табиий муҳитнинг жиддий ўзгаришига олиб келган. Табиий муҳитнинг ўзгариши ва экологик вазиятнинг жиддийлашуви унинг географик ўрни, ўзига хос табиий, тупроқ-иклим шароитлари ва омиллари, мавжуд ҳудудий ва маҳаллий табиий қонун ҳамда қонуниятлар, табиий комплексларнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги, аҳоли хўжалик фаолиятининг характери, ишлаб чиқаришнинг ривожланиш хусусиятлари каби бир неча бошқа белгилар билан тавсифланади. Фарғона водийсининг атрофлари баланд тоғ тизмалари билан ўралганлиги унинг кўпгина ўзига хос индивидуал, маҳаллий ҳислатларини белгилайди. Бу борада, айниқса тоғлардан кўплаб сойларнинг оқиб тушиши, уларнинг конус ёйилмаларда табиий ва техноген моддаларнинг аккумуляциясига сабаб бўлади. Грунт сувлари оқимининг ёнбағирларда ер бетига яқин қатламлардан оқиб ўтиши туфайли турли моддаларни эритиб тузлар, оғир металл ионлари, нефт маҳсулотлари, пестицидлар, минерал ўғитлар, ювувчи моддалар, саноат, транспорт, қурилиш коммунал хизмат чиқиндилари ва бошқалар билан тўйинади. Бинобарин, конус ёйилмалари нафақат тузлар, шунингдек, техноген чиқиндиларнинг тўпланадиган макони, уларнинг бир қисми ер ости оқими билан аллювиал –пролювиал текислик-Марказий Фарғонага ўтиши кузатилади. Ҳудуднинг метеорологик шароитларининг ўзига хослиги, яъни ҳавонинг, айниқса ёзда турғунлиги туфайли унда чиқиндиларнинг тарқалиши сустлашади, буни аҳоли яшаш жойларида яхши сезиш мумкин. Тадқиқотлар натижасида шу ҳолат маълум бўлдики ҳавонинг ифлосланиши ғарбдан-шарққа ва шимолдан жанубга томон ортиб борар экан. Агар атмосфера таркибида ифлос моддалар жуда кўпайиб кетса ўз-ўзидан уларнинг ҳудуд бўйлаб айланма ҳаракатини амалга ошиши муқаррардир.

1-жадвал

Фарона водийсида шаклланган геозкологик муаммоларнинг даврларга бўлиниши

I-давр 1960-1980 йиллар		II-давр 1980 йиллардан hozirgi kunlar gacha	
1	Агроф-мухитни ифлослаштириш билан боғлиқ геозкологик муаммолар кузатишмайди.	1	Агроф-мухит билан боғлиқ геозкологик муаммолар ўзининг биринчи стадиясига кириб боради.
2	Табиятта антропоген таъсирнинг турлари тўлақонли жалб қилинмаган.	2	Қишлоқ хўжалик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш жараёнида: а) табиий ландшафтларни майдони камайган б) сувга бўлган эҳтиж ошган. в) суториладиган ерларда туپроқларнинг салбий томонга ўзгариши сезилма бошлаган. г) қатта майдонларда ерларни ўзлаштиришни муносабати билан табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва яшовчи ҳайвонларнинг ареаллари қисқарган.
3	Монокультурани амалга ошириш учун қатта миқдордаги режалар тузишган.	3	Водий ҳудудига қуришган кўпшаб қилме қоржоналари ҳамда бошқа қоржоналар ҳудуд атмофера хавосини ифлослаш стадиясига ўтган.
4	Агроф-мухитга ўз таъсирини кўрсатадиган ишлаб чиқариш-ларни қуриш лоийҳалари ишлаб чиқарилиб, қуришни ишлари амалга оширилган.	4	Аҳоли сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар секин-аста тарқиб топа бошлаган ва бошқ.
5	Ҳудудда аҳоли сонини ошириб боришни кузатишган. Лекин буни салбий оқибатларини башорати қилинмаган.	5	Табиий ландшафтларни майдони қисқариб, тоғларни кўшиб ҳисоблаганда 40% агрофидда қолган.
6	Қишлоқ хўжалиги, саноат, ирригация, ишлашларни қуриш жадал суръатлар билан амалга оширилган ва бошқ.	6	Усимлик ва ҳайвонларнинг табиий ҳолда яшашига имконият 20% агрофидда қолган.
		7	Антропоген омилнинг фазилати охибагинда эрозия турларига кенг имкониятлар очиб берилган.
		8	Шаҳарларда, саноат, транспорт, қуришни, коммунал хизматларнинг бе-самара ишлаши охира охибат қилишлар саломашига таъсир кўрсата бошлади. 1995 йиллардан сўнг бунда электромагнит ифлослаштириш ҳам қўшилди. ва бошқ.

Юқорида келтирилган баъзи бир фикр мулоҳазалардан келиб чиқилгани ҳолда Фарғона водийсидаги барча олиб борилган тадқиқотларнинг геоэкологик аҳамиятини ҳамда уларнинг натижаларини бир нечта жадвалларда беришга жазм қилдик. Жумладан, 1-жадвал водий ҳудудида шаклланган геоэкологик муаммоларни даврларга бўлиш масаласига бағишланган. Геоэкологик муаммоларни даврларга бўлишда ҳудудда табиатга таъсирларни ошиб боришини асос қилиб олдик.

2-жадвал ҳудудда таркиб топган геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимига оид концепциялар (ғоялар, қарашлар) бўлиб, уни ишлаб чиқишда илмий адабиётлар, йўналиш мутахассилари томонидан тайёрланган мақолалар, материаллар чуқур таҳлил қилинди ва айрим хулосаларга келинди. Фарғона водийсида олиб борилган ҳамда олиб борилаётган табиий географик, геоэкологик тадқиқотлар ва улар натижасида юзага келган концепцияларнинг аҳамияти, устиворлиги, биринчи навбатда уларнинг илмий ва амалий жиҳатдан ҳаётийлиги билан белгиланади. Улар қачонки, тадбиқ этилсагина табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан рационал фойдаланишдаги геоэкологик аҳамияти ортиб боради.

2-жадвал

Фарғона водийсидаги геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимига оид концепциялар

№	Геоэкологик муаммолар	Геоэкологик муаммоларни ечимига оид концепциялар
1	2	3
1	Атмосфера бўйича: А) Дефляция жараёнлари содир бўладиган типик ҳудуд. Б) Шимолда, шимолий, жанубда, жанубий, ғарбида шарқий йўналишдаги шамоллар эсади. Бу шамоллар атомсферага кўтарилган моддаларни бутун ҳудуд бўйича тўшайди. В) Атмосфера ҳавосини ифлосланишида барча ишлаб чиқариш корхоналарининг роли мавжуд. Г) Метеорологик шароитларининг ўзига хослиги ёзда ҳавонинг турғунлиги туфайли чиқиндиларнинг тарқалиши сустрлашади.	Ихота ўрмонзорларни ташкил этиш, Санитар-химоя зоналарини ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар асосида реконструкция қилиш, дудбўронларга филтёрловчи мосламалар ўрнатиш.
2	Ер ости ва ер усти сувлари бўйича: А) Тоғ ёнбағирларидан кўплаб сойларнинг оқиб тушиши конус ёйилмаларидан табиий ва техноген моддаларнинг аккумуляциясига сабаб бўлади. Б) Ҳудудда ҳар йили 25,7 км куб сув вужудга келади. Шундан истеъмолга қайтиб келмайдигани 7,5-8 км куб В) Грунт сувлари оқимининг ёнбағирларнинг ер бетига яқин катламлардан оқиб ўтиши туфайли кўплаб турли хил эритмалар билан тўйинади. Г) Ер ости сувларининг ифлосланишида кимёвий ифлосланиш устивор	Саноат корхоналари томонидан ер ости сувларининг ифлосланишини олдини олиш учун энг аввало тоғ жинсларини геологик- геоморфологик ҳамда тупроқ-грунт шароитига эътибор бериш лозим. Водий ҳудудини ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишида 2 та манба устивор. - Антропоген омил - Рельеф хусусияти
3	Тупроқлар бўйича: А) Тупроққа тушган пестицидлар, оғир металллар, нефть маҳсулотлари ва бошқа моддалар зовур сувлари билан эриган ҳолда четга чиқиши аниқланган. Бу ходиса туфайли Мирзачўл ва қуйи Сирдарёда экинларни суғориши жараёнида тупроқда туз тўпланиши ривожланади. Б) Шўрлашишга, ботқоқлашишга, эрозия турларига мойиллик мавжуд.	Ҳудуддаги тупроқларнинг ифлосланишида саноат ишлаб чиқаришини роли жуда катта. Суғорма дехкончилик ҳудудларида ерларни суғоришда энг прогрессив методлардан фойдаланишга эришиш керак. Акс ҳолда автоморф ҳолатлар ўрнида гидроморф ҳолатлар вужудга келади.
4	Текислик қисмлари бўйича: А) Табиий географик хусусиятлари ва мелиоратив ҳолатига биноан текислик минтақаси ва конус ёйилмаларининг этаклари тупроқ шўрланиши ва бошқа жараёнларга жуда мойил. Б) Текисликлар антропоген таъсирга учраган асосий минтақа ҳисобланади.	Ишлаб чиқариш айланмасига тортилган асосий ҳудуд бўлиб, бу ерда маданий, табиий антропоген ландшафтларни оптимал ҳолатда сақлашга максимал даражада эришиш лозим.

1	2	3
5	Ўсимлик ва ҳайвонот олами бўйича: Текислик, адир, ва паст тоғларда дехқончилик ва чорвачилик кўп вақтларда буён ривожлантирилиши оқибатида табиий ҳайвон ва ўсимлик олами жуда камайиб кетган ёки яшаш формаси ўзгарган.	Худудда баландлик минтақалари бўйича ўсимлик ва ҳайвонот оламини намуна сифатида сақлаб қолиш учун микро- кўриқхоналар, агрофитоценозлар ташкил этиш керак.
6	Тўқай зоналари бўйича: Тукай сийрак ўрмонлари Сирдарё бўйларида майда участкалардагина сақланиб қолган. Уларни майдони водий худудида 2 минг гектар атрофида	Катта сойлар, каналлар, коллектор-зовур тизимларини қирғоқларига дарахт кўчатларни ўтқозиш имкониятлари мавжуд. Тўқай ўсимликларидан инсонларни фойдаланишларига чек қўйилиши керак.
7	Адир зоналарини ўзлаштириш бўйича: А) Адирларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай, ўзлаштирилиши натижасида катта майдонларда тупроқ ювилиши, жар эрозияси, суффозия ўралари, карст ҳодисалари, ўпирилиш, шўрлашиш ва бошқа жараёнлар таркиб топган. Б) Эрозия жараёнлари содир бўладиган типик худуд. В) Паст тоғлар ва адирларда сел, дўл ва жала тарзида тушадиган ёгин – сочин ҳукмрон.	Адирларни ўзлаштиришда илмий асосланган ҳулосаларга таянилиши лозим. Адирларда ва паст тоғларда селхоналар ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки водий худуди ҳар қандай эрозияга мойил.
8	Суғорма дехқончилик худудлари бўйича: А) Коллектор тармоқларидан чиқиб кетаётган туз миқдори қиримга нисбатан миқдор жиҳатдан зиёд. Б) Коллектор -зовур сувлари Сирдарёга ташланади натижада дарё суви ифлосланади. Шурлиги бир неча баробарга кўпайди. Наманганда 0,60-0,63 г/л, Келесда 1,6-1,8 г/л	Суғорма дехқончилик худудларида дехқончиликдан чиққан ташлама сувларни Сирдарёга ташлашдан олдин тозалаш, бунинг учун тозалаш иншоотларини қуриш даркор.
9	Табиий бойликлар бўйича: А) Қазилма бойликлари саноат хом-ашёси вазифасини бажаради, бироқ ишлаб чиқаришдан чиққан техноген чиқиндилар ботикнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосий қисмининг шу жойда тўпланишига олиб келади. Б) Саноат ва транспортнинг ривожланганлиги туфайли табиий муҳитни техноген чиқиндилар билан тўйинишига сабаб бўлади. В) Жанубий тоғ ён- бағирлардаги – Новқат-Қадамжой-Хайдаркон рангли металллар ва радиактив моддалар минтақаси тоғ ер ости сувларининг ифлосланишида фаол омил бўлиб қолмоқда. Г) Қувасой-Фарғона-Марғилон-Қўқон худудларида таркиб топаётган грунт сувларида оғир металллар салмоғининг кўплиги аниқланган.	Табиий бойликлардан фойдаланишда (уни қазиб олиш, транспортировка қилиш, бойитиш, қайта ишлаш ва бошқ) ниҳоятда омилкорлик билан иш юртиш лозим. Чунки қазилма бойликлардан экстенсив фойдаланиш худудни рельеф нуқтаи назардан келиб чиқилган ҳолда ўзига ҳослиги моддаларни марказга томон ҳаракатига имконият яратади.
10	Саноат корхоналарнинг жойлашуви бўйича: Водий шаҳарларида жойлашган барча саноат тугунлари худудни минтақа тарзида ўраб туради ва турли чиқиндилар билан ифлослайди. Бу чиқиндиларни четга чиқиб кетиши жуда мураккаб.	Саноат корхоналарни жойлаштиришда табиий ва антропоген, ижтимоий омилларни тўлиқ ҳисобга олиш талаб этилади.

Ю.Б.Рахматов, Б.С.Уринов, И.Ю.Рахматов,

Навоий Давлат Педагогика институти

ҚИЗИЛҚУМ ҚЎРИҚХОНАСИ ТЎҚАЙЗОРЛАРИ БИОЦЕНОЗЛАРИДАГИ РЎЙ БЕРГАН ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Қизилқум кўриқхонаси ўзининг табиий, иқтисодий-ижтимоий хусусиятларига кўра ажралиб турадиган нодир худуддир. Бу худуд табиатан бир бутун бўлиб, сиёсий-маъмурий жиҳатдан асосан Бухоро ва Хоразм вилоятларига тегишлидир.

Бугунги кун фан-техника ривожини инсониятни табиатга таъсир кўрсатувчи кудратли омилга айлантириб юбордики, оқибатда табиатнинг эталон участкалари туғрисидаги фикрлар нисбий характерга эга бўлиб қолмоқда. Ўтган асрнинг биринчи ярмида Амударё бўйида Қизилқум кўриқхонасида ястаниб ётган, қалинлигидан инсон қадам қўяолмайдиган тўқайзорлар ҳозирги кунда бир мунча сийраклашиб, ингичка тортиб қолган. Бунинг устига Амударё сувининг қайта тақсимланиши, Аму-Бухоро машина канали 1-2 навбати, Бош Қорақум канали ҳамда Туямуйин сув омборининг қўрилиб ишга тушиши дарёнинг гидрологик режимини тубдан ўзгартириб юборди ва Орол денгизи деградациясини бир мунча тезлаштирди. Бундай ҳолат дарё атрофидаги экологик вазиятга таъсир кўрсатиб, Қизилқум кўриқхонаси ҳудудида ва унга ёндош жойларда унинг биоценозларида маълум ўзгаришлар содир қилди.

Мақолада келтирилган материаллар дарё оқими бўйича Чоржўйдан қўйида жойлашган Қизилқум кўриқхонаси ҳудудида 1973-2004 йилларда ўтказилган дала қузатувларига асосланади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида дарё сувининг сатҳи бирмунча стабил бўлиб, унда баржалар доимий ҳаракатланар, халқ хўжалиги юқларини ташир эди. Аммо 80-йиллардан бошлаб дарёнинг ўрта оқимида сувнинг камайиб қолиши, 90-йилларга келиб эса Туямуйин сув омбори ишга тушиши билан унинг таъсирида бўлган оқим масофаларида сув сатҳининг боҳор-ёз ойларида баъзан кескин кўтарилиб кетиши Қизилқум кўриқхонасидаги тўқайзорлар фитоценозларига жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса 1992, 1993, 1996 ва 1998 йиллар сув сатҳи май ойида кўтарилиб, июлнинг охиригача қарийб бир зайилда турди. Шу йиллари дарё бўйидаги тўқайзорлар жазирама иссиқ мавсумида икки ойдан кўпроқ 1,5 метр қалинликдаги сув ичида қолди. Сув кўтарилиши даврида жуда кўплаб дарахт ва буталарни, шунингдек гишшалар орасида яшовчи майда ҳайвонларни ўз қаърига тортиб кетди, ерда тухум қуювчи қушларнинг уялари бузилди, полопонлари нобуд бўлди, кўпгина йирик ҳайвонлар бундай экологик «дискомфорт» таъсирида ўзларининг сеvimли масканларини ташлаб кетдилар.

Амударёнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўз оқими йўлини ўзгартириб туришидир. Сув режимининг бир текис бўлмаслиги унинг оқим йўлини тез-тез ўзгартиришга олиб келди, оқибатда у гоҳ чап гоҳ ўнг қирғоқларини ювиб, тескари қирғоқни ташлаб кетди. Натижада бу ерда тўқайзорлар биоценозларининг Ўрта Осиёга хос бўлган шаклланиши ва ривожланишининг туртга босқичи яққол намоён бўлди.

Биринчи босқич 2-3 йил бўлиб, сув ташлаб кетган қирғоқ аллювиал ётқизикларида дастлаб ўтчил, кейинчалик буга ва дарахт ўсимликлари пайдо бўлади. Бундай жойларнинг биоценозлари шаклланишида намсевар майда ҳайвонлар ва суволди қушлари кўпроқ иштирок этади.

Иккинчи босқич тўқайзор ривожланишининг 4-5 йиллари бўлиб, ўсимликлар қоплами қалинлашади ва 2-3 м баландликка етади. Асосий фитоэлементлар қамиш ва сарикқамиш, шунингдек толчин, ёввойи жийда ва озроқ туронгилдан ташкил топади. Бу даврдаги тўқайзор буғу ва тўнғиз каби йирик ҳайвонларнинг озуқа маскани ҳисобланади, қушлардан кулбука, ботқоқлик буктаргиси, қирғовул, сувтовуқ, қорабошли жиблажибон ва бошқаларни жалб қилади.

Учинчи босқич тўқайзор шаклланишининг 15-йилигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда дарахтлар бўй чўзиб, ўтчил ўсимлик ва бўталар улар тагида қолиб кетадилар. Уларнинг баъзилари (қамиш, сарикқамиш, лўх, тамарс ва чингил) ҳалок бўлабошласа, бошқалари (ширинмия, кандир ва ломонос) яхши ривожланади. Бундай тўқайзорлар биоценозларида йирик ҳайвонлардан буғу ва тўнғиз, қушлардан кўккўтон, кваква, Осиё гуррага; какку, тўқай булбули ва бошқалар иштирок этадилар.

Кейинги, тўртинчи босқич тўқайзор ривожланишининг 15-йилидан кейинги даври бўлиб, бунда дарахтларнинг ўсиши ниҳоясига етади, улар ўзларининг шо-

шаббаси билан бир-бирига улашиб кетиб, ним қоронғи қалин ўрмонни ҳосил қилади. Дарахтлар остидаги барча утчил ва бута ўсимликлар қуриб битади. Кейинроқ дарахтлар кексайиб, қурий бошлайди, яъни бу даврда тўқайзор биоценозлари ўзларининг экологик сукцессиясига эришади. Тўқайзорларнинг бундай ерлари йирик ҳайвонлар учун дам олиш маскани, дендрофил қушлар учун сеvimли уя қуйиш жойлари ҳисобланади, дарахтларнинг заифлашиши бу ерларга қизилиштонни жалб қилади. Дарахтларнинг заифлашиб халок бўлиши билан улар остига ёруғлик кўпроқ тушади ва бу яна утчил ўамда бута ўсимликларининг ривожланишига туртки бўлади. Аммо юқори яруснинг ожизлигидан ерга тобора кўпроқ етиб келаётган қуёш радиацияси ердаги намликни бўғлатиб, тупрокни қуритади ва ялонғич тақирлар ҳосил бўлишига олиб келади. Бундай жойларда янги аллювиал ёткизликлар пайдо бўлган тақдирда тўқайзор шаклланиши қайта бошланади.

Қизилқум кўриқхонаси ва унинг атрофида ўсадиган тўқайзорларни муҳофаза қилиш, уларнинг сонини кўпайтириш, ареалларини кенгайтириш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис бу ишни амалга оширишда нафақат кўриқхона ходимлари, маҳаллий аҳоли, табиатни муҳофаза қилиш ходимлари, илмий-тадқиқотчилар айниқса, илмий-амалий тажрибаларга таянган ҳолда ўқитувчи-мураббийлар кумагида мактаб, касб-хунар коллежлари ҳамда лицей ўқувчиларини жалб қилиниш мақсадга мувофиқдир.

Ю.Б.Рахматов, Х.В.Салимов, Б.С.Уринов, И.Ю.Рахматов
Навоий Давлат Педагогика институти, Навоий Кончилик институти
НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТУПРОҚ ДЕГРАДАЦИЯСИ ВА УНИНГ
МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Навоий вилояти тупроқларининг экологик ҳолати кейинги йилларда ёмонлашиб бораётганлиги ва бунинг сабаблари кўрсатилиб, тупрокни шўрланишдан сақлаш чоралари, кимёвий захарлар билан тўйинган майдонлардан фойдаланишнинг тирик организмлар учун безарар усули туғрисида фикр юрғизилади.

Фан-техника ривожланган ҳозирги даврда ҳам тупроқ инсонни барча табиий неъматлар билан таъсинловчи ягона манба бўлиб қолмоқда. Замонамизнинг глобал экологик масалаларидан бири тупрокни чўлланишдан сақлаш бўлса, уни баъзи регионларда шўрланишдан муҳофаза қилиш ҳам муҳим экологик вазифалар қаторидан ўрин олган. Бу айниқса Орол денгизи чекинишининг экологик оқибатлари таъсирида бўлган районларда алоҳида аҳамиятга эга. Навоий вилояти ана шундай ҳудудлар қаторига киради. Вилоятнинг умумий ер майдони 10937 минг гектар бўлиб, шундан 120 минг гектари суғориладиган ерлар, 10 млн гектарга яқин майдон эса яйловлардир. Вилоят Марказий Қизилқумда жойлашган ва асосан чўл омилларининг таъсирида бўлганлиги учун унинг суғориладиган тупроқларига шамол эрозияси доимий хавф солиб туради.

Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси маълумотларига қура¹ вилоятнинг суғориладиган ерлари учта экологик зонага бўлинади: 1) Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шахри-умумий майдони 2243 мингга, шундай суғориладиган ерлар 9,9 минг га; 2) Қизилтепа, Томди, Учқудуқ ва Хатирчи туманлари – умумий майдони 8437 минг га, шундай суғориладиган ерлар 67,9 минг га; 3) Навоий, Навбахор туманлари ва Навоий шахри-умумий майдони 257,4 минг га, шундан суғориладиган ерлар 46,3 минг га. Юқорида келтирилган зоналардан охиригида экологик вазият ўта

¹ И. Нуралиев, У. К. Нуралиев, Б. Ким, Х. Бакаев-деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш. Навоий, 2002й.

ноқулай бўлиб, саноат чиқиндилари бутун атроф муҳитга, шу жумладан тупроққа таъсири кучли.

Саноат корхоналаридан ҳавога чиқарилаётган қаттиқ зарра, газ ва айзрозол ҳолидаги агентлар очиқ сув хавзаларига ҳамда ерга чўкиб, муҳитнинг ифлосланишини сезиларли даражада кучайтирган, тупроқнинг бирламчи шўрланишини оширган. Вилоятнинг турли ҳудудларида тупроқнинг шўрланиш даражаси турлича. Хатирчи, Навоий ва Навбахор туманлари тўпроғи кам шўрланган ҳисобланиб, ер ости сувлари 1,5-10,0 м чуқурликда жойлашган.

Аммо шунга қарамай, бу туманларда ҳам, бошққлари сингари, хлорли ва сульфатли кучли ҳамда ўта кучли шўрланган майдонлар мавжуд. Бундай майдонлар, масалан, Навбахор туманида 1800 га (7,2%), Қизилтепа туманида 2820 га (8,2%) ва Навоий туманида 1377,3 га ни ташкил қилади. Тупроқнинг бирламчи шўрланиши асосида камроқ ҳаводан ёғиладиган тузлар ва кўпроқ суғоришда фойдаланиладиган сув таркиби ётса, унинг иккиламчи шўрланиши асосида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши ётади. Индустрал ривожланиш ва урбанизация жараёнининг кейинги йилларидаги тезлашуви оқибатида вилоятни сув билан таъминловчи ягона манба бўлган Зарафшон дарёсига турли чиқиндиларнинг ташланиши кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда дарёга вилоятнинг элликдан ортиқ манбаларидан ифлос оқавалар ташланмоқда. Бунда, айниқса «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси (20673 м³/сек) ва Навоий ГРЭС (570818 м³/сек) ларнинг хиссаси катта. Сув тозалаш иншоотларидан шартли тозаланиб ва хлорланиб юборилган бундай сувлар ерларни хлорли тузлар билан шўрланишга олиб келмоқда. Текширишларнинг кўрсатишича, 1995-2004 йиллар давомида дарё суви таркибида хлоридлар 76,46 мг/л дан 119 мг/л га ва сульфатлар 437 мг/л дан 760 мг/л га ошган. Хулоса қилиб айтганда вилоятда кузатилаётган тупроқ экологик ҳолатининг ёмонлашишида ҳар иккала хил шўрланишнинг ҳам жиддий урни бор. Бунинг устига тупроқнинг техноген ифлосланиши, турли пестцидлар билан захарланиши каби ҳолатлар ҳам кузатилади. 2003 йил маълумотларига кўра Навоий шаҳри ҳавосида аммиак миқдори миёридан икки баробар юқори. Бу ўз навбатида тупроқни ортиқча азот билан захарлайди. Тупроқни шўрланишдан сақлаш учун агромегиорация ишларини тўлиқ бажариш, зовурлар ва тик қудуқлар ишини кескин яхшилаш лозим.

Қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашиш мақсадида муқаддам Иттифоқ даврида вилоятнинг 226,99 гектар майдони муваққат аэродромларга ажратилган бўлиб, бу ерларнинг тўпроғи турли захарли химикатларга тўйинган. Шунинг учун ҳам бу ерларни ўрмон хўжалигига бериб, уларда фақат манзарали ва химоя дарахтларини ўтказиш зарур.

Текширишлар кўрсатишича, кейинги йилларда вилоятнинг барча ҳудудларида ер ости сувлари сатҳи кўтарилмоқда. Масалан, Хатирчи, Қизилтепа, қимсан Нурота туманлари ҳудудларида ер ости сувларининг сатҳи олдинги йиллари нисбатан анча юқорига кўтарилган. Бундан ташқари, «Ижанд» ж/х да (Навбахор тумани) ер ости сувлари сатҳи 1996-2004 йиллар орасида 1,0 м га, бошқа хўжаликларда 0,5-0,7 м га кўтарилган, «Гигант» ва «Жамбул» хўжаликларида эса улар 1,0-1,5 м чуқурликка келиб қолган. Бундай ҳолат иккиламчи шўрланишни тезлаштирмоқда. Бундай ноқулай экологик вазият айниқса, Зарафшон дарёсига яқин жойлашган майдонларда ҳам анча кучли. Масалан, «Нарпай» ж/х да кейинги йигирма йил орасида сизор сувлар сатҳи 2,3-2,5 м га кўтарилди. (1980 йилларда 5-6 м чуқурликда жойлашган). Бунинг олдини олиш мақсадида тезлик билан мавжуд зовурларни тозалаш ҳисобига ташлама сувларни Орол денгизи томон қазилган Шурдарё орқали оқизишни йўлга қўйиш чораларини ишлаб чиқиш лозим. Акс ҳолда бу жараён бугунгидан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Х.Вахобов, О.Мирзамаҳмудов, М.Ҳайитова
Тошкент Давлат Педагогика университети,
Наманган Давлат университети
ШИМОЛИЙ ФАРҶОНА АДирЛАРИНИНГ
ТАБИИЙ-ТЕХНОГЕН ГЕОТИЗИМЛАРИ

Шимолий Фарғона адирларининг ландшафт-экологик шароити шаклланишида табиий-техноген геотизимларнинг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Жумладан, уларга агрокомплекслар, саноат, гидротехник, селитеб ва йўл комплексларини киритиш мумкин (1- расм).

Агрокомплекслар						Гидротехник комплекслар		Саноат комплекслари				Селитеб комплекслар		Йўл комплекслари				
Пахтачилик	Дончилик	Боғдорчилик	Сабзавотчилик	Узумчилик	Чорвачилик	Сув омборлари	Каналлар	Пахта тозалаш	Енгил саноат	Озиқ-овқат	Машинасозлик ва металлنى қайта ишлаш	Химия саноати	Шаҳар	Қишлоқ	Темир йўл	Қувур йўллари	Автомобиль йўли	Тупрокли йўллар

1-расм. Шимолий Фарғона адирларининг табиий-техноген тизимлари.

Вилоятнинг асосий пахта майдонларини ўз ичига олган адирларда, Поп адирларидан ташқари шарқдаги барча адир суғориш манбалари билан боғлиқ бўлган майдонларида пахтачилик яхши ривожланган. Жумладан: Уйчи адирларида (Катта Наманган канали билан боғлиқ), Чортоқ адирларида (Қорасув, Чортоқсой ва Чортоқ сув омбори билан боғлиқ), Янгиқўрғон адирларида (Подшоота ва Чинач сойлари билан боғлиқ), Косонсой адирларида (Косонсой ва Олабуқа сойлари билан боғлиқ), Тўрақўрғон адирларида (шу сойлар ва КНК билан боғлиқ), Чуст адирларида (Ғовасой, КНК, ШФК билан боғлиқ), Поп адирларида (Чодаксой билан боғлиқ бўлган кичик майдонларда) ривожланган.

Дончилик эса пахтачилик билан боғлиқ бўлган майдонларда ва лалми, лалми ҳайдалма ерларда ривожланган. Ана шундай лалмикор дончилик майдонлари Поп адирларининг пастки қисмида, Чуст адирларида адирорти қия текисликларида, Тўрақўрғон шаҳрининг шимоли-ғарбида, Косонсой адирларидаги Қўқумбой жанубида, Янгиқўрғон адирларида, Исковот, Қорачашўркент қишлоқлари ғарбида, Чортоқ адирларида эса Пешқўрғон қишлоғининг шимоли-шарқида жойлашган.

Боғдорчилик ва узумчилик кўпроқ адирларнинг шимолий ва шарқий қисмларида ривожланган. Улар асосан табиий шароитлари ноқулайроқ, камсув, тошлоқ бўлган худудларда жойлашган.

Сабзавотчилик Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ адирларида: Косонсой адирларининг Қўқумбой қишлоғида, Янгиқўрғон адирларининг шимолий қисмларида, Чортоқ адирларининг шимоли-шарқида, яъни Алихон қишлоғи атрофларида ривожланган.

Чорвачилик адирларнинг яйловлари учун хос бўлиб, улар иккита тармоқдан: гўшт-жун ва гўшт-сут йўналишларидан иборат. Чорвачилик майдонларига адирларнинг шарқидаги Қирғизистон чегарасидаги худудлар, Косонсой шаҳар марказидан шарқдаги Янгиқўрғон чегарасидаги майдонлар, Чуст адирларининг Косонсой ва Тўрақўрғон чегарасидаги вертикал жойлашган худудлар, Чуст адирларининг Савбузган

қишлоқлари, Поп юкори адирларининг деярли барчаси ва қишлоқ атрофидаги кичик майдонлар киради.

Вилоят адирларининг гидротехник комплекслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланган. Бу эса бошқа табиий-техноген геотизимларнинг ҳудудий жойлашувига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан: адирларда Чортоқ, Эскиер, Ертикан, Олмасой, Жулайсой ва Сарваксой сув омборлари, Чортоқсой, Подшоотасой, Чинач, Косонсой, Сумсар, Ғовасой ва Чодаксой сойлари ҳамда КНК ва ШФКлари мавжуд. Адирларнинг шарқий қисмларида гидротехник комплексларнинг салмоғи кўпчиликни ташкил қилади. Бу эса қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантиришга имкон беради.

Адирларнинг саноат комплекслари асосан адирларнинг хом ашёларини қайта ишлашга ихтисослашган. Масалан: пахта тозалаш Чуст, Косонсой ва Чортоқда, енгил саноат Янгикўрғондан ташқари Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой ва Чортоқда, озиқ-овқат саноати Поп, Чуст, Тўрақўрғон ва Чортоқда, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш Чуст, Тўрақўрғон ва Чортоқда, кимё саноати Поп адирларда ривожланган.

Адирларнинг селитеб комплекслари адирорти, адиролди текисликлари ва адироралиғи ботикларида жойлашган. Чортоқ ва Поп селитеб комплекслари адиролди текисликларида, Чуст, Янгикўрғон ва Косонсой селитеб комплекслари адироралиғи ботикларида жойлашган бўлса, Варзик, Оғасарой, Исковот, Пешқўрғон селитеб комплекслари эса асосан адирорти текисликларида жойлашган.

Наманган вилояти адирлари йўл комплексларини асосан автомобиль йўллари ташкил этади. Улар селитеб комплексларни бир-бирлари билан боғлайди. Адирларни ғарбий қисмидан (жануби-ғарбдан шимоли-ғарбга томон) давлат аҳамиятига эга бўлган йўл кесиб ўтади. Қолган йўллар маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқларни шаҳар марказлари билан улайди.

Демак, адирларнинг ландшафт-экологик шароити таркиб топишида турли хўжалик тармоқларининг ўрни бекиёсдир. Шимолий Фарғона адирларида саноатга нисбатан қишлоқ хўжалик, яъни суғорма деҳқончилик яхши ривожланганлиги туфайли ландшафт-экологик шароитига қишлоқ хўжалик тармоқ таркибининг таъсири кўпроқдир.

Адирларнинг гидротехник ва йўл комплекслари ҳудуд бўйича нотекис тақсимланиб, кўпроқ пастки адир ландшафт-экологик шароитини бузмоқда.

Адирлар ландшафт-экологик шароитининг таркиб топишида муҳим бўлган селитеб комплекслар тупроқ ва ўсимликларнинг дегредацияга тортилганлиги кўринишларида намоён бўлиб, улар адир ораликларида ва олди текисликларида кузатилмоқда.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, адирларнинг асосий суғорма деҳқончилик майдонлари бўлмиш пастки адирларда мураккаб ландшафт-экологик шароит вужудга келган бўлиб, уларнинг табиатидан ва табиий ресурсларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларига амал қилиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидандир.

О.Мирзамаҳмудов

**Наманган Давлат универистети
ШИМОЛИЙ ФАРҒОНА АДИРЛАРИНИНГ
ГИДРОИҚЛИМИЙ МУҲИТИ**

Наманган вилояти адирлари иқлимий шароитига кўра мўътадил иқлим минтақасининг чала-чўл иқлим типига киради. Унинг иқлими географик жойлашуви, рельефи, атмосфера циркуляцияси, Куёш радиацияси, шамоллар ва антропоген омилларга боғлиқ ҳолда вужудга келган.

Вилоят адирлари атмосфера ҳавосининг ўртача йиллик ҳарорати $13,5^{\circ}$ - 12° - 11° С ли изотермалар орасида жойлашган (Ўзбекистон иқлим картаси, 1982, 66-67-б.). Энг юқори ҳарорат 41° С, паст ҳарорат -31° С дир.

Адирларда адиролди текисликлари, баланд адирлар ва адирорти иқлим типларини ажратиш мумкин. Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати денгиз сатҳидан 450-500 м баландликларда $13,5^{\circ}$ С ни, 600-900 м баландликларда $12,5^{\circ}$ С ни ва 1000-1500 м баландликларда эса $7,5^{\circ}$ С ни ташкил қилади.

Адирларнинг иклими геоморфологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Яъни, денгиз сатҳидан 1000-1500 м баландликлардаги юқори адирларда мусбат ҳароратлар йиғиндиси $4100-4300^{\circ}$ С, қишнинг ўртача ҳарорати $0,5-6,5^{\circ}$ С, ёзнинг ўртача ҳарорати $25,2-26^{\circ}$ С дир. Паст адирларда (400-900м) мусбат ҳароратлар йиғиндиси $4400-4900^{\circ}$ С, қиш ойининг ўртача ҳарорати $0,2-2,4^{\circ}$ С, ёзнинг ўртача ҳарорати $27-29^{\circ}$ С ни ташкил этади.

Адирлар ҳудудида ёғин миқдори булутли кунлар, рельеф ва йил фаслларига боғлиқ. Булутли кунлар бир йилда пастки адирларда 79 кун, баланд адирларда ва адирортида 103 кундан иборат бўлса, булутсиз кунлар эса пастки адирларда 132,5 кун, баланд адир ва адирортида 97 кунни ташкил этади. Денгиз сатҳидан 450-1000 м баландликдаги пастки адирларда йиллик ёғин миқдори 200-250 мм га ва 1000-1500 м баландликдаги юқори адирларда 300-450 мм гача боради.

Қор қопламанинг қалинлиги ҳам паст адирлардан баланд адирлар йўналиши бўйлаб ортиб боради. Масалан, паст адирларда қор қопламанинг қалинлиги 16 см бўлса, юқори адирларда 20 см дан ортиқдир.

Вилоят адирлари йил фасллари бўйича турли йўналишдаги шамоллар таъсирида бўлади. Январда 50-60% шамоллар шарқдан, 30% шимолдан, июлда ҳам худди шундай бўлса-да, лекин баҳор (апрел) ойида 40-50% шарқдан, 30%, шимолдан, 20-30%, жануби-ғарбдан эсади.

Биринчи совуқ тушиш даври юқори адирларда октябр ойининг тўртинчи ҳафтасига тўғри келса, паст адирларда эса ноябр ойининг иккинчи ҳафтасига тўғри келади.

Адирларда совуқ уриш жараёнлари асосан биринчи совуқ тушишига ва қишки ҳаво циркуляцияларига боғлиқдир. Шу билан бирга, бир қатор вегетация даврини тугатмаган ўсимлик турларини биринчи совуқ уради. Қишки ҳаво ҳаракатлари шимолий тоғлардан жанубга, текисликларга эсувчи ҳамда водийнинг шарқидан ғарбига (Далварзин дарвозасига) эсувчи шамоллар қишки тиним давридаги ўсимликларни иккинчи бор совуқ уришига сабаб бўлади.

Адир қатор тепаларида ер ости сувларининг юзаси 15-20 м чуқурликда жойлашган. Адир ораликлари текисликларида рельефнинг қиялигига 2-3 м дан 5-10 м гача ер юзасидан пастда жойлашган. Шунингдек, адиролди текисликларининг юқори қисмларида ва конуссимон ёйилмаларнинг юқори қисмларида ер ости сувлари 10-15 м пастда ётади. Ёйилмаларнинг ўрта қисмларида эса ер ости сувларининг юзаси анча юқори кўтарилади ва 5-8 м ни ташкил этади. Ёйилмаларнинг чекка қисмларида ва ёйилмалараро пасттекисликларида сизот сувлари ер юзасига жуда яқин. Ҳатто улар айрим жойларда 0,5-1 м чуқурликда бўлиб, бу ҳол тупроқларнинг қайта шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади.

Сув сатҳининг энг паст даври октябрь-декабрь ойларида, ер ости юзасига яқин жойлашган вақти март-июн ойларида кузатилади.

Қишлоқ хўжалик ландшафтларини суғориш кенг йўлга қўйилган даврларда ёйилмаларнинг чекка қисмида, ёйилмалараро пастликларда сизот сувларининг меъёри суғориб деҳқончилик қилинаётган массивларнинг ер ости сувлари меъёридан фарк қилади.

Оқин сувлар кўпайишининг максимал даври қиш-баҳор ойларига тўғри келади. Ўсимликларнинг вегетация даврида бу сувлар суғориш учун ишлатилиши туфайли сизот сувларининг максимал сатҳи қиш-баҳор ва ёз даврига, минимали эса куз фаслига тўғри келади (сув сатҳининг ўзгариш амплитудаси 0,5-2 м.). Сизот сувларининг минераллашиш даражаси 1-2 г/л дан 10-12 г/л гача ўзгариб туради.

Адирларнинг ер усти сувларига каналлар, сув омборлари, сойлар ва мавсумий сойлар, ариқлар қиради. Каналларнинг асосий ўсми пастки адирларнинг жануби-шарқидан жануби-ғарбига томон йўналган. Сув омборлари эса асосан пастки адирларда жойлашган. Сойлар бўлса адирларнинг шимолидан жанубига тармоқланади. Ер усти сувлари адирларнинг асосий суғориш манбалари ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидагича хулосага келиш мумкин: Шимолий Фарғона адирларининг гидроиклимий муҳитининг юзага келишида антропоген омил муҳим ҳисобланади. Шу боис, гидроиклимий муҳитнинг инсон таъсирида ўзгариши қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- адирларни ўзлаштириш ва гидротехник иншоотлар қуриш;
- ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши ва минераллашиш даражасининг ортиши;
- табиий намликнинг ортиши ва ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланиши.

Булар эса адирлар ландшафт-экологик шароитига салбий таъсир этиб, бузилган ландшафтлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан адирларда суғорма деҳқончилик иншоотлари ва майдонларини ташкил этишда илмий асосланган гидромелиоратив режаларга таяниш лозим.

А.Назаров, Х.Умаров

Наманган Давлат университети

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ТАБИАТДАН ФЙДАЛАНИШДА МАЖМУАЛИ ВА ТАРИХИЙ -ГЕНЕТИК ЁНДАШУВЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Кишилиқ жамиятининг жадал тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиши ва аҳоли сонининг муттасил ортиб бораётганлиги табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг тобора жиддийлашувига олиб келмоқда. Табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш табиий ва антропоген жараёнларнинг динамикаси, ландшафтлар ва уларнинг ҳолати, барқарорлиги, ўзгариши ва ривожланиш йўналиши тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек, асосий назарий ҳамда методологик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Шунингдек, табиатдан фойдаланиш жараёни аввало мураккаблиги, мажмуалилиги, вақт ва маконда ўзгарувчанлиги туфайли унинг илмий ёндашувлари ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тадқиқот объектининг мураккаблиқ ва ўзгарувчанлик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда мажмуали ҳамда тарихий-генетик ёндашувларни қўллаш катта амалий аҳамият касб этади.

Мажмуали ёндашув ҳудудда табиий ресурслардан бир бутун ҳолда фойдаланишни назарда тутаяди. Аниқланишича, ер билан сув ўртасида боғлиқлик жуда яқин бўлганлиги боис керакли ресурс турларидан омилкорлик билан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу тамойилнинг бузилиши катта ҳажмда исрофгарчиликка олиб келади. Шунингдек, маъдан конларидан фойдаланиш, фойдали қазилмалар таркибидаги барча зарурий элементларни ажратиб олиш мажмуали ёндашувнинг қанчалиқ фойдали эканлигидан дарак беради. Бу борада ер ресурсларидан мажмуали фойдаланиш ҳамма жиҳатдан, хусусан иқтисодий жиҳатдан зарур. Ер ресурсларидан уларнинг аниқ табиий шароитларини эътиборга олган ҳолда экинларни жойлаштириш, айниқса, район планировкаси тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажмуали фойдаланиш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Фарғона водийси ҳудудий комплекс-

ларини бир-биридан умуман ажратиб бўлмаганидек, унинг табиати ва ресурсларидан фойдаланишда ҳам мажмуалиликка қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ер ресурсларидан фойдаланиш сув ресурслари ҳажми билан чамбарчас боғлиқ. Сув ресурслари ўз навбатида тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосини ўзгариб боришида маълум роль ўйнайди.

Наманган вилоятининг геоморфологик тузилишига мувофиқ ландшафт-экологик муаммолар ҳам қуйидан юқорига текислик, адирлик, адирорти, тоғолди ва тоғ ландшафтларида содир бўлаётган турли ўзгаришлар мажмуали равишда эканлиги ўтказилган тадқиқотларда аниқланди. Масалан, адирлар дарё ва сой водийлари билан кучли парчаланган. Вақти-вақти билан бўлиб турадиган сел ҳодисалари туфайли адирларда кўплаб жар тармоқлари ҳосил бўлган. Адирларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан улар ҳозирги пайтда вилоятнинг асосий ер фонди ҳисобланиб суғорма деҳқончилик қиладиган ерларнинг 70%ни ташкил этади. Вилоят адирларида пайдо бўлган ва бўлаётган жарлар, суффозион ўралар, сурилмалар, тупроқ эрозияси, органик дунёсининг камбағаллашиб бориши, шўрланишни кучайиши каби мураккаб жараёнлар кўзга ташланади.

Адирларни суғорма деҳқончилик мақсадида ўзлаштириш жараёнида маълум табиий компонентларнинг ўзгариши геоэкологик муҳитнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига, бу эса такрорланиш ёки такрорланмаслик хусусиятига эга эканлигини ҳисобга олиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва келажак авлод учун сақлаб қолиш каби масалалар долзарблиги билан ажралиб туради.

Тарихий-генетик ёндашув ҳудудда табиатдан фойдаланиш жараёнини тарихий аспектда тадқиқот қилинишини тақозо этади. Бундан маълум ландшафтларда инсон табиий ресурсларни фойдаланиш муомаласига киритиш жараёнини узоқ тарихий даврлардан бошлаб ўрганиш билан табиатдан фойдаланиш турларини аниқлаш мумкин бўлади. Бунда суғорма ва лалми деҳқончилик, яйлов чорвачилиги ва маъданларни ишга солишнинг бошланиш вақтлари ва тарихий йиллар давомида маълум ривожланиш босқичлари аниқланади. Масалан, вилоятда суғорма деҳқончилик ва унинг асосий экин турлари пахта, ғалла, мевачилик, ем-хашак етиштириш муддатлари аниқланади. Бу ёндашув ҳудудда тарихий даврлардан то шу кунгача табиатдан фойдаланиш йўналишининг асосий босқичларини аниқлашга имкон беради.

Наманган вилояти табиатидан фойдаланишнинг экологик-географик асосларини ишлаб чиқишда ер-сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси каби табиий ресурсларнинг инсон хўжалик фаолиятига тортилиши узоқ тарихий йилларни ўз ичига олади. Айниқса, бу соҳада А.Абдулқосимов (1989, 2002) олиб борган тадқиқотлар Ўрта Осиё воҳа ландшафтларининг ареалларини майда масштабда картасини, Фарғона водийсида жойлашган воҳаларнинг йирик масштабда ландшафт-типологик картасини тузишга муваффақ бўлганлиги диққатга сазовордир. Чунки, бу карта-схемаларда муаллиф воҳа ландшафтларининг шаклланишини тарихий-генетик ёндашув асосида тадқиқ этиб, уларнинг шаклланиш марказларини ҳам аниқлаган.

Мутахассисларнинг кўрсатишича, воҳаларда минг йиллар давомида суғориб деҳқончилик қилиниши натижасида вужудга келган агроирригацион ётқизикларнинг ҳосил бўлиши, хусусият-лари, уларнинг ландшафт мажмуалари шаклланишидаги ўрни, хилма-хил таркибий тузилишга эга эканлиги, деҳқончиликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни оширишда катта аҳамият касб этади (Мақсудов, Боймирзаев, 1990, 1994, 1995). Тупроқда инсон хўжалик фаолияти қанчалик узоқ давом этган бўлса, агроирригацион ётқизикларнинг қалинлиги ҳам шунчалик ортиб боради. Ўрта Осиёда муттасил суғориладиган деҳқончилик билан шуғул-ланилиши натижасида бир йилда ўртача 0,5-1,0 мм қалинликда агроирригацион ётқизиклар тўпланганлиги аниқланган. Демак, сурункасига минг йил давомида деҳқончилик қилинган тақдирда тупроқда

қарийб бир метр қалинликда агроирригацион ётқизиқ ҳосил бўлади.

Бундай ётқизиқлар Наманган вилоятининг суғориладиган ҳудудларида ҳам кенг тарқалган. Улар айниқса, дарё ва сойликлар ҳосил қилган ёйилмаларда тупрок таркибини яхшилайдди, табиий комплексларнинг ўзгариб бориши ва улар ўрнида маданий ландшафтлар пайдо бўлиши ҳамда жойнинг геоэкологик муҳитини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги илмий ёндашувлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, табиатдан фойдаланишда аниқ табиий шароит ва хўжалик юритишни ҳисобга олган ҳолда тегишли ёндашувни қўллагандагина кўзланган самарага эришиш мумкин бўлади. Баъзида ҳудуднинг мураккаблик даражасига қараб икки ёки ундан ортиқ ёндашувни тадбиқ этиш ҳам амалий аҳамият касб этади. Илмий ёндашувларни қўллаш негизида эса ҳудуднинг аниқ структурали динамик ҳолати ҳал қилувчи мезон ҳисобланади.

Н.Шомуратова

Ўзбекистон Миллий университети

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

2002 йил Канаданинг Квебек шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон экотуризм саммитида қабул қилинган “*Квебек декларацияси*”нинг асосий принципларидан бири “*саёҳат қилинаётган минтақанинг табиий ва маданий меросини туристларга тушунтириш*”. Чунки туристик объект сифатида нафақат тарихий ва маданий мерос, балки табиати гўзал ландшафтлар, ноёб рельеф шакллари, геологик топилмалар, эндемик кўринишдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бўлиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг “туристик имкониятлари” қай даражада, атроф табиий муҳит ҳолати экотуризмни ривожлантиришга қандай ҳисса қўша олади, географик фанлар, хусусан, табиий география бу ўринда нима қилмоғи керак, деган бир қатор ўринли саволлар туради.

Биз биламизки экотуризм бугунги кунда туристик бозорнинг 10% дан ортиғини эгаллаб олди [1]. Дунё бўйича унинг ривожланиш суръати умумий туризмга нисбатан 2-3 баробар жадалроқдир. Экологик туризм бошқа туризм турларига нисбатан арзонроқ ва экологик жиҳатдан эса фойдалироқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экотуризмнинг барча жиҳатларини, хусусан табиий географик томонларини атрофлича тадқиқ қилиш замон талабидир.

Экотуризм янги фан тармоғи сифатида ўзига хос қандай илмий асосларга эга [2]. Лекин *экотуризмни табиий географик жиҳатлари ҳали тадқиқот объекти сифатида қаралмаган* эди.

Табиий география Географик қобикининг табиий таркиби ва унинг таркибий қисмларини [3], аниқроғи, умумий табиий географиянинг [4] ички тузилмаларини ўрганадиган табиатшуносликка оид фанларнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Географик фанлар Географик қобикни бир бутунлигича (Умумий Ер билими, Географик қобик назарияси), регионал бўлинмалар ёки табиий географик таксономик бирликларга ажратган ҳолда (Регионал табиий география, Ландшафтшунослик) хусусий томонлари-табиат компонентларини инобатга олган тарзда (Геоморфология, Қуруқлик гидрологияси) тадқиқ қилади ва унга оид билимларни беради.

Географик қобикни геоэкологлар [5] энг фаол биосфера қатлами, деб ҳам атайдилар. Ернинг Географик қобиги, унинг юқори ва қуйи қатлам чегаралари масалалари ханузгача жумбоқли муаммо ҳисобланади [6]. Табиий географлар томонидан умумэътироф қилинган назарий билимлар асосида [7] *географик қобикдан экотуризм мақсадларида фойдаланиш туфайли юзага келадиган табиий географик қонуниятлар ва қоидаларга ўз тадқиқотларимизни қаратишимиз лозим*. Улар

қуйидагилардан иборат: 1) табиий равишда бетўхтов кечаётган модда ва энергиянинг катта алмашинувига; 2) табиий географик жараён ва ҳодисаларнинг ритмиклик, яъни муайян муддатларга такрорланиб туришига; 3) экзоген ва эндоген жараёнларнинг Географик қобикнинг ягона тизимли ривожланишига; 4) Ер шакли ва Қуёш энергиясининг сайёрамиз юзаси бўйича тақсимланишига; 5) Фавқулудда тарзда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларга туристик фаолият таъсирининг назарий ва амалий томонларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Регионал бўлинма ёки таксономик бирликларга ажратган ҳолда экотуризмни табиий географик жиҳатдан тадқиқ қилиши муайян табиий географик комплекслар доирасида олиб борилиши, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда тадқиқотлар маълум бир маъмурий-сиёсий бирликлар билан чегараланадиган ва ўзига хос ҳам табиий, ҳам туристик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар Марказий Осиё, Узоқ Шарқ, Яқин Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё, Кариб денгизи ҳавзаси, Ғарбий Европа, Шарқий Европа, Шимолий Америка, Жанубий Америка ва ҳ.к. танланади. Бундай тадқиқот объектини танлашга мутахассислар томонидан эътироз билдирилиши мумкин. Нима учун тадқиқотлар маъмурий-сиёсий чегаралар бўйича олиб борилиши лозим? Чунки экотуризм бевосита амалиёт, яъни туризм индустрияси билан боғлиқ бўлган фан тармоғи ҳисобланади ва олинган назарий билимларни амалиётга қўллаш нуқтаи назаридан қаралмоғи керак. Афсуски, экотуризмга оид тавсияларни ҳозирча муайян маъмурий ёки сиёсий чегаралар доирасида қўллаш мумкин, холос. Унда ягона регионал геотизимда кечаётган барча табиий географик ҳодиса ва жараёнлар (катта ва кичик модда ва энергия алмашинувига сабаб бўлувчи атмосфера циркуляцияси, намлик айланиши, рельеф ўзгариши, нураш ва тупроқларнинг шаклланиш жараёнлари, об-ҳаво ва иқлимнинг даврий ўзгаришлари, табиат компонентлари орасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсир даражасини ўзгариши, ўсимлик ва ҳайвонот оламини эволюцион ривожланиш хусусиятларига таъсири ва ҳ.к.) комплекс геоэкологик жиҳатдан таҳлил қилинади ва унга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ундан ташқари, илмий изланишлар муайян *табиий географик таксономик бирликлар* асосида олиб борилиши ҳам мумкин. Масалан, минтақа пояси, китъа, материк, область, провинция, округ, ландшафт, жой, урочиша, фация даражасида. Бундай таксономик бирликларга ажратиш ҳам ҳанузгача ягона бир таснифланиш асосида олиб борилмайди [8]. Лекин ушбу табиий бўлинишлар маъмурий-сиёсий бўлинмалардан фарқ қилади ва том маънода табиий географик тадқиқотлар жумласига киради. Уларда катта табиий географик комплекслар (минтақа-округ) даражасидаги экотуризмнинг табиий географик хусусиятларини давлатлараро миқёсда ёки ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан олиб бориш мумкин бўлган илмий изланишлар тоифасига киритиш мумкин. Кичик табиий географик комплекслар (ландшафт-фация) даражасидаги илмий изланишларни миллий ва ёки маҳаллий миқёсда олиб бориш имконияти бор, албатта.

Экотуризмнинг хусусий табиий географик жиҳатлари маълум бир табиат компонентлари (иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер усти сувлари, рельефи ва атроф муҳит) ҳолатига сайёҳлик қилишнинг таъсирини атрофлича ўрганиш киради. Бу ўринда табиат компонентларининг экотуризм натижасида ўзгариши, ривожланиши ва такомиллашишини аниқлаш, баҳолаш, назоратлаш ва мониторингини олиб бориш, таснифлаш, башоратлаш, оптималлаштириш, жавобгарлигини белгилаш, ҳуқуқий мақомини аниқлаш, бошқариш, районлаштириш каби тадқиқотларни ўтказиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шодиметов Ю, Доклад в рамках “Дня экологического туризма” Ташкентской международной туристической ярмарки.-Т., 28.09.05г.

2. Нигматов А., Шомуротова Н. Экологик туризм-янги фан соҳаси // Ж.Ўзбекистон экологик ахборотномаси. 6-сон, 2004. 17-19 б.
3. Зокиров Ш. Табиий география. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-сон. 2004, 213-б.
4. Голубчик М.М., Евдокимов С.П. География. Учебник для экологов и природопользователей. –М.: Аспект пресс, 2003.-С.7.
5. Нигматов А.Н. География фанининг истиқболи ва унда табиий географиянинг тутган ўрни // Ж.Ўзбекистон география жамияти ахборотномаси. 4-сон, 2004. 17-21 б.
6. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. М.: Высшая школа, 1979.-222 с.
7. Ғуломов П. Географик қобик. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-сон. 2001.-625 б.
8. Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари. –Т.: ЎзМУ нашриёти, 2004.

*Б.А.Бахритдинов, А.К.Уразбаев, М.А.Рахмонкулов,
Н.Т.Зиямухамедов, М.А.Алиева*

**ЎР ФА Сейсмология институти География бўлими
ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ТАБИЙ-МЕЛИОРАТИВ ШАРОИТИНИ
БАҲОЛАШДА ҲАВЗАВИЙ УСУЛНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Табиий география фанида тараққий этиб келаётган тизимли усул сўнгги йилларда амалиётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу усулнинг мелиоратив географияда ва мелиорацияда қўлланилиши объектни тизим деб қарашни тақазо этади. Ана шунга асосан биз ҳам дельта геотизимларида жойлашган суғориладиган ҳудудларни ўзига хос структурага эга бўлган ва бошқа жойларда учрамайдиган табиий-географик бутунлик деб қарадик.

Дельта геотизимларидаги суғориладиган ҳудудлар ҳар хил геологик ёшдаги кичик дельталарнинг йиғиндисидан иборат. Бундай кичик дельталарнинг «дарахтсимон» шакллари маълум бир структурани ҳосил қилади ва табиий-мелиоратив шароитни белгилашда асосий омил ҳисобланади. Ана шунинг учун кичик дельталарнинг геологик ёшини билган ҳолда литологиясини ўрганиш, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Сабаби ётқизикларнинг механик таркиби табиий-мелиоратив шароитни белгилашда катта аҳамиятга эга. Олиб борилган дала ишларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоғимиз лозимки, ҳар хил ёшдаги Эркиндарё, Чўртанбой, Раушан ва бошқа кичик дельталарда тупроқларнинг механик таркиби ўзига хос тузилишга эга. Масалан Орол денгизига яқин жойлашган кичик дельталарнинг механик таркиби Нукус шаҳри атрофидаги кичик дельталарнинг (Ульдарё, Қизкеткен-Чимбой ва бошқалар) литологиясидан тубдан фарқ қилади. Тупроқларнинг литологияси хилма-хил бўлганлиги учун ҳам табиий-мелиоратив шароит турличадир.

Амударё ҳозирги дельтасининг кичик дельталардан ташкил топишини ишботлашда рельеф пластикаси усули ва аэрометодларнинг роли катта. Рельеф пластикаси усулида ҳар бир объектнинг структураси ўрганилади ва картада ифодаланади. Шунинг учун ҳам кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структураси ўзига хос шакл бўлиб, бошқа ҳудудларда учрамайди.

Кичик дельталарнинг йиғиндиси суғориладиган ҳудудларда коллектор-зовур ҳавзаларини ҳосил қилади. Ҳозирги вақтда тизимли усулнинг икки кўриниши бўлиб, шулардан бири функционал бутунликдир. Коллектор-зовур ҳавзаларининг асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Амударё ҳозирги дельтасини бир неча ҳавзаларга ажратдик. Ҳудудларни коллектор-зовур ҳавзаларига табақаланиши, бу ҳавзаларни

табий-географик жихатдан ўрганганда асосан академик Б.Б. Полинов ишлаб чиққан ландшафт-геокимёвий усуллари қўлланилади.

Табий-мелиоратив шароитни ўрганиш ва унинг коллектор-зовур ҳавзасида тизимли тузилишини баҳолаш рельеф пластикаси усулининг назарий ғояси асосида олиб борилади. Коллектор-зовур ҳавзалари суғориладиган ҳудудларда учрайдиган ягона функционал-бутун геотизимдир. Унинг бутунлигини вужудга келишида ер усти сув оқимлари катта рол уйнайди. Бошқача қилиб айтганда ер усти сув оқими тизим ҳосил қилувчи омиллардан биридир. Коллектор-зовур ҳавзаларининг ўзига хос ички тузилиши ва ландшафтларнинг морфологик структурасининг шаклланиши ер усти сув оқимлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ландшафтларнинг морфологик структураси ва коллектор-зовур ҳавзаларининг ички тузилиши тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг йўналишини аниқ тасвирлайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда И.Н. Степанов дельтада тарқалган тупроқлар билан ер усти сув оқимлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга катта эътибор берган. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, кейинги йилларда яна ер усти сув оқимларининг ролини ўрганишга катта эътибор берилмоқда, яъни бунда тизимли усулнинг ғояси асосий ўринни эгаллайди.

Функционал-бутунлик усул географик йўналишдаги фанларда маълум бир мустаҳкам ўринга эга. Коллектор-зовур ҳавзаларининг функционал-бутунлик сифатида ўрганиш суғориладиган ҳудудларда табий-мелиоратив шароитнинг тизимли тузилишини баҳолашга асос бўла олади. Функционал-бутунлик усулининг ижобий томони шундаки, коллектор-зовур ҳавзалари яққол чегарага эга бўлади ва қуйидаги тизимларни ўрганишга асос яратади: гидрологик тизимлар (ирригация-мелиорация тармоқлари, ер усти ва ер ости сувларининг боғлиқлиги ва бошқалар), геоморфологик тизимлар (баландлик ва пастлик рельеф шаклларининг кетма-кетлиги, ер усти шаклларининг тартиблиги ва бошқалар) ва тупроқ тизимлари (тупроқларнинг рельеф шакли билан боғлиқлиги, тупроқ ҳосил бўлишида ва ривожланишида рельефнинг роли ва бошқалар). Шу билан бир қаторда рельеф пластикаси усулининг ютуқлари тизимли ва тематик хариталаштиришда ҳам қўлланилмоқда.

Амударё ҳозирги дельтасининг функционал-бутунлик усулига биноан коллектор-зовур ҳавзаларига табақаланиши функционал усулининг хилма-хил, ҳам назарий, ҳам амалий вазифаларни ҳал қилишда қўлланилишига асос бўла олади. Шулар қаторига ер-сув бойликларидан унумли фойдаланиш, суғориладиган массивларни ҳавзалар бўйича табий-мелиоратив районлаштириш, ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва қайта таъмирлаш киради. Шундай қилиб, ер ресурсларини баҳолашда коллектор-зовурларнинг функционал-бутунлигига алоҳида эътибор бериш лозим, сабаб ландшафтларнинг табий-мелиоратив хусусияти коллектор-зовур эгаллаган ҳудудда маълум бир тартиб асосида ҳавзанинг юқори қисмидан қуйи қисмигача ва ўзан олди баландлигидан то энг паст жойгача тизимли ўзгаради.

А.К. Уразбаев

**ЎР ФА Секйсмология институти География бўлими
ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯДАГИ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ВА УЛАРНИНГ
РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ**

Тизимли усул XX-чи асрнинг 60-йилларидан бошлаб табий география фанида қўлланила бошланди. Бу усулнинг қўлланилиши шубҳасиз академик В.Б. Сочава номи билан боғлиқдир. У ўзининг «Геотизимлар таълимотига кириш» (1978) номли машҳур асарида шундай деб ёзади: «Ҳозирги табий географиянинг асосий моҳияти бўлган геотизим ҳақидаги таълимотни тан олиш ҳеч қандай шубҳа ва иккиланишни туғдириши

керак эмас, у фанимизнинг келажакдаги таракқиётини қонунга мувофиқ бутунлай таъминлай олади».

Илмий билим бир қанча алоҳида ғоя ва усуллардан иборат бўлиб, улар умумий назарияга ва методологияга бирлашадилар. Баъзи ҳолларда, алоҳида олимларнинг илмий мулоҳазалари тўлиқ маънода назария деб аташ мумкин бўлган, мувофиқлаштирилган ва кўпчилик тан оладиган қарашлар тизимини бирданга ташкил қилавермайди. Лекин шунга қарамай, мавжуд назария ва усуллар ўртасида муҳим тавофутлар бўлсада, уларни дастлабки мантикий –фалсафий асосларининг ва методологик ишланмаларининг умумийлиги бирлаштириб туради. Бундай умумий хусусиятга эга бўлган «назариялар» ансамбли учун америкалик олим Т.Кун (1977) «парадигма» атамасини таклиф этади.

Парадигма – бу назарий ва методологик ишланмаларнинг мажмуаси бўлиб, фан таракқиётининг у ёки бу босқичида олиб борилаётган аниқ тадқиқотлардаги илмий фикрлаш ва амалиётнинг умумийлигини билдиради. Одатда парадигма олимларнинг кўпчилигини ўзига жалб этган назарий қоидаларга асосланган бўлади.

Парадигмаларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, «бир хил парадигмаларга асосланган олимлар, уларнинг назарий ишланмалари илмий амалиётнинг бир хил қоида ва мезонларига таянадилар». Бундан шу маъно келиб чиқадики, парадигма тушунчасига фақат илмий назарияларнинг ўзи кириб қолмай, балки далиллар йиғиш усули, уларни таснифлаш, айрим ва умумий масалаларни ечиш, яъни бутун методология киради. Бундан ташқари, маълум бир назария ва усуллардан фойдаланиш олимларга, бирон бир парадигмага амал қилишни, маълумотларнинг амалий қўлланилиш йўлини ва ундан кейин эса бутун илмий фаолиятини бағишлашни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам, парадигмани «илмий фаолиятнинг турғун схемаси» деб таърифлаш мумкин, бу фикрни кўпгина олимларнинг гуруҳи қўллаб-қувватлайди (Хаччет, Чарли, 1971).

Парадигмалар фан ютуқлари етуқлик даражасига етганида пайдо бўлади. Олим назарияни ишлаб чиқиш пайтида «ўзининг бутун билим соҳасини, дастлабки принципларидан бошлаб қайтадан кўриб чиқмайди» (Кун, 1977). Фаннинг маълум бир босқичида тўпланган маълумотлар ва шу маълумотлар асосида ишлаб чиқилган назариялар кўпайиб шу даражага етадики, бу даврда хилма-хил маълумотларга асосланган назарий қарашлар ўртасида «илмий кураш» даври бошланади. Бу кураш парадигма тарафдорларининг хилма-хиллигида ўз аксини топади. В.Н. Солнцев (1978) табиий географиядаги мавжуд бўлган бундай «илмий курашларни» ҳар томонлама кўриб чиқиб тўртта парадигмани ажратади:

1. Геокомпонентли; 2. Геокомплексли; 3. Геоструктурали; 4. Экологик. Ҳар бир парадигма мураккаб тузилишга эга бўлган ландшафт билан «мураса» қилиш натижасидир. Бу мурасанинг моҳиятини аниқлаш ҳар бир парадигманинг назария ва усулларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Илмий парадигмаларнинг бундай хилма-хиллигини кўриб чиқиш табиий географиянинг мустаҳкам умумий назариясини ишлаб чиқишга ёрдам бериши лозим, бу назария эса табиий географларнинг табиий муҳитни режали ўзгартиришда ва ресурслардан тўғри фойдаланишда ўзининг амалий натижасини кўрсатиши лозим (Герасимов, 1976).

Парадигмаларни таҳлили шу нарсани кўрсатиб турибдики, ҳозирги вақтда табиий географияда асосан геокомплексли ва геоструктурали парадигмалар қўлланилиб, ривожланиб ва таракқий этиб бормоқда. Баъзи ҳолларда геокомплексли парадигма геоструктурали парадигманинг ўзи, айрим мутахассислар эса улар ўртасига бир хиллик белгисини қўйишга ҳаракат қилдилар. Ҳақиқатда эса геокомплексли ва геоструктурали парадигмалар ўртасида фарқлар мавжуд. Геокомплексли парадигма асосий мақсад геокомпонентлар (тупроқ, ўсимлик, рельеф ва бошқалар) ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш ётади. Геоструктурали парадигмада эса асосий мақсад

элементлар ўртасидаги муносабатни ўрганиш ётади. Структура доимо муносабатни тақазо қилади, оддий синф шу ҳолича структурага эга эмас (Б.Рассел). Бошқача сўз билан айтганда, элементларнинг ўзаро муносабати шу объектга хос бўлган структурани ҳосил қилади. Мисол учун, Амударё ҳозирги дельтасининг элементлари умумий йиғиндиси кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структурасини ҳосил қилади (Уразбаев, 2002). Ана шунинг учун ҳам бу икки парадигмалар ўзларининг мақсад ва вазибалари билан яқин бўлишига қарамай улар бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ҳар бир парадигманинг мустақкам ривожланиши ва таракқиёти учун маълум бир катта илмий асар бўлмоғи лозим. Шундай асарлар қаторига В.Б. Сочаванинг «Геотизимлар таълимотига кириш» китоби киради. Бу асар ҳақиқатан ҳам геоструктурали парадигмани қўллаб-қувватлайдиган олимлар учун дастур ҳисобланади. Шундай қилиб, геоструктурали парадигмада асосида элементлар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилган ҳолда, ҳар бир тизимнинг ўзига хослигини исботлаш ётади.

Адабиётлар

1. Герасимов И.П. Конструктивная география. М.: 1976.
2. Кун Т. Структура научных революций. М.: 1977.
3. Солнцев В.Н. Физико-географические парадигмы. «Известия АН РАН, сер.геогр.», 1978, №1.
4. Сочава В.Б. Введение в учение о геосистемах. Новосибирск, 1978.
5. Уразбаев А.К. Системное организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук, Ташкент, 2002.

Б.Халилова

Тошкент Давлат Педагогика университети ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИ ТУПРОҚ ҚОПЛАМИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Тупроқшунослик фанида тизимли йўналишнинг вужудга келиши билан тупроқлар қопламининг структураси таълимоти яратилди. Тупроқшунос олимлар доимо тупроқлар қоплами структурасини рельеф билан боғланган ҳолда ўргандилар. Аммо XX-асрнинг иккинчи ярмида баъзи тупроқшунослар рельеф структурасига етарли аҳамият бермай қўйдилар.

Тупроқ қоплами структураси ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши ва ривожланиши В.Р. Волобуев, М.А. Глазовская, В.М. Фридланд ва И.Н. Степанов номлари билан боғланган. Дельта геотизимларининг тупроқ қоплами структурасини таҳлил қиладиган бўлсак бу ҳудудларда тупроқлар фақатгина рельеф элементлари билан боғланиб қолмасдан, балки кичик дельталарнинг «дарахтсимон» структураси билан ҳам боғланган. Шу сабабли биз дельта геотизимлари тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда рельеф билан тупроқлар структураси боғлиқлигига катта аҳамият бердик. Бизга адабиётлардан маълумки, Қуйи Амударё табиий географик районининг тупроқлар қоплами структураси Амударё сувининг иши натижасида дельта юзасида вужудга келган геометрик шакллар билан боғланган.

Қуйи Амударё табиий географик районида жойлашган учта дельта: Сарикамиш, Ақчадарё ва Оролбўйи дельталари ўзларининг тупроқлар қоплами структуралари билан бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ақчадарё дельтасининг бошланғич қисмида тақирсимон, ўтлоқ-тақирли, ўзан бўйи ўтлоқ-тақирли-тўқай тупроқлари тарқалган бўлса, ўрта қисмида асосан тақир тупроқлари устунлик қилади. Дельтанинг қуйи

қисмида эса тақирсимон, қум-ўтлоқ, шўрхоқлар тарқалган. Ақчадарё дельтасидаги тупроқ қопламанинг структураси асосан Ақчадарё дельтасининг умумий «дарахтсимон» шакли билан боғлиқ. Беруний, Тўрткўл ва Эллиқкалға туманларида эса дельтанинг структураси ўзгача бўлиб, у «ёйилма» шаклидадир. Энг қуйи қисмида у кичик дельталардан иборат «умумий дарахтсимон» шаклига эгадир.

Сариқамиш дельтасининг бошланғич қисми асосан Хоразм вилоятида жойлашган бўлиб, у бир неча кичик дельталардан ташкил топган. Сариқамиш дельтасининг қуйи қисмидаги баъзи бир кичик дельталар Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида жойлашган. Шундай дельталардан бири «Қиятжарган»дир. Умуман олганда Сариқамиш дельтасида тақирли тупроқлар Ақчадарё дельтасига нисбатан кам тарқалган.

Оролбўйи, яъни Амударё ҳозирги дельтаси тупроқлар қоплами структураси ўзига хос тузилишга эга. Дельтанинг юқори қисмларида асосан суғориладиган ўтлоқ тупроқлар тарқалган бўлса, ўрта ва қуйи қисмларида ўтлоқ-тақирли-тўқай, ўтлоқ-тақирли, ўтлоқ ва шўрхоқлар тарқалган. Бу тупроқлар кичик дельталарнинг (Эркиндарё, Шўртанбой, Улдарё ва бошқалар) «дарахтсимон» шакллар билан боғланган. Суғорилмайдиган худудларнинг тупроқлар қоплами структурасини ўрганган пайтда асосий эътибор кичик дельталарнинг «дарахтсимон» шаклларига қаратилиши лозим. Суғориладиган худудларда эса коллектор-зовурларнинг ҳавзасига қаратилиши керак. Бизга маълумки, коллектор-зовур ҳавзалари ўз навбатида кичик дельталарнинг мажмуасидан иборат. Шунинг учун ҳам тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда, рельеф типларининг вужудга келиши тараққиётига ҳам катта эътибор бериш керак.

Тупроқ қоплами структурасини ўрганиш вақтида рельеф пластикасининг назариясига ва шу усул асосида яратилган рельеф карталарига катта эътибор қаратмоқ лозим. Бу карталарда маълум бир рельеф типларининг тарқалиш худудлари билан биргаликда уларнинг геометрик шакллари ҳам кўрсатилади. Юқорида айтиб ўтилган Сариқамиш, Ақчадарё ва Оролбўйи дельталарининг умумий шакллари бир-бирига яқин бўлса ҳам, уларнинг структуралари, яъни «кичик дельталарнинг» нисбатлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам бу дельталардаги тупроқ типларининг жойланиш структуралари худуднинг ўзига хос «Педотизимини» ҳосил қилади. Маълум бир жойни тупроқ тизимини, яъни «Педотизимини» ўрганишда ана шу худуднинг рельеф пластикаси картаси катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб тупроқлар қоплами структурасини ўрганганда тупроқшунослик фанидаги тизимли усулнинг назариясига катта эътибор бериш керак. Бу назариянинг вужудга келишида В.В. Докучаев ишлаб чиққан қонуниятлар билан бир қаторда умумий методологик қонуниятларнинг роли ҳам каттадир.

А.Н.Низматов, Р.Ибрагимова

Ўзбекистон Миллий университети

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Барқарор ривожланиш – бу кишилиқ жамиятини омон қолиш ва яшаб кетиш модели. Бу модел Саёрамизда юзага келган табиат-инсон-жамият тизимидаги асосий муаммоларни кишилиқ жамиятининг барча фаолияти билан комплекс равишда ҳал этишнинг янги йўллари излаб топишга ундамоқда. Барқарор ривожланишнинг замонавий концепцияси атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ижтимоий ва иқтисодий муаммолар билан биргаликда ҳал этишга чақиради. Маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал миқёсдаги бошқарув-хўжалиқ фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутуди.

Шундай қилиб **барқарор ривожланиш** уч муаммони, яъни **экологик, иқтисодий ва ижтимоий характердаги долзарб масалаларни** биргаликда ҳал этишга чақирмоқда. Бунинг уччаласи ҳам **бевосита география билан боғлиқ ҳолдаги назарий ва амалий изланишларни олиб боришни тақазо қилади**. Чунки, **биринчидан**, инсонларнинг барча турдаги экологик, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти бевосита **Ернинг географик қобилиги доирасида** содир бўлади. **Иккинчидан**, кишиларнинг барча фаолият турлари бўйича муаммоларни **комплекс равишда** ҳал этишга ундайди. **Учинчидан**, Ер юзасининг барча минтақаларида бир хилда эмас, яъни **ҳудудий фарқланиш хусусиятига** эга. **Тўртинчидан**, барқарор ривожланиш ғояси ҳам, унинг амалда тадбиқ этилиши ҳам қотиб қолган догма эмас, яъни вақт давомида турли кўриниш, даража, шакл ва моҳият касб этади [1], яъни **даврийдир**.

Барқарор ривожланиш концепцияси экологик муаммоларнинг ечими давлат (масалан, Ўзбекистон) ёки бирон бир давлатлар (масалан, “катта саккизлик“) фаолиятига бевосита боғлиқ эмас. Бу ўринда Президентимиз И. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48,50 ва 55 сессияларидаги маърузасида айтганидек, “. . . ушбу муаммо нафақат Ўрта Осиё давлатларининг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг “чуқур табиий дардидир” [2], чунки Орол инқирози курраи заминда экологик хавфсизликни кескинлатади ва шунинг учун ҳам глобал характерга эгадир. Бу муаммога таълуқли бўлган ҳар бир фан соҳаси албатта ўз изланиш объектини мазкур масаланинг ечимини топишга қаратмоғи лозим.

БМТнинг Рио-92 конференциясида қабул қилинган “Атроф муҳит муҳофазаси ва ривожланишга доир декларация”сининг янги барқарор ривожланиш концепциясидан келиб чиққан тарзда биз унинг географик, хусусан табиий географик жиҳатларини тадқиқ қилишда қўйидаги асосий қоидаларни назарда тутмоғимизни тавсия этилади:

-давлатларнинг табиий ресурслардан фойдаланиши ўзга давлат ва минтақаларнинг атроф табиий муҳитига зарар қилмаслиги;

-барқарор ривожланишда атроф муҳит муҳофазаси тараққиёт жараёнининг бир қисми ҳисобланилади ва ундан ажралган тарзда муҳокама қилинмаслиги;

-ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётида турган давлатларда экологик муаммоларни бирламчи масалалар туркимига киритилиши, шунинг учун ҳам уларда табиий ресурсларни конзервация қилувчи(заҳираловчи) ҳўжалик тармоқларини ривожлантириш;

-давлатлар Ер экотизимларини сақлаш, муҳофаза қилиш ҳамда унинг тозаллиги ва бутунлигини тиклаш мақсадида глобал миқёсдаги шерикчилик руҳида ҳамкорлик қилишлари;

-табиий хом ашёни ишлаб чиқариш, қазиб олиш ва қайта ишлаш илмий жиҳатдан аосланган бўлиши ва ушбу жараёнларда илғор технологияларни қўллаши;

-экологик оқибатларни баҳолаш ваколатли миллий органлар томонидан тасдиқланиши.

Юқорида келтирилган экологик принциплар географик ва айниқса табиий географик принципларга монанддир. Йоханнесбург-2002 йилда қабул қилинган “XXI аср кун тартибини амалга ошириш” режаси ҳудудий, даврий ва комплекс нуқтаи назардан қуйидаги муаммоларни ҳал этишга ундайди: атмосфера ҳавосининг муҳофазаси; Ер ресурсларидан фойдаланишга комплекс ёндашиш; ўрмонсизланиш жараёнини олдини олиш; қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнларини олдини олиш; тоғ экотизимларининг муҳофазаси; қишлоқ ҳўжалиги ва атроф-муҳит; биологик хилма-хилликни сақлаш; биотехнологияларнинг экологик хавфсиз даражада ишлатиш; сув экотизимларининг муҳофазаси; чучук сувдан оқилана фойдаланиш; хавфли чиқиндиларни четлаштириш; каттиқ чиқиндиларни четлаштириш ва оқави сувларни тозалаш; радиоктив чиқиндиларни четлатиш [3].

Мазкур соҳада Ўзбекистонда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда, лекин улар минтақада, хусусан мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг географик жиҳатларини ҳар томонлама тадқиқ этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нигматов А., Пардаев Ф. Экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш.-Т., 2005.- 96 б.
2. Экология ва ҳаёт. Президент Ислон Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши Т.: Ўзбекистон, 2002.-128 б.
3. Итоги Всемирного саммита по устойчивому развитию / Ж. Экология и устойчивое развитие. №10. 2002.- С.2-9.

А.Н.Ғаппаров, С.Хусанова

Жиззах Давлат Педагогика институти ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯРЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатдаги мавжуд ресурслар билан боғлиқдир. Ресурс тушунчаси кенг қамровли бўлиб, инсон улардан турли мақсадларда фойдаланади. Инсон фаолиятида муҳим рол ўйновчи ресурслар қаторига рекреацион ресурслар ҳам киради. Рекреацион ресурслар деганда инсоннинг дам олиши, даволаниши, эстетик тарбияси, жисмоний ва руҳий чиниқиши учун хизмат қилувчи ресурслар тушунилади. Бундай ресурслар икки хил бўлиб, биринчиси, инсон томонидан яратилган-антропоген рекреацион ресурслар ва иккинчиси, табиий ҳолдаги хушхаво, хушманзара, инсонга эстетик завқ берувчи жойлар, табиий объектлар киради.

Жаҳон миқёсида рекреацион ресурслардан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган ва кундан-кунга аҳамияти ортиб бормоқда.

Жиззах вилояти республикаимизда рекреацион ресурсларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни табиий рекреацион ресурсларнинг хилма-хиллигида кўришимиз мумкин. Айниқса, табиий рекреацион бойликларга эга бўлган вилоятнинг Баҳмал, Зомин, Жиззах, Ғаллаорол ва Фориш туманларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг манзараси, қулай иқлимий шароити ва хушхаволиги билан инсон саломатлиги учун фойдалилиги ҳамда эстетик аҳамияти билан ажралиб туради. Бундай имкониятлардан фойдаланиш мақсадида туманлар ҳудудида кўрикхона, болалар оромгоҳлари, санаторийлар қурилган. Зомин ва Баҳмал туманларида мавжуд республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган санаторий ва болалар оромгоҳлари буларга мисол бўлади.

Мамлакат аҳолиси сонининг ортиб бориши, урбанизация жараёнининг жадаллашиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, шунингдек, иқтисодий ўсиш, аҳоли турмуш шароитининг яшиланиб бориши аҳолининг рекреацион ресурслардан фойдаланишга бўлган талабини оширади. Шунингдек, рекреация тизими ҳозирги вақтда иқтисодий фойда келтирувчи соҳага айланиб бормоқда. Ўзбекистон ҳудудида, хусусан, Жиззах вилоятида бу соҳанинг ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд, бинобарин яқин келажакда йирик рекреацион зоналар вужудга келтирилиши мумкин. Буни ҳисобга олиб, рекреация объектларининг сонини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш билан бирга бу объектларни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик чораларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Ҳудудий рекреацион тизимларни вужудга келтиришда масалага илмий ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

А.Зокиров ва К.Ҳотамовлар республикамиз рекреацион ҳудудларини таксономик бирликлар: табиий рекреацион ўлка (Ўзбекистон Республикаси); табиий рекреацион район (Фарғона); табиий рекреацион микрорайон (Чимён) ларга ажратади ва схематик равишда республика бўйича (табиий районлардан келиб чиқиб) ҳисоблайди. Ушбу схемада Жиззах вилояти умумий тарзда Чирчиқ-Мирзачўл рекреацион райониға киритилган.

Шуни ҳисобга олиб вилоятнинг рекреацион микрорайонларини қуйидагича қайд этиш мумкин:

Жиззах вилояти рекреацион объектлари

№	Рекреацион микрорайонлар	Масканлар: (дам олиш уйлари, пиёда, отда, велосипедда сайр қилиш жойлари ва сув ҳавзалари)
1	Зомин	Ўзбекистон миллий боғи, Ўрикисой, Супа.
2	Бахмал	«Дўлана», Новқа (Новқа ота), Ўсмаг ота, Мўғол, Қирққишлоқ, Жўмжўмсой, Учқиз(Узунбулоқ).
3	Ғаллаорол	Ғаллаорол, Қўйтош, Садир Ваққос.
4	Фориш	Осмонсой, Учма, Совурбек довони, Қарабдол.
5	Жиззах	Уобсой, Кўрпасой, Учқиз, Ровотсой, Амир Темур дарвозаси ва бошқалар.
6.	Арнасой	Арнасой кўллари мажмуи: Тузкон, Айдаркўл.

Юқорида кўрсатилган жойларнинг ҳар бири ўзига хос экологик шароитга эга. Ушбу ҳудудларда рекреацион тизимни вужудга келтириш учун бу жойлардаги экологик вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, табиий ресурсларига баҳо бериш лозим. Шундан сўнг, бу жойлар табиатини муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳар қандай дам олиш ёки бошқа турдаги зоналарда табиат турли равишдаги ўзгаришларга дуч келади. Бу тадбирларни жойлар рельефи, сувлари, иқлим шароити, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини илмий тарзда ўрганиб чиқиб белгилаш зарур. Шунингдек, бунёд этилиши кўзда тутилаётган объектлар характеридан келиб чиқиб, табиий муҳит муҳофаза чоралари белгиланади.

Дам олиш зоналарида кишиларнинг атроф-муҳитга доимий таъсирини кўзда тутиб, оқар сувлар, дарахтлар, ҳайвонот оламини муҳофаза қилишга доир тартиб-қоидалар белгиланиши шарт. Туристлик саёҳатлар ўтказиладиган ҳудудларда туристлар ҳаракатланадиган сўқмоқларнинг ҳудуддаги мавжуд табиий объектларга зарар етказмайдиган жойлардан ўтказилиши, мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, катта йўллар ёқасидаги объектларга йўловчилар томонидан таъсир этилишини чекловчи қоидалар амалга кириши зарур. Хусусан, тоғли ҳудудлардан ўтган автомобил йўллари ёқасидаги қоялар, тошларга турли ёзувлар ёзиш, тошларнинг кўчириб кетилиши каби ҳолатлар шу пайтгача назорат қилинмай келингани ачинарли ҳолдир. Сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланиши, дарахтларнинг кесилишини қатъий назорат остига олиниши ҳам ҳозирги кунда жуда долзарб масала ҳисобланади.

Рекреацион ресурсларга энг катта зарар етказувчи омил бу – маҳаллий аҳолининг хўжалик фаолиятидир. Албатта бу фаолиятни чеклаб бўлмайди. Аммо аҳолига тегишли чорва молларининг, айниқса, тоғли ҳудудлардаги рекреацион аҳамиятга эга, лекин ҳали бу соҳада фойдаланилмай турган жойларга етказётган салбий таъсири жуда катта.

Биобарин, бу омилларни ҳар томонлама ўрганиб, Жиззах вилоятидаги рекреацион ресурслардан тўла фойдаланадиган вақтлар келгунча бу ресурсларни муҳофаза қилиш масаласини ҳал қилиш чораларини кўриш муҳимдир. Чунки, табиий рекреацион аҳамиятга эга жойларнинг экологик шароитини ўрганиб чиқиб, уни муҳофаза қилиш чораларини кўрмасдан туриб, аҳолига хизмат қилдиришга сафарбар этилса, қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган рекреацион объектларни муҳофаза қилиш учун биринчи навбатда, умумий тарзда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

- Худудларнинг айна вақтдаги экологик шароитини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, илмий таҳлил қилиш ва баҳо бериш.

- Олинган натижалар асосида биринчи навбатда кўриладиган ресурслар муҳофазасига доир амалий чора ҳамда қоидаларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланишини таъминлаш.

- Жойлардаги маҳаллий аҳолини табиий рекреацион аҳамиятга эга бўлган объектларни асраб-авайлаш ишларига жалб қилиш.

- Вилоятда рекреацион ресурслар муҳофазаси билан шуғулланувчи эркин жамиятлар тузиш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

Бундай ишлар келажакда вилоят худудида рекреацион туризмни ривожлантириш, вилоятни республикадаги ривожланган худудга айлантириш учун тайёргарликнинг бошланишидир. Зеро, экологик вазиятнинг доимий назорат остида бўлиши, табиий худудлар муҳофазаси, ўлка табиатини келажак авлодга гўзал, табиий ҳолда етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ю.Қ.Усмонов, Х.Избасоров, Н.Умиров, А.Ж.Усмонов

Жиззах Давлат Педагогика институти

ЭКОСИСТЕМНИ ТУПРОҚЛАР БОНИТЕТИГА ҚАРАБ ЭКОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ

Мавжуд экологик районлаштиришларнинг бирортаси ҳам тўлақонли, организмларга таъсир қилувчи омил ва муҳитнинг ҳамма жажатларини ўз ичига олмаган, шунинг учун ҳам экологик районлаштиришда бир қатор камчиликлар ва кўзга яққол ташланадиган нуқсонлар мавжуд. Шунинг учун ҳам бу соҳада чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва организмларга таъсир қилувчи барча омил ва муҳитга мослаб экологик районлаштириш экология фанининг энг муҳим, долзарб муоммосига айланган.

Табиий муҳитни регионал классификациялаш, экосистеманинг биологик маҳсулдорлиги ва биоценознинг қуёш энергиясини қандай даражада ўзлаштиришига боғлаб экологик районлаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Экосистемани мана шу кўрсаткичлар бўйича классификациялаш фанда шу пайтгача мавжуд бўлган барча классификациялашдан бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади.

Ўзбекистон республикасида тупроқ унумдорлиги бўйича бонитет кўрсаткичини тўлиқ ишлаб чиқиш шу бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифасидир.

Ботаникларни табиий географик районнинг биологик маҳсулдорлиги қизиқтирса, табиий географларни ва ландшафтшуносларни, жойнинг географик ўрни ва муҳити қизиқтиради. Мана шу икки кўрсаткичга тупроқ бонитетини киритсак ва биргаликда таҳлил қилсак минтақаларни экологик районлаштириш осон ва қулай кечган бўлур эди. Бу соҳада биринчи қадам биологик маҳсулдорлиги юқори бўлган ёки жойнинг биогеоценотик қоплами юқори бўлган худудларни чегаралаб, 100 балли худудга киритиш лозим. Бундай жойларда органик модданинг ҳосил бўлиши юқори даражада, қуёш энергияси кимёвий реакция оқибатида тўлалигича тупроқ муҳитида иккиламчи кўриниш сифатида тўпланади, атмосферага эркин кислороднинг ажралиб чиқиши бошқа худудлардан кескин фарқ қилади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, тупроқ бонитети 100 балли бўлган худидларда биологик махсулдорлик табиий шароитда ҳам 50 ц/га дан юқори органик модда ҳосил бўлар экан. Бундай худудларда экологик қонуниятлар албатта абиотик омиллардан устун туради ва худуднинг биогеоценотик муҳитини белгилайди.

З.Тошбоев, К.Қурбонов

Жиззах Давлат Педагогика институти
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИНГ
МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ

Минтақа шароитидан келиб айтадиган бўлсак, умумий майдони 21,9 минг км² бўлган Жиззах вилоятининг ер фондини ташкил қилган 2117,8 минг га ердан 300,5 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобланади.

Кейинги вақтларда вилоят худудидаги суғориладиган ерларнинг бир қанча омиллар таъсирида шўрланиши ва иккиламчи шўрланиши кузатилмоқда.

Вилоятнинг асосий суғорилиб пахта экиладиган худудларида ер ости сувларининг ҳаракати яхши эмас, суғориш давомида уларнинг сатҳи кўтарилади ва тупроқда туз тўплана бошлайди. Бунинг олдини олиш учун горизонтал ва тик зовурлар қурилган.

Сўнгги йилларда вилоятда шўрланган ерларни яхшилаш мақсадида гидромелиорация ишларини олиб бориш бир мунча яхши йўлга қўйилмоқда. Бу борада вилоятда 2004 йилда мавжуд бўлган 301,018 минг.га суғориладиган ер майдонининг мелиоратив ҳолатини аниқлаш учун сизот сувларининг ўртача сатҳи, сизот сувларининг шўрланиши (минераллашуви) ҳамда тупроқ шўрланиши даражаси ўрганиб чиқилиб, жамланган кадастр кўрсаткичлари аниқланди.

Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг дренаж тармоқлари билан таъминланган қисми 257,868 минг.га, шундан 234,50 минг.га ёпиқ дренаж билан таъминланган.

Вилоят бўйича 2004 йили суғориш мавсумида суғорма ер майдонларидаги сизот сувларининг чуқурлиги 0-1,5 м. гача бўлган майдонлар 974 га, 1,5-2,0м. Гача бўлган майдонлар 6318 га, 2,0-3,0м.гача бўлган майдонлар 237705 га, 3-5 м гача бўлган майдонлар 37524 га, 5 м дан пастдаги майдонлар 23452 га ни ташкил этган. Сизот сувларининг сатҳи бўйича 0-2 м гача бўлган майдонлар 8288 га бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилдаги 383 га – гектар кам демакдир.

Вилоятда суғориладиган ер майдонларида сизот сувлари кўтарилган майдонларнинг ўтган йилдагидан оз миқдорда бўлса ҳам камайишини мелиоратив тадбирлар бўйича ишларнинг ҳар йилдагидан анчагина кенг кўламда бажарилиши натижаси, дейиш мумкин.

Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларида сизот сувларининг минераллашуви даражаси бўйича тақсимланишига келганда 1 г/л гача бўлган майдонлар 42288 га ни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига деярли тенг демакдир. 1-3 г/л гача бўлган майдонлар 104134 га бўлиб, 3 г/л дан юқори бўлган майдонлар 154596 га ташкил этган. Вилоят бўйича сизот сувларининг минераллашув даражаси деярли ўтган йилдаги кўрсаткичларга яқин бўлганлиги кузатилган. Вилоят суғориладиган ер майдонларидаги тупроқ қатламининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланишида шўрланмаган майдонлар 46033 га, кучсиз шўрланган майдонлар 148988 га, ўртача шўрланган майдонлар 98530 га, кучли шўрланган майдонлар 7690 га ни ташкил этган.

Жиззах вилоятидаги суғориладиган майдонларнинг тупроқ шўрланиш даражаси тўғрисида 01.X.2004 йилги маълумот

Туманлар номи	Тупроқ шўрланишини аниқлаш учун қамраб олинган майдон га	Тупроқ шўрланиш даражаси бўйича			
		Шўрланмаган майдон га	Кучсиз шўрланган майдон га	Ўртача шўрланган майдон га	Кучли шўрланган майдон га
Арнасой	33635	980	12262	18383	2010
Бахмал	12385	12385	-	-	-
Ғаллаорол	12066	12066	-	-	-
Жиззах	35005	3438	28577	2850	140
Дўстлик	36038	560	24433	10605	440
Зомин	36530	9045	15995	10015	1475
Зарбдор	36224	465	21341	12523	1895
Зафаробод	29270	835	16946	10489	1000
Мирзачўл	33052	-	13251	19371	430
Пахтакор	28838	330	14711	13497	300
Фориш	2724	455	1472	797	-
Янгиобод	5474	5474	-	-	-
Туман бўйича	301241	46033	148988	98530	7690

Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларидаги тупроқ қатламининг шўрланиш даражаси деярли ўзгармаганлиги кузатишга эришилган. Шундай бўлишига қарамастан туманлар бўйича таҳлил қилинганда Арнасой туманида ўртача шўрланган майдонлар 5970 га, кучли шўрланган майдон эса 90 га, Пахтакор туманида ўртача шўрланган ерлар 1540 га, Дўстлик туманида кучли шўрланган ерлар 180 га, Зомин туманида кучли шўрланган майдонлар 45 гектар га ўтган йилдагидан кўпайганлиги кузатишга эришилган. Шунингдек, Мирзачўл тумани суғориладиган ерлари деярли барчаси турли даражада шўрланган. Бу ҳудуд Сирдарёнинг қадимги ўзани ҳисобланиб, ер ости сизот сувларининг горизонтал ҳаракати яхши таъминланмаган. Мелоратив тадбирлар қониқарли аҳволда олиб борилмаганлигидан далолат беради. Бахмал ва Ғаллаорол туманларида эса суғориладиган ерлар деярли умуман шўрланмаган. Бунинг сабаби ер ости сизот сувлари горизонтал ҳаракати яхши таъминланган. Вилоят бўйича суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини сизот сувларининг сатҳи ва тупроқ шўрланиш даражаси бўйича баҳолаганимизда яхши ерлар 45915 га, қониқарли ҳолатдаги ерлар 240461 га, қониқарсиз ерлар эса 14642 га ни ташкил этади.

2004 йилда мелиоратив ҳолати қониқарли ерлар 2003 йилдагига нисбатан 1580 га гектар камайди. Бунга асосан тупроғи шўрланган ерларда шўр ювиш ишларинининг ҳар йилгидан сифатли ва кўпроқ бажарилганлиги, шунингдек, нормал ишлатилишининг имкони бўлмаган, ёпиқ зовурларнинг очиб ташланганлиги, нормал ишламаётган ёпиқ - ётиқ дренажларнинг ювилганлиги ва ички хўжалик зовурларини механизмлар ёрдамида тозалаш ишларининг кўпайтирилганлиги сабаблидир. Энди ушбу суғориладиган ерларнинг шўрланишига таъсир кўрсатувчи яна бошқа омилларга эътибор қаратадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида битта экин турини экиб, унинг ҳосилдорлигини минерал ўғитлар ҳисобига оширилиб келинган. Шунингдек, суғориш агротехникаси ва ерга ишлов беришда нотўғри иш юритилиши суғорув иншоатларининг носозлиги, ётиқ ёпиқ дренаж қувурларининг ёз вақтида тозаланмаслиги туфайли шўрланган майдонлар сатҳи ошиб борган.

Мустақиллик йилларида ер эгаллиги давлат мулкидан дехкон-фермерларга ижарага берилиши туфайли ерга ишлов бериш бир мунча ижобий томонга ўзгариб бормокда. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки худудда ер ости сизот сувлари ҳисобига Айдаркўл тизими сув сатҳи кўтарилиб бораётган бир вақтда, гидромелиоратив тадбирларни илмий асосда амалга ошириш самаралироқдир.

Ҳосилдорликни асосан маҳаллий органик ўғитлар ҳисобига ҳамда алмашлаб экишни такомиллаштириш ҳисобига оширилганда тупроқнинг устки гумус қатлами қалинлашиб, унумдорлик ошади.

А.Н.Ғаннаров

Жиззах Давлат Педагогика институти
ТАБИЙ ЛАНДШАФТЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ТАШКИЛ
ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бугунги кунда давлат аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири табиат муҳофазасидир. Бу борада кўплаб таклифлар, лойиҳалар келтирилган ва амалга оширилмоқда. Чунки табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш, улардаги мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ўлка табиатининг бетакрор хусусиятларини сақлаб қолиш ва келажак авлодга қолдириш имконини беради.

Маълумки, ўлкамизда табиат муҳофазасини ташкил қилиш заминда кўриқхоналар, буюртмалар ва шу каби муайян худудлар учун хос тадбирлар қўлланилади. Айни вақтда кўплаб шундай худудлар ушбу вазифани бажариб келмоқда. Лекин табиат муҳофазаси деганда фақат алоҳида аҳамиятга эга бўлган табиат комплексларини асраб-авайлаш тушунчаси бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Бу ўринда табиат ва табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш бўйича дунёдаги бошқа мамлакатлар тажрибасига назар солиш ўринлидир. Аввало, табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи томонидан қабул қилинган муҳофаза қилинувчи табиий худудлар таснифномасини кўриб чиқайлик. Бундай худудлар 8 та категорияга бўлинади. Қуйида уларнинг номланиши ва шунга мос равишда мақсад ва вазифаларини келтирилади:

Муҳофаза қилинувчи худуднинг номланиши	Мақсад ва вазифалари
I Илмий резерват. Махсус муҳофаза резервати.	Табиий ҳамжамиятлардаги табиий эволюцион жараёнларни, ҳайвон ва ўсимлик турларини илмий мақсадларда ва табиий муҳитни кузатиш мақсадларида кўриқлаш, организмлар генофондининг ривожланишини муҳофаза қилиш.
II. Миллий парк	Табиатнинг бетакрор намуналари ва биотик ҳамжамиятларини, генетик ресурсларини, йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвон турларини, биосферанинг мутаносиб ва ранг-баранглиги учун асраш, табиий ва диққатга сазовор худудларни илмий, маърифий ва рекреацион мақсадларда муҳофаза қилиш.
III. Табиат ёдгорлиги	Миллий аҳамиятга эга бўлган табиат объектларини маърифат, фан ва ижтимоий манфаатлар учун муҳофаза қилиш.

<p>IV. Табиий резерват. Бошқарилувчи табиий резерватлар, фаунистик резерват ва б.</p>	<p>Турлар, биотик хамжамиятлар, ландшафтлар, манзилгоҳларни мавжуд ҳолда илмий ва маърифий мақсадларда асраш.</p>
<p>V. Муҳофаза қилинувчи ландшафт</p>	<p>Инсон ва табиат ўртасидаги мутаносиб муносабатларни сақлаш, минтақа аҳолисининг турмуш тарзини (табиий ресурслардан фойдаланишнинг анъанавий турларини) ва минтақа иқтисодий потенциалини сақлаган ҳолда туризм ва дам олишни ривожлантириш.</p>
<p>VI. Заҳирадаги ерлар. Ресурслар резервати</p>	<p>Фойдаланиш йўналиши аниқлангунга қадар ерларни ва табиий ресурсларни хўжалик эксплуатациясидан холи қилиш.</p>
<p>VII. Табиий биотик ҳудуд</p>	<p>Аҳолининг маданий анъаналари ва турмуш тарзини сақлаш.</p>
<p>VIII. Кўп томонлама фойдаланиладиган ерлар.</p>	<p>Ижтимоий- иқтисодий ва маданий мақсадларда ерлар ва табиий ресурслар (сув, ўрмон, фаунистик, ўтлоқ, рекреацион ва х.к.) махсулдорлигини сақлаб қолиш.</p>

Юқорида келтирилган муҳофаза қилиш ва фойдаланиш мақсадлари аниқ бўлган категорияларни ўлкамиз табиатини муҳофаза қилиш учун ҳудудлар табиий хусусиятларига мос равишда тадбиқ этилиши, ўлкамиздаги табиий ландшафтлар муҳофазасини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради. Бунинг учун ўлкамиздаги диққатга молик ва хўжаликда фойдаланилаётган барча ҳудудларнинг комплекс мониторинги ташкил қилиниши зарур бўлади. Мониторинг натижалари ҳулосасига кўра ландшафтлар муҳофазасини қай тарзда муҳофаза қилиниши белгиланиши ва қоидалар, мақсад, вазибаларига оғишмай амал қилиниши мақсадга мувофиқ иш бўлар эди.

П.О.Саидов

**Ўзбекистон Миллий университети
ЗАМОНАВИЙ ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ МУАММОЛАРИ**

XXI асрга келиб деярли барча фанлар замонавийлик нуқтаи назаридан янгидан-янги вазибаларни ўз олдига қўймоқда, табиий география ҳам бундан мустасно эмас. Замонавий табиий географиянинг муаммолари қаторида биринчилардан бўлиб унинг ўрганиш объекти ҳисобланган географик қобик чегараларининг ноаниқлиги (тўғрироғи қарашларнинг турфа хиллиги), тадқиқот усуллари ва услубларининг тўхтовсиз такомиллашиб бораётганлиги, географик терминологиядаги чалкашликлар (бир хил объектни турли хил номлар билан ифодаланиши), табиий географик тадқиқотлар назарияси ва методологиясини шакллантиришга уринишларнинг кўплиги аммо, умумэътироф этилмаганлиги, табиий географиянинг дифференциаллашуви ҳамда тармоқ табиий географик фанларнинг географик асослардан узоқлашуви (океанология,...), конструктив (амалий, фойдали) табиий географиянинг шакллантириш муаммолари ҳамда табиий географиянинг келажак истиқболларини белгилаш каби муаммолар қаторига Ўзбекистон учун хос бўлган бу борадаги тадқиқотларнинг ниҳоятда камлигини айтиб ўтиш ўринли.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, табиий географик тадқиқотлар назарияси билан шуғулланишга эҳтиёж бор. Ушбу масалалар умумий географиянинг бошқа фанлар ўртасидаги ўрнини

аниқлаштиришдан ҳамда уни фундаментал фанми ёки амалийми эканлиги аниқлаштиришдан бошламоқ лозим. Мазкур масалалар орасида яна бир муаммо - конструктив табиий географияни шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мунозаралар мақоламизда кенгрок ўрин олгандир.

Кўпчилик олимлар фундаментал фанлар қаторига асосан тадқиқот усуллари нисбатан кенгрок қўлланиладиган фанларни киритишади. Географиянинг фалсафий масалалари билан шуғулланган олимлардан бири В.С.Лямин¹ географияни фундаментал фан, деб атаб уни қуйидагича исботлашга ҳаракат қилади. *Биринчидан*, фанлар асосан икки қисмга бўлинади: назарий (фундаментал) ва амалий. Назарий фанлар табиат ва жамиятда содир бўладиган жараён ва ҳодисаларнинг қонун ва қонуниятларини, турли тадқиқот объектларининг функциялари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганса, амалий фанлар бу қонунларни қўллаш усулларини ишлаб чиқади. Фундаменталликнинг қирраси сифатида бу ерда турли объектларни тадқиқ қилишнинг назарий даражаси чиқади.

Фундаменталликни бундай ифодаси географияни кимё ёки физика каби фундаментал фан деб ҳисоблашга асос бўлади. *Иккинчидан*, фундаменталлик унинг моддий ишлаб чиқаришдаги аҳамияти билан белгиланади ва бу ҳолда тарихий аҳамият касб этади. Вақт ўтиши билан етакчи фундаментал фанлар қаторига илгари жамият ҳаёти учун унчалик аҳамиятли бўлмаган у ёки бу фан кириши мумкин. Бизнинг фикримизча эса табиий география худди ана шу нуқтаи назардан қараганда энг актуал фан ҳисобланади. Чунки, илмий-техника ривожланган, табиий жараёнлар инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этган бир даврда, ресурслар тақчиллиги борган сари сезилаётган, табиий ҳалокатлар ўз вайронкорлиги билан инсонлар ҳаётига тажовуз қилаётган, инсониятнинг юз йиллар давомида яратган маданий бойликларини йўққа чиқараётган ХХІ асрда географияни, хусусан табиий географияни географик қобик доирасида содир бўлаётган жараён ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни мазмунан очиб берадиган фундаментал фанлар қаторига ҳеч қандай иккиланишларсиз киритиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиёт:

1. В.С.Лямин. Философские вопросы географии. Изд. Московского университета. 1989.

М.Ж.Матчанов

Ўзбекистон Миллий университети

ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Президенти И.Каримов,-«...ҳозирги кун давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндошувлар излаб топишни, ХХІ аср арафасида хавфсизликни янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда»¹,-деган фикрларида миллий хавфсизликка алоҳида эътибор қаратади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хавфсизлик тушунчасини таҳлил қилганда у атроф муҳит хавфсизлигига элтади ёки уни ўрнини экологик хавфсизлик олади². Экологик хавфсизликка эса мураккаб табиий географик жараён сифатида қараш лозим. Экологик хавф, уни келтириб чиқарувчи омилларга боғлиқ ҳолда, бир хил типологик ландшафтлар доирасида табиий географик қонуниятларга боғлиқ равишда турли даражада намоён бўлади. Бундан ташқари экологик хавф келиб чиқиши ёки экологик хавфсизликни таъминлаш ҳудудий (маҳаллий, миллий, регионал ва глобал) жиҳатдан

хам фарқланади. Н.Ф. Реймерс «экологик хавфсизликни глобал, регионал, маҳаллий ва шартли чегарада, шу ўринда давлатлараро чегарада ва ҳоҳланган бўлинмаларда қараб чиқиш мумкин. Фактик жиҳатдан у геосистемаларда (экосистемаларда) турли-хил иерархик даражада–биогеоценоздан (агро-урбоценоз) бутун биосферагача характерланади»³, деб ҳисоблайди. Л.А. Муравьянинг фикрича, глобал даражада экологик хавфсизлик бутун биосфера ва унинг таркибий қисмлари, регионал даражада-йирик географик ва иқтисодий зоналар, баъзан бир қанча мамлакатлар ҳудуди, маҳаллий даражада эса район, шаҳар, химия заводи... микёсида кўриб чиқилади⁴. Унинг бу фикрида экологик хавфсизлик ҳам иқтисодий, ҳам табиий географик таксономик бирликлар даражасида кўрсатилган. Биз экологик хавфсизликни ҳудудий хусусиятларини табиий географик жиҳатдан қуйидаги таксономик бирликларда кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий даражада экологик хавфсизлик кичик табиий географик ўлкалар (округ, воҳа, водий ва ҳ.к.), кичик табиат комплекслари (ўрмон, кўл ва ҳ.к.) микёсида кўриб чиқилади. Маҳаллий даражадаги экологик хавфли вазиятлар водийларда азоналлик, воҳаларда зоналлик қонуниятлари таъсирида содир бўлади.

Ҳозирда экологик хавфли вазиятларни янги кўринишлари (*экологик терроризм, химиявий ва биологик терроризм, экоцид*) вужудга келмоқда⁵. Буларнинг таъсири муайян давлат, жамият ёки миллатнинг ҳаётини ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай ҳолларда экологик хавфсизликни *миллий даражада* табиий географик нуқтаи назардан кўриб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга деб ўйлаймиз. *Миллий даражада* экологик хавфсизлик муайян давлатларда экотизимлар барқарорлигини таъминлаш бўлиб кичик табиат комплекслари-табиий географик зоналар микёсида ўрганилади.

Регионал даражада экологик хавфсизлик муайян минтақаларда экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар тизимини ўз ичига олиб, йирик табиат комплекслари, табиат зоналари, иқлим минтақалари, қитъа ёки материклар доирасида кўриб чиқилади. Баъзан экологик хавфли вазият муайян табиий географик ўлкада аммо, бир қанча давлатлар ҳудудида юзага келади. Хавф манбаси бир давлат ҳудудида бўлиб, табиий географик қонуниятлар таъсирида иккинчи бир давлатда кучли даражада намоён бўлади. Регионал экологик хавфсизликни таъминлашда табиий географик қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда давлатлараро тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Глобал даражада экологик хавфсизлик Ер юзасида экотизимлар барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган жаҳон ҳамжамятининг фаолияти бўлиб, бутун географик қобик ва унинг таркибий сфералари таҳлил қилинади. Глобал микёсда бошқаришнинг асл моҳияти–биосферадаги организмлар мувозанатини таъминловчи атроф табиий муҳитни қайта тиклаш табиий механизмни сақлашдир.

Экологик хавфсизлик турли фан соҳалари томонидан тадқиқ қилинмасин хавфли вазиятлар содир бўлиши учун географик қобик макон вазифасини бажаради. Хавф кўлами табиий географик қонуниятлар таъсирида муайян ҳудудий бирликлар доирасидан чиқиб кетади. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлашда бирламчи босқич уни табиий географик жиҳатдан кўриб чиқиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда замонавий табиий географиянинг вазифалари қаторида экологик хавфсизликни таъминлашни кўрсатиш асослидир деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.-6, 76.
2. Renat Perelet. Environmental Security Study. Institute for Systems Analysis Russian Academy of Sciences. <http://www.acunu.org/index.html>
3. Реймерс. Н.Ф. Природопользование. Словарь-справочник. –М.: Мысль, 1990.

4. Муравья Л.А. Экология и безопасность жизнедеятельности.-М.: ЮНИТИ, 2002.-128-130 с.

5. Соседова Ю.Е, Захаров А.В. «Экоцид в массиве уголовно-экологического законодательства: проблемы квалификации». fumana@mail.ru. Федоров А. «Трансформация терроризма. Супертерроризм» 2004. <http://www/carnegi.ru/ru/news/reports/67537.htm>

Ш.Пўлатов, А.Расулов

Тошкент Давлат Педагогика университети

АГРОЛАНДШАФТЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ

Қишлоқ хўжалик ерларини ландшафт-экологик нуқтаи назардан баҳолаш ҳозирги вақтда табиий муҳит ривожланишида, замонавий йўналишларини англашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай ёндошувда ўрганилаётган объектнинг регионал хусусиятлари, геологик, геоморфологик асослари, агроиклим ва сув ресурсларидан фойдаланиш, тупроқ-ўсимлик қопламанинг зоналлик қонуниятига кўра таҳлил этилади ва баҳоланади.

Шундагина, ўрганилаётган объект ерининг яроқлилиқ даражасини баҳолашда яхлит ва системали натижаларга эришиш мумкин.

Мирзачўл шароитида ердан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш жараёни ўзига хос ва мураккаб. Хайдаладиган ерларда тупроқнинг дегумификация жараёнида, чириш, минераллашиш, гумус миқдорининг камайиши ва унинг сифатининг ўзгариши ҳолатлари юзага чиқади. Бу ўз навбатида, бу жараёнга қарши чораларни қўллашни талаб қилади.

Худудий баҳолаш табиий омилларнинг таҳлилига боғлиқ бўлиб, каналлар ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини, қолаверса, ландшафтлардан фойдаланишда юз берадиган ноқулай иккиламчи жараёнларни ҳам ҳисобга олишни тақазо этади. Ернинг мелиоратив ҳолатини белгилайдиган кўплаб ва турли характердаги табиий омилларни баҳолаш лозим. Бу омилларга рельеф, грунт, тупроқ грунтининг гидрогеологик ҳолати ва туз-сув режими киради.

Суғориладиган ерларда табиий компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги бузилганлиги боис, табиий мелиоратив комплекслар айрим ҳолларда табиий бўлинишларга тўғри келмайди. Суғориладиган ерларда грунт сувлари юқори қатламларда жойлашганлигидан уларнинг минераллашуви ва тупроқнинг сув-туз режими турлича бўлади.

Бу ўз навбатида бошқа табиий элементларга таъсир этади. Бу жараённи ойдинлаштириш мақсадида, худуднинг ландшафт картасидан ташқари, йирик масшабли геоморфологик, гидрогеологик, тупроқ-мелиоратив, инженер-геологик ва бошқа синтетик карталар маълумотларига таяниш лозим.

Мирзачўл шароитида табиий – мелиоратив комплексларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Суғориш талаб этмайдиган;
2. Мунтазам суғориш учун яроқсиз;
3. Суғориш талаб этадиган ва суғоришга яроқли.

Ушбу гуруҳлаш метеорологик-геоморфологик принципларга, хусусан, табиий – географик ва мелиоратив жараёнлар динамикаси ва уларнинг антропоген ва техноген омиллар таъсири остида ривожланишига асосланади.

Суғориш талаб этмайдиган худудларга ўта нам ўтлоқ – тўқайли сегмент поймалар, ботқоқли ва қамишзорли аллювиал ўтлоқли тупроқлар, ажриқли қирғоқ олди

тўқайлари, ботқоқзорлар, эски кўл ва шўрхок илли-ботқоқли паст террасали ботиклар ва ажриқли, қамишли, торфли тупроқлар киради.

Мирзачўл шароитида қишлоқ хўжалик ерларини мунтазам суғориш учун унинг анчагина худуди яроқсиз ҳисобланади. Буларга шўрхок сув оқмайдиган ботиклар, кучли емирилган терраса қисмлари, тупроқ қатлами кам ривожланган тоғолди делювиаль-пролювиал қисмларга ажратилган шлейф худудлари кириб, бу табиий-мелиоратив комплекслар қулай вегетация шароитларидан холи ҳисобланади.

Суғориш учун яроқли худудларга қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга қулай табиий комплекслар киради. Бу ерлар ўзлаштириш ва мелиоратив ҳолатига кўра турлича мураккаблик даражасига эгадурлар.

Турлича табиий шароит ўз навбатида турли хил инженерлик иншоотларини тақазо этади. Айниқса бу ҳол қишлоқ хўжалигида анча сезилади. Қишлоқ хўжалигидан фарқли ўлароқ, қурилиш соҳасида лойиҳа ишларининг кўп босқичлилиги, вақт омили, кўп сонли динамик ҳолатлар, кўп ҳажмли капитал маблағлар каби омиллар муҳим саналади. Бироқ худуднинг қишлоқ хўжалиги учун баҳолаш бирмунча мураккаб. Бунда нафақат қишлоқ хўжалик тармоқлари, балки унинг йўналишларини ҳам ҳисобга олиш муҳим. Масалан, худуднинг дехқончилик учун ўзлаштиришда маълум экин турлари, айрим ҳолларда унинг навини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Чунки маълум экин тури ва унинг нави табиий шароитларга ўзига хос талаблар қўяди.

Табиий шароитларни иқтисодий баҳолашда уларнинг у ёки бу ишлаб чиқариш учун самарали ёки самарасизлигини аниқлашнинг сўмларда ифодаланган қиймати муҳим ҳисобланади. (Н. Баранский 1960). Бунда у ёки бу ландшафт маълум қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яроқли ёки яроқсиз, ундан сўнг, унинг қулай ва қулай эмаслиги ҳақида ҳулосалар берилиши мақсадга мувафиқ. Ландшафтларни баҳолашда қишлоқ хўжалик фаолиятининг қайси соҳаси табиий шароитларга қандай талаблар қўйилишини ўрганиш ҳам диққатга сазовар. Агрогеографик тадқиқотлар соҳасида эрозия жараёнлари ривожланган худудларда бу омилга таъсир этувчи рельефни, иқлим ва худуддан қишлоқ хўжалик фойдаланиш характерини баҳолаш зарур бўлади. (С.И. Сильвестров, 1965).

Чордара сув омборининг тўлдирилиши Арнасой ботиғининг тошиши, Айдар кўлнинг ҳосил бўлиши Мирзачўл шимоли ва ғарбининг табиий – мелиоратив комплексларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Чордара сув омбори 5,7 млрд.м³ сувни ўзига сиғдиради. Майдони 1000 км² ни ташкил этади. Бу ўз навбатида Мирзачўл табиати ва хўжалигига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этади. Сув омбори Сирдарё ҳавзаси худудида кўпчилик ер массивларини қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш имконини беради, Мирзачўлнинг янги ва эски суғориладиган худудларида сув билан таъминланишни яхшилайти, Қизилқумда 4 млн. гектардан зиёд майдонда яйловларни сув билан таъминлайди.

Шунинг билан бирга, сув омбори ўзининг атрофида, хусусан, Мирзачўлнинг шимоли-ғарбида ердан фойдаланишда бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунончи, қирғоқ атрофи худудларда намликнинг ошиб кетиши, қирғоқларнинг емирилиши, қияликларнинг сурилиши ва шу кабилар.

Грунт сувларини кўтарилиши тупроқнинг шўрланишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси сув омбори атрофида ернинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Оқибатда тупроқнинг сув-туз режими интенсив тарзда сув омбори атрофининг 3-4 км масофасида ўзгариб бормоқда. Бу жараённи секинлатиш ва барҳам бериш мақсадида сув омбори қирғоқларининг 1-3 км атрофида икки ёки уч қаторли вертикал дренажлар барпо этиш ва бошқа хил гидромелиоратив қурилмалар, хусусан, 5-6 метр чуқурликда ётқизилган коллекторлар ёрдамида ортиқча намликнинг йиғиб олиш ишларини ташкиллаштириш муҳим.

Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш ишлари тажрибаси ердан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланишда ўзлаштириладиган ҳудудларнинг табиий мелиоратив ҳолатини чуқур ўрганишни, ернинг мелиоратив ҳолатини аниқлайдиган табиий омил ва компонентларнинг аналитик карталарини тузишни тақозо этиди. Қолаверса Мирзачўл шароитида кўриқ ерларнинг ўзлаштириш ишларида, энг аввало, гидромелиоратив иншоотлар қурилишини амалга ошириш, суғориладиган ерлар планировкаси, тупрок қопламанинг талаб этиладиган чуқурлигигача капитал яхоблаш; ирригацион канал ва суғориш участкалари орқали инфильтрация муаммоларини хал этиш; ҳудуднинг табиий – мелиоратив ҳолатига кўра тегишли дренаж типларини жорий этиш; суғориладиган ерларни ишлатишда ҳудуднинг табиий мелиоратив ҳолатига мувофиқ келадиган суғориш режимига риоя этиш тақозо этилади.

М.Раимов

Тошкент Давлат Педагогика университети
ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГЕОЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсоният олдида жуда кўп ҳамда мураккаб муаммолар вужудга кела бошлади. Бутун дунёни камраб олаётган ҳамда инсониятнинг бугунги куни ва келажигига хавф солаётган глобал муаммолардан бири экологик муаммодир.

Ҳозирги вақтга келиб Тошкент шаҳри экологик жиҳатдан ифлосланиш даражаси юқори бўлган шаҳарлар қаторига киради. Бунга эса шаҳар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт воситаларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши, аҳоли сонини ортиб бориши, зичлиги, экологик инфраструктуранинг заиф ривожланганлиги сабабчидир.

Мавжуд манбалардан маълум бўлишича, Тошкент шаҳрининг экологик ҳолати 1960-йилгача нормал ҳолатда бўлган. Чунки, у вақтларда кўпчилик иншоотлар бир қаватли бўлиб, уларнинг атрофини яшил зоналар ўраб турган. Ирригация тармоқлари яхши ривожланган ва ариқларда истеъмол учун яроқли сувлар оққан. Шаҳар ҳудуди ва четларида ахлат уюмлари тўпланиб ётмаган. Бу шундан далолат берадики, аҳолининг экологик маданияти юқори бўлган. Соғлом ижтимоий муҳит шаҳарнинг табиий техноген экотизимини бир меъёрда ушлаб туришга ёрдам берган.

1966 йилда бўлиб ўтган Тошкент зилзиласи туфайли шаҳар бутунлай қайта қурилди. Шаҳарни қуриш учун собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларидан кўплаб турли хил миллат вакиллари кириб келди. Бунинг натижасида аҳоли сони ортиб борди. Аҳоли сонининг ҳаддан зиёд кўпайиши, айрим ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг жойлашганлиги, ишлаб чиқариш қувватини ошиши шаҳарни экотизим мувозанатини бузилишига олиб келди.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳрида экологик муаммоларнинг чуқурлашувига қуруқ иқлим ҳам сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳамда транспорт воситаларининг ҳаддан зиёд ошиб бориши сабабли, атмосферанинг ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда.

Қуриқликда яшовчи тирик организмлар учун энг аввало хаво зарурдир. Шаҳарда хавони энг кўп заҳарлаётган манбалардан бири автомобиль транспорти ҳисобланади. Мавжуд автомашиналар нормадан ортиқча заҳарли газларни чиқариб ташламоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, автомобиль газининг таркибида 200 хилдан ортиқ зарарли моддалар бор.

Ўзбекистон гидрометеорология хизмати марказининг 2005 йил октябр ойи маълумотида кўра, Тошкент шаҳри атмосфера хавоси таркибидаги зарарли

аралашмаларнинг максимал концентрациялари қуйидагиларни кўрсатди. Рухсат этилган меъёрнинг максимал қиймати (мг.куб м.): чанг-0,5, олтингугурт кўшокси-0,5, азот кўшокси-0,08, карбон оксиди-5, фенол-0,01 га тенг. Бироқ, назоратдаги ингредиентлар концентрациясининг ўртача миқдори октябр ойида қуйидагиларни ташкил этди: чанг 0,3-2,3 мг.куб м., карбон оксиди 0,4-0,9 мг.куб м., олтингугурт кўшокси 0,3-0,8 мг.куб м., фенол 0,4-1,1 мг.куб м.

Тошкент шаҳрини метеорологик шароити шаҳар ҳаво ҳавзасида зарарли моддаларни тез тарқалиб кетишига имконият бермайди. Рухсат этилган меъёрнинг максимал қиймати (РЭМ) дан юқори бир кеча – кундузлик концентрациялар сони умумий кузатишлар сонига нисбатан юқори бўлди, бу эса атмосферанинг ифлосланишини паст тагмиқдор даражасига мос келади. Умуман, Тошкент шаҳрини об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3%ни ташкил этди.

Шаҳар ҳудудида бўлган сув ресурсларига техноген таъсир ҳам ошиб бормоқда. Шу билан бирга сувни ичимлик ва техник хожатларга ишлатиш ортиб бормоқда. Тошкент шаҳар ҳудудидаги сувларнинг ифлосланиши асосан ишлаб чиқариш ва маиший чиқиндилар ҳисобига содир бўлмоқда.

Тошкент шаҳрининг ҳудуди инсонлар тарафидан катта ўзгаришларга дучор бўлмоқда. Унинг табиий ландшафти, релефининг ўзгариши, гидрологик тармоғининг ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда. Шаҳар ҳудуди автотранспорт чиқинди газлари билан заҳарланиши бўйича юқори ўринда туради.

Шаҳар экотизимининг бузилиши аҳолининг касалланиш кўрсаткичи ошиб боришига олиб келади. Нафас йўллари, аллергия, онкологик ва ошқозон-ичак касалликлари ошиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Шунинг билан бирга ёш болалар орасида вирусли гепатит билан касалланиш ошган. Тошкент шаҳри ҳудудида касб касалликлари миқдори республика кўрсаткичидан 3 баробардан ортиқ. Тошкент шаҳри атрофидаги ҳудудларда пахта ва каноп каби техник экинлари етиштирилади. Уларнинг етиштирилишида заҳарли кимёвий воситалар ишлатилади. Улар ҳам шаҳар атрофи ва ўзида экотизимнинг бузилишига олиб келади. Умуман, Тошкент шаҳрида мураккаб экологик вазият юзага келган.

Тошкент шаҳрида урбанизациянинг ортиб бориши ва унинг оқибатида юзага келаётган иқтисодий муаммолар социал-экологик муаммоларга айланиб бораёпти.

Н.Р.Алимқулов

Тошкент Давлат Педагогика университети
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ
ЎРГАНИШНИНГ АСОСИЙ ИЛМИЙ НАТИЖАЛАРИ

Вилоят табиий географик шароитининг алоҳида таркиблари (компонентлари) ва умумий хусусиятлари ҳамда ландшафт-экологик шароити қатор олимлар тамонидан ўрганилган ва муҳим илмий амалий натижалар олинган.

Вилоятнинг геологик тузилиши А.П.Марковский (1937), М.М.Посохова (1953), И.Х.Ҳамрабоев (1958), Г.А.Мавлонов (1958), В.А.Молодцов (1958), А.А.Юрьев (1962), Я.Б.Айсанова (1972)лар томонидан ўрганилган. Вилоятнинг тектоник тузилишини турли объектлар бўйича олимлар тадқиқ қилган бўлиб, Олой - Туркистон тоғ тизимида кирувчи вилоятнинг тоғли минтақаларини О.А.Рыжков (1962), А.А.Юрьев (1967), Ш.Д.Давлатов (1971)лар, Зомин, Молгузар ва Чумқортоғнинг структура элементларини О.А.Рыжков (1962), М.М.Посохова (1963), Т.Х.Дикенштейн (1963)лар, Нурота тоғлари Ш.Д.Давлатов (1971), Мирзачўл текисликлари, Нурота тизмасининг шимолидаги тоғ олди қисмлари О.А.Рыжков (1962)лар томонидан ўрганилган.

Вилоятнинг рельеф тузилиши М.А.Марковский (1937), М.М.Посохова (1951), А.А.Юрьев (1957,1962), О.А.Рыжков (1962)лар, тоғли ва тоғ оралиқ водийлари И.П.Герасимов (1937), Ю.А.Скворцов (1950), В.Ф.Гафуров (1968)лар, Сангзор-Нурота водийси Н.А.Лосев (1957) ва бошқалар тамонидан ўрганиб чиқилган.

Вилоятнинг геоморфологик тузилишини Н.В.Васильковский (1935), Ю.А.Скворцов (1939), А.В.Ветров (1951), Н.А.Лосев (1957), В.И.Кучеряев (1970) лар тадқиқ қилишган.

Вилоятнинг иқлими А.А.Скворцов (1928), Б.А.Айзенштат (1952, 1958), Н.В.Смирнов (1953), Б.А.Алисов (1956), Л.Н.Бабушкин (1961), Е.Н.Балишев (1963)лар тамонидан, тупроқ ҳарорати Б.А.Айзенштат (1958), Б.Н.Балашев (1960), А.В.Хисамов (1965)лар, буғланишни Л.А.Молчанов (1960), Л.Н.Бабушкин (1959,1964, 1965)лар, халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи иқлим омиллари Е.Н.Балишев (1960), О.М.Челпанова (1963) лар тамонидан ўрганилган.

Н.А.Кенесарин (1959), А.Ф.Сляднева, К.Г.Ғаниева (1965), Х.Т.Тўлаганов (1971), А.Саидов, О.Ҳазратқулов (1974), Н.Б.Горелкин, А.М.Никитин (1976), В.Г.Бондарчук, А.Рафиқов (1976)лар вилоятнинг ер усти сувларини, А.И.Шевченко (1957), Борисов, С.М.Мирзаев (1971)лар вилоятнинг ер ости сувларини ўрганган. Туркистон тизмасининг шимолий қисмидаги грунт сувлари Х.Т.Тўлаганов (1971), Сангзор дарёсининг аллювиал текисликларидаги грунт сувлари А.С.Ҳасанов (1960,1968), Х.Т.Тўлаганов (1969), ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражаси, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш муаммолари Р.Эшонқулов, М.Позиллов, А.Т.Норов, У.Холбоев (2004) лар тамонидан тўлиқ тадқиқ қилинган.

Вилоятнинг тупроқ қатлами М.А.Панков (1962), М.А.Риш (1965), А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг (1982)лар, шўрхокли ботиклар ва Қизилкумнинг вилоят худудидаги тупроқлари А.Н.Розанов (1948) М.А.Панков (1962)лар; тоғ олди текисликлар тупроқлари М.А.Панков (1962); баланд тоғ олди текисликлари ва Сангзор дарёсининг юқори терассалари тупроқлари Н.В.Кимберг (1938), Г.А.Лавронов (1959), О.А.Рыжков (1959), А.Саидов (1972), О.Комилов (1976)лар, Сангзор дарёси қуйи терассалари тупроқлари О.А.Рыжков (1959); паст тоғлар тупроқлари Н.А.Буцков, Н.Т.Муравьева (1965)лар; тоғли худудлардаги дарёлар ҳавзаси тупроқлари Н.В.Кимберг (1938), Ю.А.Ливировский (1949), Г.И.Ройченко (1960), М.М.Абдуллаев (1965)лар; тоғларнинг сувайирғич қисмларининг денудацион кўтарилмаларидаги тупроқлар Н.А.Буцков, Н.Т.Муравьева (1965), М.Маҳмудов (1962) лар тамонидан ўрганилган. Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978) тамонидан вилоят тупроқларининг тўла тавсифи берилган. Улар тамонидан қуйидаги тупроқ турлари ажратилган: шўрхок ботиклар тупроғи; тоғ олди ясси текислик тупроқлари; баланд тоғ олди текисликлари ва Сангзор дарёсининг юқори ва қуйи терассалари тупроқлари; паст тоғларнинг тўқ бўз тупроқлари; ўртача баландликдаги кучли парчаланган тик ёнбағирли тоғларнинг жигарранг тупроқлари; сув айирғичлардаги оч-қўнғир тупроқлар. Шунингдек, Жиззах вилоятининг тупроқлари В.Е.Сектименко, А.Ж.Исмонов (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларнинг сув-физик ва технологик хоссалари Р.Қурвонтоев (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларининг кимёвий ҳолати, физик кимёвий хоссалари ва уларни суғориладиган деҳқончилик таъсирида ўзгариши М.М.Тошқўзиёв, Э.А.Зиямухамедов, А.Ахатов (2005), вилоят тупроқларининг мелиоратив ҳолати А.У.Ахмедов, С.А.Абдуллаев, Ғ.Т.Парпиев (2005), вилоят суғориладиган тупроқларида озуқа элементларининг миқдори ва уни тупроқ шароитига боғлиқ ҳолда ўзгариши Ж.Сатторов, А.А.Каримбердиева (2005), вилоятнинг асосий суғориладиган тупроқлари ва унда етиштирилаётган ғўза таркибидаги кальций ва магнийнинг ўзгариши Ё.Қулмуродова (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқлардаги поллютантлар миқдори Х.Т.Рискиева, М.Мирсодиқов (2005), вилоятнинг суғориладиган тупроқларининг сифат

бахоси Р.Қ.Қўзиев, А.Ю.Йўлдошев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов (2005) лар томонидан ўрганилган.

Вилоятнинг ўсимлик дунёси М.Г.Попов (1960), А.Д.Ли (1965), И.Ф.Момотов (1965), П.К.Зокиров (1969,1971), Е.М.Демурина (1975) лар томонидан тадқиқ қилинган. Ўсимлик қоплами Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978)лар томонидан ҳам тўла ўрганилган ва уларнинг худудий тавсифи берилган.

Вилоятнинг ҳайвонот дунёси қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: шўрхокли текисликлар ва Қизилқум чўлининг ҳайвонот дунёси Павленко (1962), тоғ олди чўлли минтақаларнинг ҳайвонот дунёси Яхонтев, Давлетшин (1962), Сангзор дарёси ҳавзаси ҳайвонот дунёси Г.И.Ишунин, Х.С.Салихбоев (1963)лар томонидан ўрганган.

Вилоятнинг ландшафтларини ўрганишга Н.А.Гвоздецкий (1963, 1971, 1973) Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978), П.Баратов (1996), А.Рафиқов (2003) ва бошқалар ҳисса қўшганлар.

Ер ости ва ер усти сувлари ва уларнинг муҳофазаси Л.А.Алибеков, С.А.Нишонов (1978), Р.Эшонқулов, М.Позилов, А.Т.Норов, У.Холбоев (2004) лар томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган.

3.Бекманова

Тошкент Давлат Педагогика университети ҚОРАҚОЛПОҒИСТОННИНГ ЛАНДШАФТ – ЭКОЛОГИК ШАРОИТИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Қорақолпоғистон ландшафтларини ўрганиш XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб ривожланди. Худуд ландшафтлари, экологик шароитини ўрганиш мақсадида олиб борилган изланишлардан диққатга сазоворлари В.В. Фёдоров, Л.Н.Никифоров, Л.А.Гибет, О.Н.Казакова, В.И. Лимарьёв. Н.А.Когай, Л.Н.Бабушкин, В.А.Попов, И.П.Герасимов, Н.Ф.Глазовский, А.А.Рафиқов. А.Ўразбоевларнинг илмий изланишларидир.

1950 йилларда В.В. Фёдоров Қуйи Амударёни агромелиоратив жихатдан районлаштиради. У бу худудни икки ландшафт турига ажратади. Булар: Орол бўйи дельтаси ва Ақчадарё дельтаси билан бирга Хоразм воҳаси.

1956 йилда Л.Н.Никифоров ва Л.А.Гибетлар Амударё дельтасининг овчилик ерларини ўрганишади ва бу худудларда хариталаштириш ишларни амалга оширишади. Улар бу худудни 75 та урочищега ажратишган. О.Н.Казакова (1960) эса битта ландшафт тури сифатида қарайди. Лекин у Амударё бўйида 7 та урочище типини ажратади. О.Н. Казакова Орол бўйи қирғоқларида 7-та ландшафт типини, Орол денгизи қирғоқларида иш олиб борган В.И. Лимарьёв бу худудда 6-та ландшафт типини ажратади.В.И. Лимарьёв Амударё дельтасини эса О.Н.Казакова каби битта ландшафт типи деб қарайди. В.П.Костин (1962) эса Амударё дельтасида 4-та ландшафт типини ажратган.

Л.Н.Бабушкин, А.Н. Когайларнинг (1964г) монографиясида Қорақолпоғистон Устюрт ва Қуйи Амударё округларига ажратилади. Улар бу округларнинг географик хусусиятларига таъриф бериш билан бирга ландшафтлари тўғрисида ҳам маълумотлар беришган. Уларнинг фикрига кўра, Устюртдаги ландшафтларнинг ривожланиши қаттиқ иқлимий шароитда рўй берган. Қуйи Амударё ландшафтларини эса келиб чиқишига кўра автоморф , гидроморф ландшафтлар деб қарашади.

Н.А.Когай ва Ш.С. Зокиров (1983) Амударё дельтасида 14-та ландшафт типини кўрсатишади ва шу билан бирга ландшафтлар динамикасини ҳам кўриб чиқишади.

В.А.Поповнинг Амударё дельтаси ландшафтларини ўрганишдаги роли ниҳоятда катта. У ландшафтларни тадқиқ қилиш тарихида биринчи марта, уларни морфологик

даражада, яъни фация, урочище, жой даражасида ўрганишга ҳаракат қилган. В.А.Попов дельтада олиб борган тадқиқотлари натижасида “Проблема Арала и ландшафты дельты Амударьи ” (1990) монографиясини ёзади. Монографияда ландшафт морфологик тузилишининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, ландшафтлар динамикаси тўғрисида маълумотлар берган.

Инсоннинг атроф муҳитга таъсири геосистемаларда турли даражадаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Инсонларнинг хўжалик фаолияти таъсирида ўзгарган ландшафтлар, ландшафтларга инсонларнинг таъсир даражаларини ўрганиш ва баҳолаш борасида худудда бир қатор олимлар изланишлар олиб боришган. И.П.Герасимов, Н.Ф.Глазовский, А.А.Рафиқов. А.Ўразбоевларнинг ишлари диққатга сазовардир

Н.Ф.Глазовскийнинг “Проблема Аральского моря» (1969) монографиясида дельтада атроф муҳитнинг ўзгариши тўғрисида маълумотлар берилган.

1976-1980 йилларда академик И.П.Герасимов раҳбарлигида инсоннинг атроф муҳитга таъсирини ўрганиш мақсадида изланишлар олиб борилди. Орол денгизининг қуриш сабаблари, денгиз сатҳи пасайишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш, бу салбий оқибатларга қарши чора тадбирлар кўриш каби денгизнинг қуриши билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммолар ўрганилди. Шунингдек, фақат денгизнинг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар эмас, балки уни сақлаб қолиш имкониятлари тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Орол бўйидаги экосистемаларнинг ва табиий шароитнинг ўзгариши бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Амударё қуйи қисмларида табиий шароитнинг ўзгариши ва денгизнинг қуриши тўғрисида А.А.Рафиқов ва Г.Ф.Тетюхин «Снижение уровня Аральского моря » (1981) китобида маълумотлар беришган.

З.М. Акрамов, А.А. Рафиқовларнинг «Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря» (1990) монографиясида Орол денгизининг 1961 йилгача бўлган даврдаги гидрологик ҳолати, унинг экологик ва ижтимоий –иқтисодий аҳамияти каби маълумотлар билан бирга, Орол денгизи қуриши натижасида геосистемаларда рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида ҳам маълумотлар беришган.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. В.А. Попов «Проблема Арала и ландшафты дельты Амударьи». Ташкент: Фан, 1990, 112 стр.
2. З.М. Акрамов., А.А. Рафиқов. «Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря». Ред. Н.А. Криваносова. – Т.: Мехнат, 1989- 144стр.
- 3.Л.Н.Бабушкин., А.Н.Когай «Вопросы географического районирования Средней Азии и Узбекистана» 1964.
4. А.А. Рафиқов., Г.Ф. Тетюхин. «Снежение уровня Аральского моря» Тошкент, «Фан», 1981.

А.Н.Низматов, Л.А.Тўхтаева

Ўзбекистон Миллий университети

МУРУНТОВ КОНИ РЕЛЬЕФИНИ ГЕОГРАФИК ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси иқтисодий салоҳиятини белгилаб берувчи икки халқ хўжалиги тармоғи, яъни аграр ва тоғ-кон саноати унинг «устуни» вазифасини ўтайди. Бу иккала соҳа республика молиявий потенциалининг 70 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 60 фоизидан ортиғини иш билан таъминлайди. Лекин, мутахассисларнинг ҳисобларига кўра¹ айнан ушбу хўжалик тармоқлари атроф табиий

муҳит ҳолатига энг кўп таъсир қилаётган экан. Шунинг учун ҳам ушбу соҳаларни эко-геоморфологик жиҳатдан баҳолаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот мақсадимиз - Ўзбекистон тоғ-кон саноатининг етакчи корхоналаридан бири Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига тегишли бўлган Мурунгов конида техноген рельеф шакллари пайдо бўлиши ва ривожланишини замонавий географик инфор­мацион технологиялар(ГИТ)дан фойдаланган тарзда баҳолаш. Умумий географик тадқиқотлар кўла­мида ГИТдан фойдаланиш аксарият ҳолларда геоморфологик нуқтаи назардан қаралмоқда². Чунки Ер юзаси рельеф шакллари­нинг худудий тарқалиши ва уларнинг даврий ўзгаришларини баҳолашда ушбу замонавий технология жуда кўл келмоқда. ГИТ масофадан туриб зондлаш ва унинг рақамли маълумотлари асосида турли хил картографик, технологик ва дастурий-инфор­мацион ишларни олиб бориш имкониятини бермоқда.

Тадқиқот объектини ГИТ асосида баҳолаш бизларга Мурунгов конида юзага келаётган рельеф шакллари­ни фазовий географик моделини яратишда жуда кўл келади. Бу усул рельеф шакллари­га тегишли бўлган уч ўлчамли фазовий кўринишдаги рақамли маълумотларни олиш ва конга тегишли бўлган юзанинг картларини тузишда хизмат қилади. Олинган маълумотлар Мурунгов рангли метал конида юзага келаётган кўйидаги рельеф шакллари­ни сон ва сифат жиҳатдан баҳолашга имкон яратди.

Аввалам бор, Мурунгов конининг ўзига тегишли бўлган кучли парчаланган ва тубдан техноген ўзгарган рельеф шакли ажратиб олинди. Ҳозирги кунда унинг майдони 1210 гектарга тенг бўлиб, унда экзоген жараёнлардан кўчки, чуқурлатма эрозия, сурилма, чўкиш кабилар U-симон кўринишдаги техноген мезорельефни микрорельеф даражасида шаклланишига олиб келмоқда. Умумий кон майдонининг 60 фоизини ташкил қилган *ўрта даражада техноген ўзгарган* рельеф шакллари - терриконлар «ой ландшафти» кўринишига эга бўлиб, уларда геодинамик жараёнлардан дефляция, гравитацион ҳаракатлар натижасида юзага келган сурилмалар, оқма ва вақтинча оқар сувларнинг иш фаолияти натижасида юзага келган эрозион «кувирлар» микрорельеф шакллари­ни ривожлантирмоқда. Юқорида айтиб ўтилган икки техноген рельеф шакллари оралиғида ташландиқ оқава сувлар туфайли юзага келаётган ва нисбатан кам парчаланган эрозион-аккумулятив жараёнларга тегишли, динамик нуқтаи назардан эса фаол экзоген жараёнлар табиий-антропоген рельеф кўринишлари 156 гектар ер майдонида учрайди. Буларнинг барчаси Мурунгов кони худудидаги техноген ландшафтларнинг геоэкологик тоифадаги чора-тадбирлар кўламини маҳаллий рельеф шароити нақтаи назардан ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан».- Т.: Госкомприрода, 1998.-103 с.
2. Востокова Е.А. и др. Экологическое картографирование на основе космической информации. – М: Недра. 1988. – 223 с.

Ш.М.Шарипов

Ўзбекистон Миллий университети

ИНСОНЛАРНИНГ ТАБИАТГА НИСБАТАН МУНОСАБАТ ШАКЛЛАРИ ВА ДАВРЛАРИНИ АЖРАТИШ

Бугунги кунга келиб инсоннинг табиатга таъсири жуда ҳам ортиб кетдики, минг йиллар давомида барқарор бўлган экологик мувозанат ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб бузила бошлади ва турли хил экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Шу

боисдан турли фан ва соҳа вакиллари ўз мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу муносабатни турли шакл ва даврларга ажратиб тадқиқ этмоқдалар, шу жумладан географлар ҳам.

Кўпгина географлар (В.В. Докучаев, М.И. Будико, А.Г.Исаченко, В.С. Преображенский, Ф.Н.Мильков, А.А. Рафиқов, П.Н.Фулумов, А.Н.Ниғматов ва бошқалар) ушбу муносабатни тадқиқ этишган. Уларнинг кўпчилиги муносабат шакллари ва даврларини ажратишда К.Маркс томонидан таклиф этилган даврларни асос қилиб олишган. К.Маркснинг ушбу ижтимоий – иқтисодий формацияси жамият тараққиёти тарихини даврларга ажратишда жамиятнинг табиатга нисбатан муносабатини эмас, балки ишлаб чиқариш муносабатларини ривожланиши асосида ишлаб чиқилган тарихий материализм формуласидир, яъни “Технократик концепция”дир. (Горелов А.А. 2002).


Бизнингча, юқоридаги кўпчилик олимлар ажратган даврларда яъни ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашилишида инсонларнинг табиатга нисбатан муносабати ҳар доим ҳам ўзгаргани йўқ. Шу нуқтаи назардан ушбу даврларни ажратишда А.Н.Ниғматовнинг (2004 й.) фикрига қўшилган ҳолда 5 та даврни ажратдик. Адабиётларга таянган ҳолда ушбу муносабат шакллари ва давом этган даврларини қуйидагича белгиладик:

1. Оддий муносабат шакли. Бундан 3,5 миллион йил илгари пайдан - мил. ав. 12-минг йилликкача .
2. Оддий – иқтисодий муносабат шакли. Мил.ав. 12- минг йилликдан милоднинг XIX асрини бошларигача .
3. Иқтисодий муносабат шакли. XIX асрнинг бошларидан 1960 – йилларгача.
4. Иқтисодий - экологик муносабат шакли. 1960 йиллардан ҳозирги кунгача.
5. Экологик муносабат шакли. Тахминан XXI аср 2-ярмидан.

Табиатга таъсир борган сари кучли бўлиб, даврлар бўйича тез ўсиб бормоқда, бунга албатта меҳнат курулларини такомиллашиши, аҳоли сонининг тез ўсиши, даврларнинг борган сари қисқариши ва ер юзасининг ўзгармас эканлиги сабаб бўлади. Юқоридаги даврларда инсонларнинг геосистемаларга таъсир даражасининг ортиб бориши график орқали ифодаланади:

$$A=KД^2 ;$$

T – таъсир; A- аҳоли сони; Д – даврлар; K- $\frac{1}{149,2 \text{ млн. кв. км}}$ ўзгармас сон.



1-жадвалдан ва тўпланган маълумотлардан фойдаланиб юқоридаги даврлар бўйича инсонларнинг табиатга, тўғрироғи табиат компонентларига таъсирининг

Ўзгариб бориши Ўзбекистоннинг 1:5000000 масштабда картасида кўрсатилади. Ўзбекистоннинг табиий географик округларига бир жойга тегишли диаграммалар ва сифатли ранг усулида таъсирнинг ўзгариб бориши берилди:

Табиат компонентларига таъсирнинг ортиб бориши

Табиат компонентлари	Даврлар				
	Оддий	Оддий-иктисодий	Иқтисодий	Иқтисодий-экологик	Экологик
Рельеф		1	2	4	5
Тоғ жинслари		1	2	3	5
Тупроқ		1	3	4	5
Ўсимлик	1	2	3	4	5
Ҳайвонлар	1	2	3	5	5
Иқлим			3	3	5
Сув		1	3	4	5

1-кучсиз; 2-кучли; 3-жуда кучли; 4-жуда кучли, лекин тежамкор; 5-кайта тиклаш, муҳофаза қилиш.



7 хил рангда табиат компонентлари ифодаланиб, 1-жадвалдаги маълумотлар тегишли рангларга қўйилади.

Адабиётлар

1. Арустамов Э.А. Природопользование. М., «Дашков и К», 2002 г., 276 стр.
2. Горелов А.А. Экология. М., «Юрайт», 2002 г., 312 стр.
3. Мильков Ф.Н. Общее землеведение. М., «Высшая школа» 1990 г., 335 стр.
4. Ниғматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуқи., Т., «ТДЮИ», 2004 й. 320 б.
5. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., «Ўқитувчи», 1997 й., 117 б.
6. «Ўзбекистон тарихи» Т., «ЎАЖБНТ» маркази, 2003 й., 675 бет.

Р.Юсунов

**Ўзбекистон Миллий университети
ЭКЗОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАРИХИДАН**

Ер юзаси рельефини ва у билан боғлиқ табиий комплексларни ўзгартирувчи иккита реал куч мавжуд. Булардан бири *эндоген* ва иккинчиси *экзоген* кучлардир. Экзоген жараёнлар(ЭЖ)ни ҳаракатга келтирувчи манба куёш энергияси билан гравитация ҳодисасидир. ЭЖнинг сув оқими билан боғлиқлиги ҳақидаги илмий таълимотни ватандошимиз Абу Райхон Беруний яратган¹. У Амударё ва Сирдарёнинг сув оқими таъсирида Қорақум ва Қизилқум чўллари, Турон пасттекислиги худудлари пайдо бўлганлигини айтган. Абу Райхон Беруний дарёдаги чўкинди ётқизикнинг катталиги шу дарёдаги сув оқимининг тезлигига тўғри пропорционал эканлигини исботлади ва унинг математик ифодасини ишлаб чиқди. Бу ғоя кейинчалик фанда *Беруний қонуни* деб аталадиган бўлди. Қонуннинг математик ифодаси

$$V_k \sqrt{15qd + 6q} \text{ (мм/сек)}$$

кўринишига эга. Бу ерда V–сув оқимининг тезлиги, q–оқим тезлигининг кучайиши, d–заррачалар диаметри (мм ҳисобида). Ҳозиргача ушбу формула ўз кучини фанда йўқотгани йўқ.

Доимий ва вақтинча оқар сувларнинг ювилиш ва емирилиш жараёнларини юзага келтиришдаги аҳамиятига илк бор В.В.Докучаев¹ илмий жиҳатдан ёндашиб, у қадимги (сой ва дарё водийлари) даврларда чизикли емирилиш эволюциясининг назарий хулосаларини илгари сурди. В.А.Кипрянов, И.К.Леваковский, П.А.Костичев, С.С.Соболевлар эса жарларнинг ўсиши унинг ўзанига нисбатан қарама-қарши томон кечишини исботлаб берадилар².

Ўзбекистон ҳудудида П.Н.Ғуломов³ ЭЖ бўйича районлаштириш схемасини Қуйи Зарафшон водийси мисолида ишлаб чиқди. Ю.А.Мешеряков⁴ эса ЭЖнинг кечуви зоналик қонуниятларига, яъни жойнинг иқлим шароити-радиация баланси, намланиши, атмосфера ҳавоси циркуляцияси, иқлимий биокимёвий жараёнларга тўғри пропорционал эканлигини исботлаб берди.

Р.А.Ниязов бошчилигида⁵ сурилма, сел ҳодисаларининг содир бўлиш омиллари ва олдини олиш чора-тадбирларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилди. Улар Ўрта Осиёда ЭЖ тарқалиш қонуниятларига кўра регионал аҳамият касб этишини исботлаб беришди.

Бизнинг тадқиқотларимиздан шу нарса маълум бўлдики⁷ ЭЖдан сурилмаларнинг 50%, эрозион ҳодисаларнинг 70 % дан ортиғи, чўкиш ва ўпирилишларнинг 90%, сел ҳодисаларининг ўртача 7% турли хўжалик объектларини куриш ва фойдаланиш даврида содир бўлар экан. Тоғли ҳудудларда Уларнинг асосий қисми хўжалик объектларига боғланган тарзда кечмоқда

В.Б.Гуссак, Х.М. Маҳсудов, А.Н. Нигматовлар тупроқ эрозиясига оид 18 та диагностик белгилар уларни тўлиқ таснифлаш учун асос бўла олишини исботлаб беришди⁷.

Геоморфологик комиссиянинг ЭЖга бағишланган бир қатор мажлисларида (Киев, 1968; Қозон, 1978, 1988) унинг геодинамикаси, атроф-муҳит муносабатини миқдорий таҳлиллаш, баҳолаш, бошқариш методлари ва башоратлаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди: ЭЖ ни регионал ва глобал миқёсда умумлаштириш ва таҳлил қилиш; ЭЖни қайд қилиш (инвентаризациялаш) ва каталогларини тузиш ишларида сифат тавсифларнинг устуворлигини таъкидлаш; миқдорий кўрсаткичларни замонавий жиҳозлар билан аниқ ўлчаш; ЭЖни ҳосил қилувчи омилларнинг назария ва методологиясини янада ривожлантиришга эришиш⁸.

Хулоса қилганда ЭЖ гарчанд табиий географик жараёнлар туркумига кирсада, уларни тадқиқ қилиш ва унга оид қонуниятларни очиб беришда барча табиий фанлар вакиллари катта хисса қўшганлар. Лекин унинг ечилмаган масалалари жуда кўп ва у ҳақда барқарор ривожланиш концепциясига тегишли бўлган барча халқаро анжуманларда таъкидлаб ўтилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Докучаев В.В. Способы образования речных долин Европейской России /Избр. труды.- М.-Л.; Изд-во АН СССР, 1949.- 322 с.

2. Соболев С.С. Развитие эрозионных процессов на территории Европейской части СССР и борьба с ними. . Т.1.- М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1948. 305 с; Т.2.-М.: Изд-во АН СССР, 1960.

3. Гуломов П.Н. Опыт классификации физико-географических процессов для целей сельского хозяйства.//Известия. Узб геогр. о-ва. -Т., «Фан», 1968, С.120-124.

4. Мешеряков Ю.А. О теории экзогенных процессов // Современные экзогенные процессы рельефообразования. -М.: «Наука» 1970 С. 15-23.

5. Ниязов Р.А., Мирасламов М.М., Пушкаренко В.П., Саидова С.Р. Экзогенные процессы и обоснование защиты горных территорий Узбекистана. -Т., «Фан». 1986. -

134 с.; Экзогенные процессы и обоснование защиты горных территорий Узбекистана. Т., Фан, 1986, 134 с.

6. Юсупов Р. Табиий географик жараёнларни ўрганишда тизимли ёндошув.//Географик экология ва табиатдан фойдаланиш муаммолари. (илмий тезислар). -Т., 1999. ТошДУ. Б.28-30.

7. Нигматов А.Н. Овражная эрозия и техногенно-нарушенные земли Узбекистана: экологические, сельскохозяйственные и правовые аспекты их мелиорации и рекультивации.-Т.:Академия МВД РУз, 1996.-138 с.

8. Экзогенные процессы и окружающая среда.- М.: Наука, 1990,- 233 с.

А.Б.Искендеров, М.Я.Раджапов, Д.К.Низекеев

Нукус Давлат Педагогика институти

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРНИ ИНЖЕНЕР-ГЕОГРАФИК ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ
МУАММОСИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ**

Назарий ва методологик инженерлик-географик тадқиқотлар техноген ландшафтшунослик соҳасида янги илмий-йўналиш ҳисобланади. Бир шаклдан бошқа шаклга ўтадиган ландшафтларда ва жараёнларда шаклландиган техноген ландшафтлар ажралмайдиган бир-бирига боғлиқ ўзига хос тузилишга, миқдорга ва хусусиятга эга литогенлик асосдаги ландшафтлар билан боғлиқ бўлади. Тоғжинсларининг кўринишдаги миқдорини, ҳолатини ва хусусиятининг ўзгариш қонуничилигини ўрганиш ва литогенлик асосдаги тузилишига эга ландшафтларнинг шароитининг шаклланиши ҳар хил турдаги техноген ландшафтларни инженерлик географик жиҳатдан рухсат этилган ҳолда шакллантириш муҳим. Шунинг учун ушбу литогенлик асосдаги ландшафтларни ўрганиш учун тадқиқот ишларини кенгайтириб чуқурлаштириш зарур. Фойдаланиш учун муҳим услубларни такомиллаштириш асосида янги асбоб-жиҳозлар яратиш ва литогенлик асосдаги ландшафтларни ўрганиш услуб ва усулларини мукамаллаштириш керак. Инженерлик геологияда, грунт механикасида, тоғ-геомеханикасида, қурилиш механикасида қўллаган услублар ишлаб чиқилган усулларни ўрганиш, табиий оқмонентларни баҳолаш ва башорат қилишни халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларига мослашган ҳолда ўрганиш муҳим. Ушбу услублардан инженерлик география фанида фойдаланиш мумкин.

Ўбекистонда амалий ва инженерлик географиясини вужудга келиши ва ривожланишига А.А.Рафиков (1970, 1984, 1995), Х. Вахобов (1997, 1998, 1999, 2001, 2003), Абдулқосимов А.(1966), Акрамов З.М. (1965, 1973), Пославская О.Ю. (1981), Бабушкин Л.Н. ва Когай Н.А. (1964), Ғуломов П.Н. (1982), Алибеков Л.(1993), Нигматов А.Н.(1994) ва б. ҳисса қушишди. Мазкур олимларнинг ишлари туфайли Ўбекистонда мелиоратив география (Рафиков ва бошқалар), антропоген ландшафтшунослик (Абдулқосимов ва бошқалар), геоэкология (Акрамов, Рафиков, Когай, Бабушкин, Пославская, Нигматов, Ғуломов, Нишонов, Алибеков, Максудов, Зокиров, Уразбаев, Собитова ва бошқалар) ва тоғ-кон ландшафтшунослиги (Вахобов) янада ривожланди.

Ҳар хил лойиҳаларни экспертиза қилиш табиий географиядаги инженерлик йўналишининг бир соҳаси ҳисобланади (Космачев, 1978. Зконкова). Инженерлик услублар билан қайта ишлаб башорат қилиш табиий географиядаги энг оз сонли ишланган ишлар билан боғлиқ бўлади.

Ландшафтларнинг ўзгаришларини аниқлаш ва литогенлик асосидаги ландшафтларда янги техноген ландшафтлар шаклланиши учун чегарасидаги табиий-механик таркибининг ўзгаришини ўрганиш зарур.

Янги табиий-техноген системалардаги ландшафтларнинг ўзгаришида ва шаклланишида алоҳида қатламдаги литогенлик асосдаги ландшафтлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳар йили 100 млн. Т. Га яқин ҳар хил чиқиндилар вужудга келади. Уларнинг умумий ҳажми 2-млрд.т.ни ташкил этади. Шунинг катта қисми (1.3-млрд.т.) тоғ бойитиш ва қайта ишлаш мажмуаларига тўғри келади.

Инженер-географик башоратлашни техноген ландшафтшунослимда қуйидаги йўналишларда амалга оширмақ керак:

-тоғ саноат қатламлари ва ландшафтларининг шакллаишини башорат қилиш. Ушбу тип башорати сифатли ва сифатли-санокли хусусиятидаги ташишга боғлиқ, асосий анализ конни ўзгартириш босқичида, менерал хомашёни ўндириш ва қайта ишлаш ҳажмида кузатилади;

-ландшафтлар барқарорлигини башоратлаш ишлари услубларида қиялик барқарорлик ҳисоби асосан инженерлик иншоотларда бўлади;

-функционал тоғ-саноат ландшафтлари башоратланганда, башорат вақтида функционал ва бир шаклдан бошқа шаклга ушбу ландшафтлар ўзгаради.

Т.И.Рахимов

**Тошкент вилоят Давлат Педагогика институти
АНГРЕН АТРОФИДАГИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ҲОДИСАЛАР**

Сурилма ҳодисалари Ангрэн шаҳри атрофида яъни Охангарон дарёсининг чап қирғоғи ҳудудида кўп кузатилади. Бунинг яққол мисоли 1991 йил 4 май кундан Жигаристон сурилмасидир. Бунинг оқибатида бир неча ўнлаб ҳовли-жой, ва одамлар тупроқ остида қолиб кетди.

Сурилмаларнинг ҳосил бўлишида ўша жойнинг қандай тоғ жинслардан тузилганлиги, уларнинг қалинлиги, намланиш даражаси, ёнбағирликларнинг қияликлиги ва бошқалар муҳим рол ўйнайди. Ангрэн атрофидаги сурилмалар тўғрисида 1987 йил феврал ойидаги «Комсомольская Правда» газетасида каттагина мақола ёзилган. Ҳозирги пайтда жуда катта хавф туғдираётган сурилма Турк сув омборининг чап соҳилида, улар 300-400 метр узунликда зина шаклини ҳосил қилиб пастга йўналган. Ҳар қайси зина ораси 3-4 метрни ташкил қилади. Навгарзон сойининг ҳар икки томонида ҳам сурилма ҳодисалари кузатилади.

Сурилма ҳодисалари тез-тез бўлиб турадиган жойлардан аҳоли вақтинчалик (март, апрел ва май ойларида) кўчирилади. Айрим қишлоқ аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилган. Масалан, 2004 йил 1 январь маълумотида кўра Ангрэн яқинидаги Чиноқ (Оқтош); Аччиксой, Обжарсой, Гушсой атрофидаги 14та қишлоқ аҳолиси кўчирилган.

Табиий географик ҳодисалар бўлиш хавфи бор ҳудудда жойлашган қуйидаги жойлар доимо фавқулотда ҳолатни олдини олиш бўлимининг қаттиқ назоратига олинган: Охангарон дарёсининг чап қирғоғидаги «Стрельцова» номли болаларни соғломлаштириш лагери, Лашкерак сойининг чап қирғоғидаги «Ўзбеккабел»га қарашли «Гулистон» дам олиш зонаси, Лашкерак сойининг ўнг қирғоғидаги «Ўзбеккўмир»га қарашли «Коинот» болаларини соғломлаштириш лагери, Жиблонсойнинг чап қирғоғидаги «Нуробод нон»га қарашли «Айриқия» дам олиш зонаси.

Тошкент- Ўш катта автомобил йўлининг қуйидаги масофаларида сурилма ҳодисалари кузатилади. Масалан, йўллар 120 километрида 150 метрли жойи, 123 километрида 50 метрли жойи, қуйидаги масофаларида эса сурилиш ва қулай ҳодисалари содир бўлиши мумкин. Буларга йўллар 117,7, 119,6, 120,4, 120,5, 120,6, 122,123, 130,1, 140,3, 143,5, 50 (метрли жойлари), 121,5 (150 метрли масофаси), 124,2 ва

128 (30 метрли) ҳамда 129,5 километрида (40 метрли масофасида) километрли қисмларида. Ангрэн-Навгарзон автомобиль йўлининг 4 километрида (200 метрли) ва 5 километрида (50 метрли жойи). Ангрэн-Нишбош автомобил йўлидаги электр тармоғи яқинда 30 метрли масофа.

Ангрэн-«Еростигаз» станцияси йўлининг Загазонсой ирмоғида 50 метрли, Ангрэн-Қатағон автомобил йўлининг 15 километрида 50 метрли, Ангрэн-Янғобод автомобил йўлининг охириги қисмида 30 метрли, Ангрэн-Қўчбулоқ автомобил йўлининг Қорақишлоқ участкасида 10 метрли масофалари ҳам кузатилади.

Энг хавфли сурилма ҳодисалари бўлиши мумкин жойлар: Турк сув омборининг Тешиктош участкаси, Каолин (гилмоя) қазиб олинган кони атрофи, Ангрэн кўмир конининг 3-чи участкаси ва шимолий қисми, Навгарзон участкаси Қўчбулоқ олтин кони, Жигаристон ва Нишбош сел омборлари ва бошқалар.

Сурилма тарқалган ҳудудларининг тупроқ қатламининг пастки қисмида оҳақтошли ва шағалли қатламлар жойлашган. Сурилмалар фаоллашган йиллари бир неча метрга етади, бу атмосфера ёғанларининг миқторига боғлиқ. Агар иқлимшуносларнинг маълумотларига қарасак, сурилмаларнинг фаоллашган йиллари ёғингарчилик кўп бўлган даврларга тўғри келати. Қирғоқчилик йилларида сурилма ҳодисалари кузатилмаган. Ангрэн шаҳар фавқулодда ҳолат бўлимининг маълумотида қараганда баланд қисмларда сурилма ҳодисалари кузатилиши мумкин. Бу ҳудудлар фавқулодда ҳолат вазирлигига қарашли қутқарувчилар назоратидадир.

Турк сув омборининг чап соҳилидаги кўчклар сурилиб пастга тушгудек бўлса, сув ўтадиган тунелни бекитиши мумкин ва қолган жойларда катта массаларнинг тушиши ҳисобига сув омборидаги сув сатҳи кескин кўтарилиб кетиши ва унинг оқибатида катта хавф туғилади: жумладан кўмиркон дарёнинг эски ўзанида жойлашган, уни сув босиши мумкин. 1959 йилдаги сув тошқини натижасида йиллик кўмир қазиниш деярли 2 баробарга камайган.

Ҳозирги кунда Ангрэн кўмир кони 9 шахтасининг устки қисмидан пастга қараб тоғ жинслари сурилмоқда, буни очик кўмир кони атрофидан кузатилса яққол кўринади, улар 4-5 зина шаклини олган бўлиб, орасидаги масофа 15-20 метрни ташкил этади.

Сурилмаларни олдини олиш учун Оҳонгарон ўрмон хўжалиги техникалари ёрдамида сурилиши мумкин бўлган жойларда зина(терраса)лар ҳосил қилиниб, мевали ва манзарали дарахтлар: олча, олма, ёнғоқ, қарағай, тоғ арчаси ва шу шароитда тез ўсадиган дарахтларни экиш тавсия этилади. Табиий жараёнлар бўладиган жойларда чорва молларини боқиш, айниқса баҳор ойларида қатъиян тақиқланиши лозим. Сурилма кузатиладиган жойларга кўмир кони чиқиндиларини ташлаш ҳам тақиқланиши лозим. Бунинг ўрнига кўмир қазиб олинган майдонларга чиқиндилар ташланиб, қайта тўлдирилса, яъни рекультивация қилинса кўчкни олди олинган ва сунъий сув ҳавзаси ҳосил бўлишини олди олинган бўлади. Жигаристон аҳолиси яшайдиган қисмга яқин бўлган чуқурликлар биринчи навбатда тўлдирилиши ва мустақамланиши керак, акс ҳолда кўмир конининг шарқий томонидаги автомобиль йўли ва унга яқин бўлган хўжаликлар катта зарар кўради, инсонларни ҳаёти хавф остида бўлади.

Агар суралма натижасида Турк сув омборидаги сув сатҳи кўтарилса, дамба бузилиб кўмир кони қисқа вақтда сунъий кўлга айланиши мумкин, бу эса халқ хўжалигига катта зарар етказди, кўмир қазиниш ишлари тўхтади, кон ичидаги кўплаб асбоб-ускуналар йўқ бўлади. Ангрэн Республикамиздага етакчи кўмир билан таъминловчи (96%) шаҳар, шунинг учун ҳам табиий ҳодисаларни олдини олиш энг долзарб муаммо.

Намгарчилик кўп бўладиган йиллари табиий жараёнларга алоҳида эътибор бериш керак, акс ҳолда халқ хўжалигига ва аҳолига катта зарар бўлади.

Р.Баллиева, М.Турсынов, Я.Матякубова
Каракалпакский Государственный университет
ЭТНОГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ПОДХОД В ГЕОГРАФИИ

Чтобы решать проблемы духовного нравственного возрождения общества, воспитания молодого поколения на основе гармонизации исторических национальных и общечеловеческих ценностей, надо обратить внимание на гуманизацию школьного образования. Гуманизация представляет собой ключевой элемент нового педагогического мышления, радикально видоизменяющий саму суть учебного процесса. Принцип гуманизации исходит из признания личности каждого ученика высшей социальной ценностью. Он предполагает создание благоприятных условий для становления гражданина с высокими нравственными и интеллектуальными качествами.

С гуманизацией тесно связана и гуманитаризация общего образования. Под гуманитаризацией нередко понимают увеличение доли предметов гуманитарного цикла в учебном плане школы. Однако это только внешнее отражение существа дела, поскольку по сути гуманитаризация обеспечивает осуществление повышенного интереса новой школы к мировой истории, к духовной и материальной культуре, к человеческим ценностям-словом, к очеловеченной картине мира.

Настоящее время география, особенно школьная география разделена на два главные направления: экономическая и физическая география. В связи с этим география отошла от гуманитаризации.

Гуманизация в школьной географии, по сути, это целое новое мировоззрение, утверждающее ценности, общечеловеческого, общекультурного достоинства и рассматривающее в первую очередь жизнь людей и их общественные отношения.

Географическая наука должна развиваться своеобразным естественно-гуманитарным путем. В географии природа должна рассматриваться не сама по себе, а только в отношении человека, через его быт, уклад, и духовный мир. Настоящее время физическая география изучает-географическую оболочку как целое, исследует её общие закономерности и особенности дифференциации на природные комплексы, которые формировались в процессе её развития.

Экономическая география изучает пространственную организацию общества, размещение общественного производства, расселение, региональные различия в социально-экономическом развитии и др.

В области физической географии гуманизация не должна рассматривать природу как “вещь в себе” или только как ресурсной базы экономики. Природа должна быть рассмотрена как среда становления и обитания человечества. Перенести акценты исследования на роль природных объектов, зональности, поясности, стихийных бедствий в формировании общественной мозаики мира. Поэтому вынести новые сюжеты, например, соотношение ландшафта и образа жизни, роль великих рек в формировании очагов цивилизации, объединяющее и разъединяющее людей значение природных объектов, национальные характеры и т.п.

В экономической географии гуманизация должна отказать от сугубо производственного толкования предмета, отход от вульгарных представлений о населении лишь как о трудовом ресурсе и массе потребителей промышленной продукции и продовольствия. Должны быть включены география культур и религий, этническая и историческая география, объединенные в общецивилизационном региональном синтезе. Весь процесс развития гуманизации в географии следует начинать с использования комплексного этногеографического подхода.

Для этого надо создать и развивать этногеографию в региональном синтезе, на примере Республики Каракалпакстан.

-Изучать особенности расселения в прошлом и настоящем для определения их этнических границ, динамики и численности населения.

-Рассмотреть природопользование и этнокультурные особенности народов данного региона.

С.Абдусатторов, А.Мадрахимов,

А.Жабборов, Д.Махкамов, А.Нигматов

Тошкент Давлат Юридик институти, Ўзбекистон Миллий университети
ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ИСЛОҲАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистан Республикасининг мустақиллиги алваламбор унинг бой табиат компонентлари, хусусан ерларни ўзи мустақил равишда тасарруф қилиш ҳуқуқида намоён бўлди. Эндиликда у 44.8 млн. га ер фондини миллий қонунчилик асосида муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга сола бошлади. Ушбу ҳуқуқ Республикамиз учун мустақилликдан аввал қабул қилинган илк миллий қонунчилик манбалари - Тил ва Мулк тўғрисидаги қонунлар билан бир қаторда, 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Ер тўғрисида»ги қонундан бошланган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, табиий бойликлар ҳар бир давлатнинг мустақилликни ифода этувчи энг муҳим элементлардан ҳисобланади [1].

Нима учун табиий захиралар, жумладан ерга бунчалик катта эътибор берилмоқда? Чунки Ўзбекистонда ер ва айниқса, унумдор тупроқли ерлар жуда чеклангандир. Мана холос, дейиши мумкин масалани чуқур англамаган кишилар, ахир ер майдони Ўзбекистонда Буюк Британиядан икки баробар, Голландиядан 10 баробар, Бельгиядан 15 баробар кўп-ку! 44,9 миллион гектарга тенг бўлган ер кенгликларимизнинг 44,5 млн. гектари унинг қуруқлик қисмидан иборат-ку! Шундайлик-ка шундай, аммо, Республикамиз давлат ер фондининг 5/3 қисми сахро ва чўлли ландшафтлардан, 5/1 қисми геоморфологик жиҳатдан ноқулай бўлган тоғу-тошлардан иборат. Диёримизнинг фақатгина 10/1 қисми инсон яшаши учун қулай шароитдаги ерлардан, тўғрироғи тупроқлардан иборат [2].

Тупроқ – ер сўзининг синоними, аммо айнан ўзи эмас. Чунки тупроқ тошли, қумли, сувли ерлардан фарқли унумдорлик хусусиятига эга. Айнан ана шу унумдорлик бизни тўйинтиради ва боқади. У саноат учун хом-ашё етказиб беради. Тупроқ унумдорлигининг фойдали хусусиятларини тўлақонли намоён бўлишида намлик ва иссиқлик жуда катта аҳамият касб этади. Масалан, мўътадил иқлимда тарқалган энг унумли қора тупроқларда буғдойдан 20-25 ц/гача ҳосил олинади [3]. Унумдорлик кўрсаткичлари бўйича ундан бир неча баробар паст бўлган бизда энг кўп тарқалган бўз (сур) тупроқларда ҳосилдорлик икки ва ундан ҳам кўпроқдир. Бунинг сабаби иссиқликдадир. Аммо, бўз (сур) тупроқларда намлик етишмайди, яъни суғормасдан туриб юқори ҳосил олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик товар маҳсулотининг 95 фоизи айнан сунъий намлаш даражасига эга бўлган суғорма-обикор ерлардан олинади.

Ўзбекистонда суғориб деҳқончилик қилса бўладиган тупроқларнинг умумий майдони 7,4 млн. гектар атрофида. Ўзир унинг 4,3 млн. гектари суғорилади, холос. Қолган 3,1 млн. гектари эса чўл-сахро ва тоғли ҳудудларда, яъни ўзлаштириши қийин бўлган ерлардадир. Фан ва техника ривожланган XXI асрда буни ҳам иложи бордир, дейиш мумкин. Афсуски унинг иложи доимо ҳам топилмайди, чунки суғориш учун керак бўладиган чучук сув муаммоси бизларга доимо тўсқинлик қилади.

Мамлакатимизда кейинги ўн йил мобайнида аҳоли сони 4-4,5 млн. кишига кўпайди ва 26 млн.дан ошиб кетди. Суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерлар миқдори эса кейинги 15-20 йил ичида деярли ўзгаргани йўқ. Ватанимиз – аграр

республика. Аграр соҳа республикаимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизидан ортигини, валюта тушумининг 55 фоизини, товар айланувининг 60 фоизга яқинини беради. Қишлоқда меҳнатга яроқли аҳолининг 44 фоизи истиқомат қилади. Ўайдалиб деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини жон бошига тақсимлайдиган бўлсак биз МДЎ республикаларининг орасида охириларида биримиз, яъни ҳар биримиз учун бор йўғи 0,16 гектар атрофида экин майдони тўғри келади [4].

Хўш жуда чекланган экин майдонларидан ва, айниқса, суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш учун нима қилмоқ керак? Аввало Ўзбекистонда ерга нисбатан муносабатларни қайтадан кўриб чиқиш ва халқ хўжалигини барча соҳаларида тегишли эволюцион тарздаги ўзгартиришларни йўлга қўйиш керак бўлади. Масалан:

√ Табиатни муҳофаза қилиш ёки экологик соҳада. Барча ер тоифалари ва ер участкаларини экологик-географик жиҳатдан оптималлаштириш йўллари қайта кўриб чиқиш. Унинг учун ерларни сон ва сифат баҳосини аниқлаш, оператив геоэкологик назоратини (жумладан, мониторингини) олиб бориш, ерга оид экологик ҳуқуқбузарликларнинг муқаррарлигини таъминлаш тизимини яратиш ҳамда амалий механизмни шакллантириш.

√ Иқтисодий соҳада. Тупроқларнинг унумдорлик кўрсаткичларини кўтариш мақсадида катта сарф-ҳаражатли мелиоратив ва рекультиватив ишларни олиб бориш талаб этилади. Буни эса махсус «Ер жамғармаси» ёки «Ер фонди»ни ташкил этиш орқали амалга ошириш мумкин. Жамғарма маблағи нафақат ички молиявий захиралардан, балки мақсадли йўналтирилган ташқи инвестициялардан иборат бўлмоғи лозим. Ер қонунчилигини бузиш бўйича бюджетга тушаётган молиявий жарималарнинг 60 фоизи айнан «Ер фонди»га тушиши даркор. Чунки ер қонунбузарлари ўз қилмишлари орқали биринчи навбатда «Она ер»га, тўғрироғи тупроққа зарар келтирадилар ва шунинг учун ҳам мазкур жарималар, аввало, тегишли зарарни қоплашга йўналтирилиши лозим бўлади. Давлатнинг дотациялаш ва кредитлаш сиёсати айнан ерга “юз тутуши“ мақсадга мувофиқдир. Ташқи иқтисодий алоқалар ва қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини олди-сотди(реализация) қилиш кенг тармоқланган хизмат кўрсатишга асосланган бўлмоғи лозим, яъни “бир деҳқонга уч хизматкор” принципида иш юритмоқ мақсадга мувофиқдир. Қишлоқда хизмат кўрсатишни хом-ашёни қайта ишлай ва кам чиқитли технологияларини жорий қила оладиган кичик ва ўрта бизнес соҳибларига топшириш даркор. Бундай тажриба Голландия ва Франция давлатларининг аграр соҳа мажмуасида жуда ибратли даражада йўлга қўйилган.

√ Ҳуқуқий соҳада. Конституциямизнинг 55-моддасида ер билан бир қаторда тупроқни алоҳида бир табиий захира, тўғрироғи табиий “бойлик” сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Нима учунлигини биз юқорида ер билан тупроқни фарқлашда кўрсатиб ўтдик. Унинг асосида 1997 йилдан буён миллий қонунчиликда ўз ўрнини топа олмаяпган «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонунни Олий Мажлиснинг қуйи палатаси муҳокамасига киритиш лозим. Ерга оид мулкий характерга эга бўлган муносабатларни, яъни уни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруфлаш, жумладан ижаралаш ҳуқуқини ўрнатишда тупроқнинг сон ва сифат кўрсаткичларини инобатга олиш зарур. Унумдор, яъни ўта қимматли суғориладиган ерларни фақатгина қишлоқ хўжалик мақсадларидаги тоифада ушлаб туриш ва деҳқончиликка ихтисослашган фермерчиликни ривожлантиришга бериш давлатимизнинг фермерчилик соҳасидаги сиёсатига мос тушади.

Ер қонунчилигида бонитет баҳоси 30 баллдан кам бўлган суғорма ерларни аҳоли пунктлари ва унинг атрофини ноқишлоқ хўжалик мақсадларида ишлатиш, меҳнат ресурслари кам бўлган ерларда эса бирламчи кредитлаш ва дотациялаш объекти сифатида қармоқ лозим. Чунки суғориладиган ерларимизни ярмидан кўпи турли

даражада шўрланган, 5/1 эрозияга учраган (ювилган ёки емирилган), 12/1 техноген бузилган, қолган қисми эса экологик жихатдан ифлослангандир. Бундай ерларни «қайта жонлаштириш» ва улардан фойда олиш жуда қийин ва серҳаражатли тадбирлар кўламига киради.

Ер қонунчилигида кишлок хўжалик субъектлари учун балл бонитети паст кўрсаткичларга эга бўлган ер участкаларидан (30 дан кам бўлса) ер солиғига тортилмаслик муддатини «ушбу ерлардан фойда олиш муддатига қадар», деб белгиланиши лозим. Чунки, бизларга маълумки⁵, табиий ва техноген бузилган ерларнинг «ўзлаштириш муддати», яъни фермерларнинг тубдан мелиорация ва рекультивация қилиш учун ишлатган маблағларини қоплаш ва даромад олишни бошлаш муддати, 3 йилдан то 25 йилгача давом этиши мумкин. Бундай ҳуқуқий норма фермерларни яхши ер қидириб юришга, кадастр баҳосини камайтиришга бўлган «ноконуний» ҳаракати ёки интилишини камайтиради. Уларда ўз ерини қайта тиклашга бўлган ватанпарварлик ҳиссини уйғотишга, олиб келса ажаб эмас. Муайян ерларнинг ўзлаштириш муддати бўйича йўриқнома, тавсиянома ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш, сўнгра уларга асосан махсус комиссиялар, аниқроғи мутахассислар фаолиятини амлага ошириш орқали хулосалаш лозим.

√ Ташкилий-хўжалик соҳасида. Ерларни диагностика қиладиган («қасалини аниқлайдиган») ва тез ёрдам кўрсатишни таъминлайдиган - «Агродоктор», «Ер тез ёрдами», «Ер доктори» каби фирмаларни тузиш ва уларни керакли моддий-техника (масалан, махсус жиҳозланган машиналар ва алоқа воситалари), айниқса, мутахассислар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур фирмаларни ташкил этиш ва фаолиятини юрғатишни бошлашда давлат бош ислохотчи бўлиши (масалан, уларни солиқ ва тўловлардан маълум муддатга озод қилиши ҳамда уларга имтиёзли кредитларни бериши, уларни оммавий ахборот виситаларида кенг тарғиб қилиши), кейинчалик эса мустақил хўжалик шартномалари асосида иш юритувчи субъектларга айлантириши лозим.

Ер назоратида умумиқтисодий, умумсиёсий ва умумэкологик аҳамиятга молик бўлмаган ер участкаларини ўзини ўзи бошқарадиган уюшма ва нодавлат нотижорат ташкилотларига бошқариш ва назорат қилиш учун топшириш фуқаролик жамиятининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

√ Таълим соҳасида. Ер тузиш, кадастрлаш, экспертизалаш, назоратлашнинг ягона тизимини амалга оширишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Наманган вилояти саноатининг тармоқлар таркиби қўшни Андижон, Фарғона вилоятдан фарқ қилади. Бу ерда, энг аввало, оғир саноатга тегишли корхоналар нисбатан кам. Тўқимачилик, айниқса ипак газлама ишлаб чиқариш бўйича Наманган вилояти Фарғона водийсида етакчилик қилади. Шу билан бирга вилоятда (Наманган, Уйчи, Косонсой, Поп шаҳарларида) хорижий сармоялар асосида ташкил этилган қўшма корхоналар ип ва жун газламалар ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келди.

Шундай қилиб, Фарғона иқтисодий район таркибига кирувчи вилоятлар саноати ихтисослашувиغا кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Андижон вилоятининг автомобилсозлик ва тўқимачилиги, Наманган вилоятининг енгил саноати, Фарғона вилоятининг кимё, электр энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноатлари биргаликда минтақада мукамал саноат мажмуасининг шаклланишига замин ясайди. Бунинг учун тармоқлар ва тармоқлараро иқтисодий интеграция жараёнини кучайтириш, ушбу иқтисодий макон саноатида кооперация ҳамда комбинатлашувни ривожлантириш талаб этилади.

М.Р.Усмонов, О.Х.Қувондиқов
Самарқанд Давлат университети
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
ҲОЙДАЛАНИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, қишлоқ хўжалик соҳасидаги ислохатларни янада чуқурлаштириш мақсадида республика ҳукумати томонидан бир қанча қонун ва фармонлар қабул қилинди. Жумладан, ер ва сув ресурсларидан ҳойдаланиш тўғрисидаги «Ер тўғрисидаги қонун», «Ер кодекси», «Сув ва сувдан ҳойдаланиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинган. Уларда ер ва сув ресурслари мониторингини ташкил этиш, ушбу ресурслардан илмий асосланган ҳолда оқилона ҳойдаланиш ва муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш каби муаммолар ўз аксини топган. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилган.

Самарқанд вилоятида ҳам мавжуд ресурслардан самарали ҳойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд воҳаси қадимдан суғориб келинадиган ер ресурсларига бой. Зарафшон дарёси ва унинг атрофидаги суғориш шаҳобчаларининг мавжудлиги бу ҳудудда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унинг замирида турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Самарқанд вилояти республикада қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. У мамлакатнинг 1/10 қисмидан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини беради. Вилоятнинг агроиктисодий соҳаси кўп тармоқли бўлиб, унинг етакчи тармоқлари дехқончилик ва чорвачилиқдан иборатдир. Бу ерда дехқончилик суғориладиган ва лалмикор ерларда мавжуд. Дехқончиликнинг асосий қисми суғориладиган ерларда етиштириладиган пахта, ғалла, сабзавот, тамаки экинлари ва бошқалардан иборат. Маълумотларга кўра, вилоят қишлоқ хўжалигида ҳойдаланиладиган ерлар 1677,3 минг гектарни ташкил этади. Бу ерда ҳайдаладиган ерлар ҳиссасига умумий майдоннинг 26,1 фоизи (шундан, суғориладиган ерлар 15,6 фоиз, лалмикор ерлар 10,5 фоиз), яйловлар 48,4 фоизга тўғри келади.

Самарқанд вилояти республика меҳнат тақсимида пахта, дон, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, тамаки ҳамда озуқа маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Чорвачилиқда қорамолчилик, қоракўлчилик, паррандачилик ва пиллачилик тармоқлари асосий ўринни эгаллайди. Вилоятда жами экин майдонлари 382 минг га бўлиб, шундан 193 га дон экинлари (50,4 %), 104 минг га пахта (27,1%) ташкил қилади. Шунингдек, бу ерда қишлоқ хўжалигининг бошқа кўп сув ва меҳнат талаб қилувчи тармоқлари ҳам ривожланган.

Мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича катта салоҳиятга эга бўлган Самарқанд вилояти кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида янги ислохатлар асосида янгидан-янги мувофақиятларга эришиб бормоқда. Буни ғаллачиликда яққол кўриш мумкин. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, вилоятда 2003 йил жами 190758 га ғалла экилиб, ундан 719795 т ҳосил олинди. Ўртача ҳосилдорлик 37,6 центнерни ташкил қилди. Шу жумладан суғориладиган ерларга жами 130092 га ғалла экилиб, 674918 т. (ҳосилдорлик ўртача 52 ц) ҳосил жамғарилди. Демак, вилоятда дон ҳосили ва ҳосилдорлиги бўйича юқори кўрсаткичга эришганлигидан далолат беради. Иқтисодий самарадорликни кўриб чиқадиган бўлсак, вилоятда 2003 йилда қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 440075 млн сўмни ташкил этиб, 2002 йилга нисбатан 110 фоиз ўсишга эришилган. Дехқончиликдан 218834,6 млн., чорвачилиқдан 221240,4 млн. сўм ҳажмида дарамад олинган. Бу иқтисодий кўрсаткичлар замирида ер ва сув ресурслардан самарали ҳойдаланиш ётади.

Вилоятда 2005 йилда 706 минг тонна дон, 248 минг тонна пахта, 103 минг тонна мева, 158 минг тонна узум, 190 минг тонна, сабзавот ва полиз 700 минг тонна ва тамаки 9,5 минг тоннани ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан барча турлар бўйича ўсиш кузатилган. Масалан, дон етиштириш 137 фоизга, пахта 103 фоизга ошган. Бу эса тўғридан тўғри ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг ортиши, ернинг ўз эгаларига берилиши натижасида унга бўлган эътибор ва муносабат ўзгараётганлигини кўриш мумкин.

Бирок, айрим туманларнинг суғориладиган ерларида пахта ва дон, бошқа озикабоп экинларни алмашлаб экишга кам эътибор берилмоқда. Сабзавотчиликка ихтисослашган Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой туманларида ердан фойдаланиш жараёнида минерал ўғитларнинг меёридан ортиқ ишлатилганлиги натижасида тупроқ таркиби ўзгариб, сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида ер шўрланиб, камбағаллашиб бормоқда. Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Пайариқ ва Пастдарғом туманлари хўжаликлари пахта далаларида сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида жарликлар ҳосил бўлиши сабабли қишлоқ хўжалик экин майдонлари қискариб бормоқда.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришда мавжуд табиий ресурслардан, хусусан энг аввало сув ва тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ҳар бир туман ва хўжалик, фермер ва ижара хўжаликлари ҳудудий жойлашуви, имконият ва муаммоларини ўрганиш лозим.

В.П.Благовещенский, Т. С. Гуляева, О. В. Силина

Институт географии МОН РК

ОЦЕНКА АТТРАКТИВНОСТИ ЛАНДШАФТОВ ПРИ РЕКРЕАЦИОННОМ РАЙОНИРОВАНИИ ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЙ

Одним из очень важных рекреационных свойств ландшафтов является их внешняя привлекательность для посетителей. Это свойство можно назвать также эстетической ценностью. В зарубежной литературе обычно используется термин – аттрактивность. Это свойство ландшафтов не может быть выражено никакими физическими величинами или количественными показателями. Единственным мерилем является предпочтительность выбора отдыхающими. Несмотря на явную субъективность оценки аттрактивности ландшафтов, существует все же некоторые общие моменты, которые оцениваются одинаково большинством рекреантов.

Проблемы оценки эстетической ценности ландшафтов рассматривались, в частности, в работах [1-5]. Оценка ландшафтов респондентами проводится по категориям от «крайне притягательных» до «крайне непритягательных». Исследователи отмечают, что эстетическая ценность ландшафтов, определяемая специалистами по развитию территорий, часто не совпадает с ценностью их для посетителей.

Внешний облик ландшафта называется пейзажем. Посетитель ландшафта в первую очередь воспринимает его как пейзаж. Поэтому при оценке эстетической ценности ландшафтов необходимо исследовать именно свойства пейзажа. При этом эстетическая ценность может отличаться от рекреационной ценности местности.

Наиболее значимыми в формировании облика пейзажа элементами ландшафта являются рельеф и растительность. Значительно повышают эстетические свойства пейзажа водные объекты. Наиболее притягательными частями ландшафта являются краевые зоны и фокусные точки. Неосвоенные «девственные» территории обладают особой притягательностью. Отгалкивающий эффект производят однородные лесные насаждения, заболоченные низины, антропогенные бедленды.

В процессе исследования рекреационных ресурсов Джунгарского Алатау нами была выполнена оценка эстетической ценности ландшафтов. Канвой для выделения территориальных единиц послужила ландшафтная карта М 1:500 000, на которой выделено 247 видов ландшафтов. Все ландшафты были ранжированы по их аттрактивности и сгруппированы в 5 категорий, оцененных качественно и количественно (баллами):

- непривлекательные, 1 балл,
- мало привлекательные, 2 балла,
- относительно привлекательные, 3 балла,
- привлекательные, 4 балла,
- очень привлекательные, 5 баллов.

При оценке аттрактивности принимались во внимание основные пейзажеобразующие компоненты ландшафта: рельеф, растительность, водные объекты. Эстетические качества рельефа определялись его расчлененностью, разнообразием форм, наличием фокусных точек, обзорностью. В зависимости от вида растительности наиболее привлекательными являются лесные ландшафты, а наименее привлекательными полупустынные и пустынные. Из водных объектов наиболее ценными являются озера, водопады и реки.

Оценка аттрактивности проводилась с использованием топографических карт, аэрофотоснимков, наземных фотографий, карт расчлененности рельефа и растительности. Наиболее привлекательными были признаны лесные ландшафты с расчлененным рельефом, в которых есть крупные озера, водопады и реки. К привлекательными были отнесены лесные ландшафты со слабо расчлененным рельефом, а также безлесные высокогорные ландшафты с глубоко расчлененным рельефом и ледниками. Относительно привлекательными являются безлесные низкогорные ландшафты с кустарниковой растительностью, с глубоко расчлененным рельефом и внутригорные котловины с выровненным рельефом и степной растительностью, а также долины крупных рек, пересекающих низкогорную зону. Малопривлекательными являются низкогорные полупустынные ландшафты. К непривлекательным отнесены предгорные ландшафты с выровненным рельефом и пустынной растительностью. Внутри 5 выделенных категорий иногда удавалось выделить еще две подкатегории, когда соседние ландшафты, по всем критериям попадали под одну категорию, но при этом были явно не равноценны. При этом более ценному ландшафту добавлялось еще 0,5 балла. Таким образом, наиболее привлекательные ландшафты получали оценку 5,5 балла.

По результатам оценки была составлена карта аттрактивности пейзажей, на которой выделено 10 категорий пейзажной привлекательности ландшафтов.

В Джунгарском Алатау все привлекательные и очень привлекательные ландшафты расположены в пределах среднегорной и высокогорной зон. При этом наиболее привлекательные ландшафты сосредоточены в долинах крупных рек с широкими днищами и высокими склонами, покрытыми лесом. Основным эстетическим элементом ландшафтов высокогорной зоны являются ледники и скальные пики. Относительно привлекательные ландшафты расположены по периферии среднегорной зоны и во внутригорных котловинах. В низкогорной зоне расположены преимущественно мало привлекательные ландшафты. Наименьшей эстетической ценностью обладают ландшафты предгорных равнин.

Литература

1. Голд Дж. Психология и география. Основы поведенческой географии (пер. с англ.). М.: Прогресс. 1990. С. 211-224.

2. Иванов Д. А. Неизменные природные ландшафты Томской области как туристский ресурс для развития экологического туризма. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 88-89.

3. Калашникова О. В. Пейзажеобразующее значение элементов ландшафтной структуры. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 90-92.

4. Николаев. В. А. Феномен пейзажа. Вестник МГУ Сер. 5. География. 2002, № 6. с.12-18.

5. Тюменцева Е. М. Оценка эстетических ресурсов Тункинской котловины. Вестник Томского государственного университета. 2003, № 3. С. 110-112.

М.Бердикулова, М.Р.Бўриева


Ўзбекистон Миллий университети

**АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТ ТАЪСИРИНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ**

Бугунги кунда сайёрамизда мавжуд бўлган энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири экологик муаммолардир. Инсон фаолияти таъсирида атроф табиий муҳитда бўлаётган салбий ўзгаришлар бу муаммоларни тавсифловчи ҳолатлар ҳисобланади. Инсон саломатлигининг ёмонлашуви ҳам кўп жиҳатдан экологик мувозанат бузилишининг натижалари сифатида намоён бўлмоқда.

Аҳоли саломатлиги кўп жиҳатдан соғлом яшаш муҳитига боғлиқ бўлиб, бунда атроф-муҳитнинг ҳолати ҳам муҳим ўрин тутаяди. Саноат корхоналари ва транспорт воситаларидан кўплаб зарарли моддалар ажралиб чиқмоқда. Бундай ифлосланган ҳаво муҳити инсониятни таъқиб қилиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосасига кўра, ҳозирда 80 % касалликлар экологик вазиятнинг бузилишидан келиб чиқмоқда. Саноат марказларида ҳавонинг ифлосланиши сурункали бронхит, нафас йўлларининг яллиғланиши, пневмония, эмфизема каби касалликлар тарқалишининг бош сабабидир. Шунингдек, у ўпка рақини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Ҳаво таркибида олтингугурт, углерод, азот оксидлари, этилен, пропилен, ёғли кислоталар, симоб, қўрғошин, темир, марганец каби моддаларнинг бўлиши аҳолида юрак қон-томир касалликларини келтириб чиқариши аниқланди. Аҳолида овқат ҳазм қилиш касалликлари атроф-муҳитнинг пестицидлар, зарарли химикатлар билан ифлосланиши, озиқ-овқат таркибида микроэлементлар етишмаслиги ёки ортиқчалиги натижасида келиб чиқади. Сув манбалари таркибий жиҳатларининг ўзгариши ҳам аҳоли соғлигига таъсир қилувчи омиллар қаторига киради.


Касалликлар натижасида вафот этган аҳоли миқдорининг йиллар давомида ўзгариши.



Қишлоқ хўжалигида хлорли ва фосфорли пестицидлардан фойдаланиш натижасида ҳамда сувнинг юқори минераллашиши хром, қўрғошин, симоб ва алюминийнинг учраши натижасида асаб тизими ва сезги органларида касалликлар


келиб чиқишига олиб келади (Королев А. Медицинская экология. - М., "Академия". 2003). Бу жараёни ўлим ҳолатига таъсирини Республика миқёсида кўриб ўтамиз (киши ҳисобида):

Аҳолида касаллик келтириб чиқарувчи оқибатларнинг гўдаклар сонига таъсири айниқса долзарб масалалар жумласидандир. Гўдаклар салмоғининг қай даражада бўлиши келажакда жамият тараққиётининг ажралмас қисми эканлиги алоҳида эътибор талаб қилади.



Гўдаклар ўлимида касаллик оқибатида вафот этиш ҳолатлари айниқса мудҳиш ҳол саналади. Касаллик тури ва унинг тарқалганлиги ҳамда таъсир қилиш даражаси ҳудудда зарарли моддалар миқдори билан характерланади. Бу жараёни ҳудудий миқёсда таҳлил қилиб кўрамиз:

Юқумли касалликлар, нафас органлари, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ва туғма аномалия оқибатида вафот этган гўдаклар миқдори. (10000 туғилганларга нисбатан, 2002 й.)



Диаграммадан кўриниб турибдики, меъёрий экологик вазиятда бўлмаган ҳудудларда касалликка чалиниш ва бундан ўлим миқдорининг кўпайиши кўплаб кузатилмоқда. Аҳоли саломатлиги тараққиётнинг энг муҳим омили эканлигини назарда тутган ҳолда атроф-муҳитда турли зарарли моддалар миқдорини камайтириш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш масаланинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Аҳолида экологик маданиятни ошириш, экологик билимларни шакллантириш муаммолар ечимидаги илк қадамлардан биридир. Аҳолида

Ўтказиладиган тиббий кўрикларнинг савиясини ошириш ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

Д.К. Отабоев

Наманган Давлат университети

КИЧИК БИЗНЕС ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзусидаги маърузасида 2005 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим олти устувор вазифаларига алоҳида тўхталган.

Бунда асосий вазифа аввалгидек бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат бўлиб, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш кейинги вазифалар сифатида таъкидланган.

Бу борада Наманган вилоятида иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш, кичик бизнесни жадал ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини янада фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли кафолатини таъминлаш ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бозор инфраструктура тармоқлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши йил сайин ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2001 йилда 38,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда 40,0 фоизни, 2003 йилда 44,4 ва 2004 йилда 47,7 фоизга етган бўлса, 2005 йил I-чорагида у 42,6 фоизни ташкил қилган.

2001 йилда вилоят иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 52,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилган; бу кўрсаткич 2002 йилда 52,8 фоизни, 2003 йилда 56,4 фоизни, 2004 йилда 59,4 фоизни ташкил этиб, 2005 йил I-чорагида 64,3 фоизга етди.

Кичик бизнес субъектларининг сони 2001 йилда 13779 та бўлган 2005 йилнинг 1 июль ҳолатига у 20866 тага етди ёки 1,52 мартага кўпайган.

Бозор инфраструктураси тармоқлари томонидан кичик бизнес субъектларининг маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини оширишга қаратилган қулай шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида вилоят бўйича бажарилган жами экспортда кичик бизнес субъектларининг улуши 2002 йилда 11,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилнинг биринчи ярмида эса 73,9 фоизга кўтарилган.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятларини янада раванқ топиши, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бозор инфраструктураси тармоқлари бўлган банк ва нобюджет фондларнинг маблағлари ҳисобидан 2468,4 млн. сўмлик кредитлар кичик бизнес субъектларига ажратилган. Шундан, банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2364,9 млн. сўм, Бандлик жамғармаси маблағидан 37,4 млн. сўм ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан 5,0 млн. сўм, бошқа манбалардан 61,1 млн. сўм миқдоридан кредит берилган.

Жами ажратилган кредитларнинг 1182,5 млн. сўми қисқа муддатли, 1286,0 млн. сўми эса узоқ муддатли кредитлардир.

Вилоятда кичик бизнес субъектларига хом-ашё, моддий техника ресурсларини етказиб бериш ва уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиб бериш бўйича ҳам бир қатор бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда.

Хусусан, 2004 йил давомида Мол хом-ашё биржаси савдоларида жами 12123 та (шу жумладан 9417 кичик бизнес субъектлари) 16505,8 млн. сўмлик (кичик бизнес субъектлари - 13862,2 млн. сўм) шартномалар расмийлаштирилган бўлиб, шундан кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича 2458,8 млн. сўмлик 201 та шартномалар қабул қилинган. Кичик бизнес субъектларига хом ашё етказиб бериш бўйича 11403,3 млн. сўмлик - 9216 та шартномалар расмийлаштирилган.

Бозор инфраструктурасининг тармоғи бўлган ушбу биржа томонидан 2005 йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес субъектларига жами 4750,0 млн. сўмлик хом ашё етказиб берилди ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган 636,6 млн. сўмлик маҳсулотлар сотилган.

2005 йилнинг дастлабки чорагида металл маҳсулотларига 119,9 млн. сўмлик, автобензинга 966,2 млн. сўмлик, дизель ёнилғисига 2014,9 млн. сўмлик, унга 2393,7 млн., минерал ўғитларга 2,4 млн., мазутга 105,9 млн. сўмлик. ягона электрон биржа савдоларида юқори ликвид маҳсулотлар сотиш ва сотиб олиш бўйича жами 6932 млн. сўмлик шартномалар тузилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий маслаҳатлар бериш хизматини кўрсатиш билан бир қаторда бозор инфратузилмасининг тармоқларидан бўлган бизнес мактаблар, бизнес инкубаторлар, ахборот-маслаҳат марказлари томонидан 2004 йил якуни бўйича ташкил қилинган қисқа курсларда жами - 3172 киши ўқитилган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг 9 ойида 2822 нафарни ташкил қилган.

2004 йил давомида 1375 та кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг мурожаатларига кўра юридик ва маслаҳат хизматлари кўрсатилган.

Юқоридагилардан кўринадики, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш учун бозор инфраструктураси тармоқлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Шунингдек, бу борада қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш зарур:

- назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш;
- тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- тадбиркорлик фаолиятини асоссиз чекланишига йўл қўймаслик;
- тадбиркорларнинг стратегик режалаштириш, молиявий бошқарув ва ҳисобот бўйича эҳтиёжларини қондирувчи бозор инфраструктураси тармоқлари ва шу қабиларнинг фаолиятини янада жонлантириш мақсадга мувофиқ.

М.А.Юлдашева

Ўзбекистон Миллий университети
ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА АҲОЛИНИНГ
МИЛЛИЙ ТАРКИБИ

Ўзбекистон дунёдаги кўп миллатли давлатлар таркибига киради. Ҳозирги кундаги миллатлараро муносабатлар алоҳида аҳамият касб этаётган бир даврда аҳолининг миллий таркибини ҳар томонлама таҳлил этиш аҳамиятлидир. Мустақиллик, миллий истиқлол ғояси халқимизнинг манфаати, озод ва обод Ватан,

эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек улкан мақсадларни ўзида мужассам этади. Бундай эзгу мақсадларга эришиш учун юрт тинч ва осойишта бўлиши лозим.

Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби ҳақидаги мулоҳазаларни 1989 йилда ва ундан аввал ўтказилган аҳоли рўйхати яқунлари ва 1989 йилдан кейинги (1990-1992 йй) давр эса республикамиздаги кўп сонли миллатлар орасида туғилиш, ўлим ва миграцион ҳаракатлар кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқарилди.

Статистик манбалар кўрсатишича, 1872 йилда аҳолининг миллий таркиби нисбатан бир хил бўлган. Маҳаллий миллатлар жами аҳолининг 99,8 фоизини, қолган 0,2 фоизини эса руслар, форслар, қорахитойликлар, араблар, яҳудийлар ва бошқалар ташкил этган.

Россия Туркистонни босиб олганидан кейин ўлкага русларнинг кўчиб келиш оқими кучайди. 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотига кўра, маҳаллий миллатлар аҳолининг 91,1 фоизини (четдан келганлар эса 8,9 фоизни ташкил этди). 1939 йил аҳоли рўйхати бўйича эса 79,2% ни ташкил қилади. 1937 йилда Узок Шарқдан 74 минг корейс мажбуран кўчирилган бўлиб, улар нафақат ўзининг Ватанидан, балки ўз тарихи, урф-одатлари, тилидан ҳам ажралишган эди.

1938 йил 15 апрелда Ўзбекистон ХКК нинг “Кўчирилган корейс колхозларини қуриш тўғрисидаги” қароридан сўнг республика ҳукумати кўчириб келтирилган корейслар учун уй-жой қурилишини иложи борича тезлаштириш чораларини кўриб, 1939 йил охирларида бу муаммо деярли ҳал қилинади. 1939 йилгача 4910 хўжалик уй-жой билан таъминланди. Кўчириб келтирилган корейс колхозларида қиймати 2 млн. 163 минг сўмлик 3663 квартирали уй-жой, 27 мактаб, 32 ҳаммом, 28 та дон сақланадиган омбор, гараж ва маъмурий бино, 13 та болалар боғчаси, 11 та клуб қуриб битказилди. Кўчириб келтирилган корейс аҳолисини санитария ҳолатини яхшилашда Соғлиқни Сақлаш Комиссарлигининг корейсларнинг жойлашув жойларида ҳаммомларнинг қурилиши, турли касалликларга қарши эмлаш, корейсларнинг боғча ёшидаги болаларини (7%) ясли шаҳобчалари билан, тиббий муассаларини имкони борича дори-дармонлар билан таъминлашга қаратилган ва бошқа чора-тадбирлари муҳим роль ўйнайди. Айтиш лозимки, 1938-1939 йилларда корейс аҳолисига тиббий санитария хизматини ташкил этиш учун Республика ҳукумати томонидан 1 млн. 225 минг сўм маблағ сарфланган.

1959-1992 йиллар оралиғида азалдан бу ерда яшаб келган аҳоли 74,2 фоиздан 84,0 фоизга ошди. Жумладан, ўзбеклар бу йиллар давомида 5082 минг кишидан 15569 минг кишига ёки 62,1фоиздан 73,7 фоизга етди. Бу ҳол, ўзбек оилаларида табиий ўсишнинг юқорилиги уларнинг ўтроқликка мойиллиги билан изоҳланади. Шунингдек, тожиклар 1959-1992 йиллар давомида 311 мингдан 1011 минг (3,9 фоиздан 4,8 фоизга) кишига, қозоқлар 343 мингдан 841,3 минг (4,0 фоиз , ўзгармаган) кишига, қирғизлар 93 мингдан 188,8 минг (0,9 фоиз, ўзгармаган) кишига, туркманлар 55мингдан 133 минг (0,6 фоиз, ўзгармаган) кишига кўпайган. Қолган баъзи миллатлар бу йиллар ичида миқдорий сонини кўпайтирганлари ҳолда, республика умумий аҳолиси сонидан уларнинг салмоғи камайди. Бу ўринда, айниқса, руслар (10,8 фоиздан 7,6 фоизга), татарлар (4,2 фоиздан 2,0 фоизга), яҳудийлар (0,6 фоиздан 0,2 фоизгача) камайганликлари характерлидир. Таъкидлаш жоизки, бу миллатларда табиий ўсиш паст ва уларнинг миграцион ҳаракатига мойиллигининг кучлилиги ҳамда улардан баъзилари тарихий ватанларига қайтиш ҳукукига эришдилар. Охириги йилларда Ўзбекистондан миграцион ҳаракат натижасида жумҳурият ташқарисига кетганларнинг миллий таркибида руслар, қрим татарлар, яҳудий ва немислар катта фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг жами аҳоли таркибидаги салмоғи пасайиб бормоқда.

1939 йил аҳоли рўйхати якунига кўра, Ўзбекистонда 97 та, 1959 йилги рўйхатдан 113 та, 1970 ва 1979 йиллардаги рўйхатдан эса 120 та ҳамда охириги 1989 йилдаги аҳоли рўйхатидан 125 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб аҳоли яшаши маълум бўлди. Ваҳолапки, бу кўрсаткич 1870 йилда 7 та бўлган. 1999 йилга нисбатан 2003 йилга келиб ўзбеклар 18737854 кишидан 20133,0 минг (77,6 фоиздан 79,2 фоизга) кишига, қорақалпоқлар 517698 кишидан 549,2 минг (2,1 фоиздан 2,2 фоизга) кишига, тожиклар 1164658 кишидан 1237,4 минг (4,8 фоиздан 4,9 фоизга) кишига кўпайган бўлса, ўз навбатида руслар 1208467 кишидан 1053,5 минг (5,0 фоиздан 4,1 фоизга) кишига, қозоқлар 967335 кишидан 977,8 минг (4,0 фоиздан 3,8 фоизга) кишига, татарлар 316585 кишидан 275,4 минг (1,3 фоиздан 1,1 фоизга) кишига, корейлар 176802 кишидан 166,1 минг (0,7 фоиздан 0,6 фоизга) кишига, украинлар 110133 кишидан 97,2 минг (0,5 фоиздан 0,4 фоизга) кишига камайган. Шу давр мобайнида айрим миллат вакилларининг салмоғи деярли ўзгармаган, яъни, қирғизлар 216082 кишидан 227,4 минг (0,9 фоиз) кишига, арманлар 45412 кишидан 42 минг (0,2 фоиз) кишига, озарбайжон 41042 кишидан 41,0 минг кишига (0,2 фоиз), белоруслар 24064 кишидан 22,2 минг (0,1 фоиз) кишигагина кўпайган¹.

Ушбу маълумотлар кўчирилган халқларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилганидан далолат беради. Аммо бу чора-тадбирлар барча аҳолининг эҳтиёжларини тўла бажариш имконини бермас эди. Шу боис, бутун халқларни кўчириб юборишнинг барча зарарли оқибатларини баҳолаб чиқиш қийин, албатта. Шу ва шу каби ўзгаришлар миллатлараро муносабатлардаги устувор йўналишларни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этиши муқаррардир.

А.Рафиев

Ўзбекистон Миллий университети **ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ** **АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Ўзбекистонда босқичма – босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар оқилона тармоқ ишлаб чиқаришини ва бунда худудий мутаносибликка эришишни, иқтисодий ўсишни таъминлашни кўзда тутиб амалга оширилмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш тегишли инвестиция сиёсатини юритиш, инвестиция жараёнларини тартибга солиш ва кўллаб – қувватлашнинг таъсирчан тизимини шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

1994-2002 йиллар оралиғида мамлакат иқтисодиётига капитал қўйилмаларда давлат ҳиссаси 25-27 фоиз атрофида бўлди. 1991 йил бу кўрсаткич 60 фоизга яқин эди. 2005 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 13,6 фоизни ташкил этди. Худди шу ўринда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари (давлат кафолатисиз) 2005 йил биринчи чорагида ўтган йил шу ҳолатига нисбатан 2,4 фоизга ошди ва 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат кафолати остида кириб келган чет эл инвестициялари эса 2005 йилнинг биринчи чорагида 2,3 мартага камайди ва умумий инвестициядаги ҳиссаси 7,5 фоизни ташкил этди.

Республикада тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳажмининг ўсиб боришида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан тўғри чет эл инвесторлари ҳуқуқини ҳимоялашни кучайтириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, 2004 йилдаги барқарор макроиқтисодий шароит - паст даражадаги инфляция ЯИМ ва саноат маҳсулотларни ишлаб чиқаришининг ўсиши республикада

¹ Население Узбекистана -2003, Статистический ежегодник Узбекистана., Т. 2004.

инвестиция муҳитини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди. Асосан 2003 йил охирида экспорт-импорт операциялари бўйича миллий валютани конвертациялашнинг жорий қилиниши инвестиция фаолиятини жонланишида катта роль ўйнади. 2005 йил январ - март ойи давомида асосий воситаларга жалб этилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу ҳолатига нисбатан 4.2 фоизга ошди ва 502.2 млрд. сўмни ташкил этди. Чет эл инвесторлари ҳамкорлигида енгил саноат соҳасида тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик бўйича бир қатор қўшма корхоналар очилди.

Жорий йилда иқтисодиётга жалб этилган чет эл инвестицияларининг структурасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан ишлаб чиқариш соҳасида чет эл инвестицияларининг улуши 8.8 фоизга ошди ва 90.6 фоизга етди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларига жалб этилган чет эл инвестициялари 20.2 ва 1.8 фоизга ошди, яъни жами инвестицияларнинг 65.3 ва 2.0 фоизини ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 21.9 фоизи эса транспорт ва алоқа соҳасига йўналтирилди.

Мамлакат иқтисодиётига кириб келган чет эл инвестицияларини минтақалар доирасидаги таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг катта қисми нисбатан саноат жиҳатдан тараққий этган, табиий ва ишчи кучи ресурсларига эга бўлган минтақалар ҳиссасига тўғри келар экан. Ушбу минтақалар жумласига Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрини киритишимиз мумкин. Республикамизда жами чет эл инвестицияларининг 60 фоиздан ортиқроғи шу минтақалар ҳиссасига тўғри келади.

Айни вақтда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Наманган, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларига чет эл инвестицияларини жалб этиш суист кечмоқда. Ушбу минтақалар ҳиссасига жами чет эл инвестицияларининг 7,5 фоизи тўғри келади, холас. Бу кўрсаткич мамлакатда инвестиция фаолияти бир текисда тақсимланмаганлигидан, шунингдек, иқтисодиёт негизини ташкил этувчи қишлоқ хўжалигига чет эл инвестицияларининг суист даражада кириб келаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодига жалб этилаётган чет эл инвестициялари икки мақсадга қаратилган: биринчидан, иқтисодиётнинг самарадорлигини кўтариш, иккинчидан, халқ хўжалигининг структуравий тизимини бозор муносабатларига ва бугунги замон талабларига мувофиқлаштириш.

Мамлакатимизга чет эл инвестицияларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва экспортга йўналтириш ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида жалб этилмоқда. Бу ўринда чет эл инвесторлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган қўшма корхоналар иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш лозим.

2005 йилнинг 1 январи ҳолатига республикада 2412 та қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб, шулардан 1412 (58.5%) таси саноат соҳасига тўғри келди. Фаолият кўрсатувчи қўшма корхоналарнинг 25.5 фоизи истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, 20.1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 4.2 фоизи транспорт ва алоқа соҳаларига, 4 фоизи қурилиш соҳасига, 2.6 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаларига тўғри келди. Қўшма корхоналарнинг умумий экспорти 785.2 млн. АҚШ \$ ташкил этди, яъни ўтган йилга нисбатан 39.1 фоизга ошди, импорт эса 35.8 фоизга ошди ва 1165.7 млн. \$ ташкил этди. Қўшма корхоналарнинг экспорти мамлакат экспортдаги ҳиссаси 16.2 фоизни, импортдаги ҳиссаси эса 30.5 фоизни ташкил этди.

Республикада фаолият кўрсатувчи қўшма корхоналарнинг 64 фоизга яқини саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси юқори даражада тараққий топган Тошкент шаҳрида мужассамлашди. Саноат минтақалари Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида республикадаги жами қўшма корхоналарнинг 20.2 фоизи тўғри келди.

Аммо кишлоқ хўжалигига ихтисослашган минтақаларда Жиззах, Сирдарё, Хоразм ва Сурхондарё каби вилоятларда кўшма корхоналар сони кам. Ушбу минтақалар ҳиссасига кўшма корхоналарнинг 5.5 фоизи тўғри келди.

Фикримизча, иқтисодиётга жалб этилаётган чет эл инвестицияларининг катта қисми саноат тармоқларига ҳамда табиий ресурсларни ўзлаштириш ҳисобига тўғри келмоқда, кишлоқ хўжалигига чет эл инвестицияларини жалб этиш суи даражада кечмоқда. Буни юқорида келтирилган статистик маълумотлардан кўришимиз мумкин.

Н.И.Сафарова

**Ўзбекистон Миллий университети
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЎРНИНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Минтақа иқтисодий-географик ўрни (ИГЎ) барча тарихий ривожланиш босқичлари давомида унинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлиб келган. ИГЎ шунингдек, минтақа иқтисодиёти тармоқлари таркибининг шаклланишига, уларнинг ривожланиш даражасига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун «ИГЎ» тушунчаси омил сифатида иқтисодий-ижтимоий географиянинг категорияларидан бири ҳисобланади ва уни ҳар тарафлама тадқиқ этиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Одатда, ҳар қандай ҳудуд, мамлакат, алоҳида олинган аҳоли манзилгоҳлари географик ўрнига кўра турлича қулайликларга эга бўлади. Бундай қулайликлар аввало уларнинг ташқи ва ички ижтимоий-иқтисодий алоқаларини ташкил этиши имкониятлари билан ўлчанади.

Яқин-яқин вақтлар давомида Ўзбекистон континентал республика бўлганлиги, энг муҳими – сиёсий жиҳатдан эркин бўлмаганлиги сабабидан ИГЎ умуман ноқулай эди. Худди шундай, республика вилоятлари орасида ноқулай ИГЎга эга бўлган Сурхондарё вилояти ҳам сунгги йилларгача иқтисодий ўсиш суръатлари паст булган вилоятлардан бири бўлиб қолди.

Сурхондарё вилояти республикамизнинг энг жанубида жойлашган. Унинг нисбатан яхши ривожланган марказий районлардан чеккада жойлашганлиги ва яқин йилларгача катта сиёсий тангликни ўз бошидан кечириб келаётган Афғонистон ва Тожикистон билан чегарадошлиги ИГЎнинг муҳим ноқулайликларини белгилаб келди. Бу ҳолат вилоятнинг кишлоқ хўжалигига ихтисослашган ҳудуди деб қаралганлиги, бой табиий, айниқса минерал ресурсларнинг деярли ўзлаштирилмай келинишига сабаб бўлган.

2002 йилги Иқтисодий тадқиқотлар маркази тайёрлаган якуний рейтингда Сурхондарё вилояти республикамизнинг барча вилоятлари орасида 13, яъни энг сунгги ўринни эгаллаган. Арзон ишчи кучи, хом ашё имкониятлар бўлишига қарамай вилоятда асосан пахта ва кишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган энгил ва озик-овқат саноатигина шаклланди. Жами ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 70% дан ортиги анна шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Сунгги йиллар маълумотларига кўра вилоят жами ИЯМнинг 27,5% (44,9 млрд. сўм) гина саноат улушига туғри келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, микрогеографик ўрнининг ноқулайлиги вилоят иқтисодиётининг ривожига, айниқса саноат тармоқларининг самарали иқтисослашувига салбий таъсир кўрсатган.

Сурхондарё вилоятининг мезогеографик ўрин хусусиятлари кўп ҳолларда ҳозирги кунда ўзига кўшни бўлган Тожикистон ва Афғонистон республикаларидаги сиёсий нотинчликлар туфайли юзага келган иқтисодий алоқаларнинг нисбатан ёмонлиги билан

ифодаланади. Сўнги йиллардаги Тожикистон ва Афғонистон сиёсий ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, вилоят иқтисодиётида бирмунча ижобий силжишлар юз беришига олиб келмоқда. Масалан, Жарқурғон ип йигирув-тўқув фабрикаси, Шўрчи ун комбинати, Қумқўрғон темир-бетон конструкциялари заводи каби корхоналар замонавий ускуналари билан қайта жиҳозлаш ҳисобига рақобатбардош корхоналар қаторига чиқиб олдилар.

Сурхондарё вилоятининг совет давридаги ёпиқ ҳудудлик ҳолатидан миллий мустақиллик туфайли МДХ ва бошқа хорижий давлатларга нисбатан кенг иқтисодий алоқалар учун «очилиши» билан сўнги йилларда хорижий сармоядорларнинг диққатини ўзига торта бошлади. Ҳозирги вақтда вилоятда чет эллик ҳамкорлар билан бирга ишга туширилган 20дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида «Сурхон Аджанта Фарма Лимитед» Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси алоҳида ажралиб туради. Яқинда россиялик ҳамкорлар 7 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя киритди ва йилига 130 минг тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлган Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси иш бошлади.

Келгусида жанубий минтака иқтисодиётининг ҳар тарафлама ривожланишига кенг йўл очиб бериши мумкин бўлган янги лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши кутилмоқда. Гап шундаки, президентимиз И.А.Каримовнинг Малайзия сафари чоғида Бойсун ботиғида топилиши кутилаётган конденсатли газ–нефть конларини ишга солиш юзасидан муҳим битим имзоланди. Лойиҳанинг ижобий ҳал этилиши натижасида вилоят иқтисодиётида кўплаб ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланади.

Яқин истиқболда вилоят иқтисодиётининг янада самаралироқ ривожланиши, ИГЎси имкониятларининг кенгайишига хизмат қиладиган ва жадал суръатлар билан курилатган Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши билан боғлиқдир. Зеро у темир йўлда қатновни нафақат 184 км.га қисқартиришга, балки катта миқдорда йўл ҳаражатларининг анча қисқаришига, табиий бойликларни атрофлича узлаштиришга замин ҳозирлайди.

Шунингдек, вилоят ҳудуди яқин келажакда Ўзбекистонни ва бошқа кўплаб давлатларни Жанубий Осиё, Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғловчи асосий йўлакка айланиб қолиши кутилмоқда. Термиздан Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга ва ундан Форс қўлтиғи портларигача темир йўл куришга Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон давлатлари раҳбарлари Техрон битимини (2003 йил июнь оyi) имзолаганлар.

Шундай қилиб, ҳар бир ҳудуд жойлашган минтақада қарор топган сиёсий – ижтимоий ҳолатлар, уларда юз бераётган ҳар қандай яратувчилик ишлари уларнинг ИГЎ хусусиятларига тўғридан-тўғри таъсир этади. Бунга Сурхондарё вилояти яққол мисол бўла олади.

А.А.Ҳолмирзаев

Ўзбекистон Миллий университети

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Фермер хўжаликлари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва вақт синовидан ўтган самарали хўжалик юритиш шакли ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

1999-2004 йилларда 662 та ширкат негизида 34,3 мингта фермер хўжаликлари ташкил этилди. 2005 йилда эса 445 ширкатни 19,8 мингта фермер хўжаликларига айлантирилиш режалаштирилган.

Таҳлиллар, биринчидан, фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш

борасидаги тадбирларнинг яхши самара бераётанлигидан дарак берса, иккинчидан, ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалигидаги имкониятлардан етарли даражада фойдаланимаётганлигини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири-фермерларга хизмат кўрсатадиган ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва унинг худудий таркиби мақбул эмаслиги ҳисобланади.

Таҳлиллар инфратузилма объектларининг жорий йилда 2002 йилга нисбатан 2-2,5 баробарга ортганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, муқобил МТПлари ва чорва моллари сотиш, зооветеринария хизмати кўрсатиш шаҳобчаларининг миқдори, мос равишда, 2,7; 2,6 ва 2,2 мартага ортди. Лекин минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ва нефть маҳсулотларини сотиш, ахборот таъминоти, консалтинг хизмати кўрсатиш шаҳобчалари, мини банклар етарли даражада жадал ташкил этилмапти.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги инфраструктура объектларини 2007 йилгача қарийб 8,2 мингтага етказиш ёки 2003 йилга нисбатан (4521 та) 1,8 баробарга орттиришни кўзда тутган.

Истикбол режага кўра муқобил МТПлар (4,1 марта), сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (4,6 марта) ва минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиш шаҳобчалари (4,4 марта)ни жадал ривожлантириш кўзда тутилган.

Инфратузилма объектларининг худудий таркиби ҳам соҳани ислох этиш талабларига етарли даражада жавоб бермайди. Масалан, 2004 йил маълумотлари фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфраструктура объектларининг асосий қисми Қорақолпоғистон Республикаси (13,2%), Жиззах (11%), Қашқадарё (9,6%), Бухоро (9%), Самарқанд (8,8%) ва Тошкент (8,7%) вилоятлари худудида жойлашганлигини кўрсатмоқда. Аксинча, унинг камроқ қисми эса аҳолиси зич ва қадимдан ўзлаштириб келинаётган Андижон (2,4%), Фарғона (4,9%) шунингдек, янги ўзлаштирилаётган Навоий (5,1%), Сурхандарё (6,8%) вилоятларида фаолият кўрсатмоқда.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектларининг ривожланиши ва худудий жойлашувини таҳлил этиш натижасида қуйидаги муаммолар аниқланди:

- Фермерларга инфратузилма объектлари томонидан хизмат кўрсатиш сифати паст, соҳада хизмат қиладиган кадрларнинг билим ва малакаси ҳозирги кун талабларига мос келмайди;

- Инфратузилма объектларининг худудий таркиби аҳолиси зич ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб катта бўлган худудларда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди;

- Инфратузилма объектлари хизматларининг нархлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархлари ўртасида оқилона мутаносиблик йўқ, бу борада фермерларга давлат томонидан кенг имтиёзлар тизими назарда тутилмаган.

Бу хусусда ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, анча ижобий ҳолатларнинг мавжудлигини кўрамыз. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат бюджетининг 40%гача бўлган маблағ сарфланади. Бу маблағнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги нарх паритетини ушлаб туриш ва фермерларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш учун сарфланади.

Россия ҳам ўз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни миллий устуворлик деб, уни қуйидаги 4 йўналишда ислох қилишни мақсадга мувофиқ деб билади.

Биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарини зарар кўриб ишлашини олдини олиш, яъни фермерларни ЁСМ (ёнилғи-сурков мой)ларига, минерал ўғитлар ва ўсимликларни

химоялашнинг кимёвий воситаларига, энергияга кетган ҳаражатларини қоплаш, чорвачилик учун лимитсиз ссудалар бериш ва импорт жиҳозларни божсиз олиб келишга кўмаклашиш;

Иккинчидан, ички бозорни ҳимоялаш. Бунинг учун келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига қатъий квоталар жорий этиш, мамлакатда ишлаб чиқариш имкони бўлган товарларга юқори божлар жорий этиш, импортни ўрнини босиш дастурларини ишлаб чиқиш, адолатли нархлар бўйича давлат харидини жорий этиш;

Учинчидан, кредит-молия ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш;

Тўртинчидан, қишлоқда турмуш шароитини яхшилаш.

Юқоридагиларнинг барчаси қишлоқ хўжалигини бозор муносабатларининг фаол иштирокчисига айланишида ва, албатта, унга хизмат қилувчи инфратузилмани тармок ва худудий таркибини такомиллашувига ёрдам беради.

М.Мўйдинов, О.Қўқоров, Х Азаматов

Қўқон Педагогика институти

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ БАНДЛИГИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатларига ўтиши, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда муносабатларига янгича ёндашувни такозо этмоқда. Ҳозирги кундаги асосий масалалардан бири, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш билан бир қаторда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, экспорт ҳажмини оширишдир. Ички бозорни маҳсулот билан таъминлашда, минтақаларнинг ички имкониятлари ҳамда салоҳиятлари турличадир. Бунда, албатта тарихий шаклланган бой тажриба, хом-ашё ва меҳнат ресурслари катта аҳамиятга эгадир.

Фарғона вилояти республика миллий иқтисодиётининг ривожига ёқилги-энергетика, химия, пахтачилик, ипакчилик, озиқ-овқат ҳамда енгил саноати каби ривожланган тармоқлари билан катта ҳисса қўшиб келмоқда. Маълумки, вилоят республика аҳолисининг 11% ни ташкил этган ҳолда, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 12,7% ни беради. Айниқса бу ерда учта йирик (Фарғона, Қўқон, Марғилон) шаҳарларнинг мавжудлиги нафақат вилоят, балки республика иқтисодиётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Фарғона вилояти туманлари анъанавий тарзда икки гуруҳга, Фарғона гуруҳи туманлари (Риштон, Олтиариқ, Ёзёвон, Сўх, Фарғона, Охунбобоев, Қува, Тошлоқ) Қўқон гуруҳ туманлари (Данғара, Ўзбекистон, Бешариқ, Фурқат, Бувайда, Учкўприк, Боғдод).

Фарғона ва Қўқон гуруҳи туманлари аҳолисининг бандлигида тафовутлар мавжуд бўлиб, аввало қишлоқ хўжалигида намоён бўлади. Қўқон гуруҳ туманларида аҳолининг аксарияти боғдорчилик (Бешариқ, Ўзбекистон туманлари). чорва маҳсулотлари етиштиришга (Фурқат, Бешариқ, Данғара, Учкўприк туманлари) ихтисослашган. Хунармандчиликнинг ёғочга ишлов бериш усулида Бувайда тумани ўзининг кўркам ва бежирим дераза ромлари, эшиклар ва ёғоч ускуналари билан ажралиб туради. Моҳир усталар тамонидан юксак дид ва меҳр билан тайёрланган маҳсулотларга талаб доимо юқори. Шундан бўлса керак, бу ерда нафақат вилоят, бошқа вилоятдан келган кўплаб усталарни учратиш мумкин. Шунингдек, Боғдод туманида сабзавот-полиз ҳамда донли экинлар кўплаб етиштирилади. Аҳолининг аксарият қисми шахсий томорқаларида ва хўжаликларда донли экинларидан шоли, маккажўхори, супурги етиштиради. Айниқса, Боғдод мебель корхонасида тайёрланган уй-рўзғор буюмлари ички бозорда харидоргирдир.

Фарғона гуруҳ туманларида асосан мева-сабзавотчилик етакчи ўринни эгаллайди. Айниқса, Кува тумани ўзининг машҳур анорлари, Олтиариқ тумани эса ўзининг анъанавий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан узум, бодринг, турп каби сабзавот ва мева экинлари билан нафақат иқтисодий районда балки республикада ҳам ўз мавқеига эга. Риштон туманида хунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси қадимдан ривожланиб келган. Асосан уй-рўзгор, сопол ва чинни буюмлари, совға ва эсдалик учун сувенирлар тайёрланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат вилоят, шунингдек, республика аҳолиси эҳтиёжини ҳам қондириб келмоқда.

Фарғона вилояти туманлари аҳолисининг бандлиги таҳлиллари шуни кўрсатадики, аҳолининг аксарият қисми ҳусусий секторда кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Аммо ҳусусий секторнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши нисбатан паст. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг савдосини янада фаоллаштириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун тадбиркорларни техника ва технологиялар билан таъминлаш;

- тадбиркорлар ва хунармандларнинг касб малакаси ҳамда маҳоратини ошириш, тажриба алмашиш;

- ишлаб чиқаришнинг янада ривожлантириш, ўзларининг барча имкониятлари ва салоҳиятларини намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш;

- ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда юксак иш унумига эришиш учун имтиёзлар бериш ва янада қўллаб-қувватлаш.

Юқорида қайд этилган фикр ва мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳозирги ўтиш даврида республика минтақаларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини такомиллаштиришда уларнинг аҳолисини ҳар тамонлама ўрганишнинг аҳамияти катта. Бинобарин, кўп сонли аҳолининг катта қисмини ўзида мужассамлаштирган қишлоқ жойлар аҳолисининг турмиш даражасини яхшилаш, яшаш, меҳнат қилиш ва дам олиш каби ижтимоий ҳаёт шароитларини мувофиқлаштиришга эришиш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Шундай экан, жойларда кичик тадбиркорликка кенг йўл очиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масалаларини ижобий ҳал этиш мумкин.

А.Ҳатамов, Ш.Собиров

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ СОНИНИНГ ТАҚРОР БАРПО ҚИЛИНИШ МАСАЛАЛАРИ

1979-2005 йилларда Андижон вилоят аҳолисининг сони 1286,1 минг кишидан 2340,2 минг кишига ёки икки баробарга яқин ортган. Аммо вилоят аҳолисининг табиий ўсиш суръатлари кейинги йилларда пасайиб бораётганлиги кузатиляпти. Вилоятда аҳоли табиий ўсишининг энг юқори кўрсаткичга эришган даври 1991 йилда қайд этилган бўлиб, у 52393 кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2005 йилга келиб 35103 кишига тушиб қолган, яъни ўн тўрт йил ичида аҳолининг табиий кўпайиши 17290 кишига камайиб кетган. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин:

Вилоят аҳолисининг табиий ўсиши

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг ўсиши
1	2	3	4
1991	63200	10807	52393
1992	63484	12282	51202

1	2	3	4
1993	63616	12130	51486
1994	62740	12731	50009
1995	63062	12398	50664
1996	56687	11742	44945
1997	52434	11101	41333
1998	51237	11969	39268
1999	46887	10914	33205
2000	44400	11195	33205
2003	46109	11584	34525
2004	42924	10715	32209

Маълумки, аҳоли сонини ўсиб боришига табиий кўпайиш катта таъсир кўрсатади. Табиий ҳаракатнинг демографик кўрсаткичларидан бири туғилиш коэффициенти бўлиб, у Андижон вилоятида 2004 йилда 15.0 промиллени ташкил этди. Туғилиш шаҳарга нисбатан қишлоқда 2,5 маротаба кўп; у асосан, қишлоқларда маҳаллий миллат вакиллари ҳиссасининг юқорилиги ҳисобига тўғри келмоқда.

Аҳолининг табиий ўсиш суръати қишлоқ аҳолиси ўртасида юқори бўлгани ҳолда вилоятнинг маъмурий туманларида ҳам бир-биридан анча фарқ қилади.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳам аҳоли сонининг қайта тикланиш жараёнларига ва уларнинг миқдорига ўз таъсирини кўрсатади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган туманлардаги туғилиш миқдорининг қай даражадалиги ва унга таъсир қилувчи омиллар кўпроқ аҳолининг моддий ва маънавий ривожланганлик даражасида, турмуш шароитида, аёлларнинг қайси соҳада бандлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштироки, уларнинг жамият ишлари билан, илм билан шуғулланишлари бугунги кунда нафақат шаҳар ҳаётини, балки қишлоқ ҳаётини ҳам тўлалигича камраб олмоқда. Бу эса туғилиш кўрсаткичига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатади.

Аҳолининг табиий кўпайишига таъсир этувчи омиллардан яна бир муҳим омил-урбанизациядир. Андижон вилоятининг урбанизация даражаси республика кўрсаткичидан нисбатан анча паст. Республикада шаҳар аҳолисининг салмоғи 38,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда Андижон вилоятида 29,2 фоизга тенг, холос (01.01.2005).

Вилоятда туғилишнинг умумий коэффициенти қишлоқ аҳолиси орасида шаҳар аҳолисига қараганда доимо юқори бўлиб келган. Кейинги 10 йил ичида эса унинг даражаси 24.7 промилледан 23.4 промиллега пасайган бўлса-да, барча даврларда қишлоқ аҳолиси ўртасидаги туғилиш кўрсаткичи вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқоридир.

Андижон вилояти аҳолиси ўртасидаги туғилиш кўрсаткичларига никоҳ ва оиланинг мустаҳкамлиги, аҳолининг жинсий таркибидаги фарқнинг унча катта эмаслиги ижобий таъсир кўрсатади. Миллатимиздаги кўп болаликни қўллаб-қувватловчи анъаналарнинг сақланиб келинаётганлиги, ёш оилаларнинг ота-оналар билан бирга яшаши оқибатида вужудга келаётган "кўп бўғинли оила"лар сонининг устунлиги сингари омиллар ҳам туғилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят аҳолисининг 51.0 фоизини (республикада-50.3 фоиз) аёллар ташкил қилади ва улар кўпроқ маориф, соғлиқни сақлаш, инфратузилма муассасалари, саноат тармоқларида фаол меҳнат қилмоқдалар. 2004 йилда мавжуд 1079 минг аёлдан 636 мингтаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида банд бўлганлар. Улар ўртасида, табиийки, фарзанд кўриш кўрсаткичи нисбатан паст бўлади ва бу ҳол вилоят аҳолисининг табиий ўсиш кўрсаткичларига таъсир этмай қолмайди.

З.Р.Ҳасанова, И.Отажонов
Урганч Давлат университети
САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ

Маълумки инсоният тарихи, инсоннинг ерга, атроф муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига бўлган муносабатлари тарихидан иборатдир. У хўжалик фаолияти билан атроф муҳитни ифлослаб, ўз ҳаётига хавф туғдирмоқда. Айниқса табиатга саноат ишлаб чиқаришининг таъсири жуда сезиларлидир. Бу каби ҳолатдан вилоятимиз ҳам четда эмас. Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси маълумотларига кўра вилоятда мавжуд 60 та саноат корхоналаридан атмосфера ҳавосига 2003 йилда 7785 тонна, 2004 йилда эса 5900 тонна ҳар хил газ ва чанглар чиқарилган. Вилоятимиз ҳудудининг кичиклиги табиий ўсишнинг юқорилиги (йилига ҳар минг кишига 29,5 киши), давлат ва хусусий корхоналарда ишга яроқли аҳолининг 52%и бандлигидан келиб чиқсак, аҳолини иш билан таъминлаш учун яна ўнлаб саноат корхоналари қурилиши керак.

Биз ушбу мақоламизда «Урганч ёғ очик акционерлик жамияти» нинг атмосфера ҳавоси ва сувга бўлган таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Корхонадан 2004 йилда атмосфера ҳавосига 604,5 тонна ифлословчи моддалар чиқарилган. Шундан мавжуд 27 та чанг тозаловчи ускуналар 54 тоннага яқин чанг ва атмосферани ифлословчи моддаларни ушлаб қолган. 550,5 тоннаси эса атмосферага чиқариб юборилган.(1-жадвал).

1-жадвал

Атмосферага чиқарилган чиқиндилар салмоғи ва миқдори

№	Атмосферага чиқарилган ифлословчи моддалар	Миқдори (тонна)
1	2	3
1	Пахта чанги	3,3
2	Шелуха чанги	1,5
3	Шрот чанги	6,95
4	Ёғоч чанги	0,03
5	Темир чанги	0,017
6	Углерод оксиди	0,836
7	Азот II- оксиди	0,234
8	Бензин буғи	537,65
	Жами	550,5

Вилоят «Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси» томонидан мазкур корхонанинг оқова сувидан олинган намуна натижаларини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал

«Урганч ёғ очик акционерлик жамияти» нинг оқова сувидан олинган намуна натижалари

№	Сув таркибидаги моддалар	2003 й мг/л	2004й мг/л
1	Муаллақ моддалар	265	429
2	Қуруқ қолдиқ	1190	1688
3	Хлор	214	453
4	Сульфат	495	553
5	РН	7	4,35
6	Қаттиқлиги	5	13

7	Калций	5,5	7
8	Магний	-	6
9	Нитрит	0,07	0,02
10	Аммоний	0,92	1,35
11	Нитрат	2,4	0,22
12	Темир	0,30	0,68
13	Фосфат	1,7	0,55

Жадвални таҳлил қилиб гувоҳи бўлдики, атмосфера ҳавоси ва сувни ифлослантирувчи стационар манбаларга эга бўлган «Урганч ёғ очик акционерлик жамияти» вилоятимиз ҳавосига 8 тургача, сувга 12 тургача ифлослантирувчи моддалар чиқаради. Бунинг устига 2-жадвалдаги маълумотларга кўра 2003 йилга нисбатан 2004 йилда 12 дан 9 ҳолатда чиқиндиларнинг миқдори кўпайган. Биз мисол келтираётган корхона анча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган, махсус тозалов ускуна ва қурилмаларига эга бўлган етакчи корхоналардан биридир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, вилоятдаги бу каби муаммоларни ечимини топишда географик дунёқараш муҳим аҳамиятга эга. Хоразм вилоятида саноат корхоналарининг жойлашиши билан уларнинг атроф муҳитга таъсири ўртасидаги алоқадорлик, саноат корхоналарини аҳоли талаблари асосида шакллантириш масалалари кўриб чиқилиши зарур. Вилоят табиатининг ўз-ўзини тиклаш даражаси, табиат унсурларининг антропоген таъсирга берилувчанлиги, етакчи табиат компонентини мумкин даражада саноат корхоналари таъсиридан холи қилиш мақсадида тадқиқот олиб бориш вилоятда табиат ва жамият ўзаро муносабатларида ижобий натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиёт

1. Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси маълумотлари. 2004-йил.

М.Абдурахманов

Наманган муҳандислик-иқтисодий институтининг ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Республикаимиз кўп тармоқли қурилиш материаллари саноатига эга. Цемент, асбест — цемент, деворбоп материаллар, юмшоқ ёпғич ва гидроизоляция материаллари, табиий томлардан коплама материал (плита)лар, норуда қурилиш материаллари, қурилиш керамикаси, иссиқлик изоляцияси материаллари, оҳак, гипс, боғловчи материаллар санитария гигиена жиҳатлари, полимер ҳом — ашёдан қурилиш материаллари ва буюмлар, темир бетон конструкциялари ва бошқалар ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Ушбу тармоқ корхоналарида 100 дан ортиқ номдаги маҳсулот турлари тайёрланди.

Хорижий инвесторлар иштирокида янги қўшма корхоналар қурилмоқда, ишлаб турган корхоналар замонавий технология билан жиҳозланиб кенгайтирилмоқда, Ўзбекистонда табиий ҳом ашёдан қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса бинолар қурилишида ҳом ғишт, гувала, ёғоч синч, оддий тупроқ (лой) дан тикланадиган пахса асрлар давомида асосий қурилиш материаллари бўлиб келган. Хумдонларда пиширилган ғишт, сопол, чинни кошин, ганч, қўмилган гранит, мрамор тошлар сарой, мадраса, масжид, работлар қурилишида кенг қўлланилган.

Республикада қурилиш материаллари саноати халқ хўжалигидаги саноат тармоғи сифатида 20 аср бошларида пайдо бўлди. 1913 йилда Ўзбекистонда жами 20 дан кўпроқ кичик ғишт заводлари, оҳак ва албастр куйдириш корхоналари ишлади.

Цемент саноати. Республикадаги қурилиш индустриясининг биринчи корхонаси 1913 йилда қурила бошлади. Хильково цемент заводи, яъни ҳозирги Бекобод цемент комбинатидир. 1927 йил Ўзбекистонда дастлабки 7,7 минг т. цементни олишга муваффақ бўлинди, 1928 йили эса 18,5 минг тн. цемент ишлаб чиқарилди.

Республикада цементга бўлган эҳтиёж орта борди. 1932 йил Қувасой цемент заводи ишга туширилди ва ўша йили 46,1 минг т. цемент ишлаб чиқарилди.

Тоштарошлик (тошга ишлов бериш). Табиий тошлар (мармарлар ва гранит)дан ишланган қоплама материаллари ва блоklar Ўрта Осиё меъморчилигида кўп ишлатилган.

Қоплама тошлар заҳиралари, хилма — хиллиги ва ранги бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда. Республикада 30 дан ортиқ мармар, гранит, травертин (говак оҳактош), туф, ғовак тоғ жинси ва бошқа жинслар конлари топилган. Республика шаҳарларида, Москва, Киев, Новосибирск, Бишкек, Душанбе, Бокуда қурилган архитектура иншоотлари, Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларда қурилган 11 метрополитенда Ғозғон ва Нурота мармари, Лангар, Севасой, Чоркесар гранити, Чуст травертини ишлатилган. Тармоқдаги йирик корхоналар — Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати 1970 йилда ишга туширилган, йиллик қуввати 150 минг м² тош плита, 1976 йил ташкил этилган Тошкент тошга ишлов бериш комбинати 188 минг м², Нукус гранит — мармар заводи 70 минг м², «Қашқадарё мармар» 25 минг м², ишлаб чиқариш бирлашмалари шу тармоқнинг йирик корхоналаридир. 1993 йил табиий тошлардан тайёрланган қоплама материаллар 515 минг м² ни ташкил этади. Республикада қоплама материалларга бўлган эҳтиёж тўла қондирилиб, қолган қисми яқин ҳамда узоқ хорижий мамлакатларга чиқарилмоқда.

Норуда ва қоплама материаллар тармоғида 19 тошга ишлов бериш корхоналари фаолият кўрсатади, йилига табиий тошлардан 542 минг м² қоплама материаллар ишлаб чиқарилади. Мармар ва гранит блоklари қазиб олинадиган 10 карьер ишлайди.

Деворбоп материаллар (ғишт) саноати соҳасида қурилишда ишлатиладиган оловбардош ва иморат ғиштнинг асосий қисми Яланғоч 2 ғишт заводи (1930), Янгийўл 8 ғишт заводи (1931), Олмалиқ қурилиш материаллари комбинати (1952), Чирчиқ 9 ғишт заводида (1955) ишлаб чиқарилади.

Қурилишни индустриаллаштиришда йиғма темир бетон ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йиғма темир бетонда маҳсулот ишлаб чиқарадиган 300 га яқин завод ва комбинатлар ишлайди. Бу корхоналарда республика қурилиш материаллари саноати ялпи маҳсулотининг умумий ҳажмида қурилиш материаллари саноатининг ҳиссаси 1985 йилда 5,9%, 1990 йилда 5,2%, 1995 йилда 5,0% ни ташкил этди.

Ўзбекистонда қурилиш индустриясида йирик уйсозлик 60 йиллар бошидан жадал ривожлантирилди. Тошкентда дастлабки йирик панелли уйсозлик комбинати 1995 йил ишга туширилди. Республикада 11 та уйсозлик комбинатлари ва заводлари ишлаб турибди.

Ёғочсозлик саноати республикада хунармандчиликнинг ривожланган тури тарзида маҳаллий ҳом ашё ресурслари билан чегараланган ҳолда мавжуд бўлиб келган. Ёғочсозлик ёки дурадгорлик (ёғочни қирқиш, тилиш йўналиш, рандалаш, пармалаш), уйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, эгарсозлик, сандиқсозлик, панжарасозлик, ўймакорлик сингари жуда кўп тармоқлардан иборат бўлган.

1996 йил 16 майда республиканинг ёғоч маҳсулотлари ва дурадгорлик буюмлари билан таъминланишини яхшилаш мақсадида «Ўзбек ёғоч қурилиш» бошқармаси

негизида ёғоч тайёрлаш бошқармаси негизида ёғоч тайёрлаш ва ёғочсоз Бош Бошқармаси («Ўзбошёғочсаноат») ташкил этилди. 1992 йилдан ёғоч хом ашёси танқислиги туфайли ёғочсозлик саноатидаги мавжуд қувватларнинг ярмидан фойдаланилмоқда. Республика халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч тахтага бўлган йиллик эhtiёжи 10 млн.м³ га боради (1995). Республиканинг ёғоч тахта, қоғоз, целлюлоза, гугурт ва бошқа бўлган эhtiёжларини тўлароқ қондириш, ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналари хом - ашё базаси мустақиллигини таъминлаш бўйича Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 8 февралда «Саноат теранчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. қарорда қорақалпоғистон ва барча вилоятларда ҳар йили 10 минг га, 10 йилда 100 минг га теракзор ўрмонлари ташкил этиш, яқин келажақда ҳар йили 5 млн.м³ саноатбоп ва қурилиш ёғоч тайёрлаш режалари белгиланган.

Б. Миртурсунов, И.Н.Исломов

**Ташкентский Государственный Педагогический университет
ПРИРОДНЫЕ КОРМОВЫЕ УГОДЬЯ ГОРНЫХ РАЙОНОВ
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

Природные кормовые угодья района представлены в основном пастбищами всех трех вертикальных поясов, которые существенно различаются по составу растительности, продуктивности, по сезонам возможного использования, пригодности для выпаса различных видов сельскохозяйственных животных. Они занимают основную часть (35,6%) 383 тыс. га всей площади сельскохозяйственных угодий района. К тому же под выпас используются также большие площади лесов. Основные элементы качественной характеристики природных кормовых угодий района приводятся в таблице. Таблица составлена нами на основании обобщения пастбищно-геоботанических материалов обследований, выполнявшихся Узгипроземом и биологическим факультетом НУУ.

Эфемерная растительность занимает наиболее низкую и пологую часть предгорий. Здесь господствует разнотравная ранговая формация, характерная для типичных суглинистых сероземов невысоких и мягких холмов в пределах 500-700 м над уровнем моря. В растительном покрове основную роль играют осока пустынная и мятлик с большим разнообразием собственно эфемеров, к которым примешиваются те или иные многолетники. Многие из них – крупные, длительно вегетирующие растения. Летом, ко времени высыхания эфемерного покрова, на желтом фоне пестрят кусты многолетников, образующих характерный для этого периода аспект.

Разнотравные сухие степи занимают широкую полосу верхних предгорий с суглинистыми и хрящеватыми темными сероземами. Они сгибают долину Ангрена, Чирчика, простираясь по склонам Кураминского и Чаткальского хребтов и по южному склону хребта Каржантау.

В пределах типа вычленяются три формации: ячменная, разнотравно-пырейная и полынно-пырейная. Типичный представитель ячменной формации – ячмень луковичный - основной эдификатор растительного покрова предгорной зоны долины Чирчика. Здесь же он нередко доминирует в травяном ярусе арчевников и листопадных лесов и кустарников, поднимаясь от 600 до высоты 2000 метров над уровнем моря.

Растительный покров разнотравно-ячменной ассоциации недостаточно используется под сенокос – рельеф местности позволяет проводить машинное сенокосение значительно шире. Например, по правому берегу Чирчика, в долине сая Юрузак и по склонам боковых его саев площади сенокосения можно увеличить в 2-3

раза. Урожай сухого сена в среднем составляет 20 ц/га, а на некоторых массивах можно получить в отдельные года около 50 ц/га хорошего поедаемого скотом сена.

В предгорьях долины Ангрена непрерывной полосой тянется разнотравно-пырейная степь. Её доминант – пырей волосоносный – обладает широкой амплитудой приспособления в условиях пологих, с мелкоземистым субстратом, склонов долины. Участники пырейной формации поднимаются за пределы зоны адыров и встречаются на высоте от 900 до 1800 метров над уровнем моря.

По характеру травостоя зона адыров (предгорный пояс) относится к числу хороших весенних пастбищ, пригодных в этот сезон для выпаса всех видов скота. Но эта территория используется под выпас и в осенне – зимний сезон, чему благоприятствуют удобный рельеф и климатические особенности.

В поясе средних и низких гор в верховьях Чирчика (склоны хребтов Каржантау, Угамского, Пскомского и Чаткальского), где развиты дерново-буроземистые, темные сероземные почвы, часть площадей используется под посевы различных сельскохозяйственных культур, а также под сады и виноградники. Эти площади количественно очень ограничены. Большая же часть этой территории не обрабатывается и занята разнотравно-типчаковой и разнотравно-пырейной растительностью, служащей пастбищами или же занята горными лесами.

Разнотравно-злаковые, преимущественно летние пастбища, пригодные для содержания всех видов сельскохозяйственных животных, относятся к наиболее продуктивным естественным кормовым угодьям района.

В высокогорном поясе Чирчик-Ангренского бассейна большинство авторов различают четыре основных типа растительности:

- 1) Высокогорный луговой;
- 2) Высокогорных ковровых лужаек;
- 3) Горных дерновинистых степей;
- 4) Горных лугов и трагокантов.

Каждый из названных типов представлен рядом наиболее типичных ассоциаций, связанных между собой единой линией развития (К.З.Закиров).

Высокогорные лугостепи – один из наиболее оригинальных типов растительности в высокогорьях Ташкентской области, как и всего Западного Тянь-Шаня. Его группировки узкой полосой опоясывают склоны выше верхних пределов распространения арчевников и широким пятном растекаются на Ангренском плато. Основу растительного покрова в этом типе образуют крупные – до 1,5м высотой – растения из семейства зонтичных – виды родов ферула и прангос, получившие у местного населения название «шашыр». Они образуют крупно травную шашыровую формацию. В разгар вегетации шашырники, сочетающие зелень с яркой желтой краской, весьма живописны.

Наиболее характерна эта формация выражена на Ангренском плато. Только на низких долинах таких как долина Джаик, нет шашыров – их сменяет мелкая трава.

На почвах с большой примесью щебня покров значительно редет, и в его составе появляется полынь, местами типчак, карликовая вишня и ряд других видов, свойственных степным группировкам. На таких местообитаниях снеговой покров стает раньше, чем на мелкоземистых, и растительность развивается относительно быстрее.

Ферулово-прангосовая ассоциация занимает относительно небольшую площадь всего Ангренского плато.

Данные крупнотравно-шашыровой формации встречаются по склонам Коксуйского, Пскомского и Угамского хребтов. Среди них прежде всего должны быть отмечены ассоциации и с большой степенью участия крупных мезофильных злаков и

бобовых, пригодные для использования в летний сезон в качестве пастбищ и сенокосных участков.

В высокогорном поясе Чирчик-Ангренского бассейна распространены таран двух видов: дубильный и гиссарский. В долине Ангрена таран дубильный встречается лишь спорадически. В бассейне Чирчика плотные и значительные по площади заросли его расположены на северных склонах Пскемского и Кураминского хребтов, а также в некоторых саях южного ската Угамского хребта и местами в бассейне реки Акбулак. Производительность разнотравно-тарановой формации невысока: средняя урожайность кормовой массы составляет 3,5-5,5ц/га.

Другим типом растительности, занимающим больше места в высокогорном поясе Чирчик-Ангренского бассейна, является горная дерновинистая степь. В Ташкентской области типчаковые степи известны на склонах хребтов Каржантау, Угамского, Пскемского, Коксуйского и на Чаткальском. В пределах Чирчик-Ангренского бассейна настоящие типчаковые степи, которые относятся к типчаковой формации, наиболее ярко выражены в верховьях р.Ангрена – на Ангренском плато и водоразделах Чаткальского и Кураминского хребтов.

По данным специалистов, средняя урожайность поедаемых трав в основных ассоциациях составляет – 8ц/га воздушно-сухой массы. На общем фоне высокогорной растительности полынно-типчаковые группировки представляют собой прекрасные летние запасы кормов для всех видов скота.

Тип горных лугов или сазовых лужаек в Чирчик-Ангренском бассейне занимает небольшие площади. Растительные сообщества этого типа развиваются в местах постоянного и избыточного увлажнения. Они приурочены к замкнутым котловинам и берегам ручьёв, обращая на себя внимание яркой зеленью. Большой частью сазовые лужайки встречаются небольшими пятнами.

Уже на высотах свыше 3500-3600 и более метров растения не образуют ценозов, а единичными экземплярами располагаются в местах скопления мелкозема, в трещинах скал и на осыпях, в виде мельчайших вкраплений среди безжизненной массы камней и щебня.

Растительные формации высокогорного пояса (от 2500-2600 до 3200-3400 м над ур. м.), занимающие водоразделы и прилегающие к ним склоны (Кураминский, Чаткальский, Коксуйский, Пскемский, Ойганинский, Угамский, Каржантау) имеют исключительно большое значение в развитии животноводства Ташкентской области. Здесь расположены ценнейшие кормовые угодья, в благоприятных для скота условиях высокогорного климата.

Продуктивность высокогорных пастбищ неравномерна. Если в центральной части Ангренского плато и урочищах Большой Майдантал, Суркат и других на шашыровых пастбищах она достигает 18-20 ц/га сухого корма, то на других угодьях не превышает 3-4 ц/га.

Низкая производительность обуславливается не только разреженностью травостоя, но и перегрузкой некоторых кормовых угодий, бессистемным выпасом скота, когда растительный покров начинает стравливаться с самых ранних фаз развития. В результате происходит слабое обсеменение, что приводит к выпадению ценных кормовых трав и расселению пастбищных сорняков.

А.Токлиев, Н.Токлиева

**Ташкентский Государственный Педагогический университет
ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
РЕКРЕАЦИОННЫХ И ТУРИСТИЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ,
РАСПОЛОЖЕННЫХ В БАССЕЙНЕ РЕКИ ЧИРЧИК**

В основу эколого-географической оценки территорий для рекреации и развития туризма положены прежде всего природные условия.

В бассейне реки Чирчик имеются уникальные природные предпосылки для создания здесь современных рекреационных комплексов, которые позволяют развивать спортивно-оздоровительный и другие виды отдыха в любое время года.

Территория бассейна реки Чирчик имеет выгодное экономико-географическое положение, высокую концентрацию населения, развитую транспортную сеть, своеобразное историческое развитие.

Рельеф района сложный. С северо-востока на юго-запад, в сторону р.Сырдарьи рельеф постепенно понижается. Расположенные здесь хребты-Чаткальский, Пскемский, Угамский, являющиеся западными отрогами Тянь-Шаня, разделены живописными долинами, по которым текут реки-Угам, Пскем, Куксу, Чаткал. Горные и предгорные ландшафты здесь очень красивы и живописны.

Климат района относится к континентальному субтропическому типу. Летом, с увеличением высотой местности вследствие уменьшения плотности и запыленности воздуха приток солнечной радиации увеличивается. Зима не очень суровая. Климатические условия гор оказывают прямое воздействие на организм человека. Исследования медиков показали, что в горных условиях можно успешно лечить ряд легочных, сердечно-сосудистых и других заболеваний.

Ресурсы горной зоны - минеральные, водные, лесные, рекреационные должны быть использованы в интересах густонаселенной равнинной зоны. Разнообразие природных условий обусловило создание здесь сети курортов и санаториев, домов отдыха, детских лагерей. Следует отметить расположенные в долине разнообразные памятники природы, карстовые пещеры, наскальные рисунки.

Крупнейшая из рекреационных зон данного бассейна – Чарвак-Чимганская зона отдыха – сформировалась вокруг Чарвакской котловины в горном урочище Чимган. В прибрежной зоне водохранилища расположены многочисленные зоны отдыха. Один из курортов - «Чарвак оромгохи» -единственный такого рода в Центральной Азии. Чимганская база – «Чимган оромгохи» пользуется большой популярностью зимой. Имеются еще «Бельдерсай оромгохи», «Турбаза Кумбель». В нашей республике эти курорты – лишь начало развития большой индустрии горного туризма. Другой рекреационный район этого бассейна – Паргос – Акташский, находящийся в низкогорьях и среднегорьях Каржантау. Здесь развит оздоровительный и горный туризм (санатории «Акташ», «Таваксай», «Хумсан» и др.). Кроме этого, имеются Аксаката – Паркентская и Сукокская рекреационные зоны.

Дальнейшее развитие туризма и организация отдыха и санитарно-курортного лечения требуют решения многочисленных задач. Комплексное использование уникальных рекреационных ресурсов невозможно без решения экологических проблем.

В связи с антропогенной деятельностью усилилось загрязнение воздуха, почв, вод бассейна. Как было сказано, здесь расположено большое количество промышленных предприятий. Строительство Чарвакской ГЭС привело к нарушению экологического баланса и вызвало негативные последствия в природе. При строительстве не всегда учитывались экологические факторы, что привело к исчезновению пахотных земель и лугов, лесных массивов.

Чирчик, по данным Госкомприроды, занимает четвертое место в Ташкентской области по выбросам вредных веществ, поскольку все предприятия расположены в черте города. Кроме этого, влияет и климатический фактор, например, запыленность воздуха. Сильный загрязнитель природы – Чирчикский завод «Электрохимпром». Он сбрасывает в реку около 230 млн.м³ загрязненных сточных вод, содержание сульфидов в 5–7 раз превышает норму. Оценка качества воды реки Чирчик по биологическим параметрам показала, что наиболее чистый участок реки до г.Газалкента. Наиболее загрязненный – ниже г. Янгиюля.

Таким образом, по экологическим показателям наиболее благоприятна горная часть бассейна, особенно велико значение горных лесов. В среднем и нижнем течении наблюдается техногенная нагрузка.

В настоящее время правительство Узбекистана придало статус особо охраняемой зоны прибрежной полосе Чирчика (1440,6 га.) и общей площади водоохранной зоны (9,160, 6 га). В связи с этим, до 2007 года наиболее экологически опасные производства будут вынесены за пределы территории. Разработаны мероприятия по экологическому оздоровлению водоохранной зоны реки Чирчик.

Литература

1. Ташкентский инфоцентр «Среда обитания». Экологический альманах. Ташкент 2004 г.
2. Газета «Чирчик» №22 за 03.06.05 г. Статья «5 июня - Международный день защиты окружающей среды»

А.А.Нугманова

Тошкент Давлат Педагогика университети

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ПРОГНОЗИНИНГ ДЕМОГРАФИК АСОСИ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мустақил давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг хусусиятлари ва халқнинг турмуш даражасида бевосита аксини топган, ўзига хос демографик вазият шаклланди. Демографик вазиятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб аҳоли мутлоқ ва нисбий сонининг ҳанузгача илдам суръатлар билан ўсиши ҳисобланади.

Мамлакатда 2005 йилнинг 1 январига нисбатан 26,1 млн. киши истиқомат қилган. Аҳолининг мутлоқ миқдори ХХ асрнинг 90-йиллар бошида йилига 550-580 минг кишини, ўша даврнинг ўрталарида 450-500 минг кишини, 2000 йилда 350 минг кишини, 2004 йилда эса 300 минг кишини ташкил этди. Худди ана шу даврларда меҳнат ресурсларининг сони тегишли тарзда 150-180 минг, 200-220 минг, 300-350 минг ва 400-450 минг кишига кўпайиб борди. Демак, аҳоли ва меҳнат ресурслари динамикасининг мутлоқ кўрсаткичларида умуман бошқа тенденциялар кузатилмоқда. Аҳоли сони ўсишининг мутлоқ кўрсаткичлари узлуксиз тарзда камайиб бораётган бўлса, меҳнат ресурсларига тегишли кўрсаткичлар ошиб бормоқда. Бизнинг прогнозимизга биноан ана шундай ҳолат меҳнат ресурсларига таалуқли кўрсаткичларда 2010-2012 йилларгача ўз кучини сақлаб қолади. Ундан кейинги даврда эса кўшилиб бораётган меҳнат ресурслари сони аҳоли сони каби камая бошлайди. Аҳоли сони 90- йилларнинг бошида ўртача йилига 2,0 фоизга, меҳнат ресурсларининг сони эса 2,1 фоизга кўпайган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда аҳоли бўйича 1,9 фоизни, меҳнат ресурслари бўйича 2,5 фоизни, 2004 йилда эса тегишли равишда 1,2 фоизни ва 3,1 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, аҳоли сонини ўртача йиллик ўсиш суръатларига пасайиши хос бўлаётган бўлса, меҳнат ресурслари сонига оид кўрсаткичларга ўсиш хос бўлмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси мутлоқ сонининг ўсиши нисбатан юқори даражадаги туғилиши ва табиий кўпайиши билан боғланган. Лекин туғилаётган болаларнинг умумий сонидан қисқариш юз бермоқда. Ушбу кўрсаткич 1991 йилда 723,4 мингта боладан 1995 йилда 670 минг, 2000 йилда 550 минг, 2004 йилда эса 533 минг болагача қисқарди. Ўлганлар сони эса мазкур йиллар ичида деярли ўзгармади. Бунинг натижасида табиий ўсиш кўрсаткичларида ҳам қисқариш кузатилмоқда. Табиий ўсиш 1991 йилда 593 минг кишидан 2004 йилга келиб 403 минг кишигача пасайди.

Туғилиш даражаси ва динамикасида кузатилаётган пасайиш, энг аввало, аёллар ўртасида туғиш ёш доирасининг қисқараётганлиги билан боғланган. Аёллар ўртасида 20 ёшгача бўлган ва 35 ёшдан кейинги даврда туғайётган аёлларнинг нисбий сони қисқариб бормоқда. Ундан ташқари мамлакатда умуман нетто-коэффициенти пасайиши юз бермоқди. Шунинг учун ҳам 15-49 ёшдаги аёллар мутлоқ сонининг кўпайиши ҳам туғилиш даражасида унча сезиларли бўлмаяпти.

Ўзбекистондаги демографик вазият урбанизация даражасининг пастлиги билан ифодаланмоқда. Шаҳар аҳолисининг жами аҳоли сонидан улуши 2005 йилнинг 1 январидан республика бўйича 36,4 фоизни ташкил этди. Бу 2001 йилга хос кўрсаткичдан 1,3 фоизга, 1991 йилги кўрсаткичдан эса деярли 2,5 фоизга паст, демакдир. Республикада мавжуд шаҳарларнинг атиги 20 фоизи аҳоли сони 50 минг кишидан, шу жумладан 6 та шаҳарда 200 минг кишидан ортиқ. Тошкент шаҳарини ҳисоблаганда шаҳар аҳолисининг улуши республика бўйича атиги 28 фоизини ташкил этган бўларди. Шаҳарларнинг кўпчилиги етарли даражада уларга хос ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқларга эга эмас.

Ўзбекистон аҳолисининг умумий сонидан меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг улуши салкам 40 фоизга, меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улуши 53 фоизга, ёш бўйича нафақадагиларнинг улуши салкам 7 фоизга тенг. Қишлоқ жойларда болалар ва ўсмирлар 45 фоизни, нафақадагилар эса 6 фоизни ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улуши (49 фоиз) ривожланган мамлакатларга оид кўрсаткичдан анча паст ҳисобланади. Мамлакатда сўнгги йилларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли қаторига йилига 400-420 минг киши қўшилмоқда. Шуларнинг 50 фоизи атрофидаги қисми иқтисодийга жалб қилинмоқда, 7-8 фоизи ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда барча турдаги ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Қолган қисмининг аксарияти ишсизлар қаторига қўшилмоқда. Мазкур ҳолат мамлакатдаги ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодий банд ҳисобланганларнинг ичида ишчиларнинг айниқса индустриал соҳа ишчиларининг салмоғи кам, деҳқон – чорвадорларники эса бениҳоя юқори кўрсаткичга эга.

Демографик вазиятнинг юқорида келтирилган хусусиятлари аҳоли ва меҳнат ресурсларининг динамикасига, таркибига, жойлашишига яна узоқ вақт давомида таъсир қилиб келади. Бундай ҳолат айниқса республика минтақаларида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Лекин мамлакат минтақаларида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони ва таркибига юқорида келтирилган умумий жиҳатлардан ташқари уларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазият ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ана шундайлар қаторига даставвал Фарғона, Мирзачўл ва Қуйи Амударё минтақаларини қўшиш мумкин. Чунки Фарғона минтақасида сони ўсиб бораётган аҳолини ерлар захирасининг тугаганлиги сабабли янги иш жойлари билан таъминлаш мураккаб муаммага айланди. Мирзачўл минтақасида, яъни янги ўзлаштирилган ерлар заминида барпо қилинган минтақада асосий тармоқ деҳқончиликни самарали ривожлантириш учун (яъни ерлар сифатини яхшилаш, янги иш жойларини барпо этиш ва хоқозо) катта ҳажмдаги маблағлар зарур. Қуйи Амударё минтақаси тўғрисида сўз юритилганда

даставвал ундаги экологик вазият кайси томонга ўзгарди деган саволга жавоб бериш зарур. Ундан кейин ана шу саволга берилган жавобга қараб иш олиб бориш мумкин.

Н.К.Мамазарова

Ташкентский Государственный Педагогический университет
НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННОЙ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ
НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Миграция населения тесно связана с развитием производительных сил, характером производственных отношений, воспроизводством рабочей силы, особенно её распределением и перераспределением, расселением населения, урбанизацией, социальной мобильностью, естественным движением населения и т.д. Наибольшее влияние на развитие общества оказывает миграция рабочей силы. Она охватывает перемещение населения в трудоспособном возрасте. Миграция рабочей силы происходит под воздействием двух групп факторов:

1) неэкономических, например, политико-правовых, религиозных, этнических, семейных. В последние годы серьёзное влияние стали оказывать такие факторы как экологические, образовательно-культурные, психологические. В частности, в результате ухудшения экологической обстановки в Приаралье местное население вынуждено покинуть свои дома, хотя право выбора у него всё – таки остаётся. При этом мигрант, естественно, ухудшает своё положение.

2) экономических. Неравномерность экономического развития определяет стихийность миграционных движений. Миграция рабочей силы тесно связана с экономической неустойчивостью, безработицей. За годы независимости многократно возросли не только масштабы, но и интенсивность миграции населения в Узбекистане. Особенно крупномасштабными стали передвижения населения в ходе индустриализации хозяйства. Эти социально-экономические преобразования определили устойчивый по характеру и значительный по масштабам отток сельского населения в города. В результате миграция людей вызывает обезлюдение и экономический регресс одних районов и чрезмерную концентрацию населения в других. Т.к. мигрантами является в основном население трудоспособного возраста, особенно молодёжь, то в районах притока население растёт более быстрыми темпами, и наоборот.

Так, например, миграционный отток в возрасте 16 лет и старше за 2002 г. составил в Ташкентской области 29978 человек, в г.Ташкенте-28792 человек, в Р.Каракалпакстан-26529человек, Самаркандской области-18250человек, Навоийской области-15197 человек. В то же время самые высокие показатели миграционного прироста наблюдаются в той же Ташкентской области (22824), Р.Каракалпакстан (16043), г.Ташкент (18611), а также Сурхандарье (10538), Фергане (11231) и Кашкадарьинской областях(8513).

Одним из серьёзных недостатков современного размещения трудовых ресурсов Узбекистана выступает его несоответствие с размещением естественных богатств республики. Подавляющая часть прироста трудовых ресурсов концентрируется в сельской местности старых густонаселённых районов. При средней по республике плотности населения в 2004г. 56 человек на 1 кв. км., в Андижанской области этот показатель составил 500 человек. Вместе с тем освоение природных ресурсов в ряде районов затрудняется из-за их слабой заселённости. Так, средняя плотность населения Навоийской области – 7, а Р.Каракалпакстан – 9 человек на 1 кв.км.

Таким образом, в республике имеются значительные диспропорции в размещении производства, сырьевых и трудовых ресурсов, что настоятельно требует решения

проблемы активизации миграции населения из села в город и совершенствования видов и форм миграции, связанных с заселением районов нового хозяйственного освоения.

Для рационального использования трудовых ресурсов в условиях Узбекистана требуется обратить особое внимание на восточные районы, где имеется значительное количество трудовых ресурсов, где занятость в народном хозяйстве значительно ниже, чем в среднем по республике.

При разработке комплекса мероприятий по управлению расселением следует учитывать:

- географические особенности региона, республики, области, района, зон;
- особенности исторического, экономического и социального развития;
- сложившуюся и перспективную демографическую ситуацию.

Для закрепления рабочей силы во вновь осваиваемых районах необходимо обеспечить создание полного комплекса более лучших условий жизни по сравнению с остальными районами.

Приток сельского населения в крупные города может быть снижен только в том случае, если часть предприятий и учреждений, сконцентрированных в них, будет рассредоточена по мелким городским поселениям.

Ликвидация социально-экономических и культурных различий между поселениями, а также агропромышленных городов и промышленных узлов сыграют важную роль в регулировании миграции населения.

Таким образом, следует отметить, что при рассмотрении миграции населения как регулируемого процесса необходим комплексный подход с учетом особенностей социально-географической среды региона.

Конечной и основной целью управления расселением населения региона является создание материальных, социальных, культурно-бытовых условий для всестороннего и гармоничного развития личности.

М.Атажанов, П.Курбонов

**Ўзбекистон Миллий университети
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАР ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ**

Иқтисодийнинг ривожланиши кўп жihatдан моддий ишлаб чиқариш тармоқларини тараққий эттирих билан чамбарчас боғлиқ. Бироқ, ҳозирги глобаллашув жараёни жадал давом этаётган айни пайтда бошқа ноишлаб чиқариш, хусусан, банк-молия, суғурта, сервис соҳаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ана шундай сердаромад жабҳалар қаторига туризм ҳам кириб, унинг юксалиши кишилар ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясайди.

Маълумки, Ўзбекистон ўзининг гўзал, бетакрор табиати, ноёб архитектура ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, урф-одатлари, ўзига хос анъаналарига эга. Мазкур омиллар хорижий мамлакатлар аҳолисини ўзига жалб этган ҳолда, мамлакатда туризм индустриясини ривожлантириш имкониятини вужудга келтиради. Аммо, ҳозирги даврда бундай салоҳиятдан тўла ва самарали фойдаланишга эришилмаган. Гарчи, тарихий шаҳарларда туризмга жиддий эътибор берилаётган бўлсада, қишлоқ жойлар хануз четда қолмоқда. Ваҳоланки, республика қишлоқ жойларида диний, миллий, тарихий, маданий, табиий, экологик хусусиятларга эга бўлган туризмни юксалтириш учун улкан заҳиралар мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қишлоқ жойларнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида мамлакатда маҳаллий ва халқаро туризмни янада ривожлантириш мумкин. Жумладан, Фарғона водийси учун хос бўлган аския санъати, Қашқадарё ва Сурхондарё бахшичиллиги, шунингдек, улоқ ўйинлари,

Ўзбек миллатининг фольклор қўшиқчилиқ санъати, тўй-маракалар бу жойларда этнотуризм учун катта имкониятларни вужудга келтиради. Шунингдек, ўзбек менталитетининг муҳим қирраларидан бири бўлган меҳмоннавозлик анъаналари ҳам айнан қишлоқ жойларда сақланиб қолган. Масалан, Бойсун, Қурама фольклор санъати, Чуст, Қўқон, ҳамда Марғилон шаҳри атрофи қишлоқлари чойхоналари маҳаллий ва хорижий сайёҳларни доим қизиқтириб келган.

Халқаро туризмнинг асосий объекти сифатида Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларимиз дунёга машхур. Шолбуки, бундай аҳамиятга эга бўлган ёдгорликлар қишлоқ жойларда ҳам бор. Чунончи, Сирдарё, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги сардобалар, Тупроққалъа, Акси, Ёркўрғон сингари археологик объектлар, қадимги шаҳарлар қолдиқларини томоша қилиш учун ҳам чет элликларни жалб этиш мумкин. Шу ўринда археологик ёдгорликлар Япония мутахассисларининг диққат-эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ўзбекистонда маҳаллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган диний туризмни ривожлантириш учун кўплаб кадамжолар бор. Хусусан, бу борада қишлоқ жойлардаги мавжуд зиёратгоҳлар қаторига Султонувайс (Қорақалпоғистон Республикаси), Имом Бухорий (Самарқанд вилояти, Хартанг қишлоғи), Марғилоний (Фарғона вилояти, Риштон тумани) Баҳовуддин Нақшбандий (Бухоро вилояти) ва бошқаларни таъкидлаш лозим.

Балиқмозорлар ҳам диний туризмда муҳим ўрин эгаллаб, муқаддас зиёратгоҳлар ҳисобланади. Республикада ана шундай жойлар Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Жиззах вилоятининг Бахмал, /алларол туманларида, Навоий вилоятининг Нурота туманида, Сурхондарё вилоятининг Сайраб қишлоғида мавжуд бўлиб, улар маҳаллий аҳамиятга молик бўлган туристик объектлар саналади.

Кўришиб турибдики, ўзбек қишлоқ жойларининг халқ амалий санъати, оғзаки ижодиёти, эътиқод, урф-одатлари каби туризм ресурсларидан имкон даражасида фойдаланиш эвазига катта иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Ватанимизнинг сўлим табиати, гўзал гўшалари, тоғлари, бепоён пахтазорлари ҳам туризм учун ўзига хос ресурс ҳисобланади. Хатто, маҳаллий халқ учун оддий туюлган агроландшафтлар, тоғ ва чўл минтақалари, сойликлар, воҳа ва водийлар хорижликлар диққатини ўзига тортади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистоннинг тарихий, архитектура, этник, диний ёдгорликларига саёҳатлар ташкил этиш, уларни томоша қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот оламини кузатиш, миллий қадриятлар, тўй-маърака, томошаларида иштирок этиш жуда қизиқарлидир. Айниқса, алоҳида минтақалар учун хос бўлган миллий кийимлар, таомлар ва уларнинг тайёрланиши кўпчилик хорижликлар учун қизиқарли бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, қишлоқ жойлар улкан туристик салоҳиятга эга. Бизнингча, мазкур жойларда маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш учун туристик объектларда меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш, транспорт инфраструктурасини тараққий эттириш, реклама-ахборот тизимини жорий этиш, тарғибот ишларини (фотосуратлар, китоблар) ни такомиллаштириш зарур бўлади. Шундай экан, туризм инфраструктурасининг шаклланиши орқали қишлоқ жойлар туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга эришилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат миллий иқтисодиётида катта аҳамият касб этади.

О. Мухамедов

**Ўзбекистон Миллий университети
АҲОЛИ МИЛЛИЙ ТАРҚИБИ ВА ТАБИИЙ
ҲАРАКАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг вужудга келиши билан ундаги ҳар бир республика ўз маъмурий чегараларига, қонун ва конституция, шунингдек, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эга бўлиши маълум даражада мазкур суверен давлатларда русийзабон халқларининг миграциясига сабаб бўлди. Ушбу жараённинг 90-йиллар бошларида бироз жадаллашиб, ҳозирги вақтда анча мўътадиллашганлигини кўриш мумкин.

Юқоридаги омиллар таъсирида сўнгги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби бирмунча ўзгарган. Масалан, туб жой аҳолиси ҳисобланган ўзбеклар 1979 йилда жами аҳолининг 68,7 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йил-71,4 %, 2005 йилга келиб эса, 80 фоизга етди. Бунга ўзбекларда, бошқа миллатларга нисбатан, туғилиш даражасининг юқорилиги, ота-боболари яшаб келган юртга садоқатлилиги ва кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республикада ўзбеклар салмоғининг ошиб боришига сабаб бўлди.

Мазкур давр мобайнида қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман миллатига мансуб аҳолининг республикадаги салмоғи деярли ўзгармаган. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида ушбу миллат вакиллари қадимдан ўтроқ ҳолда яшаб келишган, уларга хос бўлган аҳолининг такрор барпо этиш кўрсаткичлари асосий миллат вакиллари, яъни ўзбеклардан катта фарқ қилмайди. Бинобарин, мазкур миллатларнинг салмоғи деярли ўзгармаган. Бироқ, кўрилаётган йиллар мобайнида тожиклар салмоғи 3,9; 4,7 ва 4,9 фоизга ошди. Бунга асосан шу миллат учун туғилиш даражасининг юқорилиги таъсир кўрсатган.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда русийзабон халқларининг республикадаги салмоғи бироз камайган. Аҳоли сони нисбатан кўпчиликни ташкил этадиган руслар, жумладан, 1979 йилларда 10,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, 1989 йилда бу кўрсаткич 8,3%, 2005 йилда эса 3,8 фоизга ўзгарган. Шунингдек, украин, белорус, грузин, молдаван, латиш, эстон ва бошқа миллат вакиллари микдори ҳам камайиб бормоқда. Ушбу миллат вакиллари ўртасида туғилиш кўрсаткичининг пастлиги ва миграция жараёнининг нисбатан юқорилиги улар сонининг камайиб боришига олиб келган.

Тадқиқотлар турли миллат вакиллари орасида табиий ҳаракат кўрсаткичларининг турличалигидан далолат беради. Масалан, 2004 йил маълумотида кўра, республикада туғилиш коэффициенти 20,9 промилледан иборат бўлиб, ўзбекларда у 22,4 %, қорақалпоқларда эса 25,2 промиллени ташкил этди. Бу жиҳатдан улар бошқа миллатларга нисбатан олдинда туради. Кейинги ўринларни қозоқлар (20,4%), туркманлар (18,2%), тожиклар (17,3%) ва қирғизлар эгаллайди (16,9%). Шу билан бирга туғилиш даражасининг энг паст кўрсаткичи украинларда кузатилади; молдаван (4,0 %), рус ва арман (6,2 %) миллатларида ҳам бу ҳолат бироз паст.

Айни пайтда миллатларда туғилиш даражасининг турлича бўлиши маълум ҳолатда уларнинг қайси соҳаларда бандлиги ва ўз миллий удум ва анъаналарига ҳамда қайси жойларда яшашларига боғлиқ. Жумладан, кўпгина русийзабон миллат вакиллари асосан шаҳарларда истиқомат қилишади. Айни вақтда уларда туғилиш кўрсаткичлари қишлоқ жойларда яшовчиларга қараганда анча паст.

2004 йил республикада ўлим кўрсаткичи 5,0 промиллени ташкил этди. Ушбу жараён татар, рус ҳамда корейларда юқорироқ кўрсаткичларга эга. Туғилиш даражаси

энг паст бўлган украинларда ўлим кўрсаткичи ҳам жуда паст бўлиб, табиий кўпайиш коэффициенти нолга тенг.

Шунингдек, ўлим ҳолати тожиклар (3,6 ‰), қирғизлар (4,0 ‰), озарбойжонлар (3,9 ‰) ва туркманларда (4,7‰) ҳам бироз камроқ. Ўлим даражасига боғлиқ равишда руслар, татарлар, арманлар ва корейсларда аҳолининг табиий ҳаракат натижалари манфий томонга ўзгарган. Аксинча, туғилиш даражасига мос ҳолда қорақалпоқлар (19,8 ‰), ўзбеклар (16,0 ‰) ва козоқларда (15,5 ‰) табиий кўпайиш кўрсаткичи анча юқори.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўрилаётган даврларда аҳолининг миллий таркибида бирмунча ўзгаришлар кузатилади ва бу уларнинг табиий ҳамда миграция ҳаракатига боғлиқ ҳолда содир бўлади. Яқин келажакда юқорида аниқланган жараён давом этади, яъни республикада аҳолининг табиий кўпайиш кўрсаткичлари, жумладан, туғилиш коэффициенти бироз пасайиб боради. Бу ҳолат нафақат бошқа миллат вакиллари, балки ўзбеклар учун ҳам хослиги қайд қилинмоқда.

Республика аҳолиси миллий таркибининг ўзгариши туғилишнинг умумий даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Гап шундаки, ушбу кўрсаткич мамлакат ёки минтақа жами аҳолисига нисбатан ҳисоблаб чиқилади. Ваҳоланки, амалда турли миллат вакилларида табиий ҳаракат натижалари бир хил эмас. Шунинг учун туғилиш ва табиий кўпайишнинг реал ҳолатини баҳолаш ва демографик жараёнларни башорат этишда алоҳида миллатлар даражасида махсус кўрсаткичларни аниқлаш талаб этилади.

М.Эгамбердиева

Ўзбекистон Миллий университети

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТИ

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврда мамлакатимиз шаҳарлари ва унинг демографик хусусияларини ўрганиш, баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Тошкент вилояти шаҳарлари ўзига хос хусусият касб этади. Ўрганилаётган минтақа, шаҳарлар таркиби, тўри ва тизими бўйича ҳам республиканинг бошқа минтақалари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Иқтисодий район мамлакат ҳудудининг 3,5 фоизини ташкил қилган ҳолда, бу ерда республика аҳолисининг 17,9 фоизи яшайди. Вилоятда шаҳар аҳолисининг салмоғи 39,4 фоизни (965,8 минг киши) ташкил этади. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1985 йилда 43,3 фоизни, 1995 йилда 42,8 ва 1998 йилда 40,9 фоизга тенг бўлган. Ушбу йилларда шаҳар аҳолиси салмоғининг камайиши, табиий ўсишнинг пастлиги ва туб бўлмаган миллат вакиллари кўчиб кетиши билан бевосита боғлиқ.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўнги 15 йил давомида мамлакатимизнинг турли минтақаларида демографик жараёнлар ўзига хос кечмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти аҳолисининг характерли хусусиятларидан бири республиканинг бошқа ҳудудларга нисбатан аҳоли табиий ўсиш суръатининг пастлиги ҳисобланади. Чунончи, 1999 - 2004 йилларда вилоят аҳолиси 116,4 фоизга кўпайган бўлса, худди шу даврда мамлакатимизнинг Жанубий иқтисодий райони, яъни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўсиши суръати ҳамон юқори кўрсаткичга эга бўлди (146,6 ва 149,4 %, республикада - 122,2 %). Таъкидлаш керакки, аҳоли ўсишидаги бундай фарқлар табиий кўпайиш жараёни ҳамда тегишли ҳудудлар иқтисодиётининг кейинги йиллардаги ривожланиш суръати билан бевосита алоқадор.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Тошкент иқтисодий район шаҳарларида табиий кўпайиш кўрсаткичи йиллар давомида ўзгариб, сўнги йилларда бироз жадаллашиб бормоқда. Демографик ривожланиш вилоятнинг аҳолиси жуда тез ўсаётган кичик шаҳар ва шаҳарчалари (Бўка, Бўзсув, Чорбоғ, Янгибозор) ҳисобида

юзуга келмоқда 2005 йил 1 январ маълумотиға кўра, вилоят аҳолиси 2451,5 минг кишини ташкил этган ҳолда, у ўтган йилға нисбатан 0,9 фоизға ўсган. Шунга мос равишда табиий кўпайиш кўрсаткичи ҳам 11,5 промилледан (2003 й.) 13,2 промиллеға кўтарилгани қайд этилган. Туғилишнинг умумий коэффициенти ҳам 17,1 промилледан 19,4 промиллеға ўзгарган. Бунда саноат маказлари орасида энг паст туғилиш Чирчиқ (14,5 %) ва энг юқори – Ангрен (20,3 %) шаҳарларига тўғри келади.

Шунингдек, демографик вазиятнинг яна бир омили бўлган аҳоли ўлими даражасида ҳам ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Чунончи, таҳлил этилаётган ҳудудда ўлимнинг умумий коэффициенти ҳам 1999 йилдаги 6,4 ўрниға 6,2 промиллерға ўзгарганлиги қайд этилган. Вилоятда энг юқори ўлим коэффициенти Чирчиқ (9,4 %) ва энг паст Бекобод (6,6 %) шаҳарларида кузатилган.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент вилояти ўлим кўрсаткичи нисбати юқори бўлган минтақаларға киради. Ушбу ҳолат шаҳарлардаги қатор ижтимоий- иқтисодий, демографик, экологик омиллар билан бевосита боғлиқ. Минтақа аҳолиси ҳозирги вақтда кўпроқ юрак-қон томири, нафас йўли, овқат ҳазм қилиш органлари, саратон касалликлари туфайли вафот этмоқда. Масалан, вилоятда 2004 йилда юрак-қон томири касаллиги билан 8351 киши, саратон касаллиги билан 1230 киши, бахтсиз ҳодисалар туфайли 1609 киши ҳалок бўлган.

Маълумки, аҳоли сони фақат табиий кўпайиш ҳисобига эмас, балки миграцион ҳаракатлар натижасида ҳам ўзгаради. Табиийки, бундай жараёни Тошкент вилояти шаҳарларида кўпроқ кузатиш мумкин. Жумладан, вилоятда энг юқори миграция ҳаракати 1991 йилда кузатилган бўлиб, унда 61827 киши қатнашган. Лекин шунга қарамадан, миграция сальдоси манфий кўрсаткичға эға бўлди. 2004 йилға келиб эса энг юқори миграция қолдиғи вилоятнинг Ангрен (минус 1189) ва Чирчиқ (минус 715) шаҳарларида қайд этилди. Бундан кўриниб турибдики, ушбу шаҳарларда механик ҳаракат табиий ҳаракатдан ҳамон устуңлик қилмоқда. Шунингдек, иқтисодий районда 2004 йилда 15973 киши никоҳдан ўтган ва никоҳ умумий коэффициенти 6,5 промиллени ташкил этди. Унга тесқари бўлган ҳолат-ажралишлар сони эса 2476 кишиға тенг бўлиб, ҳар 1000 кишиға нисбатан 1,0 га тенг бўлган.

Ажралишнинг энг юқори кўрсаткичи Чирчиқда (289 киши) ва энг паст кўрсаткичи Бекободда (83 киши) кузатилади. Мазкур шаҳарларда ажралиш сонининг юқорилиги турли хил миллатларнинг кўплиги ва аралаш никоҳларнинг юқорилиги билан бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, иқтисодий район шаҳарларида юзаға келган демографик вазият куйидагиларда ўз аксини топмоқда:

- ❖ кичик шаҳарларда табиий ўсишнинг бироз тезлашиши;
- ❖ катта шаҳарларда аҳоли ўсишининг аста-секин турғунлашуви;
- ❖ ташқи миграциянинг манфий натижаға эға бўлиши;
- ❖ аҳоли тарқибининг маҳаллийлашуви;
- ❖ меҳнат ресурсларининг қисқариши ва ҳоказо.

Эндиликда мамлакатимиз ва унинг турли ҳудудларида рўй бераётган бундай демографик жараёнлар уларни чуқур таҳлил қилиш, амалий тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлигини кўрсатади. Бу борада нисбатан юқори урбанизация жараёниға эға бўлган Тошкент вилояти шаҳарларининг иқтисодий ва ижтимоий географик жиҳатдан ўрганиш долзарбдир. Чунки, ушбу минтақада оғир саноат ривожланганлиги сабабли, унинг шаҳарлари ҳам ўзига хос демографик хусусиятға эға. Шу ўринда вилоят шаҳарларининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги муаммоларини чуқурроқ таҳлил этиш талаб этилади.

Д.Р.Рўзметов
Урганч Давлат университети
ЎЗБЕКИСТОН ИПАК ГАЗЛАМА САНОАТИНИНГ
ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ХУДУДИЙ МУЖАССАМЛАШУВИ

Бозор иқтисодиёти шароитида республика тўқимачилик саноати тармоқлари орасида ипак газлама саноати энг кўп қийинчиликларга учради. Тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми аста-секинлик билан қисқариб борди. Ушбу жараён, энг аввало, ташқи рақобат таъсирида юз берган бўлса, иккинчидан, айрим ички омиллар ҳам бунга сабаб бўлди.

80-йилларда ипак газлама саноати асосан анъанавий ҳамда сунъий толали газламалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Тармоқда ҳар йили ўртача 135-140 млн. кв. м. ипак газламалар ишлаб чиқарилган. 2004 йилда эса бу кўрсаткич 5-5,5 млн. кв. м. га тушиб қолди.

Ички ва ташқи бозорда соҳа маҳсулотига бўлган талабнинг тушиб бориши тармоқнинг аксарият корхоналарини қайта ихтисослашувига, бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибида маълум ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, ипак газлама саноатининг «Намангантекстил» ХЖ маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин тушиб кетиши натижасида корхона ип газлама ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Бу ҳолат тармоқнинг «Ўзбек ипаки» уюшмаси таркибига кирувчи бошқа корхоналарида ҳам кузатилади.

Агар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот натурал ҳажмда олиб қаралса, «Турон шойиси» ХЖ-да (Марғилон) ишлаб чиқарилаётган газламаларнинг 27,9 фоизи, «Марғилон Осиё текс» ХЖ-да 100 фоизга яқини, «Атлас» ХЖ-да 57,1 фоизи, «Кўқон шоҳи атлас» МЧЖ-да 94,6 фоизи, «А.Навоий» ХЖ-да 93,7 фоизи (2004 й.) ип газламаларга ҳиссасига тўғри келади. Айни вақтда корхоналарда ипак газламаларнинг маҳсулот ассортименти бўйича ихтисослашуви йўналишлари ўзгармаган.

Тармоқ ихтисослигидаги ушбу ўзгаришлар бевосита тармоқнинг эски технологиялар билан қуролланганлиги рақобатбардош бўлмаган маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши юқоридаги ҳолатларни юзага келтирди. Шу билан бирга республикада пилла тайёрлашнинг 1990-2005 йиллаар оралиғида деярли икки маротаба камайиши ҳамда «Пилла холдинг» концерни томонидан тайёрланаётган хом ипакнинг асосан экспортга йўналтирилиши ҳам тармоқда юзага келган салбий ҳолатда охириги ўринни эгалламайди.

Умуман олганда, республика ипак газлама саноати корхоналари таркибида фақат Самарқанддаги тармоқ корхонасигина ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор сақлаб қолаолди. Ҳозирда, корхонада йилиги 2,7-3,0 млн. кв. м. ипак газламалар ишлаб чиқарилмоқда.

Тармоқ корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмидаги ўзгаришлар унинг ҳудудий таркибига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Анъанавий ипакчилик маркази Фарғона иқтисодий райони аввалги мавқеидан ажралди. Минтақанинг Наманган ва Фарғона вилоятларида ипак газлама ишлаб чиқарилаётган бўлсада, улар биргаликда Самарқанд вилоятиникидан кам маҳсулот тайёрлашди. 2004 йилда тармоқда тайёрланган маҳсулотнинг 58,9 фоизи Самарқанд, 24,2 фоизи Наманган, 14,8 фоизи Фарғона вилоятларида ишлаб чиқарилди. 90-йилларда Хоразм вилоятида пиллакашлик корхонаси қошида «Урганч бахмал» ҚК си ишга туширилган бўлсада, 2003 йилда корхона, айрим сабабларга кўра, фаолиятини тўхтатди.

Понятие «Устойчивое развитие» получило широкое распространение после публикации доклада «Наше общее будущее», подготовленного для ООН в 1987 г. Концепция устойчивого развития была обсуждена и развита на конференции ООН по окружающей среде и развитию, которая проходила в Рио де Жанейро в июне 1992 г. Принятые на конференции «Декларация Рио» и «Повестка дня на XXI век» являются программными документами по обеспечению устойчивого развития цивилизации. В дальнейшем была принята программа ООН «Декларация тысячелетия»(2000 г.) и проведен Всемирный Саммит «Рио+10»(2002 г.).

В декабре 1998 г. Национальной Комиссией Республики Узбекистан по Устойчивому развитию была одобрена Концепция устойчивого развития Республики Узбекистан, а в 1999 г.- Национальная Стратегия устойчивого развития. В августе 2002 г. в преддверии Йоханнесбургского Саммита по устойчивому развитию принята Повестка дня на XXI век для Республики Узбекистан.

Достижение устойчивого развития – это проблема общепланетарного масштаба, но уровень и степень ее решения зависит от усилий каждого государства. От приверженности каждой страны принципу неразрывности и взаимозависимости экономики и экологии складывается общемировое устойчивое развитие.

До последнего времени изучение вопросов устойчивого развития, в основном, оставалось вне поля географического исследования. Перед географической наукой Узбекистана стоит задача участия во всех исследованиях по обеспечению перехода республики на путь устойчивого развития. Для изучения и решения вопросов устойчивого развития требуются комплексные исследования на стыке физической и экономической географии, картографии.

В географической науке человек как таковой, равно как и все человечество, в целом остается вне поля исследования. Без «выхода» на человека невозможно достижение общественно значимых результатов. Только тогда географическая наука будет актуальной, современной и востребованной.

Согласно Повестке дня на XXI век, устойчивое развитие объединяет три идеи:

- (i) защиту и улучшение состояния окружающей среды,
- (ii) обеспечение экономической безопасности,
- (iii) соблюдение социальной справедливости,

а также подчеркивает исключительную важность локальных действий по ключевым вопросам на местном уровне для каждого местного сообщества.

Географам необходимо обеспечить проведение оценки ландшафтов республики и разработать мероприятия по снижению антропогенных нагрузок. Необходимо вычислить площади не нарушенных хозяйственной деятельностью ландшафтов, которые играют ключевую роль в поддержании экологического равновесия как на местном, региональном, уровне так и в глобальном масштабе. Площадь охраняемых эталонных природных ландшафтов должна занимать не менее 10% территории страны (в настоящее время-4,6%).

В настоящее время в большинстве стран мира осуществляется разработка и реализация Локальных Повесток 21. Они могут разрабатываться для областей, городов и районов. При поддержке ПРООН в двух районах Республики Каракалпакстан – Нукусском и Чимбайском – подготовлены Локальные Повестки 21, в рамках которых уже реализуются отдельные пилотные проекты, направленные на укрепление местного потенциала устойчивости. Для этого используются критерии и индикаторы устойчивого развития по системе ООН.

Разработка и реализация Локальных Повесток-21 по всему Узбекистану должна стать основной задачей географической науки на современном, очень ответственном этапе развития общества.

Литература

1. Концепция Устойчивого развития Республики Узбекистан. Ташкент., 1998.
2. Узбекистан: на пути к устойчивому развитию. Повестка дня на 21 век. Ташкент., 2002.

А.Г. Аблеева, Ж.Н.Алиева

Казахский Национальный университет имени аль-Фараби, ВОЗДЕЙСТВИЕ РЕКЛАМЫ НА МОТИВАЦИЮ ПОТРЕБИТЕЛЯ

Успешная предпринимательская деятельность в туризме требует учета спроса населения на специфическую туристскую продукцию. Туристский продукт – это комплекс услуг и товаров, обладающих рядом качеств, в зависимости от принадлежности к различным сферам туризма /1/. Следовательно, работа каждого менеджера, по сути, заключается в определении интересов, мотивационных установок, а также мотивов потребителя, его желаний, в удовлетворении этих желаний и формировании новых. Потребности (мотивы) потребителя можно подразделить на несколько видов /3/:

– *утилитарные* потребности связаны с использованием товара или услуг, и поэтому в первую очередь, потребителя будет интересовать качество туристского обслуживания, наличие всех составляющих турпакета, гарантии безопасности, страховки, скорость и своевременность обслуживания, соответствие предлагаемого тура реальному содержанию.

– *эстетические* потребности направляют основное внимание потребителя на внешний вид предлагаемого товара или услуги. Зачастую потребителя интересует не только основная цель путешествия, но и внешний вид предлагаемого отеля, гармоничный дизайн внутренних помещений и номеров и т.д. Эстетические потребности — одни из самых сильных и долговременных потребностей, нередко решение о покупке определяется именно привлекательностью товара.

– *престижные* потребности проявляют себя в определенных социальных группах. При сильном социальном расслоении общества наиболее обеспеченные клиенты для поддержания своего имиджа приобретают товары в определенных магазинах, хотя в других магазинах их можно купить по более низким ценам. На некоторые товары «раскошеляются» именно для того, чтобы подчеркнуть свой статус, материальный достаток и положение в обществе. Это касается и туристских услуг. Так, например, наиболее престижным отдыхом является отдых на островах (Багамы, Кипр, Гавайи), в фешенебельных отелях, круизы с участием знаменитостей и т.д. независимо от цены. Разновидностью престижных потребностей являются мотивы уподобления, мотивы моды, отражающие желание принадлежать к какому-то классу, сообществу, быть похожим на знаменитость, своего кумира (артиста, спортсмена).

– *мотив традиции* обусловлен национально-культурными особенностями различных наций и народностей /5/.

Внешнеорганизованная мотивация потребителя осуществляется с помощью рекламы, задача которой — любой ценой привлечь внимание к продукции и вызвать желание ее иметь. При этом в рекламе используется не только изображение товара, но и иные атрибуты, влияющие на эмоциональную сферу человека, создающие определенное настроение, убеждающие в преимуществе именно этого товара. Для этого используют изображения привлекательных персонажей, цвет, музыку, запахи.

Изучение покупательского спроса дает предпринимателям данные о доминирующих у данной группы населения потребностях и имеющихся предпочтениях в удовлетворении той или иной потребности, об отношении к тому или иному товару, которое в разных слоях населения бывает различным. Формирование «покупательского» мотива с помощью рекламы обозначают аббревиатурой АЮА, в которой буквы — это этапы внешнеорганизованной мотивации.

Первая буква — А — обозначает внимание (attention). Хорошая реклама прежде всего должна привлечь внимание к себе, а следовательно и к рекламируемому товару. Это начальный этап ее воздействия на потребителя. При этом важно перевести непроизвольное внимание в произвольное, для чего рекламируемый товар должен быть на переднем плане, чтобы другие образы отошли на задний план.

На основе произвольного внимания у потенциального потребителя создается интерес — это обозначается буквой I (interest). Его можно значительно усилить, если знать интересы, ведущие потребности потребителя и действовать соответственно им.

Следующая задача рекламы — перевести интерес в желание, создать условия для формирования мотивационной установки на покупку данного товара (мысленное его приобретение). Этот этап обозначается буквой D (desing) — мысленная покупка. Желание может быть усилено с помощью сенсорного воздействия и активным воздействием продавца на покупателя.

Последний этап, обозначаемый буквой А (action), — действие, т. е. покупка товара /7/

По характеру воздействия на психику человека рекламу делят на четыре вида: реклама-информация, реклама-убеждение, реклама-напоминание и реклама-внушение.

Реклама-информация является эмоционально нейтральной. Типичный пример такой рекламы — каталоги. Хорошо зарекомендовала себя в профессионально подготовленной, в основном мужской аудитории.

Реклама-убеждение имеет целью превратить сообщаемую потребителю информацию в его установки, принципы. Способы убеждения в такой рекламе опираются либо на систему логических доказательств (для чего используются достоверные факты, данные науки и практики), либо на эмоциональную сферу человека, его переживания, связанные с теми или иными интересами, мнениями.

Логическая аргументация основывается на объективных характеристиках товара. Аргументы подразделяются на основные (отражающие важнейшие свойства товара) и дополнительные. Если аудитория не очень заинтересована в предмете рекламы, то вначале целесообразно представить основные аргументы, если же проявляет заинтересованность, то главные аргументы полезнее привести в конце сообщения-рекламы.

Эмоциональная реклама отражает степень осуществимости желаний с помощью предлагаемых товаров. Покупается не просто тур, включающий лечебно-оздоровительные процедуры, а осуществляется надежда на красоту, здоровье и молодость, не просто размещение в пятизвездочном отеле, а возможность поднять свой престиж и т. д. Эмоциональная реклама сильнее всего воздействует на группы населения с невысоким образованием и скромными доходами, но с сильным желанием продвинуться вверх по социальной лестнице.

Реклама-напоминание — это дублирование, закрепление в памяти человека образа товара как возможного предмета удовлетворения потребности (своеобразная подсказка цели-объекта в случае возникновения потребности). Существуют два подхода к использованию этого вида рекламы. Одни считают, что она должна «вдалбливать» в голову одну и ту же идею, для чего ее нужно показывать как можно чаще. Другие отстаивают более мягкий, щадящий стиль воздействия рекламы-напоминания, с определенными интервалами между ее предъявлением; они считают, что напоминание

не должно быть назойливым и раздражающим. Иногда бывает достаточно только фрагмента рекламы, эмблемы, товарного знака, чтобы восстановить в памяти человека смысл всей рекламы.

Реклама-внушение оказывает на человека самое сильное воздействие. Внушение часто осуществляется на подсознательном уровне. Оно может проводиться по обычным сенсорным каналам (зрительному, слуховому, обонятельному), по субсенсорным и экстрасенсорным каналам, когда рекламная информация идет по над- и подпороговым зонам /6/.

При организации рекламы следует учитывать, к каким потребностям покупателя она должна в большей мере адресоваться. При обращении к утилитарным потребностям реклама на первый план должна вынести такие характеристики товара, как надежность, производительность, экономичность, простота в эксплуатации. Большую наглядность и убедительность можно обеспечить, приводя некие сравнительные показатели, например, указав на более комфортные условия проживания при более низких ценах (воздерживаясь при этом от конкретных сравнений).

При обращении к эстетическим потребностям главная задача рекламы — выявить отличительные эстетические свойства товара или услуги, применяя для этого соответствующую лексику («современные дизайнерские решения», «благородство линий», «гармония человека и природы» и т. п.)

При обращении к мотивам престижа нужно подчеркнуть, что данный товар или услуга пользуется спросом, а фирма-производитель — авторитетом у элитных слоев общества. С этой же целью привлекают для рекламы и известных людей (популярных артистов, спортсменов).

При обращении в рекламе к национально-культурным традициям полезно использовать, например, цветовую гамму, близкую к цветам национального флага. Это возбуждает национальные чувства и положительные эмоции, что, в свою очередь, побуждает к приобретению именно этого товара.

Без изучения и понимания мотивации желаний клиента невозможно правильно построить тур и предложить его на рынке. Закон «ложка дегтя в бочке меда» безукоризненно действует в туризме и достаточно малейшего срыва, чтобы положительное впечатление от тщательно подготовленного и организованного путешествия было утрачено. Поэтому нужно учитывать личностные качества потребителя, для того, чтобы адресно комплектовать турпродукт. Необходимо учитывать мотивы потребления и поведения покупателя, чтобы грамотно изготавливать рекламный продукт и учитывать это в разработке новых туров.

Список использованной литературы

1. Дурович А. П. Маркетинг в туризме. Мн.: Новое знание 2004 .- 496 с.
2. Сопиков О. П. – Мотивация и восприятие. – М., 1996.
3. Вилюнас В. К. – Психологические механизмы мотивации человека. – М., 1990.
4. www.zfproff.ru
5. Дейнека О. С. – Экономическая психология. – Спб., 1999.
6. Зызыкин В. Г. – Психология в рекламе. – М., 1992.
7. Здравомыслов А. Г. – Потребности, интересы, ценности. – М., 1987.

Ш.Т.Абдреева

**Казахский Национальный университет им. аль-Фараби
СЕЛЬСКОЕ РАССЕЛЕНИЕ ЮЖНОГО КАЗАХСТАНА**

Сельская экономика и сельское поселение неразрывно связаны, сельские поселения исторически формировались на основе сельскохозяйственной деятельности и переставали существовать с прекращением последней. Новейшая история только подтверждает эту закономерность: кризис в сельхозпроизводстве повлек за собой отток населения и развал систем жизнеобеспечения сельских населенных пунктов

Сложившееся на территории Южного Казахстана сельское расселение весьма разнообразно. Различия в природно-климатических условиях обусловили неравномерность заселения. Характерным для региона являются наличие густонаселенных мест, с плотностью населения в несколько десятков человек, с соседством обширных, очень редко населенных или даже незаселенных территорий.

Население, занятое в сельскохозяйственном производстве и составляющее абсолютное большинство населения, теснейшим образом связано с основным средством производства в сельском хозяйстве – землей. Чтобы установить зависимость плотности сельского населения от пашни, рассмотрим группировку районов по плотности сельского населения, принимая во внимание распаханность территории (таблица 1).

Между плотностью сельского населения и наличием пашни по районам существует прямая зависимость.

Таблица 1

Распаханность по районам региона

Группы районов по плотности сельского населения, чел./кв.км	Сельхоз угодья, % от общей площади	Пашня, % от общей площади	Пашня, % от сельхозугодий
До 10	65,4	2,3	3,5
От 10,1 до 20,0	84,8	17,4	20,5
От 20,1 до 30,0	82,6	11,3	13,7
От 30,1 до 40,0	78,9	24,8	31,3
Более 50	78,0	45,3	58,0

Составлена автором

Различия в почвенно-климатических условиях, которые вместе с рядом экономических факторов (транспортно-географическое положение районов, размещение городов как потребителей сельскохозяйственной продукции и др.) определяют специализацию сельского хозяйства.

Естественно, что более интенсивное сельское хозяйство, преобладающее в районах с высокой распаханностью, требует большого количества рабочей силы, чем менее интенсивное, и как следствие такие районы имеют более высокую плотность сельского населения.

В настоящее время Южный Казахстан определился как регион с мясо-молочным направлением животноводства и развитым производством зерновых и технических культур. Сложившаяся специализация сельскохозяйственного производства и его размещение отражают влияние как экономических, так и естественных условий.

Анализ показывает, что густота поселений Южного Казахстана (т.е. количество населенных пунктов на единицу площади) повторяет географию плотности населения. В среднем здесь на 1000 кв. км территории приходится 10,8 поселений. Причем, этот показатель колеблется по отдельным областям и административным районам от 0,6 до 94 населенных пунктов. Наибольшая концентрация поселений наблюдается опять-таки

в предгорной полосе орошаемого земледелия, где она варьирует от 12,5 (Арысский) до 43 населенных пунктов (Сайрамский район Южно-Казахстанской области).

В целом же густота для предгорной зоны поселений составляет 12-25 на 1000 кв. км. К северу и югу от этой полосы она уменьшается, причем в сторону пустынь интенсивнее, чем в направлении гор. Это соответствует и разрежению в тех же направлениях гидрографической сети и общему ухудшению климатических и почвенных условий для сельскохозяйственного хозяйства. В равнинной части региона селения мало оживляют пустынный ландшафт, теряясь в его обширных пространствах. Здесь на каждые 1000 кв. км приходится 0,7 поселений (Созакский, Мойынкумский, Сарысуский, Балхашский административные районы региона).

В Южном Казахстане, по переписи 1999 года, было 2330 населенных пунктов со средней плотностью 2031,3 человек. По сравнению с 1989 годом число населенных пунктов уменьшилось на 52, а средняя плотность увеличилась (было 1255,2 человек). В целом по республике этот показатель равен 818,9 человек. Вместе с тем в ней характерно сочетание крупных (1000 человек и более) и очень мелких по своей плотности (50-100 человек) сельских поселений.

В настоящее время процесс сокращения количества населенных пунктов и их укрупнения продолжается. Только за 2000-2002 годы в Казахстане самоликвидировались около 300 населенных пунктов. По данным статуправления Южно-Казахстанской области, в на 2005 году число сельских населенных пунктов по сравнению с 1999 годом уменьшилось еще на 22, т.е. было 896 осталось 874.

Таблица 2

Группировка сельских населенных пунктов по численности населения

Группировка по плотности, человек	Поселения		Население		Средняя плотность Тыс. человек
	Количество	%	Тыс. человек	%	
1	2	3	4	5	6
50 и менее	111	4,8	3169	0,1	28,5
51-100	115	4,9	8286	0,3	72,0
101-200	198	8,5	30417	1,0	154,6
201-500	465	20,0	153595	4,9	330,3
501-1000	468	20,0	437296	14,0	934,4
1001-2000	555	23,8	784918	25,2	1414,3
2001-3000	201	8,6	352153	11,3	1752,0
3001-5000	138	5,9	522245	16,8	3784,4
Свыше 5000	79	3,5	775099	24,9	9811,4

Составлена автором на основе данных Агентства по статистике РК

В географии плотности населенных пунктов региона нет такой четкой закономерности, как в географии плотности сельского населения или географии густоты поселений (постепенное уменьшение плотности и густоты от предгорий к горам и пустыням). Крупные и мелкие поселения встречаются во всех районах. Но и в этом показателе все же можно уловить ту же тенденцию – наиболее крупные поселки расположены преимущественно в сельскохозяйственной полосе предгорий.

Перспективы сельского населения Казахстана определены Государственной Программой развития сельских территорий Республики Казахстан на 2004 – 2010 гг., согласно которой получают развитие разные типы поселений, занимающие определенные места в иерархической структуре единой системы расселения и выполняющие соответствующие функции в общественном разделении труда и обслуживании населения. В перспективе можно ожидать интенсификации таких

отношений и факторов развития, которые будут способствовать не свертыванию, а наоборот, достройки функций села как специфического типа поселений, ее сохранению на новой социально-экономической и градостроительной основе.

Д.С.Мурадова

Қарши Давлат университети
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ ЎСИШИНING
ХУСУСИЯТЛАРИ

Кишиларнинг моддий, маиший турмушининг ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг яхшиланиши туфайли ўлим кескин камайиб, аҳоли сонининг табиий ўсиш суръати анча тезлашди. 1926 – 1939 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоятида аҳолининг умумий сони 118,1 минг кишига кўпайди ёки йиллик ўсиш 2,6% га тенг бўлди. Вилоятида аҳоли йиллик ўсиш даражасининг республикадагига нисбатан паст булиши ишлаб чиқариш кучларининг кам ривожланганлиги ҳамда четдан келадиган аҳоли ҳаракатининг камлигига боғлиқ булган. Натижада, Ўзбекистон умумий аҳолисига нисбатан Қашқадарё вилоятининг тутган ўрни 7,5% дан (1926 й) 7,3% га (1938 й) тушиб қолди. 1939 – 1959 йилларда Қашқадарё вилоятининг аҳолиси 48,4 минг кишига кўпайди. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, вилоятда 508 минг киши истикомат қилган.

1960 – 1980 йилларда Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида улкан гидротехник иншоотларнинг (Қарши ва Касби каналлари, сув омборлари, суғориш тармоқлари ва б.) барпо этилиши, катта захираларга эга бўлган нефт ҳамда газ конларининг очилиши ва фойдаланишга топширилиши, йирик саноат корхоналарининг ишга туширилиши ва бошқа тадбирлар аҳоли сонининг ўсишга сабаб бўлди. Айниқса Қарши чўлини ўзлаштиришнинг дастлабки 1966 – 1970 йилларида аҳоли сонининг кўпайиши энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу даврда вилоят аҳолисининг шаклланишига туғилишнинг нисбатан юқори бўлиши ва бошқа ҳудудлардан келадиган аҳоли ҳаракатининг кучайганлиги ҳам сабаб бўлди. Буларнинг таъсирида вилоят аҳолиси 508,0 минг кишидан (1959 й) 802,0 минг кишига ошди (1970 й).

1959 – 1970 йилларда вилоят аҳолисининг сони 57,6 % га кўпайган ҳолда ўртача йиллик ўсиши 4,9 % ни ташкил этди. Аҳоли сонининг бундай тез суръатлар билан ўсишида табиий кўпайиш билан бир қаторда четдан аҳолининг кўчиб келиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабли 1959 -1970 йилларда Қашқадарё вилоятида аҳолининг ўртача йиллик кўпайиши Ўзбекистон аҳолисининг ўртача йиллик кўпайиши кўрсаткичидан юқори бўлди.

1970 – 1990 йилларда Қашқадарё вилояти аҳолиси 2,1 марта кўпайди. Вилоят аҳолисининг нисбатан тез ўсиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига боғлиқ ҳолда 70 – йиллардан бошланди. 20 йил давомида вилоятда қарийб 240 минг га янги ерлар ўзлаштирилди, қурилиш материаллари, енгил, озиқ – овқат ва ёқилғи – энергетика саноати корхоналари ишга туширилди. Шунингдек, суғориш иншоотлари, транспорт йўллари, маданий – маиший бинолар ҳамда турар жойлар бунёд этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли мамлакат аҳолисининг этник хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда демографик сиёсат юритиш имкониятлари вужудга келди. Қашқадарё вилоятида 1991 – 1999 йилларда аҳоли сонининг кўпайиши табиий кўпайиш ҳисобига бўлмоқда. Вилоятда аҳоли сони 1999 йилда 1989 йилдагига нисбатан деярли 1,4 марта кўпайди. 1999 йилда вилоят аҳолисининг сони 2123,0 минг, 2001 йилда 2257,0 минг, 2002 йилда 2298,0 минг, 2003 йилда 2339,7 минг ва 2004 йилда 2381,8 минг кишига етди. Шундай қилиб, Қашқадарё вилояти аҳолисининг ўртача йиллик ўсиши 1959 -1979 йилларда 26,7 минг, 1970 – 1979 йилларда 35,2 минг, 1979 –

1989 йилларда 47,8 минг, 1990 – 1999 йилларда 58,1 минг киши ва 1999 – 2004 йилларда 58,5 минг кишини ташкил қилди.

Қашқадарё вилояти аҳолиси асосан табиий кўпайиш ҳисобига ўсмоқда. Табиий ўсиш 1991 йилда 37,7 кишини ташкил этган бўлса, 1999 йилда 17,7 кишини, 2001 йилда 19,1 ва 2004 йилга келиб у 18,4 кишига тенг бўлди.

М.Болтаев, Л.Болтаева

Ўзбекистон Миллий университети
ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Фарғона водийси ўзининг рекреацион салоҳиятига кўра нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, унинг тоғолди ва текислик қисмлари хилма хил рекреация ресурсларига бой. Минтақанинг географик ўрни, орографик ўзига хослиги турли хил ландшафт рекреация ресурсларининг вужудга келишига асос бўлган.

“Рекреация” - тушунчаси дам олиш, соғлиқни тиклаш маъноларини билдиради. Рекреация ресурсларидан фойдаланиш хусусиятига кўра уларни гуруҳларга ажратиш мумкин. Рекреация ресурслари саёҳат, туризм, дам олиш ва даволаниш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган табиат масканларидир. Уларга дарё, кўл, денгиз соҳиллари, ўтлоқ ва ўрмонлар, минерал булоқ, шифобахш балчиқлар, ғорлар кабилар киради. Бундай объектларда дам олувчилар учун шифобахш иқлим, спорт билан шуғулланиш, овчилик, балиқчилик, дам олиш учун яхши имкониятлар яратилади. Ушбу масканлар Фарғона водийсининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида мавжуд бўлиб, улардан туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш имкониятлари юқоридир. Фарғона водийсининг тоғлар билан ўралганлиги ҳамда тоғлардан кўплаб дарё ва сойларнинг оқиб тушиши, минтақада кўплаб дам олиш масканлари ва сихатгоҳларнинг қурилишига таъсир кўрсатган. Масалан водийнинг шимолий қисмларида Чортоқсой, Косонсой, Подшоотасой, Ғовасой, Чодаксой каби сойлар водийларида кўплаб дам олиш ва даволаниш масканлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, водийнинг жанубидан оқиб тушувчи Шохимардонсой, Сўх, Исфайрамсой каби дарё ва сойлар водийларида ҳам бундай масканлар кўпчиликини ташкил этади, буларга Чимён, Шохимардон, Қизилтепа, Фарғона, Рапқон кабиларни мисол қилиш мумкин.

Шу билан бирга водийнинг шарқий қисмидаги Полвонтош, Жанубий Оламушук, Марҳамат сихатгоҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда водийда 50 дан зиёд шифобахш минерал сув булоқлари аниқланган бўлиб, улар асосида кўплаб шифохоналар ишлаб турибди.

Фарғона водийсида суғориш ишларини яхшилаш мақсадида бир қанча сув омборлари ва кўплаб каналлар қазилган. Буларга Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Андижон сув омбори бўйларида ҳам аҳолининг дам олиши учун яхши имкониятлар вужудга келган. Шунингдек водийдаги Қурбон кўли ҳам нафақат водий аҳолисининг, балки, Марказий Осиёдаги кўплаб кишиларнинг севимли дам оладиган масканларидан бирidir.

Шу билан бирга Фарғона водийсида маданий тарихий рекреация ресурслари ҳам анчагина. Бундай жойларга тарихий археологик топилмалар, меъморчилик ва санъат ёдгорликларини киритиш мумкин. Бизгача сақланиб қолган бир қанча меъморчилик ёдгорликларини кўпчилиги 16-19 асрларда бунёд этилган. Буларга Мадрасаи Мир номи билан машҳур бўлган Норбўтабий мадрасаси, Хон хобхоналари ансамбли – Даҳмаи Шохон, Ҳудоёрхон саройи, Хўжа мағиз мазори, Қипчоқ масжиди ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, миллий услубда бунёд этилган обидаларни Кўқон,

Риштон, Кува каби шаҳарларда кўриш мумкин. Риштонда авлоддан авлодга ўтиб келувчи кулолчилик санъати, Чустда дўппидўзлик ва темирчилик, Марғилонда атлас тўқиш асрлар давомида ривожланиб келган ва улар асосида бир қатор корхоналар вужудга келган.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий соҳалар билан бир қаторда ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантириш бўйича кўплаб чора - тадбирлар ишлаб чиқилган.

Фарғона водийсидаги табиий рекреация ресурслари билан бир қаторда маданий тарихий рекреация ресурслари ва миллий хунармандчиликнинг ўзига хос турлари минтақанинг туристик имкониятини янада оширади. Ҳозирда бу ерга келадиган сайёҳлар таркибида маҳаллий сайёҳларни улуши катта. Кейинги вақтларда туристик хизмат кўрсатиш ва инфратузилманинг яхшиланиб бориши натижасида минтақага келадиган сайёҳлар сонининг ортиб бориши кузатилмоқда.

З.А.Абдиева, З.Каримова

Навоий Давлат педагогика институти

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИҲ РИВОЖЛАНИШИДА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАРИНИҲ АҲАМИЯТИ

Маълумки, Ўрта Осиёдаги шаҳарлар сувга яқин бўлган дарё водийларида, савдо-сотикқа қулай бўлган карвон йўлларига яқин жойларда ҳамда табиий бойликлар заминда пайдо бўлган, ривожланган. Навоий, Кармана, Қизилтепа, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари юқорида кўрсатилган омиллар таъсирида вужудга келган ва ривожланган.

Кармана ва Қизилтепа шаҳарлари шурулар даврида, яъни 1979 йил 6 ноябрда шаҳар мақомини олишига қарамай, қадимдан карвон йўллари устида ривожланган. Бу шаҳарларда ҳам, бошқа йирик шаҳарлар сингари, карвонсаройлар қурилган. XVI-XVII асрларга келиб, денгиз йўлларининг очилиши ва «Буюк ипак йўли»нинг инқирозга учраши бутун Ўрта Осиёдаги шаҳарлари каби Кармана ва Қизилтепа шаҳарларининг ҳам ривожланишини тўхтатиб қўйди.

Хоразм-Тошкент темир ва автомобиль йўлларининг қурилиши Кармана, Навоий, Қизилтепа шаҳарларини ривожланишида ижобий роль ўйнади. Айниқса, Навоий шаҳри ўзининг қисқа тарихида йирик саноат марказига айланди. Бунинг асосий сабабларидан бири иқтисодий-ижтимоий географик ўрнининг қулайлиги, темир ва автомобиль йўлларининг устида жойлашганлигидир. Навоий шаҳри қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан деярли тенг узоқликда жойлашган. Ҳар қандай вазиятда ҳам бундай шаҳар катта магистрал инфроструктурасида жойлашиши шарт ва унинг вужудга келиши бу районнинг халқ хўжалигини ривожланишида асосий омил бўлади.

Маъмурий жиҳатдан Навоий шаҳри Навоий вилоятининг маркази ҳисобланади. У вилоят маркази булиши билан бир қаторда бир қанча функцияларни ҳам бажаради. Биринчи навбатда шаҳар йирик индустрлашган саноат маркази ҳамда вилоятдаги саноат тугунларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида «таянч» марказ ҳисобланади. Шаҳарда 214 та саноат корхонаси бўлиб, бу ерда юзга яқин маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, шаҳарда иккита олий укув юрти – Навоий Давлат педагогика институти ва Навоий Давлат кончилик институти, 4 та коллеж, 19 та мактаб мавжуд.

Қизилтепа ва Кармана шаҳарлари, иқтисодий ва ижтимоий шароитнинг қулайлигига қарамай, катта шаҳарлар таъриси доирасида бўлганлиги учун ҳозирги пайтда деярли ривожланаётгани йўқ.

Кармана шахри 2003 йил Навоий шахри таркибидан ажралиб чиқди. Бу ерда жами 395 та корхоналар мавжуд, шундан саноатда 31 та, қишлоқ хўжалигида 16 та, транспорт ва алоқада 9 та, қурилишда 42 та, умумий савдода 201 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар аҳолисининг аксарияти вилоят марказидаги саноат корхоналарида ишлайди. Карманада туман қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаш корхоналари, гишт заводи, пиллакашлик корхонаси ва бир қанча енгил саноат корхоналари ишлаб турибди. Бу ерда озиқ-овқат саноатига қарашли қандолат маҳсулотлари, ун ва ун маҳсулотлари, сут маҳсулотлари каби корхоналар ишлаб турибди. Шаҳарда қадимда ва ҳозирда кам хунармандчилик ривожланган.

Қизилтепа Навоий шаҳридан 30 км, Бухоро шаҳридан 65 км масофада жойлашган. 1970 йилнинг 24 декабрида бошлаб Қизилтепа тумани ташкил топди. Қизилтепа 1979 йилнинг 6 ноябрида туманга буйсинувчи шаҳар мақомини олди. Қизилтепа вилоятдаги аҳоли сони энг кам шаҳар бўлишига қарамасдан, у йирик қишлоқ хўжалиги туманининг марказидир. Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналарини қуриш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда бу ерда йирик пахта тозалаш заводи ишлаб турибди. Шаҳар аҳолиси 2005 йилда 12080 кишини ташкил этади, унинг аҳолиси асосан табиий кўпайиш асосида ортмоқда.

Шаҳарда саноат корхоналари жуда кам, экологик ҳолати ҳам яхши эмас, яъниқса ер ости сувлари ичишга яроқсиз. Айним вақтда шаҳар атрофида аҳолининг зич жойлашганлиги ва меҳнат ресурсларининг кўплиги, унинг иқтисодий ривожланишига шароит яратади. Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари Қизилқум бағридаги табиий бойликларини ўзлаштиришда таянч нуқта ролини бажаради. Зарафшон шаҳри Марказий Қизилқум саҳросида қад кўтарган бўлиб, жуда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шаҳар асосан олтин қазиб олишга ихтисослашган. Геологларнинг таъкидлашича, бу худудда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча минераллар мавжуд.

1972 йил 20 июлда Зарафшон вилоят аҳамиятига эга бўлган шаҳар мақомига сазовор бўлади. У жуда тез суръатларда Петербург ва Украина ишчи-муҳандислари, шаҳарсозлаш томонидан қурилди, 300 км масофада автомобиль ва темир йўллар ишга туширилди. Зарафшон шаҳри Навоий ГРЭСи ишлаб чиқарган электр энергия билан таъминланди.

Шаҳарда чет мамлакатлар билан биргаликда очилаётган қўшма корхоналар йилдан-йилга купайомқда. Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон геология кўмитаси ҳамда АҚШнинг «Ньюмонт-Майнинг корпорейшн» корхоналари ҳамкорлигида 1993 йилда ташкил этилган. Олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон – АҚШ «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 1995 йилнинг май ойидан маҳсулот ишлаб чиқара бошланди. Бу ерда замонавий технология тадбиқ этилиши туфайли олтиннинг «софлик даражаси тўртта тўққизга» етди. Асл металл ёмбилари бозорининг Лондон уюшмаси Навоий олтин саралаш заводида “Энг маъқул маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона” мақомини беради.

Зарафшон шаҳрида жами 353 та корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 56 таси саноат, 14 таси қишлоқ хўжалигига боғлиқ; 14 таси транспорт алоқаси, 35 таси қурилиш ва 120 таси умумий савдо корхоналаридир. Чет эл билан ҳамкорликда 5 та корхона бунёд этилган.

Учқудуқ шаҳри ҳам Зарафшон каби “ресурс” шаҳардир. Хўжаликнинг асосий тармоғи тоғ-кон саноати хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқдир. Бу шаҳарда уран рудасини қайта ишлаш корхоналари ва шу корхонага керакли хом ашё, яъни сульфат кислота ишлаб чиқарадиган завод ҳам қурилган. Шаҳарда 24,1 минг киши яшайди.

Учқудуқ кундан-кунга кўркамлашиб бораётган шаҳардир. Шаҳарда умумий 256 та корхоан мавжуд бўлиб, шундан саноатда 16 та, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ 16

та, транспорт-алоқада 1та, қурилишда 10 та, умумий савдода 53 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

М.Эгамбердиева, Б.Қўчқоров
Ўзбекистон Миллий университети
ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ САНОАТИ ВА ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИ

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакатимиз миллий иқтисодиётини худудий ва таркибий такомиллаштириш, шунингдек, шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳлаш катта аҳамиятга эга. Зеро, шаҳарлар ривожланиши, урбанизация жараёни геоэкологик муаммоларни ўрганиш республикамиз миллий иқтисодиётининг асосий вазифаларидан саналади. Шу нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент вилоятининг саноат шаҳарларини ривожланиш хусусиятлари ва мавжуд муаммоларини атрофлича тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тошкент вилояти шаҳарларининг вужудга келиши ва шаклланиш жараёни ўзига хос хусусиятга эга. Вилоят ташкил топган дастлабки йилларда ушбу худудда атиги тўртта шаҳар (Чирчиқ, Янгийўл, Олмазор, Искандар) бор эди. 1951 йилга келиб эса уларнинг қаторига йирик саноат маркази - Олмалик шаҳри қўшилди.

Олмалик Тошкент вилоятида саноат тараққиёти жиҳатидан муҳим ўрин тугувчи шаҳарлардан ҳисобланади. Мазкур шаҳар иқтисодий районнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, табиий бойликларни ишга солиш натижасида вужудга келган. Шаҳар денгиз сатҳидан 600-650 м. баландликда, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Таҳлил этилаётган худуднинг пойтахтга яқинлиги, йирик саноат маркази Ангрен шаҳри билан қўшничилиги, қулай энергетика ва транспорт тизимига эга эканлиги унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Олмалик ер ости бойликларининг кўплиги билан вилоятнинг Чирчиқ ва Бекабод шаҳарларидан фарқ қилади. Мазкур худудга яқин бўлган жойларда рангли металлургия саноатининг йирик захиралари топилган. Ушбу худудда аниқланган табиий бойликлар Олмалик тоғ металлургия комбинати (ОТМК) учун хом ашё вазифасини ўтайди.

Олмалик шаҳри функционал хусусиятига кўра кўп тармоқли саноат маркази саналади. Бу ерда асосан рангли металлургия, кимё, қурилиш, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Мамлакатимизнинг рангли металга бўлга эҳтиёжини қондириш мақсадида 1949 йилда Қурама тоғларидан топилган бой полиметалл рудалари асосида йирик Олмалик тоғ металлургия комбинати қурилиш ишлари бошланди. Шқозирда унинг таркибида 22 та ёрдамчи цех ва корхоналар мавжуд. Бугунги кунда комбинат рудаларни қайта ишлаш натижасида мис, рух, кадмий, олтин, олтингугурт кислотаси, мис-молибден концентрати ва шунга ўхшаш ўн уч хил турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариб, экспорт қилмоқда.

Шаҳар саноат негизини ташкил этувчи мазкур комбинат жорий йилда 21779,2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда, барча саноат маҳсулотларининг 90 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келди. Комбинатнинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина кон рудаларини портлатувчи (эмульцияли) моддалар ишлаб чиқариш натижасида бу қимматбаҳо маҳсулотнинг четдан келтирилишига чек қўйилди. Шаҳарнинг иккинчи йирик саноат корхонаси «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади. 2004 йилда бу корхона 1905,4 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бугунги кунда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотлар, хусусан, қўшма корхоналарнинг ҳиссаси катта. Шқозирги кунда Олмаликда АҚШ, Покистон, Болгария, Россия каби

йирик давлатлар билан ташкил қилинган ўндан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг йириклари «Паллада Восток», «Турон NSI», «Поёндоз» ва бошқалар ҳисобланади. Жумладан, «Паллада Восток» корхонаси 2004 йилда истемолчиларга 272,0 минг сўмлик кундалик эҳтиёж молллари етказиб берди.

Хорижий инвестицияли корхоналарнинг экспорт ҳажми ҳам шунга мос ҳолда 933,5 минг АҚШ долларини ташкил этди. Мазкур рақам экспорт ҳажмининг ўтган йилга нисбатан 104,3 фоизга ўсганлигини кўрсатади. Шу жиҳатдан қараганда, бу ерда инвестиция муҳити ва шароитига ижобий баҳо берилса бўлади. Бироқ, кейинги йилларда шаҳардаги кўплаб саноат корхоналарининг атроф муҳитга таъсири сезиларли даражада ортиб бораётгани, айниқса, ачинарли ҳол.

Расмий маълумотларга кўра, биргина Олмалиқ тоғ металлургия комбинати саноат объектларини атмосферага чиқараётган захарли моддалари ўнлаб тоннага етади. Унинг асосий қисмини газсимон ва суюқ моддалар ташкил этган. Шунингдек, ушбу саноат мажмуида чиқинди сифатида ташланаётган жинслар ҳажми 1,5 минг гектар майдонни эгаллаган. Саноат корхоналаридан чиқаяётган захарли чиқиндилар атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ ҳамда инсон соғлиғига хавфли даражада таъсир қилмоқда. Айниқса олингурут ангидрити, углерод оксиди, азот оксиди ва бошқа қатор ингредиентларининг рухсат этилган меъёрдан ортиб кетиши кузатилмоқда. Шу боис, шаҳар саноатини ривожлантириш билан биргаликда, экологик хавфсиз бўлган ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

А.Самторов

Термиз Давлат университети

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНING ЎСИШИ ВА УНИING ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатнинг ижтимоий салоҳияти аҳоли сони ва унинг ривожланиши билан белгиланади. Бу борада республикамиз жанубий вилояти ҳисобланган Сурхондарё ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур вилоятда республика аҳолисининг 7,2 фоизи истикомат этган ҳолда, умумий аҳоли сони 2005 йил маълумоти бўйича, 1897,6 минг кишини ташкил этмоқда, шундан 80,3 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келади.

Тадқиқот объектининг аҳолиси кўп йиллардан бери бир қатор табиий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа омиллар таъсирида турлича ўсиш кўрсаткичларини намоён этган. Аммо, барча йилларда ҳам Сурхондарё вилояти аҳоли сонида доимо юқори суръатдаги ўсиш кўрсаткичлари кузатилган. Масалан, 1979 ва 1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати оралиғида аҳолининг умумий сони 359,1 минг кишига ошган ёки 140 фоизга тенг бўлган (ўртача йиллик кўпайиши 3,45 фоиз) бундай юқори ўсиш кўрсаткичи кейинги йилларда ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, охириги аҳоли рўйхати маълумотида (1989 йил) минтақа аҳолисининг сони 1253,8 минг киши бўлган. Орадан ўтган ўн йил давомида бу кўрсаткичга 448 минг (1999 йил) киши келиб қўшилди. Унинг ўсиш суръати 135,7 фоиз, ўртача йиллик кўпайиш 3,15 фоизни ташкил этди.

Сурхондарё вилояти умумий аҳоли сонида қишлоқ аҳолиси барча даврларда ҳам устун бўлган ва тезлик билан ўсиб борган. Республикамиз бошқа вилоятларига нисбатан ушбу ҳудудда урбанизация даражаси энг паст бўлиб, шаҳар аҳолиси йилига атиги 4 минг кишидан ошиб бормоқда. Ваҳоланки, бу рақам қишлоқ аҳолисида 5 бараварга ортиқдир. Охириги 2004-2005 йилда вилоят умумий аҳолиси 101,6 фоизга ўсган бўлса, шу даврда қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръати 102,0 фоизга тенг бўлган.

Аҳоли сонининг йилдан-йилга ошиб боришида табиий кўпайиши ҳиссаси минтақа демографик вазиятида сезиларли рол ўйнайди. Дарҳақиқат, Сурхондарё вилоятида табиий кўпайиш коэффициенти республика ўртача даражасидан анча юқори.

Қолаверса, Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолиси ўсиш суръатига кўра ҳам кўп йиллар давомида энг юқори кўрсаткичини сақлаб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Минтақа аҳолисининг кўпайишида ундаги мавжуд туманлар аҳолиси алоҳида ўрин тутади. Жумладан, вилоят қишлоқ аҳолиси туманлар миқёсида турлича тақсимланган. Масалан, Денов тумани демографик салоҳиятига кўра етакчи ҳисобланади. Туман аҳолиси 284,2 минг кишига тенг бўлиб, унинг 74,7 фоизи қишлоқ жойлари тўғри келади. Жами вилоят қишлоқ аҳолисининг 14,1 фоизи тўпланган ушбу ҳудуд қишлоқ аҳолиси бўйича салмоқли биринчи ўринни эгаллайди.

Сурхондарё вилояти қишлоқ жойлар демографик вазиятига баҳо берар эканмиз, туманларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Қишлоқ аҳолиси салмоғи умумий вилоят қишлоқ аҳолисининг 2-6 фоизини ташкил этган туманлар. Ушбу гуруҳга кирувчи туманлар сони 5 та бўлиб, уларга Бандихон, Бойсун, Қизирик, Ангор ва Термиз киради. Мазкур гуруҳга вилоятнинг 21,7 фоиз қишлоқ аҳолиси тўғри келади.

2. Вилоят қишлоқ аҳолисининг 64,1 фоизини ўзида мужассам этган Музрабод, Шеробод, Олтинсой, Узун, Шўрчи, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Сариосиё туманларининг ҳар бирида минтақа аҳолисининг 6-10 фоизи тўғри келади.

3. Мазкур гуруҳга фақат Денов тумани тааллуқли бўлиб, унда Сурхондарё аҳолисининг 1/10 қисмидан кўпроғи яшайди.

Бу тарзда гуруҳлаш вилоят қишлоқ аҳолиси таркибида туманларнинг тутган вазиятини белгилаб беради. Гуруҳлаш натижаларидан маълумки, ўрта бўғинга кирувчи туманлар миқдорий жиҳатдан кўп сонлидир ва уларнинг демографик салоҳиятини келажакда ўсиб бориш эҳтимоли йўқ эмас.

Сурхондарё вилояти қишлоқ аҳолисининг миқдорий ўзгаришлари турли туманларда ўзига хос хусусиятга эга. Чунончи, 1989-2004 йилларда Денов аҳолиси 72,2 минг кишига, Жарқўрғон туманида 47,6 минг, Қумқўрғонда 42,8 минг кишига кўпайган. Айни давр оралиғида Бойсун (8,8 минг киши), Ангор (12 минг киши) ҳамда Термиз туманларида (24,1 минг киши) қишлоқ аҳолиси ўсиши нисбатан паст бўлган.

Ўрганишлар натижасидан шу нарса маълумки, вилоят аҳолиси ўсиши ва унинг ҳудудий хусусиятларида табиий ўсишнинг ҳамон юқори даражада сақланиб келинаётганлиги кузатилади. Аҳолининг жадал ортишида ташқи миграция ролининг камлиги, урбанизация суръатининг пастлиги каби омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Бу эса вилоятда, айниқса унинг қишлоқ жойларида қатор ижтимоий-иқтисодий масалаларга эътибор зарарлигини англатади. Айниқса, бу борада қишлоқ жойларда таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, аҳолига, унинг ёш-жинс таркибидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ривожлантириш, турли аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, мавжуд меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал этиш муҳимдир.

А.Мавлонов, А.Қодиров

Бухоро Давлат университети

Бухоро вилояти кичик шаҳарларининг ривожланиши

Ўзбекистон шаҳарлар иерархиясига назар солсак, унинг деярли 2/3 қисмини кичик шаҳарлар (аҳолиси 20 минг кишигача) ташкил этганлигини кўраемиз. Ушбу ҳолат республиканинг барча минтақалари, жумладан Бухоро вилояти учун ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги кунда Бухорода 13 та шаҳар манзилгоҳи бўлиб, у бу жиҳатдан мамлакатда кўшни Навоий вилояти билан биргаликда 10-ўринда туради. Агар Бухоро вилоятининг 1938 йилда, Навоийнинг эса 1982 йилда ташкил топганлигига эътибор берадиган бўлсак, Бухорода шаҳарлар тўртининг шаклланиш жараёнининг нисбатан сушт

кечганлигини гувоҳи бўламыз. Бунинг устига вилоятимиздаги шаҳарлар тўрини асосий қисми кичик шаҳарлардан иборат. Айна пайтда Бухоро вилоятида 9 та кичик шаҳар бўлиб, улар жами шаҳар манзилгоҳларининг 69,2 фоизини ҳосил қилади.

1-жадвал

Бухоро вилояти кичик шаҳарларида аҳоли сонининг динамикаси

т/р	Шаҳар манзилгоҳларининг номи	Ташкил топган йили	Аҳолиси, минг киши			
			2000	2002	2003	2004
	Вобкент	1981	14,8	15,2	15,4	15,6
	Газли	1977	8,9	8,8	8,5	8,5
	Галаосиё	1982	10,3	10,7	10,9	10,9
	Жондор*	1981	7,6	7,7	7,8	7,8
	Зафаробод*	1984	5,5	5,5	5,4	5,4
	Олот	1982	11,8	12,1	12,3	12,5
	Ромитан	1981	11,1	11,5	11,8	11,8
	Шофиркон	1995	12,4	12,7	13,0	13,2
	Қоровулбозор	1981	9,6	9,9	9,9	9,6
	Жами:		92,4	94,1	95,0	95,3

Изоҳ:* шаҳарчалар

Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Гарчи кичик шаҳарларнинг сони кўп бўлсада, уларни демографик салоҳияти нисбатан паст (1-жадвал). Шунинг учун мазкур тоифани вилоят шаҳар аҳолисидаги улуши ҳам кам. 2004 йил 1 январь маълумоти бўйича, Бухоро вилояти шаҳарларида 446,9 минг киши яшаб, шунинг 21,4 фоизи (95,3 минг) кичик шаҳарларга тўғри келган.

Бухоро вилояти иқтисодиётининг асосан қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноатига ихтисослашганлиги бу ерда кичик шаҳарлар тўрини бирмунча ривожланишига олиб келган. Дарҳақиқат, вилоятдаги кичик шаҳарларнинг деярли барчаси (Газли ва Зафарободдан ташқари) қишлоқ туманларининг марказлари бўлиб, улар агроиндустриал йўналишга эга, яъни бу шаҳарларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналари жойлашган. Жумладан, Галаосиё, Вобкент, Ромитан, Шофирконда пахта тозалаш, Жондор ва Вобкентда консерва заводлари, Олот ва Вобкентда тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб турибди. Аммо юқорида айтиб ўтилган саноат корхоналарининг минтақа иқтисодиётидаги мавқеи катта эмас.

Шу билан бирга минтақа кичик шаҳарларида шундай корхоналар борки, улар нафақат вилоят, балки Ўзбекистон саноатида ҳам муҳим ўрин тутди. Бундай корхоналар сирасига Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг киритиш мумкин. Йиллик лойиҳа қуввати 5 млн.т. бўлган ушбу заводни биринчи навбати 1997 йил августда ишга тушди ва Қоровулбозор мамлакатнинг энг йирик ўсиш қутбларидан бирига айланди (Янчук, 2002). Мазкур корхонани ишга тушиши фақатгина Бухоро вилояти учун эмас, қолаверса, бутун республикада ҳам катта иқтисодий самарадорликка эга. Чунки, Ўзбекистоннинг нефт мустақиллигини таъминлашда Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводининг ўрни беқиёсдир. Шунингдек, бу корхонанинг қурилиши Қоровулбозорни вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришидаги улушини тез ўсишига олиб келди. Ҳозирда Бухоро вилояти саноат маҳсулотининг 34,5 фоизи Қоровулбозор ҳиссасига тўғри келаяпти. Яқин келажакда эса унинг янада ривожланиб, Ўзбекистон Республикасининг йирик саноат марказларидан бирига айланиши шак-шубҳасидир.

Бухоро вилояти кичик шаҳарлари орасида Газлининг ривожланиши ўзига хос. Шаҳарнинг вужудга келиш тарихи Қоровулбозорга ўхшаш. Иккала шаҳар ҳам дастлаб

нефть ва газ қонларининг топилиши билан ташкил топган (1958 й.). Қазилма бойликлар асосида шаклланган бундай шаҳарларни илмий адабиётларда «ресурс шаҳарлар» деб юритишади. Бухоро вилоятида ресурс шаҳарларга типик мисол Газли ва Зафарободдир. Ресурс шаҳарларнинг келажакдаги ривожланиши ўша жойдаги табиий ресурслар билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада Газли шаҳрининг имкониятларини яхши деб бўлмайди, чунки у ерда қазиб олинаётган табиий газ захираси йил сайин камайиб бормоқда. Агар собиқ Иттифоқнинг сўнгги йилларида Газли ва уни атрофидаги қонлардан 35 млрд.м³ табиий газ қазиб олинган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 1млрд.м³ни ташкил этаяпти. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ Газлида ижтимоий-иқтисодий тараққиётни секинлашганлигидан далолат беради.

Алоҳида қайд этиш жоизки, вилоятдаги кичик шаҳарларининг аксариятини ривожланиши, юқорида таъкидлаганимиздек, агроиндустриал йўналишга эга. Бундай шаҳарларнинг энг муҳим хусусияти – уларнинг қишлоқ жойларига яқинлиги ва меҳнат ресурсларининг кўплигидир. Шу боис кичик шаҳарларда хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни қуриш яхши самара беради. Бунинг учун эса бу жойларда хом ашё ва ишчи кучи етарли. Ҳозирги вақтда вилоятнинг айрим кичик шаҳарларида қўшма корхоналар ташкил этилган. Улар жумласига Вобкентдаги «Мидитекс», Ромитандаги «Трансфрукт» кабилар киради. Келажакда ана шундай қўшма корхоналар сонини кўпайтиришга, мавжудларида эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эътибор қаратиш зарур. Корхоналар иқтисодий самарадорлигининг ўсиши эса, ўз навбатида, шаҳарлар ривожланишига ҳамда иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг яшиланишига олиб келади.

Д.А.Айтжанова

Институт экономики МОН РК

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ РЕАБИЛИТАЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИ КРИЗИСНЫХ РЕГИОНОВ КАЗАХСТАНА

Принципы экологической политики Казахстана должны ориентироваться, во-первых, на развитие экономических методов регулирования управления отходами и, во-вторых, на расширение прав областных и местных органов власти при решении региональных проблем природопользования. Действие региональной системы регулирования природопользования (РСРП) предусматривается для условий определенной таксонометрической единицы экологического районирования – региона / области. Принципы регионализации природопользования базируются на анализе и оценке экологической ситуации в регионах. Оценка экологической ситуации в регионах проводилась исходя из их фактического экологического состояния и уровня экономического развития. Согласно данной методике регионы страны дифференцировались по категориям: условно благополучные в экологическом отношении, предкризисные и кризисные.

Необходимость решения региональных экологических проблем страны обуславливает разработку программы реабилитации экологической ситуации (ПРЭС) на местах. При этом к основным направлениям ПРЭС относятся: 1) решение вопроса о реструктуризации региональной экономики – в частности, это касается главных ресурсодобывающих регионов страны (старопромышленных центров); речь идет о снижении техногенной нагрузки на биосферу регионов; 2) реконструкция действующих предприятий и производств минерально-сырьевого сектора с целью внедрения чистых технологий; 3) разработка подпрограммы по ликвидации исторических загрязнений в регионах, включающей: оценку накопленных объемов отходов горнопромышленного производства (исторических загрязнений); оценку техногенного воздействия горного

производства на качество жизни в регионах; учет кумулятивного эффекта воздействия на биосреду регионов исторических и современных загрязнений; 4) для экологически кризисных регионов страны должна быть разработана поэтапная программа выхода из кризиса, ликвидации экологических последствий, восстановления воспроизводственного потенциала экосистем территорий; 5) для кризисных регионов должна быть разработана превентивная стратегия предотвращения загрязнений с целью недопущения экологически кризисного состояния; 6) для условно благополучных регионов важным является постоянный мониторинг за качеством состояния ОС, соблюдение экологических нормативов и нормативных параметров качества жизни населения.

"Бандлик" дастурига асосан 2001 йилда 32480 та, 2002 йилда 31819 та ва 2003 йилда 34736 та янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг 72.0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Янги иш ўринларини тузишга иқтисодиётнинг тадбиркорлик соҳаси катта ҳисса қўшди. Иш билан банд аҳоли сонининг ўсиш суръатларининг ярмидан кўпроғи (52,2 фоиз) моддий ишлаб чиқаришга тўғри келмоқда. Қишлоқларда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш орқали ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашни яхшилаш мумкин. Бу иқтисодий ривожланган мамлакатларда аллақачон исбот қилинган ҳол. Бозор муносабатларига асосланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган.

Бизнинг мамлакатимизда, шу жумладан, Андижон вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш чора-тадбирлари деҳқон-фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди. Бу эса тезда ўз самарасини бера бошлади. Улар ҳисобига жами етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг жуда катта қисми тўғри келмоқда. Ҳозирга келиб республикада ишлаб чиқарилаётган асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан пахтанинг 12,0 фоизи, доннинг 67,0 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари улушига тўғри келади. 2003 йилда деҳқон-фермер хўжаликларида 367 минг тонна дон, шундан 356 минг тонна буғдой, 11 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна полиз маҳсулотлари, деярли 6 минг тонна узум етиштирилди. Бу борада Андижон вилоятида ҳам сезиларли муваффақиятларга эришилди. Андижон вилояти фермер хўжаликлари 2003 йилда 71,2 минг т. дон, 36,7 минг т. пахта, 0,53 минг т. картошка, 5,6 минг т. сабзавот, 3,1 минг т. мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Бу албатта республика ва вилоят аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси масаласини ҳал этишда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга деҳқон-фермер хўжалиklarининг ривожланиши меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, деҳқон-фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарни ташкил этиш ишларини жадаллаштириш республика ва унинг вилоятларида мавжуд меҳнат ресурсларини

хамда қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшаётган ишчи кучини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Ҳисоб-китобларга кўра 500 литр сутни қайта ишловчи кичик корхона (цех) да 30 киши ишлаши мумкин. Мана шу меъёрларга асосланган ҳолда, вилоят деҳқон-фермер хўжаликларида бир йилда тайёрланган сут маҳсулотини қайта ишлаш учун нечта цех қуриш ва уларда қанча ишчи ўринлари яратиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоб-китобларга кўра вилоят фермер хўжаликларида бир йилда ўрта ҳисобда 124 минг литр сут тайёрланади. Унинг бир қисми савдо шахобчалари орқали сотилади, қолган қисмини эса қайта ишлаш мумкин бўлади. Демак, 41 минг литр сутни қайта ишлаш керак бўлади. Меъёр бўйича бир кичик корхона қуввати 500 литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, 41 минг литр сутни қайта ишлаш учун 82 та кичик корхона қуриш керак бўлади.

Меъёрдаги қувватдан фойдаланиш учун кичик корхонада 30 киши ишлайдиган бўлса, шу йўл билан 2460 та иш ўрни яратиш мумкин бўлади. Бу дегани 2460 киши иш билан таъминланади. Худди шу усулда вилоят деҳқон-фермер хўжаликларида етиштирилган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун нечта кичик корхона (цех) қуриш ва уларда нечта иш ўринлари ташкил этиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқса бўлади. Ҳисоб-китоблар натижасида фақатгина вилоят деҳқон-фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш йўли билан янги ишчи ўринларини яратиш, 5000 кишини иш билан таъминлаш имконини бериши аниқланди.

Бундан ташқари вилоятда мавжуд корхоналарни қайта таъмирлаш, тугалланмаган ишлаб чиқариш объектларини қуриб битказиш, тўла қувват билан ишламаётган корхоналар қувватларидан фойдаланишни маромига етказиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳамда вилоятда ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг асосий йналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Вилоят меҳнат бозоридаги вазиятни янада кескинлашиб кетмаслигини олдини олишнинг асосий йўналишларидан яна бири, юқорида таъкидланганидек, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бундай меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганларга кенг йўл очиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Маълумки, республика ва вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида яшайдилар. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида фаровон турмуш кечириш учун барча шароитларни яратиш ислохотларнинг устивор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги бежиз эмас. Ҳеч кимга сир эмас, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ниҳоятда паст эканлигининг асосий сабабларидан бири бу соҳада ортиқча ишчи кучини мавжудлигидир. Демак, самарадорликни ошириш ва меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтариш йўлларида бири бу соҳадаги ортиқча ишчи кучини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимлашдан иборатдир. Республикада ва унинг вилоятларида бу ишни амалга ошириш мавжуд жамоа ва давлат хўжаликларини ширкат, деҳқон-фермер хўжаликларига айлантиришдан бошланди. Натижада, соҳада банд бўлган ортиқча ишчи кучи ишдан бўшатила бошланди ҳамда Андижон вилоятида шундай тадбирларни амалга ошириш натижасида 48 минг кишини ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимлаш зарур бўлди. Бу вилоят иқтисодиётида банд бўлганларнинг деярли 6 фоизини ташкил этади. Албатта, ишлаб чиқаришдан шунча ишчи кучини қисқартирилиши меҳнат бозоридаги вазиятни кескинлаштириши шубҳасиздир.

Шу ўринда вилоят қишлоқ хўжалигидан бўшатилаётган 48 минг кишини мавжуд кичик корхоналарга ишга жойлаштириб, муаммони ҳал этиш мумкинку, деган савол туғилиши мумкин. Мана шу саволга жавоб тариқасида республика ва унинг

вилоятларидаги меҳнат бозорининг хусусиятига эътибор бериш зарур. Вилоятнинг қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида ишсизлик миқёсларининг анча кенглигига, яъни, улар сонининг кўплигига қарамасдан, мавжуд корхоналарнинг ишчи кучига бўлган талаблари қондирилмаяпти. Чунки ишчи кучига бўлган талаб ва унинг таклифи ўртасида касбий ва ҳудудий номутоносиблик мавжуд.

Қишлоқ меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлаш, янги ишчи ўринлари барпо этиш масалаларини ҳал этишда биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшатилаётган ишчи кучининг таркибини ўрганиш (уларнинг ёши, жинси, малакаси, маълумоти, сафарбарлик даражаси, бошқа соҳаларда ишлашга бўлган иштиёқи) алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг таркибини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидан бўшатиладиган ишчи кучини иқтисодиётнинг асосий етакчи тармоғи бўлган саноатнинг қайси тармоқларини ривожлантириш мумкинлиги ҳамда қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида маълум бир соҳани ривожлантириш учун қандай имкониятлар мавжудлиги, янги ишчи ўринларида самарали меҳнат қилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқара оладиган малакали ишчи ходимларни тайёрлаш каби масалаларга асосий эътиборни қаратиш керак.

Э.Ахмедов, Ҳ.Хидирова

Ўзбекистон Миллий университети ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Музейлар – тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи, илмий маърифий муассасалар бўлиб, юнунча “musion” – музаларга бағишланган жой –деган маънони билдиради. Музейлар бизга тарихий воқеалар сўзлайдиган моддий ва тасвирий нарсалар, санъат асарлари, ёзма манбаълар яъни қадимдан шу давргача бўлган қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китобларни ўз хазинасида сақлайди.

Музейларнинг пайдо бўлиши узоқ тарих билан боғлиқ. Музейларнинг пайдо бўлиши Европада уйғониш даврига тўғри келади; бу даврда ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, минераллар намунаси, илмий, этник, тарихий асарлар тўпланган музейлар булган.

Ўзбекистонда эса музейлар XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб ташкил этила бошланган. Ўша даврда Ўзбекистонда Тошкент ўлкашунослик музейи ҳозирги (Ўзбекистон тарихий музейи). Самарқанд халқ музейи, Фарғона халқ музейи бўлган. Уларда ўша вақтда экспозициялар жуда кам бўлган. Аста-секин музей фонди бойиб борди. Ҳозирги кунда юртимизда музейлар жуда кўп бўлиб, уларнинг энг йириглари: Ўзбекистон тарихий музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи.

Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи, Сурхондарё Археология музейи кабилардир.

Музейлар таълим-тарбия берадиган илмий маскандир. Музейни томоша қилаётган томошабин қалбида юртига, унинг тарихига мухаббат, фахр туйғулари, келажакка ишонч уйғонади. Айниқса улар аждодларидек ватанпарвар, бунёдкор, комил инсон бўлишга интиладилар.

Ўзбекистон музейларига жаҳоннинг ривожланган давлатлари АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, Россия ва бошқа давлатлар қизиқишмоқда. Шунинг учун ҳам музейларни ободонлаштириш ва фаолиятини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон республикаси Президентининг 1998 йил 12 январда “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 мартда “Музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида”ги 98-сонли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин музейларни қайта таъмирлаш, экспонатларни кўпайтириш, томошабинларни кўпроқ жалб этиш хорижий меҳмонларни қизиқтириш мақсадида ҳархил кўргазмалар ташкил этиш ишлари йўлга қўйилади.

Юқоридаги фармон ва қарор билан бирга 1999 йил 27 декабрдаги “Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги” Вазирлар Маҳкамасининг 545-сонли қарорлари асосида Термизда Ўрта Осиёда ягона бўлган Археология музейи ташкил этилди.

Музей “Алпомиш” мажмуи рўпарасида Шарқнинг нафис меъморчилик санъати анъаналарини ўзида акс этган беш гумбаз шаклида барпо этилди.

Термиз музейи ўзининг салоҳияти билан Санкт-Петербургдаги Давлат эрмитажи, Париждаги Лувр, Нью-Йоркдаги Метрополитен, Лондондаги Британия музейларига яқин туриши, экспонатларнинг жойлашуви ва томошабинларга тушунарли эканлиги жиҳатидан жаҳондаги энг яхши ўнта музейлардан биридир – дейди жаҳон қадимшунос олимлари.

Музей ташкил топгандан сўнг музей фондини экспонатлар билан бойитиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда Археология музейида жами экспонатлар сони 28330 тани ташкил этади. 8 мингдан ортиқ археологик ашёвий топилмалар, 19820 дан ортиқ турли давлатларга оид тангалар, Сурхондарёда бронза давридаёқ давлатчиликнинг шаклланганлигига гувоҳлик берувчи юлдузча шаклидаги ҳамда илон ва дарахт тасвири тушунтирилган муҳрлар, милоннинг икки юзинчи йилларида фил суягидан ясалган шахмат доналари мавжуд.

Президентимиз музей ҳақида “Археология музейи Ўзбекистон заминидан яшаётган ҳар қандай инсонга ўз юртининг тарихидан фахрланиш ғурурланишга Ўзбекистонимиз буюк келажагига ишонч уйғотишига хизмат қилади” деган эди.

Музейларнинг туризмдаги роли бекиёсдир. Буни Археология музейи мисолида таърифласак. Бу музей жаҳоннинг йирик археолог олимлари, тангашунослар, этнологиялари, диншуносларини ўзига жалб этади.

Музейдан илмий туризмда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари Далварзидан топилган ва музейда сақланаётган будда хайкаллари Японларда катта қизиқиш уйғотган. Умуман музейни кўриш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан, масалан: Франция, Япония, Арабистон, Корея, Ҳиндистон, Германия, Туркия, Россия, Италия, Испания, АҚШ дан саёҳатчилар, туристлар келишмоқда. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан ва вилоят туманларидан ҳам томошабинлар келишмоқда.

Бундан ташқари кўплаб илмий-тадқиқот ишларида қатнашиш, кўргазмалар ташкил этиш лозим. Тўғри 2002–2004 йилда Археология музейида халқимизнинг қадимий урф–одатларини миллий анъаналаримизни акс эттирувчи миллий зебузийнатлар кўргазмаси, тангалар бўйича кўргазмалар ташкил этилди, лекин келажакда кўргазмаларни кўпроқ ташкил этиб халқаро миқёсда ўтказиш лозим. Бу туристларни албатта ўзига жалб этади. Зеро музейларнинг халқаро майдонга чиқиши билан уларнинг таъсир доираси кенгайиб боради.

О.Э.Матчанова

**Тошкент Давлат Педагогика университети
ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИГА ХОС ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАР**

Ўзбекистон Республикаси ривожланган энергетика тизимига эга. Электр энергетиканинг ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқариш кучларини бозор муносабатларига мос ва хос холга келтиришда айниқса, уларни оқилона жойлаштириш жараёнида бекиёс тарзда ошади. Айнан, электр энергетика тармоғи ишлаб чиқариш кучлари

ривожланиши суръатларини, худудий жойлаштириш хусусиятларини, жумладан электр энергияни катта миқдорда истеъмолқилувчи тармоқлар географиясини белгилаб беради.

Электр энергетика ўз маҳсулоти-электр энергияни узоқ-узоқ масофаларга узатиш қобилиятига эгаллиги туфайли, барча тармоқларнинг худудий жойлашувига ва шаклига таъсир кўрсатади. Электр энергетика ишлаб чиқариш кучларини худудий ташкил этиш жараёнида етакчи ўринни эгаллайди. Бир хил шароитда, электр энергетика тармоғи ривожланган маъмурий худудий бўлақларда энергияни кўп истеъмол қилувчи жойда яхши ривожланган бўлади. Бундай ҳолат электроэнергетикада «ишлаб чиқариш» ва «истеъмол» ўртасида ўзига хос алоқадорлик ҳамда электр энергияни истеъмол қилишдаги ойлик ва мавсумий фарқларнинг мавжудлиги билан боғлангандир.

Электр энергетика тизимли тармоқ бўлиб, ўз навбатида халқ хўжалигида тизим ҳосил қилувчи вазифани бажаради.

Мамлакатда мавжуд барча турдаги электр станцияларда ўрнатилган қувватлар 11582,7 млн кВтни ташкил этди.

Республикада электр станцияларда ўрнатилган қувватларни катталиги бўйича Тошкент вилояти биринчи, Сирдарё вилояти иккинчи ва Тошкент шаҳри учинчи ўринларни эгаллайди.

Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳам юқори даражада ривожланган энергетика тизимларига эга. Хоразм, Андижон ва Фарғона вилоятларида мавжуд гидравлик ва ИЭСларида ўрнатилган қувватлар 150 минг кВтдан 335 минг кВт гача етди. Шу билан бирга Бухоро, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида электр станциялар барпо этилмаганлигини қайд этиб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистонда 1991-2004 йилларда мавжуд электр станцияларда ўрнатилган қувватлар 11262,2 млн кВтдан 11582,7 млн кВтга етди ёки 2,8 фоизга кўпайди. Электр энергетика тизими қувватларининг кўпайиши Тошкент вилояти ҳисобига амалга ошди. Тошкент вилоятида жойлашган Янги Ангрен ГРЭСининг қуввати 1994 йилда 1800 минг кВтдан 2000 йилда 2100 минг кВтга Чорвоқ ГЭСининг қуввати 1992 йилда 600 минг кВтдан 2001 йилда 620,5 минг кВтга етказилди.

Мамлакат маъмурий-худудий бўлақлари доирасида электр энергия ишлаб чиқариш билан уни истеъмол қилиш миқдори ўртасида маълум даражада номуносиблик мавжуд.

Жумладан, мамлакат доирасида йил давомида истеъмол қилинган электр энергия миқдори (15,8 фоиз) бўйича Тошкент вилояти электр тармоқлари етакчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни Навоий вилояти (11,9 фоиз), Тошкент шаҳри (11,6 фоиз), Қашқадарё (8,9 фоиз) вилояти ҳамда Фарғона (8,3 фоиз) вилояти электр тармоқлари эгаллайди.

Электр энергия миқдорини истеъмол қилишдаги фарқлар авваламбор, маъмурий-худудий бўлақлар ҳамда уларнинг тармоқлар таркибида мавжуд фарқлар билан боғлангандир.

Ёқилғи, рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари, машинасозлик тармоқлари юқори даражада ривожланган Тошкент ва Навоий вилоятлари, кимё ва нефткимёси, қурилиш материаллари, енгил саноати тармоқлари устун аҳамиятга эга бўлган Фарғона вилояти, газни қайта ишлаш ва бошқа саноат тармоқлари ривожланган Тошкент шаҳридаги тармоқларнинг электр энергияни кўп миқдорда истеъмол қилиши асослидир.

Шу вақтнинг ўзида Хоразм, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида саноатлашиш даражасининг пастлиги, тармоқларнинг сустривожланганлиги электр энергияни истеъмолини нисбатан паст миқдорда бўлишлигини белгилаб бермоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда қаерда кўп электр энергия ишлаб чиқарилса, худди ана шу худудларда унинг истеъмоли ҳам нисбатан катта миқдорга эга булмоқда. Мазкур қонуният Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларида ўзининг ифодасини топмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқаришни шу жумладан, электр энергетика тармоғининг юқори даражада концентрациялашганлиги билан ажралиб туради. Бунда, электроэнергетика тармоғи дастлабки даврларда ундурувчи тоғ-кон саноати учун зарур бўлган минерал хом ашё ресурсларига бой Тошкент ва Навоий вилоятларида ҳамда электр энергияни кўп истеъмол қилувчи машинасозлик, кимё ва нефткимёси, қурилиш материаллари саноати юқори даражада ривожланган Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларида катта қувватларга эга ҳолда барпо қилинганлигини таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Б.Х.Калонов, А.Т.Ҳайитов
Қарши Давлат университети
ҚАРШИ САЙЁҲЛАР НИГОҲИДА

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан аждодларимиздан қолган меросларни ўрганиш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилмоқда.

Бир неча асрлик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларининг юбилей тантаналари, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Мотрудий, Марғилоний, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур каби алломаларимизнинг юбилейлари нишонланди. Ўзбекистоннинг кўхна тарихи, қадимий маданий-маърифий ёдгорликлар орқали хорижлик сайёҳлар мамлакатимиз билан яқиндан танишишади. Шу ўринда хорижлик сайёҳларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда халқаро туризм соҳасининг ўрни бекиёсдир.

Юртимизда хорижликлар жуда қадимдан қизиқиб келишган, бу эса уларнинг ёзиб қолдирган асарлари эсталиклари орқали йиллар, асрлар ўтиб тарих мулкига айланди. Буларда Қашқа воҳаси шаҳар ва қишлоқлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Англиялик Александр Бёрнс “Бухорога сайёҳат” асарида: “Бизнинг Қаршида бўлишимиз, бу жойни кўздан кечириш имкониятини беради. Шаҳар бир миллик кенгликда ястаниб ётади. У каттакон бозорга ва 10 минг аҳолига эга. Уйларнинг ҳаммаси томи текис ёпилган, унинг шимолий-ғарбий қисмида тупроқ кўрғони булиб, мучал-сув қуйиладиган хандак билан ўраб олинган ва анчайин мустақилликни юзага келтирган. Бу жойдан эллик мил узоқликдан Шаҳар Сабз атрофларидан оқиб келадиган дарё Қаршининг шимол тарафидан ўтади ва аҳолининг сон-саноксиз боғлар яратиш, мевали дарахтлар, терак экиш имкониятларини беради. Ҳеч бир жойда тириклик суви бу қадар қадрли эмас, зеро усиз бу жой батамом саҳрога айланган булур эди. Дарё қирғоқларида ва унинг (арик) жилғаларидан ҳамма нарса ям-яшил ва гулга бурканган, шу билан бирга, бу жойдан унча олис бўлмаган ерлар саҳро қумликлари билан қопланган.

Қарши Бухоро мулкида пойтахтдан сўнг энг йирик аҳамиятга эга бўлган жой ҳисобланади. Бу воҳа йигирма милл кенгликни ташкил этади, дарё унинг барча далаларини суғоради” деб ёзади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Қарши иқтисодий жиҳатдан ўзини анча ўнглаб олган, ҳаёт кечира бошлаган. 1833-34 йилларда Бухорога татар муллasi Мирза Жаъфар номи билан келган П.И. Демзом амирликнинг маъмурий бўлиниши, ҳарбий қуввати, қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот беради. У Бухория ўн вилоятдан иборат деб айтади. 1. Қорақўл, 2. Бухоро, 3. Кармана, 4. Миёнқол ёки Каттақўрғон, 5. Самарқанд, 6. Жиззах, 7. Қарши, 8. Лабаб (Сабиб) Окс қирғоқлари, 9. Балх, 10.

Маймана. Мамлакатда 19 минг ёлланма аскар бўлиб, шулардан 12 минг Бухорода, 2500 Самарқандда, 2500 Қаршида, 1000 Майманада, 1000 Қоракўлда жойлашганлигини келтиради. Инглиз сайёҳи Бёрнс аҳоли сонига эътибор берса, рус тадқиқотчиси Демзонни ҳарбий кучлар қизиқтирган.

Шарқшунос П. С. Савельев 1835 йил Бухорода бўлганида унинг диққатини асосан йўллар жалб этади. Ҳирот савдо йўли Қаршининг ғарбидан ўтиб, Каркида Амударёга туташади. Кобул йўли ҳам Қаршидан ўтади ва Амударёда Ҳожи Салоҳ деган жой кечувбоп саналади.

К.Ф. Бутенов 1840 йиллар Қаршига келган, уни кўпроқ ер ости бойликлари, маъданлар, конлар қизиқтирган. Қаршидан наридаги тоғларда кўмир, учта туз кони унинг назаридан четда қолмаган. Айниқса, Қарши яқинидаги туз конидан сифатли туз олинишини, бошқа тузлар 5 фунт турса, Қарши тузи 6-8 фунтга сотилишини таъкидлаган.

Венгер шарқшуноси Герман Вамбери 1863 йилда Бухоро амирлигида бўлади. Қаршига Вамбери Самарқанд орқали келади. «Бухоро ёҳуд Муворауннаҳр тарихи» китобида «Самарқанддан Қаршига 3 та йўл боради: биринчиси энг узок Шаҳрисабз орқали, иккинчиси Жом орқали 15 миллга чўзилиб тоғ юртидан тошлоклардан ўтади, шу сабабли аравада юриш жуда қийин; учинчиси 18 милл узокликда чузилиб чўлдан ўтади». XIX аср иккинчи яримида Қаршини кўриб Вамбери шундай дейди: «Қаттиқ иссиқ туфайли жуда имиллаб юрдик ва йўлни икки куну-уч кечада босиб ўтдик. Қаршини текис кўтарилган бандликка етганда кўрдик. Бу жойнинг ўнг томонига кетган йўл катта кўрғонга олиб боради, анга Шарҳи Сабсдан чиққан ва Қарши адоғидаги кумликларда юқолган дарё кўринади». Г.Вамбери кўрсатишича, XIX аср ўрталарида Қаршида 10 та карвонсарой, жуда катта бозор бўлган. Агар сиёсий келишмовчиликлар бўлмаганда эди, бу бозор Кобул, Бухоро, Ҳинд ўртасидаги савдо тараққиётида жуда муҳим ўрин тутган бўлар эди.

«Қаршидаги аҳоли сони, менинг аниқлашимча, 25 мингга яқин боради, асосий қисми ўзбеклар. Улар Бухоро кўшинининг мағзини, унинг энг яхши қисмини ташкил этади. Бу жойда улардан ташқари тожиклар, ҳиндлар, афғонлар ва жухудлар ҳам яшайди. Жухудлар шаҳарга кириш имтиёздан фойдаланадилар, хонликнинг бошқа жойларида бу таъқиқланган». Вамбери Қаршида Европага хос, шарқда кам кузатиладиган ҳолат-дам олиш жойлари ҳақида шундай дейди: «Қаршида омма учун очик бўлган дам олиш жойини кўриб, тамомила ҳайратда қолдим. Буни нафақат Бухоро ва Самарқандда, хатто Эронда ҳам учратиб бўлмайди. У, дарё қирғоғида қулоч ёзган ва қаландархона деб аталадиган каттакон боғ эди. Унда (одамлар) пешиндан ярим кечага қадар жам бўладилар. Ҳар томондан чойхонада бўлиб, улар атрофида гуруҳ-гуруҳ одамлар йиғилдилар. Бу хушчакчақ даврадагилар кўриниши Ўрта Осиё бўйлаб сайёҳат қилувчилар учун ғалати, ғайритабиий бўлиб туюлади».

Қарши шаҳрининг XIX асрдаги манзараси, шу тариқа чет эл сайёҳлари, элчилари ёзиб қолдирган асарлардаги маълумотлар орқали бугунги авлодларга намоён бўлади.

Халқаро туризм мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида даромад манбаи ҳисобланиб, республикамизга чет эл валютасининг кириб келиши ва иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси таркибида «Қашқадарёсайёҳ» масъулияти чекланган жамият фаолият олиб бормоқда. Бу жамият вилоятимизга ташриф буюрадиган сайёҳларга кўҳна маданият ва тарихий-меъморий ёдгорликлар ва экотуризм билан таништиради.

«Қашқадарёсайёҳлик» масъулияти чекланган жамият (МУЖ) хизмат кўрсатишни уч йўналишда олиб боради:

1. Маҳаллий туризм. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби тарихий шаҳарлар қадимий ёдгорликлари ва зиёратгоҳларига сайёҳатлар уюштириш;

2. Чет эл туризми. Эрон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Ҳиндистон каби давлатларга сайёҳатлар уюштириш ва хорижлик сайёҳларни вилоятимизга таклиф этиш ишларини ўз ичига олади;

Чет элга сайёҳат қилиш 1995 йилдан бошлаб халқаро сайёҳлик ярмаркаси орқали амалга оширилади. «Буюк Ипак йўли» халқаро сайёҳлик ярмаркасида «Қашқадарёсайёҳ» МЧЖ ҳам вилоятдаги қадимий ёдгорликлар ва зиёратгоҳларнинг макетлари, расмлари, видео тасмалари билан қатнашади. Шу билан бирга чет эл фирма вақлларини Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги юбилей тантаналарига таклиф қилиш ва хорижий давлатларга сайёҳатлар уюштириш режалари бўйича шартномалар имзолаш ишларини амалга оширади.

3. Меҳмонхона хизмати. «Қашқадарёсайёҳлик» МЧЖ тизимидаги «Тонг» ва «Шахрисабз» меҳмонхоналари сайёҳлар ва вилоятимизга ташриф буюрган меҳмонлар учун ҳам хизмат қилади.

Қарши шаҳридаги Қашқадарё кўпригини таъмирлаш, Кўкғумбаз, Одина масжидларини қайта тиклаш, Хўжа Жарроҳ ва Эшон Шаҳид қабристони зиёратгоҳлари ва бошқа объектлар таъмирлаш тартибга келтириш ишлари Қарши шаҳрининг 2700-йиллик юбилей тантаналари ҳамда Амир Темур таваллудининг 670-йиллигига тайёргарлик нишонлари ҳисобланади. Шаҳримиздаги «Тонг» меҳмонхонаси жаҳон андозаларига мослаб қайта таъмирланмоқда. Хусусий меҳмонхоналар «Жайхун», «Меҳриёна», «Афсона» кабиларда ҳам меҳмонларга хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари яратилган.

Хуллас, «Ўзбекистон дурдонаси» деб таърифланаётган Қарши шаҳри Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби сайёҳлар шаҳрига айланмоқда.

У. Эгамбердиева, М.Мажидов

Ўзбекистон Миллий университети

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси аграр давлат ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми (26,8%) ҳам шу соҳада яратилади.

Ўзбекистон аҳолисининг 34%и қишлоқ хўжалигида меҳнат қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислохотларнинг асосий бўғини-қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизациялаш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг асосини ер, сув, мулк, молия-кредит ва солиқ ҳамда наrx соҳасидаги ислохотлар ташкил этади. Щар қандай давлатда қишлоқ хўжалигида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш ер ислохотларидан бошланади.

Республиканинг умумий ер фонди 44,4 млн гектарни ташкил этади. Шундан 4,28 млн гектари суғориладиган ерлар, 22,6 млн гектари лалми ерлардан иборат. Республикада ер давлат мулки ҳисобланади. Бундай ҳолат аграр соҳада бозор муносабатларини ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлади, деган хулосани чиқармаслик керак. Бу соҳада ҳам республика ҳукумати аҳолининг аксарият қисмини ижтимоий ҳимоялаш ва босқичма-босқич ер муносабатларини такомиллаштириб бориш мақсадида ердан қонуний йўл билан доимий фойдаланиш, ижарага олиш (2004 йилдан бошлаб ердан фойдаланишнинг ижара шаклига устуворлик берилди), хусусий қилиб олиш ва авлоддан авлодга қолдириш каби тамойилларни ривожлантирмоқда. Масалан, фермер хўжаликларига ер 30 йилдан 50 йилгача ижарага берилади.

2004 йилда қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг асосий қисми фермер хўжаликлари (47,7%), ширкатлар (40,5%) ва деҳқон хўжаликлари (11,8%) томонидан тасарруф этилмоқда.

2004 йилда республика қишлоқ хўжалиги ривожланишида жиддий бурилиш бўлди. Соҳада яратилаётган ЯИМнинг йиллик ўсиши 10,1%ни ташкил этди. Бундай ижобий ўзгаришларнинг асосий сабабларидан бири-зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжалиklarининг ўрнида замон талабларига мос бўлган фермер хўжалиklarини ташкил этилиши ҳисобланади.

2005 йилда эса 445 та ширкатлар негизда 19,8 мингта фермер хўжалиklarини ташкил этиш мўлжалланган. Шозирги кунда Республикада 121,6 мингта фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш сиёсати ўзини оқлади. Шозирги кунда улар томонидан пахта (ялпи пахта ҳосилининг 52%и) ва ғалланинг асосий қисми (68,2%и) ишлаб чиқарилмоқда.

2004-2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш борасидаги давлат дастури уларни янада жадал ривожланиши ва модернизациялашувини таъминлашнинг мустаҳкам асоси ҳисобланади.

Деҳқон хўжаликлари ҳам самарадорлиги нуқтаи назаридан фермер хўжалиklarидан сира қолишмайди. Бу хўжалиklar асосан чорвачилик соҳасида жадал ривожланмоқда. Таҳлилларимиз гўшт ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг улуши (94%) катталигини кўрсатмоқда. Сут, тухум, жун ва қорақўл ишлаб чиқаришда ҳам уларнинг салмоғи мос равишда 96,4%; 53,8%; 77,4% ва 48%ни ташкил этади. Келажакда деҳқон хўжаликлари замонавий қишлоқ хўжалиги технолгиясига эга бўлган, юқори даражада механизациялашган фермер хўжалиklarига айланиб боради.

Республикада сув ресурсларидан фойдаланишнинг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилларидан ҳавза тамойилларига ўтказилди ва пировард натижада сув ресурсларидан мукамал фойдаланишни таъминлаш учун соҳада бозор тамойилларига ўтиш белгиланди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг асосий йўналишларидан бири молия-кредит ва солиқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳисобланади. 2004 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотларни етиштиришни молиялаштиришда бўнаклаш тизимидан имтиёзли кредитлаш тизимига ўтказиш тажрибаси қўлланила бошлади. Республика ерларнинг 75%ини шўрланган ерлар ташкил этади ва уларнинг асосий қишлоқ хўжалиги бозорларига нисбатан жойлашуви ҳам бир-биридан жиддий фарқ қилади. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ерларни сифати, балл-бонитетига боғлиқ бўлган ягона ер солиғини тўлаш тизими аста-секин жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни олиб бориш билан бирга унинг ривожланишига жиддий таъсир этаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Булар: қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат қиладиган инфратузилма объектларининг камлиги ва улар хизмати сифатининг пастлиги; соҳага хорижий инвестициялар жалб этиш даражасининг пастлиги; аграр соҳа тармоқ ва худудий таркибининг етарли даражада мукамал эмаслиги; маҳсулотлар етиштириш ва қайта ишлаш жараёнларида замонавий технолгиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги; маҳсулотларга нарх белгилаш амалиётининг мукамал эмаслиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасида нарх паритетига етарли даражада амал этилмаслиги ва ҳоказолар.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларнинг ижобий равишда ҳал этилиши ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнларнинг эркинлашуви республика қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

ГИДРОЛОГИЯ СУШИ И РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ

*Х.А.Тойчиев, Ф.Х.Хикматов, Г.Н.Трофимов,
Д.П.Айтбаев, Б.М.Рахматов*

Национальный университети Узбекистана О СОДЕРЖАНИИ «АТЛАСА ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОД УЗБЕКИСТАНА»

В настоящее время сотрудниками кафедры гидрологии суши географического факультета Национального университета Узбекистана по Государственной Научно-Технической Программе РУз выполняется инновационный проект ИД – 7 - 4. Целевым назначением проекта является разработка электронной версии и издание «Атласа поверхностных вод Узбекистана» с учетом их современного состояния.

Атлас будет состоять из 22 тематических карт (таблица). На карте гидрографической сети будут отражены с достаточной точностью речная сеть, крупные озера и водохранилища, а также ирригационная сеть. На карте «Источники питания рек», в зависимости от доли участия различных источников в формировании стока реки, согласно В.Л.Шульца и О.П.Щегловой, выделены ледниковое, снегово-ледниковое, снеговое, снегово-дождевое типы питания. На карте площади водосборов рек с различным типом питания будут выделены соответствующими цветовыми фонами.

Карта многолетнего среднегодового стока рек будет отражать наиболее существенную характеристику режима рек – их среднюю водоносность. Специальная карта характеризует внутригодовое распределение стока рек в разрезе отдельных сезонов, что имеет существенное значение для целей ирригации. Внутригодовое распределение стока рек Узбекистана будет представлено двумя картами: а) весенний период (март – июнь); б) летний период (июль – сентябрь).

Для характеристики термического режима водоемов будет составлена карта «Температурный режим рек, озер и водохранилищ», где будут отражены вероятность зим с различными ледовыми явлениями, а также вероятность зим с ледоставом (в процентах от общего числа лет наблюдений). Здесь способом картодиаграмм будут показаны температурный режим рек, озер и водохранилищ по данным наблюдений, произведенных на гидрологических станциях и постах.

В целом к каждой карте, в виде отдельных врезок, специальных диаграмм и таблиц будут приложены основные гидрологические характеристики поверхностных водных объектов Узбекистана: норма, многолетняя изменчивость и внутригодовое распределение стока главных рек и их крупных притоков.

Тематические карты «Атласа поверхностных вод Узбекистана»
и их масштабы

№	Названия тематических карт	Масштаб
1	2	3
1	Географическое местоположение Узбекистана в Евроазиатском материке	1:50000000
2	Физико-географическая карта Узбекистана	1:4000000
3	Геологическая карта	1:4000000
4	Гидрогеологическая карта	1:4000000
5	Климатическая карта	1:4000000

1	2	3
6	Гидрографическая сеть	1:4000000
7	Источники питания рек	1:4000000
8	Многолетний среднегодовой сток рек	1:4000000
9	Внутригодовое распределение стока рек: а) весенний период; б) летний период	1:8000000
10	Минимальный сток рек	1:4000000
11	Мутность воды рек	1:4000000
12	Периоды замерзания рек	1:4000000
13	Гидрохимический режим рек	1:4000000
14	Селевые паводки	1:4000000
15	Снежные лавины	1:4000000
16	Озера Узбекистана	1:4000000
17	Водохранилища Узбекистана	1:4000000
18	Температурный режим рек, озер и водохранилищ	1:4000000
19	Годовое испарение с водной поверхности	1:4000000
20	Батиметрическая карта Аральского моря	1:4000000
21	Динамика Аральского моря	1:4000000
22	Айдар-Арнасайская озерная система	1:2000000

В атласе также будет отображена следующая гидрологическая информация: площади оледенения речных бассейнов; динамика стока главных рек – Сырдарьи и Амударьи как по их длине, так и во времени; рост площадей орошаемых земель в бассейнах этих рек; основные морфометрические характеристики (объем воды, площади зеркала воды, глубина воды) крупных озер и водохранилищ; динамика забора воды из главных рек наиболее крупными ирригационными каналами; динамика поступления речных вод в Арал; уровень воды и элементы водного баланса Аральского моря; динамика минерализации воды Аральского моря и специальная текстовая часть.

При разработке атласа основными исходными материалами послужат данные стандартных наблюдений за гидрологическими элементами водных объектов, учтенные на гидрологических станциях и постах гидрометеорологических служб Узбекистана и соседних государств, а также материалы различных ведомственных организаций, как САНИИРИ, ИВП АН РУз, специальных гидрологических, гляциологических и лимнологических экспедиций.

Проект будет реализован коллективом Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека при участии ведущих специалистов Центра Гидрометеорологической службы при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Института Водных проблем АН РУз, НПО САНИИРИ, Узгеодезкадастра и других.

«Атлас поверхностных вод Узбекистана» составляется впервые. Атлас будет содержать фундаментальные количественные и качественные сведения о поверхностных водах Узбекистана и сопредельных территорий. Эти данные будут способствовать, во-первых, оценке современного состояния поверхностных вод Узбекистана и, во-вторых, рациональному регулированию и использованию водных ресурсов ныне действующими гидротехническими сооружениями и ирригационными системами. Все это в перспективе даст возможность получить большой социально-экономический эффект в различных отраслях народного хозяйства Узбекистана и, самое главное, позволить дальнейшему развитию нового направления в мониторинге поверхностных вод – рек, озер и водохранилищ.

А.Л. Кокарев, И.Н. Шестерова
Институт географии МОН РК (Алматы)
ДЕГРАДАЦИЯ ОЛЕДЕНЕНИЯ ЖЕТЫСУ (ДЖУНГАРСКОЕ АЛАТАУ,
БАССЕЙНЫ РЕК КОРГАСА, ОСЕКА)
В ПЕРИОД С 1965 ПО 1990 ГОД

Оледенение южного склона Жетысу (Джунгарское Алатау) в пределах Казахстана расположено в бассейнах рек Коргас (Хоргос) и Осек. Каталоги ледников этого региона были созданы по результатам аэрофотосъемок 1956 и 1972 гг. П.А. Черкасовым (Черкасов, 1975, 2004). По результатам последней АФ-съемки 1990 года, П.А. Черкасовым в соответствии с общепринятой методикой на топографических картах масштаба 1:25000 и 1:50000 были составлены планы ледников Южного Жетысу. Для создания нового каталога ледников, авторами данной статьи с помощью ГИС-программы MapInfo был отцифрован картографический материал и произведены расчеты площадей и длин ледников, морен, секторов ледников по высотным зонам, а также определены высотные отметки характерных точек ледников. Морфологический тип и экспозиция ледников определялись по предыдущему каталогу и корректировались по топографическим картам. Высота фирновой линии рассчитывалась по методу Куровского, расчет объема ледников и погребенного льда производился по формулам, используемым при составлении предыдущих каталогов (Черкасов, 2004).

Таблица 1 – Количество, площадь и объем ледников Южного Жетысу Алатау

Бассейн реки	Количество			Площадь открытой части, км ²			Площадь погребенной части, км ²	Общая площадь, км ²	Объем открытой части, км ³			Объем погребенной части, км ³	Общий объем, км ³
	S < 0,1 км ²	S > 0,1 км ²	всего	S < 0,1 км ²	S > 0,1 км ²	Всего			S < 0,1 км ²	S > 0,1 км ²	Всего		
Коргас	70	79	149	2,869	52,063	54,932	18,633	73,565	0,05209	2,14867	2,20076	0,39953	2,60029
Шыжын	9	7	16	0,352	8,952	9,304	2,242	11,545	0,00565	0,53160	0,53725	0,05977	0,59702
Тышкан	24	31	55	0,649	16,441	17,090	7,325	24,415	0,01020	0,61228	0,62248	0,13614	0,75862
Бурхан	6	4	10	0,169	0,654	0,823	0,291	1,114	0,00237	0,02273	0,02510	0,00481	0,02991
Улькен Осек	55	47	102	1,511	22,450	23,961	11,155	35,115	0,02613	0,86720	0,89333	0,21346	1,10679
Орта Осек	56	34	90	1,839	15,785	17,624	8,958	26,582	0,05008	0,63318	0,68326	0,16782	0,85108
Киши Осек	63	44	107	2,298	27,273	29,571	9,290	38,861	0,04305	1,12736	1,17041	0,19141	1,36182
Борохудзир	4		4	0,203		0,203		0,203	0,00293		0,00293		0,00293
Всего	287	246	533	9,890	143,617	153,508	57,893	211,400	0,19249	5,94303	6,13553	1,17295	7,30847

Полученные данные позволяют провести предварительный анализ изменения количества, площади и объема ледников между реперными годами.

Согласно таблице 2, с 1956 по 1990 год шел неуклонный рост количества и площади ледников с площадью менее 0,1 км², что связано не только с процессом распада ледников в связи с их деградацией, но и как отмечал П.А. Черкасов (Черкасов, 2000), с увеличением точности исходного картографического материала и технических методов их получения.

Таблица 2 – Изменение количества и площади ледников в Южном Жетысу

Ледники	Размерность	1956	1972	Δ	1972	1990	Δ	1956	1990	Δ
Площадью >0,1 км ²	Количество	333	306	-27	306	246	-60	333	246	-87
	км ²	266,6	234,32	-32,28	234,32	201,51	-32,81	266,6	201,51	-65,09
Площадью <0,1 км ²	Количество	127	142	+15	142	287	+145	127	287	+160
	км ²	7,60	9,84	+2,24	9,84	9,89	+0,05	7,60	9,89	+2,29
Чистый лед	км ²	228,4	194,10	-34,3	194,10	153,51	-40,59	228,4	153,51	-74,89
Лед под мореной	км ²	45,8	50,06	+4,26	50,06	57,89	+7,83	45,8	57,89	+12,09
Всего ледников	Количество	460	448	-12	448	533	+85	460	533	+73
	км ²	274,2	244,16	-30,04	244,16	211,40	-32,76	274,2	211,40	-62,8

Скорость сокращения оледенения в процентном отношении за второй период больше, чем за первый (таблица 3). Однако, данную оценку следует считать ориентировочной, так как в расчете по причинам указанным выше не учитывались площади мелких ледников (<0,1 км²).

Таблица 3 – Скорость изменения площади оледенения

Год	1956	1972	1990
Площадь, км ²	220,80	184,26	143,71
Период	1956-1972	1972-1990	1956-1990
Изменение, км ²	-36,54	-40,55	-77,09
Деградация, км ² /год	-2,28	-2,25	-2,27
Изменение, %	-17	-22	-35
Деградация, %/год	-1,03	-1,22	-1,03

В целом за 34 года (1956-1990гг), площадь оледенения уменьшилась на 35%, теряя в среднем 1,03 %/год.

В таблицах 4 и 5 представлены сведения об объеме ледников за реперные годы и скорости изменения объема оледенения за исследуемый период.

Таблица 4 – Объем ледников Южного Жетысу

Ледники	1956 (км ³)	1972 (км ³)	1990 (км ³)
S>0,1 км ²	9,5	9,0	5,94
S<0,1 км ²	0,1	0,2	0,19
Чистый лед	9,6	8,1	6,14
Лед под мореной	0,97	1,1	1,17
Всего ледников	10,6	9,2	7,31

Таблица 5 – Скорость изменения объема оледенения

Год	1956	1972	1990
Объем, км ³	9,50	7,90	5,94
Период	1956-1972	1972-1990	1956-1990
Изменение, км ³	-1,60	-1,96	-3,56
Деградация, км ³ /год	-0,10	-0,11	-0,10
Изменение, %	-17	-25	-37
Деградация, %/год	-1,05	-1,38	-1,10

Согласно проведенным расчетам, объем ледников за 34 года уменьшился на 37%, при скорости деградации 1,1 % в год.

Следует заметить, что таблицы нового Каталога южного Жетысу не учитывают изменения государственных границ Республики Казахстан в бассейне реки Коргас, в результате которых несколько ледников отошли к территории Китая. Но, по нашему мнению, оценка деградации оледенения становится точнее от увеличения предикторов. Данные предполагается корректировать по мере поступления новой информации, в частности использования космоснимков.

Е.Н. Пивень

**Институт географии МОН РК
ХАРАКТЕРИСТИКА ИЗМЕНЕНИЙ ЭЛЕМЕНТОВ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОГО РЕЖИМА В РАЙОНЕ ЛЕДНИКОВ
ТУЮКСУ ЗА 1970 - 2005 ГОДЫ**

В высокогорной зоне Заилийского Алатау с 1958 г. действует гляциологический стационар Института географии МОН РК и метеостанция Туюксу-1, на которой вблизи ледника Центральный Туюксу на высоте 3450 м с 1970 г ведутся круглогодичные наблюдения за элементами гидрометеорологического режима. Подробное описание климатических условий района исследований приведено в работе [1]. Анализ выполнен по материалам наблюдений до 1975 г. Ниже приводятся результаты исследований современных изменений отдельных параметров метеорологического режима по данным метеостанции Туюксу-1 с привлечением данных МС Мынжилки.

Температура воздуха. В таблице 1 приведены осредненные значения температур воздуха за все месяцы и сезоны года по МС Туюксу-1.

За последние 15 лет (1991–2005 гг.) наблюдается рост температуры воздуха по сравнению с ее значениями за 1972–1990 гг. практически за все месяцы и сезоны года. За исключением апреля, когда температура понизилась на $0,8^{\circ}$ и июля, августа – где изменения практически отсутствовали.

По выявленным тенденциям рассчитаны изменения температур за период 1970–2005 гг.. Температура за год увеличилась на $0,8^{\circ}$; за период с отрицательными температурами воздуха (X-V) – на $0,8^{\circ}$; за период с положительными температурами (VI-IX) – на $0,9^{\circ}$; за летний период (VI-VIII) – на $0,6^{\circ}$. То есть, за последние 35 лет при общей положительной направленности изменений температуры воздуха по МС Туюксу-1, можно говорить о значимом росте температур за год, холодный и теплый периоды года.

По данным МС Мынжилки за период с 1972 по 2005 г. наблюдался рост температур за все сезоны и периоды года (по сравнению с 1937–1971 гг.). За 70 лет наблюдений температура воздуха увеличилась от $1,4^{\circ}$ - для среднегодовых значений, до $1,7^{\circ}$ – за лето. Интенсивность роста температур воздуха (за исключением летних) за 35 последних лет на МС Мынжилки увеличилась.

Таблица 1. Средняя температура воздуха ($^{\circ}\text{C}$)

I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	год	VI-VIII	X-V	VI-IX
1972-1990															
-13,6	-13,8	-9,7	-3,9	-0,4	2,9	5,8	5,7	1,7	-3,5	-8,5	-11,5	-4,1	4,8	-8,1	4
1991-2004															
-13,3	-12,4	-9,4	-4,7	-0,3	3,5	5,6	5,6	2,3	-3,1	-8	-11,2	-3,8	4,9	-7,8	4,3
1972-2004															
-13,5	-13,2	-9,8	-4,3	-0,4	3,2	5,7	5,7	2	-3,3	-8,3	-11,4	-4	4,8	-8	4,1
Стандартное отклонение															
$\pm 1,6$	$\pm 2,2$	$\pm 1,4$	$\pm 1,9$	$\pm 1,3$	$\pm 1,1$	± 1	$\pm 1,2$	$\pm 1,3$	$\pm 1,4$	$\pm 1,6$	$\pm 2,1$	$\pm 0,6$	$\pm 0,7$	$\pm 0,7$	$\pm 0,7$
Максимум															
-10,4	-8,5	-6,4	0,4	1,8	6,3	7,7	9	4,6	0	-5,4	-8,2	-2,9	6,3	-6,3	5,5
Минимум															
-16,8	-18,1	-12	-10	-2,6	0,6	2,5	3,5	-0,5	-7,7	-10,9	-18,1	-5,1	2,9	-9,4	2,4

Не вписываются в общую картину изменения максимальной среднесуточной температуры воздуха за 1972-2004 гг., которая на МС Туюксу-1 значительно уменьшалась. Максимальная срочная температура также несколько уменьшилась, но в пределах точности расчетов.

Атмосферные осадки. За период 1970 – 2005 гг. осадки в районе МС Туюксу-1 практически не менялись. По МС Мынжилки за период наблюдений с 1937 по 2005 г. осадки также значительно не изменялись. По данным наблюдений 2-х метеостанций можно однозначно утверждать, что осадки в гляциально-нивальном зоне Заилийского Алатау за 70 последних лет не уменьшились, а имели тенденцию к увеличению. Такая же картина наблюдалась на равнинной и низкогорной территориях Или-Балхашского региона [2]. Это подтверждает выводы исследователей о том, что в связи с глобальным потеплением за минувшее столетие количество осадков для территории Средней Азии в целом не уменьшается, а несколько возрастает. И не совпадает с мнением, о том, что для высокогорной зоны установлена обратная картина.

Даты наступления элементов метеорологического режима, максимальные снеготопы, продолжительность теплого периода. На более ранние сроки сдвинулись даты устойчивого перехода температуры воздуха через 0° С весной и дата начала таяния снега. На более поздние – дата устойчивого перехода температуры воздуха через 0° осенью и дата установления снежного покрова. Дата разрушения снежного покрова практически не изменилась. Незначительная ее сдвигка на более поздний срок объясняется значительным ростом максимальных снеготопов за последние 35 лет и смещением даты их наступления на более поздний срок. Дата наступления максимальной в году среднесуточной температуры воздуха не изменилась.

Анализ современных данных двух высокогорных метеорологических станций расположенных в горно-ледниковом бассейне Туюксу подтверждает потепление климата в регионе. Температура воздуха в целом в гляциально-нивальном зоне за последние 70 лет повышалась соизмеримо росту температур в предгорной и низкогорной зонах. Общая интенсивность роста температур воздуха за 1972 –2005 гг. несколько возросла, особенно за холодный период. На более ранние сроки сдвинулись, дата начала таяния снега и дата устойчивого перехода температуры воздуха через 0° весной и на более поздние осенью. Увеличилась продолжительность периодов с положительными среднесуточными температурами воздуха и без снега. Осадки в гляциально-нивальном зоне за последние 35 лет не уменьшались, а имели тенденцию к увеличению. Так же как и за все 70 лет наблюдений. При этом при достаточно ярко выраженной картине потепления, весьма важная для процессов абляции и формирования ледникового стока характеристика – летние среднесуточные температуры воздуха, менялась за 1970-2005 г. незначительно. Т.е. прогрев гляциально-нивальном зоны идет не столько за счет повышения летних температур, а в основном, за счет заметного повышения весенних и осенних температур воздуха и увеличения продолжительности теплого периода.

Литература

1. Ледники Туюксу. Л., Гидрометеиздат, 1984. 171 с.
2. Пивень Е.Н. Территориальное распределение изменений температуры воздуха и осадков в Или-Балхашском регионе – Географическая наука в Казахстане: результаты и пути развития. Алматы, 2000. С. 112-116

Е.Н. Пивень

**Институт географии МОН РК
РЕЗУЛЬТАТЫ ОЦЕНКИ СТОКА ГЛЯЦИАЛЬНО-НИВАЛЬНОЙ ЗОНЫ
ЗАИЛИЙСКОГО АЛАТАУ И ЕГО РОЛИ В ФОРМИРОВАНИИ ВОДНЫХ
РЕСУРСОВ РЕГИОНА**

С 20-х годов прошлого века на территории юго-восточного Казахстана наблюдается систематическое уменьшение площади и объема ледников. В связи с чем, получило широкое распространение мнение о том, что «к концу XX века произойдет такое сокращение оледенения, что водность рек начнет заметно уменьшаться» [1,2]. Проведенный нами ранее анализ изменений средних годовых расходов воды отдельных горных рек региона и поверхностных водных ресурсов зоны формирования стока в целом не выявил их значимых односторонних изменений [3,4]. Означает ли это, что в силу особенностей условий увлажненности территории, снеголедниковый сток здесь не менялся или же его повышенные значения компенсировали возможное уменьшение годового стока рек в сухой и теплый многолетний период и наоборот. Количественные оценки по данному вопросу ранее не проводились.

С учетом данных режимных наблюдений по 2002 г. исследована изменчивость стока горных рек юго-восточного Казахстана (бассейн оз. Балхаш). Средние многолетние значения стока, рассчитанные с учетом данных последних лет, отличаются от принятых ранее норм стока на 0-8%. Эти изменения находятся в пределах точности расчета исследуемой характеристики. Причем на реках с естественным или незначительно нарушенным гидрологическим режимом в течение последних десятилетий наблюдалось увеличение средних годовых расходов воды. Отрицательные изменения отмечены на реках с антропогенно измененным стоком.

Судя по данным измерений стока на выходе рек из гор, возобновляемые водные ресурсы на территории юго-восточного Казахстана в течение последнего полувека, несмотря на существенное сокращение оледенения, оставались устойчивыми. Процесс стока зоны формирования водных ресурсов в многолетнем разрезе близок к стационарному, рассчитанные по данным режимных наблюдений нормы стока в ближайшее время не потребуют корректировки.

Для выявления природы устойчивости норм стока горных рек в условиях явной деградации оледенения на основе данных многолетних режимных наблюдений проанализирован современный сток гляциально-ниваальной зоны центральной части Заилийского Алатау. Несмотря на то, что сток р. Малая Алматинка в створах Мынжилки и Туюксу не характеризуют абляцию на ледниках бассейна, оба ряда имеют приемлемое для гидрологических расчетов качество наблюдений. По данным створа Мынжилки балансовые оценки ледникового стока затруднены, но режим стока гляциально-ниваальной зоны эти наблюдения отражают достоверно.

Впервые для исследуемого региона на основе новейших (по 2005 год) данных наблюдений на гляциологическом стационаре Института географии МОН РК «Туюксу» оценено влияние динамики гляциосферы на режим горной реки и величину ее стока. Выявлены принципиально новые закономерности формирования стока гляциально-ниваальной зоны. Показано существование «отсроченных» связей между гляциологическими характеристиками и стоком реки в замыкающем горно-ледниковый бассейн створе.

Выявлены почти функциональные связи даты прохождения максимальных расходов воды в замыкающем горно-ледниковый бассейн створе от даты наступления максимальной суммы температур воздуха на МС Туюксу за 3 - 7 суток и, практически, полное отсутствие связи между их величинами. Это дает основание предполагать

наличие большой регулирующей «емкости» в верхней части бассейна р. М. Алматинка. Что частично объясняет и существование «отсроченных» связей.

На основе водно-балансовых расчетов проведена количественная оценка величины стока, сформировавшегося за счет протаивания подземных льдов. Водно-балансовые расчеты, в отличие от предыдущих исследований, выполнены по замкнутому уравнению баланса с контролем стока по данным натурных измерений.

Результаты расчетов и проведенный на их основе анализ многолетних колебаний стока гляциально-нивальной зоны поставил под сомнение сделанный гляциологами ранее вывод о том что «процесс дегляциации ... обязательно приведет к сокращению речного стока». По нашему мнению, гляциально-нивный пояс гор, как и собственно ледники может рассматриваться как природная саморегулирующаяся система. При исчезновении ледников часть их функций в многолетнем и сезонном регулировании стока этот пояс возьмет на себя за счет сезонного замерзания с накоплением влаги и последующего оттаивания.

Ер ресурслари муҳофазасини таъминлаш учун ер кадастри ҳужжатлари асосида, ердан фақат белгиланган мақсадда фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилишга оид талабларни ўз вақтида бажариш, ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, оқава сувлари билан ифлосланишига йўл қўймаслик, ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган объектларни жойлаштирмаслик талаб этилади.

Ғ.А.Толипов, А.Бобонов
Ўзбекистон Миллий университети
КАДАСТР: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Ота-боболаримиз азалдан ерни эъзозлаб келган. Ерга муносабат миллий қадрият даражасига кўтарилган, бу борада ўзига хос анъаналар, маросимлар юзага келган.

Мустақилликка эришгач, она тупроқни асраб-авайлаш, унинг ҳолатини яхшилаб, мўл-кўл, ризки-рўз манбаига айлантиришнинг чинакам қонуний асослари яратила бошланди. Ерга ниҳоятда тежамкорлик, хўжалик муносабатида ёндошиш, иқтисодийнинг барча соҳаларида ерларни имкон қадар муҳофазалаш ва оқилона фойдаланиш руҳи сингдирилган; “Ер кодекси”ни ва муносабатларини бошқаришнинг негизини белгилаб берувчи ҳамда улардан оқилона ва улардан унумли фойдаланишга асос солувчи “Давлат Ер кадастри тўғрисида”ги,” Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиниши деҳқонларга ер ресурсидан кенг равишда ва юқори самарада фойдаланишга йўл очиб беради.

“Кадастр” сўзининг маъноси лотинча бўлиб, “Солиққа тортиладиган ашёлар рўйхати” маъносини англатади. Ҳар бир мамалакатда кадастр ривожига ўз шароитлари ва анъаналарига асосланади, шунинг учун жаҳонда айнан бир хил кадастр тизимини топиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда ер кадастри ерларни табиий аҳволи, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги мутассил янгилашиб турувчи ишончли маълумотлар тизими ҳисобланади. Ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: ер участкаларига оид ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ерларнинг майдони ва сифатини ҳисобга олиш, ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашдир.

Маълумки, деҳқонни ер боқадига ва албатта, меҳнат қиладиган деҳқон учун ернинг ҳолати, тупроқнинг сифати, ернинг паст-баландлиги, чегаралари ва ер участкаларининг ҳуқуқий тартиботи, эрозияга ва шўрланишга мойиллигини билиш жуда зарур. Ер участкаларига доир шу ва бошқа маълумотлар ер кадастрининг асосий мазмунини ташкил қиладиган.

Бундан ташқари ҳар бир ерга эгалик қилувчи ва ердан фойдаланувчи ёки унинг мулкдори саналмиш деҳқон қуйидагиларни билиши шарт:

- ер участкасига оид ҳуқуқларни, шу жумладан, ердан фойдаланиш, ер участкаси чегараларини ўрнатиш, уларга амал қилиш ва муҳофаза қилиш;
- ер участкаси тўла ёки қисман олиб қўйилганда зиёнларни қоплаш;
- ерга оид даъволарни одилона ҳал қилиш ва бошқа ҳуқуқий меъёрларни таъминлашни билмоғи .

Кадастр маълумотлари деҳқонларга экин майдонларини ерни сифати баҳосига (балл бонитетига) қараб карта асосида жойлаштириш, ер майдонларининг ўлчамлари ва уларнинг тузилишини, моддий харажатларни, маҳсулот ишлаб чиқриш ҳажмини, ўғитлаш тизимини, алмашлаб экишни режалаштиришда катта ёрдам беради. Тупроқ бонитетини аниқлаш ер участкасига соллинадиган солиқ миқдорини, шунингдек, уни нархини баҳолаш имконини берадики, бу ўз навбатида асосли миқдорлардаги кредитлар олиш имконини яратади. 1966 йилгача ерларни, шу жумладан уларнинг майдони ва сифатини фақат рўйхатга ва ҳисобга олиш йўлга қўйилган эди. Шу йилдан бошлаб ерни баҳолаш, шу жумладан, тупроқ бонитировкасини аниқлаш (тупроқ ҳосилдорлигини қиёсий баҳолаш) ва ерларни иқтисодий баҳолаш (ҳосилдорлик даромад ва харажатларни қоплаш бўйича) ишлар амалга оширила бошланди. Кадастр маълумотларидан асосан, ҳосилдорликни, маҳсулот ҳажмини, харид нархларини мувофиқлаштириш, тупроқ ҳосилдорлигини оширишга алоқадор ишларни бажаришда фойдаланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерга эгалик рақобат муҳити бўлмаган жойда кадастр тушунчаси ўзининг асли маъносини йўқотади. Шунинг учун давлат мулк ҳуқумрон замонида ер тўловлари, кредит-гаров тизими, ерни нархини баҳолаш ва ер бозори институтларига амал қилинмас эди.

Ер кадастр ҳужжатларига юзаки ёндашиш шунга олиб келдики, тупроқ ҳосилдорлигини пасайишига, яъни 1990 йилда ўтказилган ер кадастри маълумотида

асосан Республика бўйича ўртача балл бонитети 58 бўлган бўлса, 2000 йилга келиб 55-ни ёки 3 баллга пасайиб кетганлиги аниқланди, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашувига ва ўз навбатида тупроқ ҳосилдорлигини оширишга зарур даражада эътибор берилмай қолди, оқибатда суғориладиган ерларнинг 67 фоизидан ортиғи турли даражада шўрланди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги анча пасайиб 5000 гектар суғориладиган ер қишлоқ хўжалигида фойдаланиб бўлмайдиган даражага келиб қолди.

Ер кадастри ҳужжатларида тупроқнинг структураси, ўғит миқдори, эрозия таъсири, мелиоратив ҳолати ва бошқа ердан унумли фойдаланишга салбий таъсир қилувчи маълумотлар тўлиқ берилди. Аммо, бу маълумотларга жойларда тўлиқ риоя қилинмаслиги ҳосилдорлигининг пасайишига сабаб бўлиб келмоқда. Масалан, Республика бўйича йилига 250-300 минг гектар тошлоқ, гипс қатламли, қаттиқ шўрланган ва тоғ олди ерларига экилган пахтанинг гектаридан 10-18 центнердан ҳосил олинади. Айни вақтда шундай ерларга мевали дарахтлар, беда, шоли, макка экилса юқори ҳосил олинishi мумкинлиги тажрибада синаб кўрилган.

Шу боис ер кадастри юритиш фақат ҳозирги лаҳзага оид қайт қилишигина эмас, кадастр маълумотларини узлуксиз янгилаб туришдан ва улардан фойдаланган ҳолда керали чора-тадбирларни белгилаш ҳамда, уларни амалга ошириш устидан назорат олиб боришдан иборат.

Маълумки яқин орада, ҳам олис истиқболда халқ хўжалигини янада ривожлантириш асосан халқимизнинг олтин фонди бўлмиш суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш, хўжаликларнинг барча ички резервлари ҳисобига суғориладиган ер майдонини кўпайтириш, уларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш ҳисобга олинadиган ҳосилнинг миқдорини кескин кўпайтириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бунга фақат ер кадастри ҳужжатларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда эришиш мумкин.

А.Эгамбердиев

С.Салохиддинова, М.Болтаев

Ўзбекистон Миллий университети

ИЖТИМОЙ ИНФРАСТРУКТУРА ХАРИТАЛАРИ

Ижтимоий инфраструктура деганда аҳолини жойлашиши ва нормал яшаши учун зарур бўлган уй-жой, маиший, ижтимоий-маданий шароитларни таъминловчи қурилишлар, корхоналар ва муассасалар комплекси тушунилади. Бинобарин, турар жой бинолари, тиббиёт масканлари, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтуралари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, сув таъминоти ва канализация системалари, телефон ва Интернет тармоқлари, банклар ва валюта биржалари, спорт-соғломлаштириш объектлари, маданий оқартув ва кўнгил очар муассасалар шулар жумласидандир. Уларнинг энг муҳим вазифаси – аҳолини кундалик ва мавсумий эҳтиёжларига хизмат қилиш ҳисобланади.

Ижтимоий инфраструктура хариталарини лойиҳалаштириш ва тузиш- бу ижтимоий-иқтисодий картографияни мустақил йирик йўналиши ҳисобланади. Ижтимоий инфраструктура хариталарини мавзуи ва мазмуни ҳақидаги айрим маълумотларни куйидаги схемадан олиш мумкин.

Умумий таълим		Умумтаълим мактаблари Мактаб – интернатлар Мактабгача тарбия муассасалари Мактабдан ташқари таълим
Фан ва кадрларни тайёрлаш		Илмий муассасалар Олий таълим Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Фан халқ хўжалиги тармоғи сифатида
Маданий–оқартув хизмати		Театрлар, кинотеатрлар, клублар Кўнгил очар муассасалар Кутубхоналар, китоб фондлари Маданият ёдгорликлари, музейлар, галорейлар Нашрчилик фаолияти
Тиббий хизмат		Даволаш – профилактика муассасалари Соғломлаштириш муассасалари Аптекалар
Алоқа ва телекоммуникация		Радиоэшиттириш ва телевидения Коммуникация (алоқа) тўрлари
Савдо ва умумий овқатланиш		Савдо – сотиқ корхоналари Ресторанлар, кафелар, барлар
Маиший коммунал хизмат		Тез хизмат кўрсатиш корхоналари Турар жой, бинолари ва кўчмасмулкни баҳолаш
Молия – кредит тизими		Корхона ва ташкилотларнинг фондлари Банклар, валюта биржалари
Геосиёсат, геоконфликтологич		Партиялар, ҳарбий ва сиёсий иттифоқлар Халқаро конфликтлар
Туризм		Хизмат кўрсатиш марказлари Саёҳатчилар учун диққатга сазовор районлар

Ижтимоий инфраструктура объектларини географик жойланиши хақида тўлиқ ва тўғри тасаввурни фақат ана шу мавзуларга таълуқли мавзули хариталар бера олади. Улар алоҳида ва атласларни таркибида, матнда ва географик мазмундаги китобларни иловасида, бошқа хариталар билан бирга қўшимча кесмаларда бериледи. Маълумотлар мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда бериледи. Барча зарур рақамли маълумотларни давлат статистика қўмитасининг махсус тўпламларидан ва уларнинг вилоятлардаги идораларидан, шунингдек ҳар бир муассасанинг ҳисоботидан олинади.

Ижтимоий инфраструктура хариталарини тузишда асосан картограммалар, картодиаграммалар ва белгилар (геометрик, ҳарfli ва кўрғазмали) усулидан фойдаланилади. Барча хариталарни мазмуни асосий харита билан харита-рамкалари орасида бўш бўлган жойларда бериладиган диаграммалар, графиклар ва жадваллар билан тўлдирилади. Шунини айтиш жоизки ҳозирги пайтгача Ўзбекистонда ижтимоий инфраструктура объектларини хариталаштириш бир текисда ривожланмаган. Мазкур соҳаларни хариталарини яратиш тушириш бўйича ягона изчил тузилган режа, қизиққан ташкилотлар, картографлар ва мутахассис олимлар ўртасида алоқа йўқ. Тўғри ҳозир «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида мазкур соҳаларни тизим хариталарини яратиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўйлаймизки, республикада мавзули картографиянинг бугунги ривожланиши даражаси бу соҳада мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлайди.

Ғ.Р.Пардаев, С.И.Исаев

ТВДПИ, ЎЗМУ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ САЛОҲИЯТИДАГИ КАРТА ВА АТЛАСЛАР

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ таълим-тарбияни ислоҳ қилиш, миллий кадрларни тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтаришга қаратилган ўта маъсулиятли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Айниқса, 1997 йил 27 августда Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида ҳамда шу сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар асосида таълим соҳасида бир қатор ижобий ислоҳлар, ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг (16 август 1999) 2 бандига кўра умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда 5-6-синфда 1999-2000; 7-синфда 2000-2001; 8-синфда 2001-2002; 9-синфда 2002-2003-ўқув йилидан жорий этишни аниқ белгилаб берилди.

ДТС асосида тузилган дастурлар мазмунига кўра қўлланма ва дарсликлар, кўрсатмалар воситалар: жадвал маълумотлари, расм-схемалар, ёзувсиз карталар, диафильм ва диапозитивлар, слайдлар ва бошқалар тайёрланмоқда ва бундай ижобий ишлар давом эттирилмоқда.

Сўнгги йилларда Республикада карта ва атласлар яратишга жуда катта эътибор берилмоқда. Айниқса бу ишларнинг Ўзбекистонда атлас картографиясини яратувчи мактаб шаклангандан сўнг, жадаллашиб борганлигидан сезиш мумкин. Атлас картографияси мактабининг фидоийлари кейинги 30 йил давомида 2 та монография (Мирзалиев 1981, Мирзалиев Т ва бошқалар, 1990), 5та тўплам (1977,1983,1985,1989,1996) 100дан ортиқ мақолалар чоп этиришди. Битта докторлик, 15га яқин номзодлик диссертацияси химоя қилинди. Картография, топография ва ер кадастрига бағишланган ўқув дастурлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, тест тўпламлари, лаборатория ва дала амалиётига оид ишлар нашрдан чиқди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа илмий-назарий ва илмий-амалий аҳамиятга молик, картографик ишларни амалга оширишда устоз домлалар: проф. Акрамов З.М., Мирзалиев Т.М., Рафиқов А.; доцентлар Эгамбердиев А.Э., Карабоев Д.С., Гулямова Л.Х., Карабоева Т. ва бошқаларнинг меҳнатлари беқиёс деб ўйлаймиз. Шунингдек карта ва атласлар яратилишида, мутахассис кадрлар тайёрлашда ЎЗМУ, Ўзбекистон Республикаси ФА Сейсмология илмий-тадқиқот институтининг география бўлими, Тошкент топография ва картография колледжининг мутахассислари ҳам самарали меҳнат қилиб

келмоқдалар. Айниқса, 25 апрел 1997 йил Ўзбекистон Республикасининг «Геодезия ва картография тўғрисида»ги қонуни қабул қилингандан сўнг геодезия ва картографияга оид ишлар кўлами беқиёс даражада ўсди.

Ўтган 14 йил давомида умумий ўрта таълим мактаблари учун жуда кўп умумий ва мавзули карталар, атласлар кирилл ва лотин алифбосида ўзбек ва рус тилида нашр этилди. Жумладан Ўзбекистон географик атласи (Т.1999), Табиатшунослик атласи (4-синф. Т. 2002), Табиий географиянинг бошланғич курси атласи (5-синф. Т. 2004), материклар ва океанлар табиий географияси атласи (6-синф Т.2003), Физическая карта Средней Азии и Казахстана (7-синф, Т.2003), Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси атласи (8-синф, Т.2004), Дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий географияси атласи (9-синф. Т.2004) Умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр этилган географик атласлар мазмуни ўқув қўлланмасига оид қўйилган педагогик, психологик ва дидактик тамойилларга асосланганлиги, сифатли жиҳозланганлиги билан ҳам нихоятда қимматлидир. Шунингдек, атласлар мазмуни географик «тил»да ёритилган бўлиб, бунга асосий сабаб уларни нихоясига етказишда тажрибали педагоглар, географ-картограф олимлар илмий муҳаррир ва илмий маслаҳатчи бўлишганлигидадир. Жумладан, атласларга география фанлари докторлари проф. Т.Мирзалиев, А.Солиев, Х.Вахобов. география фанлари номзодлари доц. П.К.Фуломов, А.Б.Бозорбоев, А.Эгамбердиев, пед.фан.номзодлари Г.П.Герасимов, М.Н.Тиллабоева ва бошқалар маъсул муҳаррир, илмий маслаҳатчи ва маслаҳатчи бўлишган

Атласлар мазмуни яна шуниси билан тўла қонлиқки, улардаги карталар ва карта-схемалар, турли хилдаги диаграммалар янги маълумотлар асосида давр талабига мослаб тузилган. Хатто атласлардаги баъзи-бир карталар асосида 4-5та мавзу мазмунини қамраб олган матнлар, синф атласи асосида эса услубий кўрсатма, тавсияномалар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш мумкин.

Мустақиллик йилларида синф атласлари билан бир қаторда турли мақсадларга (оид) мўлжалланган мавзули карталар ҳам ишлаб чиқилмоқда. Жумладан шу вақтгача Дунёнинг сиёсий картаси, Ўрта Осиё ва қозоғистон табиий картаси, Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий картаси, Ўзбекистоннинг табиий картаси, Ўзбекистон вилоятларининг маълумотномали карталари, Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш ҳамда Экологик карталари ва ҳар бир синф учун ёзувсиз карталар нашр қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳри карта схемаси тархи қитъалар ва материклар карталари, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ҳамда алоқа ва йўллар карталари нашр этилди ва баъзилари нашрдан чиқиш арафасида.

Бу карталарнинг география таълимини такомиллаш-тиришдаги, республикамиз ўқувчилари дунёвий қарашларини шакллантириш ва ривожлантиришдаги, умуман олганда, таълим-тарбияни ҳозирги замон талаби даражасига етказишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Нашр этилган карта ва атласларнинг аҳамияти тўғрисида кўплаб мақолалар ёзиш, фикр-мулоҳазалар юритиш мумкин. Афсуски, мақола хажмига қўйилган талабни ҳисобга олганда уларни тўлиқ, ёрита олмадик. Келгусида қуйидагиларга эътибор беришликни тавсия этмоқчимиз. Чунончи, карта ва атласларнинг нашр нусхасини купайтирилса (масалан, атласлар 2000 нусхада чиққан); -атлас мазмунини ёритишда синф дарслиги мазмуни даражасида ўқувчиларнинг ёши ва билиш қобилиятлари ижобатга олинса;- атлас ва карталарнинг номланишига (масалан Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг табиий картаси, карта-схемаларни карта дейилган) эътибор берилса; олий мактаб таълими мазмунига оид давлат таълим стандартлари асосида карталар ва атласлар нашр этирилса, Мустақил Республикамизда Халқ таълимини такомиллаштиришга ва соғлом-авлод етказишга картографлар янада муносиб хисса қўшадилар деган умиддамиз.

Н.Мажидова, С.Салохиддинова
Ўзбекистон Миллий университети
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА УНИ
КАРТОГРАФИК ТАЪМИНЛАШ

Ҳар бир мамлакатнинг келажак ижтимоий иқтисодий тараққиётида ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга эътиборнинг кучайтириши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, мамлакатимиз раҳбарияти ҳам сўнгги йилларда ушбу масалага катта эътиборини қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 май 2004 йилдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июл «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон умумий ўрта таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги давлат ҳужжатларида республикамизда умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш, мактабларни замонавий ўқув жиҳозлари ва воситалар, ўқув-услубий материаллар ҳамда малакали педагог кадрлар билан таъминлаш асосий вазифалар қилиб белгиланган.

Улар орасида умумтаълим мактабларининг ҳудудий тизилмасини такомиллаштириш, бунда бориш қийин бўлган минтақалардаги мактабларга хартамонлама эътиборни кучайтириш алоҳида таъкидланган. Агарда, мамлакат аҳолисининг 63% дан ортиқроғи қишлоқларда истиқомат қилиши ҳамда жами умумий ўрта таълим мактабларнинг (9799 та – 2003 й) 7706 таси, ёки 78,6%и қишлоқларда жойлашганлигини эътиборга олсак, у ҳолда республикамизнинг қишлоқ жойларида таълим тизимини ривожлантиришга давлат тамонидан эътиборнинг кучайтирилиши бежиз эмаслигини кўриш мумкин.

Умумтаълим мактаблари тизими ўз ичига бошланғич, тўлиқсиз ўрта, ўрта мактабларни, мактаб интернатларини, санатория-ўрмон мактаблари, ақлий ва кечки мактабларни қамраб олади. Маълумки, улар вилоятлар, туманлар бўйича турлича тақсимланган ва турлича ҳудудий тузилмага эга. Уларнинг ҳудудий тузилишини такомиллаштириш, аҳоли учун қулайлигини ошириш катта аҳамиятга эга.

Тадқиқ этилаётган Тошкент вилояти, умумтаълим мактаблари бўйича республикада алоҳида ўрин тутди. Бу ерда жами 898 та умумий ўрта мактаб мавжуд бўлиб, уларда 535,4 минг ўқувчи таълим олмоқда.

Тошкент вилояти мактабларнинг сонига кўра республикада тўртинчи, ўқувчилар сонига кўра бешинчи ўринни эгаллайди. Вилоят мактабларининг 138 таси шаҳар ва қолганлари қишлоқ мактабларига тўғри келади. Мактаблар вилоятнинг қишлоқ туманлари бўйича турлича тақсимланган. Бунда туманларнинг аҳолиси сони кўп-озлиги, қишлоқлар сони катта рол ўйнайди. Жумладан вилоятнинг йирик туманларидан бўлган Бекабод, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларида мактаблар сони энг кўп (62, 74, 58) жойлашган.

Тошкент вилояти умумтаълим мактабларининг 75% ўрта мактаблардан иборат. Ўқувчилар сони эса 32 мингга яқин. Вилоят умумтаълим мактабларининг 70% дан ортиқроғида таълим икки сменада олиб борилади. Бу кўрсаткич қишлоқ мактабларида 75% дан ортиқдир. Вилоят бўйича ҳар бир умумтаълим мактабларига ўртача 600 га яқин ўқувчи тўғри келади (550 ўқувчи - қишлоқ жойларда). Агарда, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этиб ўтилган қарорида умумтаълим мактабларини янгидан қуриш бўйича намунавий лойиҳаларида ўқувчи ўринларининг чекланган сони шаҳар жойларда – 945 ўрин ва қишлоқ жойларда – 630 ўрин, тоғли минтақаларда – 160

ўрингача этиб белгиланганлигига эътибор берилса, бу борада Тошкент вилояти бирмунча устинликка эга. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, аҳолиси кўп ҳамда зич жойлашган ҳудудларда мос равишда йирик мактаблар сони кўп.

Умумтаълим мактабларининг ҳудудий ташкил этилишини ўрганишда, уларни аҳоли жойлашуви тизими билан қанчалик мутаносиблиги муҳим аҳамият касб этади. Бу эса аввало, ҳудудининг табиий-географик шарт-шароитларига, демографик салоҳиятига, яъни аҳоли сони, унинг ўсиши, жинс ва ёш таркиби, зичлиги, қишлоқлар сони, катта-кичиклигича чамбарчас боғлиқ. Шунинг билан бирга, мактабларнинг масофа ва вақт нуқтаи-назаридан қулайлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Умумий ўрта таълим тизимини ҳудудий ташкил этилишини ўрганишда унинг ҳудудий таркибини қарталаштириш ҳам катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда республикамизда мактаб учун чоп этилган картографик манбаларда таълим тизимига бағишланган қарталар мавжуд. Аммо, уларнинг аксарияти республика миқёсида бажарилган. Алоҳида олинган вилоятлар ва айниқса, туманлар миқёсида умумтаълим тизими қарталари кўзга ташланмайди.

Умумий ўрта таълим тизими қарталарини бизнигча икки турга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчиси – бу, мактаблар турини ўзида акс эттирувчи, иккинчиси – умумтаълим тизимининг фаолиятини акс эттирувчи қарталар. Биринчисида, умумтаълим мактабларнинг сони, жойланиши, катта-кичиклиги, транспортга қулайлиги кабилар акс этирилса, иккинчи турдаги қарталарда мактаблардаги ўқувчи ва ўқитувчилар контингенти, мактабларни тури, ўқувчи ўринлари ва улар билан таъминланиш даражаси ва бошқа масалалар ўз аксини топади.

Адабиётлар

1. Солиев А.С., Қаршибоев Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Т., 1999.
2. Образование в Республике Узбекистан. Статистический сборник Т., 2003.

Б.А.Бадалов, А.Эгамбердиев

Ўзбекистон Миллий университети

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ЎҚУВ-ЎЛКАШУНОСЛИК АТЛАСИНИ ЯРАТИШ ҲАҚИДА

Ҳозирги вақтда умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблар, лицейлар, касб-хунар колледжлари ва бошқалар) учун географиядан тузилган давлат таълим стандарти ва унга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастурлари ва дарсликларда, ўз ўлкасининг географиясини чуқур ўрганишга катта эътибор берилган. Бу курсларни ўқув харита ва атласлари билан таъминлаш мамлакатимиз географлари ва картографлари олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Ўқув атласлари нафақат кўргазмаларни ўқув қўлланма, балки жой (ҳудуд) тўғрисидаги билимларнинг аниқ тасвирий манбаи ҳамдир. Зеро, атласлар билан ишлаш ўқувчиларга ижодий тасаввур қилишни, ёдда сақлашни, мантиқий фикрлашни, таҳлил қилишни, таққослашни, ўзаро боғлиқликни ўрганишни, хулоса қилиш йўлларини ўргатади. Ўқув атласларидан мактабда ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда, географияни кундалик ҳаёт билан боғлашда, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда асосий қурол сифатида фойдаланиш мумкин. Атласларнинг фан оламидаги бундай муҳим аҳамиятини эътиборга олиб Ўзбекистон Миллий университетининг геодезия, картография ва кадастр кафедраси «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси ва умумий ўрта таълим муассасаларини тажрибали методистлари билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларни ўқув ўлкашунослик атласларини яратиш бўйича ташкилий ишларни бошлаб юборди. Ўқув-ўлкашунослик атласлари

мактаб ўқувчиларидан ташқари, талабалар, тадқиқотчилар ва сайёҳлар учун ҳам қизиқарли қўлланмадир. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларни табиий шароити ва табиий ресурслари, аҳолиси, халқ хўжалиги, маданияти, фани ва иқтисодиётининг бошқа соҳаларидаги ҳолат билан қизиқувчи ҳар бир китобхон тегишли маълумотларни ундан ўзига топа олади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб биз ЎзМУ геодезия, картография ва кадастр кафедрасида Сурхондарё вилоятини ўқув-ўлкашунослик атласини лойиҳасини ишлаб чиқдик.

Атласни мақсади, структураси, мазмуни ва ҳажми аввал шу типдаги атласлар учун ишлаб чиқилган умумий дастурларга тўлиқ мос келади. Албатта, алоҳида бўлимлар хариталарини сонини ва мавзуини аниқлашда Сурхондарё вилоятининг ўзига хос табиий ва социал-иқтисодий шарт шароитлари ҳисобга олинди. Бизни дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра атлас қуйидаги еттига бўлимдан ташкил топади: кириш; табиат; аҳоли; иқтисодиёт; халқ таълими ва маданият; туризм ва тарих. Бўлимлар саноғидан кўриниб турибдики, атлас мазмуни бўйича комплекс картографик асарлар қаторига кирилади. Атлас хариталари кўп рангли, осон ўқиладиган ва кўргазмали бўлиши керак. Атласни ҳажми матн, шартли белгилар ва титул варағини қўшиб ҳисобланганда 56 бет бўлади.

Атласни ҳажми хариталаштирилаётган вилоятни (худудни) ўзига хос хусусиятлари мавжуд материалларга қараб белгиланди. Атласни барча хариталари тенг бурчакли конусли проекцияда тузилади. асосий хариталарни масштаби 1:1 000 000; 1:1 500 000 ва 1:2 000 000 бўлади.

Қабул қилинган проекция ва масштаблар қатори хариталарни ўзаро солиштириш ва таққослаш ва харитага олинаётган ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқни кузатишга имкон беради.

Атласни типидан келиб чиққан ҳолда, хариталарни қуйидаги тахминий рўйхати ва номи, шунингдек атласдаги жойлашиш тартиби тавсия этилади:

1. Маъмурий харита
2. Табиий харита
3. Геологик харита
4. Тектоник харита
5. Геоморфологик харита
6. Тўртламчи давр ётқизиқлари
7. Ҳаво ҳарорати, ёгин-сочин ва шамоллар (умумиклимий харита) хариталари
8. Мавсумлар бўйича иқлим хариталари
9. Агроиклимий районлаштириш
10. Фенологик хариталар
11. Тупроқ харитаси
12. Ўсимлик харитаси
13. Зоогеографик харита
14. Экологик харита
15. Табиатни муҳофаза қилиш
16. Табиий-географик районлаштириш
17. Аҳоли ва меҳнат ресурслари хариталари
18. Умумиқтисодий харита
19. «Саноат» хариталари
20. «Қишлоқ хўжалиги» хариталари
21. Транспорт ва иқтисодий алоқалар
22. Таълим, фан ва маданият хариталари
23. Туристик харита

24. Археологик харита

25. Тарихий хариталар

Барча хариталар, қўшимча маълумотлар, диаграммалар, графиклар, қизиқарли табиат объектларини фотосуратлари билан тўлдирилади.

Атлас хариталарини тузишда белгилар, нуқталар, картограмма, картодиаграмма, ареаллар усулларидан ва уларнинг модификацияларидан кенг фойдаланилади. Барча хариталар мукамал географик асосга эга бўлади. Атласни яратишда мамлакатимизда ва яқин хорижда орттирилган мавжуд тажрибалардан унумли фойдаланилади. Алоҳида хариталарни лойиҳалаштириш ва тузишда тегишли фан соҳаси олимлари, малакали мутахассислар, шунингдек умумий ўрта таълим муассасаларининг тажрибали услубийчилари иштирок этади.

К.Жўраева, А.Тошматов

Фарғона политехника институти

ХЎЖАЛИК ЕР КАДАСТРИ КАРТАЛАРИНИ ТУЗИШДА ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ҳозирги кунда компьютер технологиялар, инсон хўжалик фаолиятининг ажралмас таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бундай технологияларни амалиётга жорий қилмай туриб ижтимоий – иқтисодий тараққиётни таъминлаб бўлмайди.

Ҳар бир соҳани автоматлаштириш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Соҳага бундай ёндашув аввало, инсон меҳнатини енгиллаштиради, бошқарувни тез ва барқарор бўлишини таъминлайди, давлат ҳамда инсонлар манфаатини ҳимоялайди, ривожланишни изчил боришида имкониятлар яратади. Бунинг моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда ер кадастри соҳасида ҳам иш жараёнини автоматлашган тарзда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ер кадастрининг автоматлашган тизимини яратиш Республикамиз ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишда, бошқаришда, асраб – авайлаш, давлат ва мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишда, ҳамда соҳада бошқарувни марказлашган тарзда изчил ва барқарор бўлишини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Ер кадастри автоматлашган тизими (ЕрКАТ) – ер ресурслари, ер кадастрига доир кўп мақсадли ахборотларнинг мажмуали автоматлашган тизимидир.

ЕрКАТ ер кадастрининг геоахборот (ГАТ) тизимларига асосланган бўлади. Баъзи ҳолларда бу иккала тизимнинг ўртасидаги фарқ деярли сезилмай қолади. Сабаби ЕрКАТ ва ЕрГАТ ташкил қилиниш тамойиллари, мазмун ва моҳияти билан бир-бирига ўхшаб кетади. Бу икки тизим бири бирини ўзаро тўлдириб келади.

Бу соҳада автоматлашган тизимга ўтмай туриб, геоахборот тизимлари (ГАТ)ни яратиш бўлмайди.

ЕрКАТни ташкил этиш тамойиллари:

- Республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш;
- марказлашган бошқарув;
- ер кадастри ахборотлари тақдими ва қайта ишлашнинг ягоналиги;
- жойларда амалиётда ягона координаталар ва топоасосларни қўллаш;
- ер кадастри негизида бошқа кадастр тизимларини бирлаштириш ва давлат кадастрларининг ягона тизимига қўшилиш;
- замонавий геоахборот тизимларининг технологияларидан фойдаланишдан иборат.

Ер ресурсларини бошқариш ва ер кадастрини амалга оширишнинг анъанавий кўринишидан автоматлашган кўринишга ўтишида ўз олдига бир неча асосий талабларни кўяди:

- мавжуд тизимда ҳудудий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ўзаро бўлинган ва тарқоқ ҳолда эди, бу ўз навбатида бошқарув жараёнида талайгина қийинчиликлар туғдиради. Шунини ҳисобга олган ҳолда, бошқарувда тизимли ёндашувни зарурийлиги туғулади;

- талайгина кадастр ахборот (чизма ва атрибут маълумотлар)ни муфассал равишда қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлаш талаби;

- иш жараёнини ташкил этишда компьютер технологияларига қўйиладиган талаблар ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш ишлари билан ўзининг таркибий бўлинмаларига эга бўлган мустақил идоралар шуғулланади. Булар ўртасида ўзаро ахборот алмашиш суст бўлиб, давлат ер кадастри автоматлашган тизимини яратишда ва уни замонавийлаштиришда қийинчиликлар туғдиради. Бундай ҳолат кадастр ахборотларини йиғиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларини ташкил этишда тизимли ёндашув зарурийлигини кўрсатади. Бунга эса соҳани автоматлаштириш орқали эришиш мумкин. Шундай қилиб, ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини амалиётга жалб этиш объектларнинг табиий, хўжалик, ҳукукий ва ижтимоий – иқтисодий маълумотларини йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тақдим этиш жараёнларини тезлаштириб истеъмолчиларни тезкор – ишончли ахборотлар билан таъминлайди ва турли харажатларни камайтиради.

Геоахборот тизими деганда, электрон ҳисоблаш техникалари асосида яратиладиган атроф – муҳит тўғрисидаги мавжуд кўп қиррали маълумотлар мажмуаси тушунилади.

Геоахборот тизими инсон хўжалик фаолиятининг турли қатламларида мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш учун қулай кўринишда тақдим этишга мўлжалланган. Геоахборот тизимини ўрганиш бундан 30 йил аввал вужудга келган бўлсада, лекин унинг асосий ривожланиш босқичи сўнгги 7 – 8 йилга тўғри келди. Бунга сабаб географик маълумотлар негизидаги барча ишлар жараёнини автоматлашган тарзда лойиҳалашнинг технологик ва ғоявий жихатдан ташкил этилганлигидир.

Геоахборот тизимини замонавий стандартлаш ва махсус соҳага йўналтириш ишлари картографиянинг анъанавий ташкил этиш талабларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига амалга оширилади.

“Геоахборот” география фанлари тизимидан аста – секин мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани ҳолда, географиянинг объектини асос сифатида ўрганати, табиат ва жамиятдаги геотизимларга асосланади. Лекин бунда у ўзининг восита ва услубларидан фойдаланади. Бу компьютерда моделлаштириш ва геоахборот – рақамли карталар яратишдан иборат.

Автоматлаштириш, тизимлаштириш, маълум бир мақсадга йўналтирилганлик, тезкорлик ва кўп вариантлик кабилар геоахборот карталаштиришнинг асосий хусусиятларидир.

Геоахборот тизимини ташкил этиш нафақат география фанлари тўғрисидаги фикрлар ривожига, балки дастурлашнинг (умум аҳамиятли ахборот тизимларини тузиш) ривожига, ҳамда ахборот тизимларини тузишга бевосита боғлиқдир.

Бунда табиийки, Геоахборот тизимининг маълумот жихатлари ривожланишида дастурлашга нисбатан бирмунча ортда қолаётган бўлсада, географиянинг имкониятларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Геоахборот тизимини ишлаб чиқишнинг асосий мақсади – замонавий талабларга тўла жавоб бера оладиган

тизимларни яратишдан иборат (Булатова, Трофимов, Панасюк, 1997). Географик тадқиқотлар учун Геоахборот тизими – технологиялари бу мукамал йўл – йўриқ кўрсатувчи воситадир. У ишнинг самарадорлигини бир неча бор оширади. Геоахборот тизими мавжуд ахборотлардан воқеа ва ҳодисалар жойини ақс этган ҳолда, киши онгида яққол тасаввурни намоён қила оладиган янги ғояларнинг маҳсулидир.

Киши воқеа ва ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни тўла кўра олса, тасаввур эта олса, ҳоҳ ўша ахборотлардан илмий тадқиқотларда, ҳоҳ ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланишида унинг моҳияти жуда катта бўлади.

Яхши лойиҳаланган Геоахборот тизими:

- турли мазмундаги ва тарқоқ ахборотларни бир тизимга бирлаштиради, географик маълумотларни таҳлил қилиш учун келишилган тизимни яратади;

- карта ва бошқа мавжуд ахборот манбаларини рақамли кўринишга ўтказиш билан географик билим ва тасаввурларни янги қизиқарли йўналишларини вужудга келтиради;

- географик ёндошувга асосланганлик натижасида турли воқеа, жараён ва ҳодисалар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлайди;

- маъмурий таснифдаги (хусусий мулкчиликка эгалик қилиш, солиқлар, маиший тизимлар тўғрисидаги) маълумотларга, уларнинг географик жойлашуви орқали ёндашишга имкон беради;

- маълумотлардан географик нуқтаи назардан фойдаланиш, уларни янгитдан аниқлаш ва тушуниш имконини беради.

Турли кўринишдаги фаолият ва манбаларни тушуниш, бошқариш қанчалик долзарб бўлмасин, унда Геоахборот тизимининг ўзаро алоқаси таъминланмаса, бу масала ҳал этилмасдан долзарблигича қолиб кетади. Ер кадастрида карталар қандай аҳамиятга эга бўлса, геоахборот тизимларида ҳам шундай аҳамиятга эга. Карталар бошланғич манба сифатида муҳим рол ўйнаса, яқуний ҳосила сифатида ҳам маълумотларни тақдим этишнинг қулай шакли ҳисобланади.

Н.Одилова, О.Одилова

Ўзбекистон Миллий университети

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ КАРТАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ -
КАРТОГРАФИК САВОДХОНЛИК ОМИЛИДИР**

Географик карталар таълим жараёнида муҳим ўқув восита бўлиб, усиз география таълимини тасаввур қилиш қийин. География таълими бўйича ДТС да ўқувчилар эгаллаши шарт бўлган кўникма ва малакалар қуйидаги кўрсаткичлар воситасида ифодаланган; яъни, тасвирлаш, аниқлай (ўлчаш) олиш кабилар ва теварак-атрофни кўриб идрок қилишнинг муҳим воситаси ҳамда услуби бўлган картадан моҳирона фойдалана билишни ўргатиш кўзда тутилган. Бу эса бугунги таълимнинг энг долзарб муаммолари бўлиб, картографик саводхонликни талаб қилади. Аммо ҳозирги дарсликлардаги картографик мавзу ва билимлар ДТС талаби даражасига мос эмас. Ўқувчиларнинг норматив ҳужжатлар меъёри даражасида картографик саводхонлиги муаммо бўлиб турибди. Картографик саводхонлик 5-синфдан 10-синф дарсликларида узвий алоқа асосида картографик мавзу ва билимларни соддаликдан мураккаблик даражасига қараб ўз ўрнида жойлаштиради ҳол бўлиш омиллари ҳисобланади. Чунки 6, 8, 9, 10 синф география дарсликларида картографик мавзудаги билимлар тўлқ ўрин олмаганлиги сабабли картографик саводхонлик муаммоси табиий ўқув карталарни такомиллаштириш ва янгиларини яратишни тақозо қилади. Масалан, “Ўрта Осиё ва Қозоғистон” ўқув табиий картаси (1995 й.) да давлат чегараси тасвирланган тоғли ўлкаларни шартли белгилар билан бир-биридан аниқ ажратиш бўлмайди, тоғ тизмалари

билан давлат чегаралари устма-уст тушиб қолганлиги сабабли Боботоғ тизмаси ва Туркистон тизмалари, тоғ тасвирида тасвирланмай чегара рангида бўлиб қолган.

Карталардаги ёзувларни карта мазмунини ўқишда катта ролини шунинг учун ўқув картадаги ёзувлар аниқ ва маълум катталиқда бўлиши лозим, бу картада эса баъзи шаҳарлар (марказлар) ниҳоятда катта қилиб ёзилганки, табиий карталарни мазмунига путур етказган.

Қашқадарё вилоятда 7 та нефт ва газ фойдали қазилмалар кони кўрсатилиб, аммо кўпчилиги номи ёзилмаган Кўкдумалоқ ва Кўкдала конлари ёзилса ва янада такомиллаштирилса яхши бўларди.

“Ўзбекистон Республикаси табиий” (1998 й.) картасида ҳам юқоридагилар такрорланган бўлиб, Жиззах ва Сирдарё вилояти чегараларининг айрим жойларини кўрсатиш имкони бўлмай қолмаганлиги кўриниб турибди. Картадаги, врезка карталар мазмунини бойитган, бўлса уни ёнидаги “реклама” расмлар картанинг мазмунига соя ташлаб турибди. Рельефни тасвирланиши яъни горизонталлар оралиғи рангда берилсада у тиниқ эмас ажратиш қийин, объектнинг хусусиятини ифодаланиш меъёрига яқин эмас. Чўллар оч янгил рангда, тоғлар оч сариқ рангда, аксинча чўллар оч сариқ, тоғлар оч жигарранг бўлса яхши бўларди.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган картографик камчиликлар муаммолар, ўқув табиий карталарни такомиллаштириш долзарблигини ва ўқувчиларнинг картографик саводхонлигини қийинлаштирилади.

Бизнингча, картографик саводхонлик, кўникма ва малакаларни вужудга келтириш омиллари қуйидагилар деб ҳисоблаймиз.

- Ўзбекистон табиий ўқув карталарини такомиллаштириш ҳамда дарслик мазмуни ва дастур талабига мос даражасида;

- Дарсликлардаги картографик тасвирлаш усуллари тўғрисида шарҳлари берилса;

- Иқтисодга оид картограмма, картограммалар ҳақида тушунча берилса;

- Дарсликларни матнидаги барча объект ва табиий ҳодиса ҳамда жараёнлар, такомиллаштирилиб Ўзбекистон табиий ўқув картасида ўз аксини топса.

- Такومиллаштирилган Ўзбекистон табиий ўқув картасидаги картографик белгилар мумкин қадар содда, кўп жой эгалламайдиган ва шу билан бирга бир-бирларидан аниқ ажралиб турадиган осон ўқиладиган бўлса;

Картографик саводхонлик географиядан олган назарий билимларини картадан фойдаланиб амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилади, билимли маданиятли ёшларни тайёрлайди ҳамда тарбиялайди.

И.Ў.Абдуллаев

**Ўзбекистон Миллий университети
ДЕМОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА КАРТОГРАФИК
МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ**

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узок муддатли дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши натижасида аҳоли билан боғлиқ масалалар янада долзарб тус олди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилишни талаб қилмоқда. Бу эса демографик ҳодисаларни чуқур ўрганиш, аҳолини меҳнат ресурсларининг табиий асоси сифатида тадқиқ этишни тақазо этади.


Юқоридагиларни ўрганишнинг яна бир муҳим томони шундаки, мамлакатимизда тарихан юзага келган демографик ҳолат халқ хўжалигини мутаносиб ва режали ривожлантиришда қийинчилик туғдириб, унинг ўсиш суръатини пасайтиради.

Ўзбекистоннинг кўпчилик ҳудудлари учун характерли бўлган ҳодиса, яъни аҳолининг кўпчилик қисми воҳаларда ва кичик манзилгоҳларда жойлашганлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни кийинлаштиради. Шунинг учун биринчи навбатда демографик жараёнларни аҳолининг жойлашиши, таркиби, динамикаси, бандлиги ва бошқа омилларнинг илмий-амалий тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда ҳудудий жиҳатдан баҳолаб ўрганиш керак ва бундай баҳолаш аҳолини ҳудудий ташкил қилишни режалаштириш, ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришнинг оптимал вариантларини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шунга ўхшаш тадқиқотларда аҳоли жойлашувини, таркиби ва динамикасини ҳудудий жиҳатдан фарқ қилувчи томонларини аниқ очиб берадиган картографик методларнинг ўрни бекиёсдир. Картографик метод ёрдамида бир вақтнинг ўзиде аҳолини вақт ва макон бўйича тадқиқ қилиш мумкин. Бу турли хил ҳудудий таҳлил қилиш усулларида фойдаланган ҳолда турли ҳудудлардаги у ёки бу хусусиятларнинг ривожланишини географик жиҳатдан таққослаш имконини беради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Геодезия, картография ва кадастр кафедрасида Ўзбекистон Республикаси ФТМ нинг бurtмаси асосида «Демографик тадқиқотларда картографик методлардан фойдаланишнинг илмий асослари» мавзусида фундаментал тадқиқот олиб борилмоқда.

Тадқиқот натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистонда деярли барча маъмурий бирликларда майдон катталиги ва аҳоли сони ўртасида тесқари пропорционаллик мавжуд, яъни ҳудуди катта регионларда аҳоли сони кам ва аксинча. Бу хусусият куйидаги графикда яққол ўз аксини топган.



Мамлакатимиз аҳолисининг ўсиши ва тарқалиш хусусиятларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, аҳоли республика ҳудуди бўйича ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароит омилларига боғлиқ ҳолда нотеқис тақсимланган. Шу билан бирга аҳолининг ўсиш суръати ҳудудлар ҳамда вақт бўйича тебраниб туради. Қишлоқ жойларида аҳоли, меҳнат ресурслари юқори суръатлар билан ўсиб, у ерда меҳнат

ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни қийинлаштиради. Натижада ишсизлик муаммосини келтириб чиқармоқда, шаҳарларда эса аксинча.

Ушбу масалаларни илмий асосланган ҳолда ҳал этиш аҳолининг ҳудудий таркибини, меҳнат ресурсларини ривожланишини ва улардан фойдаланиш хусусиятларини ўрганиб, аҳолининг ушбу хусусиятларини ҳар томонлама батафсил тасвирлайдиган махсус карталар тизимини яратишни тақазо қилади.

Лойиҳа-ражалаштириш ташкилотлари режалаштириш масалаларига мос келувчи амалий аҳамиятга эга бўлган замонавий карталарни талаб қилади. Илмий, режалаш ва бошқарув органларини бундай карталарга бўлган талабларини қондириш учун демографик карталарни иерархик даражада – республика, вилоят ва туман миқёсида тузиш мақсадга мувофиқдир.

Таклиф этилаётган карталарни тузиш бўйича тажрибалар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда мураккаб аҳоли географияси шароитида фан ва амалиётга яроқли юқори қийматга эга бўлган карталарни тузиш учун картага олиш методикасини такомиллаштириш керак. Жумладан, легендани ишлаб чиқиш, генерализация жараёнлари, тасвирлаш усуллари танлаш, махсус мазмунни бериш, карта асоси элементларини, масштабини аниқлаш ва жиҳозлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш лозим.

Аҳоли, меҳнат ресурсларини жойлашиши ва бошқа хусусиятларини ҳудудий акс эттирадиган мавзули карталар ҳудуднинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш масалаларини ҳисобга олган ҳолда жорий ва келгусидаги халқ хўжалиги режаларини ишлаб чиқишда муҳим илмий-амалий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Бахметова Г.Ш. Сбор и обработка данных о населении. М., 2000 г.
2. Демографический ежегодник Узбекистана. Ташкент, УзСтат., 2002-2003гг.
3. Тикунов В.С. Моделирование в социально-экономической картографии. М., 1985 г.

ПРОБЛЕМЫ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

З.К. Мырзалиева

Южно-Казахстанский Государственный университет ОТРАЖЕНИЕ В ТОПОНИМИИ ПРИРОДНО-ХОЗЯЙСТВЕННЫХ УСЛОВИЙ

Палеоэкономика древнего населения Южного Казахстана кроме традиционного животноводства, включает горно-добывающую отрасль. Обилие следов древних выработок, а также часто встречающиеся в составе топонимов термины *кен* (руда), *алтын* (золото), *кумис* (серебро), *шункур* (яма) свидетельствуют об этом.

На территории нынешней Южно-Казахстанской области находились древние очаги оседлой и кочевой культуры. Историки связывают это с особенностями географических условий, благоприятствовавшими развитию оседлой земледельческой культуры [1]. Стоит отметить также, что Южный Казахстан являлся важнейшим узловым звеном древних караванных путей, в первую очередь Великого шелкового пути. Географическое положение региона способствовали развитию в долинах рек и предгорной части орошаемого земледелия, а в горных районах и безводных пространствах получило развитие кочевое скотоводство. По данным на начало XX века, в Чимкентском уезде всего кочующих хозяйств было 53,5%, а земледельческих - 46,5% [2, с.65].

До недавнего времени оседлая культура многими исследователями преподносилась как более высокая уровень хозяйственно-культурного развития, нежели кочевое скотоводство. Но исследования последних десятилетий показали, что кочевое скотоводство представляло собой своеобразный способ адаптации к суровым природным условиям, основанный на рациональном использовании скудных ресурсов аридных районов. Еще в начале XX века русские исследователи отметили, что в Чимкентском уезде "скотоводство уживается одновременно с земледелием, и, таким образом, часть киргизского (казахского - автор) населения ведет двойное хозяйство" [2, с. 86].

В долинах Сырдарии и Арыси имелись сложные гидросооружения. Арабские источники содержат сведения о хозяйственном укладе местного населения, упоминаются также названия древних арыков. О существовании кыргызской системы орошения свидетельствуют названия Кырларык, Аксаккырыз, Кырыз. Кроме того, у казахов южных районов области имеется целый ряд местных наименований арыков (*атыз, алыс, тоган, жуйек*) и каналов (*теспе, кашырткы*). Обилие «земледельческой» терминологии в составе топонимов отмечается не только в долинах рек, но и в предгорных районах. Проехавший в 1813 году по территории Южного Казахстана переводчик Филипп Назаров в своих «Записях» сообщает о старых казахских пашнях на северном склоне Каратау, в окрестностях Сузака и возле г. Шымкента [3]. Здесь нами зафиксированы такие названия, как Диирмен («мельница»), Диирментау («мельничная гора»), Шыгырлы («чигирный») и т.п., свидетельствующие о широком распространении орошаемого земледелия.

Детальное знание свойств пастбищ, особенностей рельефа, естественных и искусственных источников воды, характера грунта было необходимым условием для успешного ведения скотоводства. Веками народ накапливал нужную для хозяйства и

жизни информацию о среде обитания, что отражено в географической номенклатуре региона. Анализ гидронимической терминологии Южного Казахстана показал, что она более дифференцированная, чем в других регионах республики. Это в свою очередь объясняется тем, что в условиях пустынь ведение любого вида хозяйства невозможно было без детального знания особенностей гидрографической сети. Названия типа Сасыкбулак («вонючий ручей»), Донгелексай («круглый сай»), Ащыкудук («горький колодец»), Суыкбулак («холодный ручей») содержат полную информацию об объекте: по ним можно определить тип объекта (ручей, сай, колодец) и узнать их свойства (вкусовые и другие качества воды, форма объекта). Подобная закономерность прослеживается в основном при номинации орографических и гидрографических объектов.

Также можно отметить, что скотовод оценивал объект с точки зрения его пригодности для ведения животноводства. При этом на первый план выходят обилие кормовых трав (Жусанды, Оленды, Жантакты), виды пастбищных угодий (жайлау, кыстау, сор, кум и др.), обеспеченность теми или иными видами ресурсов. Использовались также коррелятивные обозначения типа *жаксы* - *жаман* (хороший - плохой), *татти* - *ащы* (сладкий - горький), *жылы* - *суык* (теплый - холодный), *узун* - *кыска* (длинный - короткий). В частности, обозначения жаксы или жаман прямо указывает на хозяйственное значение объекта: урочище Жамантау имеет скудную растительность, нет водных источников, а Жаксытау изобилует кормовыми травами, имеются естественные источники воды, В названиях четко указывалось также их местоположение: гора Аяккокше находится ниже г. Баскокше, а между ними расположена г. Ортакокше.

Есть также особая группа названий, связанные с элементами жилища кочевников. Среди них *босага* (порог дома), *тор* (место против входа, считается почетным местом), *кереге* (стены), *шанырак* (куполовидная верхняя часть юрты). В номинации объектов строго соблюдается местоположение этих элементов в доме: *тор* присутствует в названиях самой верхней части горной долины, а *босага* применяется для обозначения возвышенности или сопки, круто опускающейся к сравнительно широкому продольному понижению между горами.

Таким образом, устный характер традиционной культуры казахов обусловил повышенное внимание к слову как инструменту познания мира. Путем номинации реальных элементов ландшафта происходило духовное освоение пространства. Жители бескрайних степей и высоких гор «заложили» в географических названиях ту информацию об объектах, которая имела прямое отношение к их хозяйству и быту.

Литература

1. Нусупбеков А.Н., Кумеков Б.Е. Социально-политические, этнические и культурные процессы в Южном Казахстане (VI-X вв) //Известия АН КазССР. Сер.обществ.наук. 1975, №6, с.40-41.
2. Материалы по киргизскому землепользованию, т.П, вып. I. Сырдарьинская область. Чимкентский уезд. - Спб, 1910. - 277 с.
3. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. 1968.

Б.Эгамов, П.Фуломов

Ўзбекистон Миллий университети

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВНИНГ ГЕОГРАФИК МЕРОСИ

Бизнинг ҳатти-ҳаракатларимиз маҳсули келажак учун, келажак авлод қадриятлари учун қандай бўлади, деган масала юзасидан ҳукм чиқариш бизнинг ишимиз эмас, зеро биз ҳар дақиқада тарихий тақдирга, абадий оламга ўз муносабатимизни билдириб яшашимиз керак.

Н.Бердяев

XX аср бошларидан эътиборан Туркистонда жамиятнинг деярли барча соҳаларида миллий уйғониш даври вужудга кела бошлади. Хусусан, маърифат соҳасидаги ҳаракат омманинг дунёвий билимларини ошириш, тарихий давр талаблари ва моҳиятини, Ватан ва миллатнинг аянчли тақдирини тўла ва тўғри англаб етиш провард мақсад этиб олинди. Бу ҳаракат ўша даврда “Жадидчилик” номи билан Чор ва Совет Россияси томонидан “мамнуният” билан талқин қилинди.

Ватанимизнинг географ мутахассисларга азиз ва ардоқли бўлган таникли ва машхур ўзбек географи Нўмон Долимов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган мазкур конференция биз ва келажак авлод учун тарихий воқеадир. Сабаби, Нўмон Долимовнинг географик таълим соҳасидаги фаолияти тақсинга сазовордир. Нўмон Долимов ва унинг ижоди, фаолияти жадидчилик ҳаракати ижоди ва фаолияти билан ўхшашлиги, олим жадидларнинг маънавий давомчиси ҳамда улар билан бизлар ўртаамиздаги боғловчи “кўприк” дейишимизга асос бўла олади. Н.Долимовнинг маҳаллий аҳоли (асосан ўқувчилар) учун ёзган географик дарсликлари ўзбек география таълимининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Унинг дарсликлар яратиш соҳасидаги фаолияти (1960 йиллардан бошланган) ўзбек география таълимида янги даврни бошловчи ва давом эттирувчи сифатида номоён бўлди. Унинг дарсликларида регионаллик кучли акс эта бошлади, десак хато бўлмайди.

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик, жонбозлик кўрсатган, ёш авлод қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини шакллантиришда улуғ хисса қўшган яна бир миллатпарвар олим, жадидчилик ҳаракатининг йирик номоёндаларидан бири бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлини ёд этиш, унинг географик меросини ўрганиш тарихий ҳақиқатга ўз муносабатимизни билдириб яшашимиздан далолатдир.

Инсон ҳамма вақт кимдир бўлишга ҳаракат қилади (олим, шоир, шифокор ва ҳоказо). У ўз фаолиятини шу соҳа сир-синоатларини билишга йўналтиради, ўз ҳаётини шу соҳага мослаб ташкил этади. Ана шундай буюк инсонлардан бири Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлидир. У болалик чоғлариданоқ жуда серғайрат, фанга қизиқувчан ва ватанпарвар бўлиб ўсган. Ўзгалар дардини ўз дарди, ўзгалар қувончини ўз қувончи деб билган. Мунаввар Қори миллат учун, унинг озодлиги, ёш авлод камоли учун ҳаётини бахшида этган.

Дарсликнинг мақсадини яъни умумсайёравий миқёсда географик жараёнларни бошқариш, табиий муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун географик қобикнинг қонун ва қонуниятлари тизим сифатида мазмунли ёритиб беришга имкон даражасида эришишганлар. Шунингдек, географик қобик, унинг таркибий қисмларини ўзаро боғлиқ ва бир-бирларига таъсир этишлиги натижасида вужудга келадиган ходиса ва жараёнлар ҳақида дарсликда етарли мазмунда билимлар беришган.

Муаллифлар дарслик мазмунини ёритишда олдин нашр этилган шу курсга оид фанлар мазмунидаги кетма-кетликга нисбатан ўзгача йўналишдаги мавзулар изчиллигини кўллашган. Жумладан, географик қобикнинг таркибий қисмлари-компонентлари бўлган литосфера, гидросфера, атмосфера, биосфераларга хос хусусиятларни тавсифлаган ҳолда асосан шу компонентлар билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни алоҳида (III-қисмда) ёритиб беришган. Дарсликда умумсайёравий географик жараёнларни бошқаришнинг асослари (Y-қисм) илмий ва амалий аҳамиятга молик ғоя ва маълумотлар асосида етарли даражада ёритилган. Бу қисмни ҳозирги замон географиясининг асосий вазифалари ҳамда курснинг хулосаси десак янглишмаймиз.

Дарсликка оид ижобий фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Битта мақола мазмунида уларни ўқувчиларга етказиш мумкин эмас. Шунинг учун куйида дарсликка ва унинг мазмун қамровига оид ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимизки, зеро бу фикр- мулоҳазалар Олий мактаб география таълимида биринчи марта лотин алифбосида ўзбек тилида географиядан яратилган дарсликнинг ижобий салоҳиятига салбий таъсир этмайди, балки келгуси нашрларда муаллифлар уларни ўрганиб чиқиб, имкон даражасида эътиборга олишликлари мумкин. Жумладан-географик қобикнинг таркиби, тузилиши, чегаралари ва хусусиятлари ҳақида янада аниқроқ ва мазмунлироқ ҳолда муаллифларнинг фикрлари ёритилса;

- Географик қобик «Умумий ер билими» курсини ёки «География»нинг объекти эканлигига аниқлик киритилса, ҳамда фаннинг объекти ва предмети ўртасидаги боғланиш ёки фарқланишлар бўлишлиги эътиборга олинса;

- Дарсликда географик қобик ва унинг таркибий қисмлари ҳақида маълумот берилганда уларнинг компонентларини бир-бирларига таъсир этиши ва ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ундаги ҳаракатлар алоҳида эмас, балки қобикнинг ҳар бир компоненти тавсифланган бобларга узвий боғланиб кетилса;

- Географик қобикнинг ривожланиши қисмини (IY-қисм) иккинчи қисмнинг учинчи боби охирида берилса;

- Маълум боблардаги мавзулар мазмунида маҳаллий географларнинг тадқиқот ишларидан, шунингдек, табиий ва ижтимоий ҳодиса ва жараёнлар тавсифида маҳаллий ва янги маълумотлардан мисоллар келтирилса, масалан: цунами, zilзила ва тўфонлар мисолида.

- Баъзи-бир мавзуларнинг (ҳатто сфералар бўйича берилган) ҳажмини ошириш ёки камайтириш нисбатларига эътибор қаратилса ва бошқалар. (намунавий дастур асосида).

Умуман олганда, Дарслик давлат таълим стандарти, ўқув дастури, услубиёти ва дидактика талаблари асосида, миллий истиқлол гоёси сингдирилган, фанга тегишли асослар мукамал берилган ҳолда яратилади. Шунингдек, дарсликда мақсад ва вазифалар, билим оловчиларнинг ёши, билим савиялари ҳисобга олинади. Бу борада муаллифлар юқоридаги кўрсатмаларни имкон даражасида эътиборга олишган, лекин етарлича деб бўлмайди. Чунончи, биринчи курс талабалари учун дарсликдаги баъзи-бир мавзулар мазмуни мураккаблик қилади. Шунингдек, дарслик мазмуни, мавзулар изчиллиги, намунавий дастурдаги мавзулар мазмунини изчиллик асосида тўлиқ қамраб олган Дея олмаймиз. Қолаверса, бизнингча, олдин қўлланма яратилиб, сўнг 3-5 йил (мумкин 2 йил) давомида синовдан ўтказилиб, сўнг мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда дарслик яратилса унинг мазмуни янада бойтилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга қарамасдан «Умумий ер билими» дарслиги ўз вақтида нашр этилган, Олий ўқув юртларининг география мутахассислари учун зарур ва муҳим бўлган манба, деб ўйлаймиз ҳамда муаллифларнинг келгусидаги ишлари янада сермахсул бўлишлигини тилаб қоламиз.

Б.Абдурахмонов

Наманган Давлат университети
АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯНИ ЎРГАНИШДА МУСТАҚИЛ
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Замонавий педагогик технологияларнинг мақсади ҳаммани ўқитиш, билим бериш, мустақил билим олишга ўргатишдир.

Ҳар ким ҳаммага – ҳамма ҳар кимга таълим бериш негизида таълим жараёни ташкил қилиниб, ўқитувчидан алоҳида тайёргарликни талаб қилади. Энг муҳими ҳар бир ўқувчини тўла билган ҳолда ташкил қилинган дарс уларнинг таълим олишларида ҳар доим ҳам самара беравермайди. Ўқувчи чегараланади, ўқитувчи – ўқувчи муносабатлари мутаносиб бўлмайди. Агарда ўқувчига фақатгина ўқитувчи таълим бериб эмас, балки, ўқувчи бир-бирлари билан ҳамкорликда ўрганишларига йўл берилса, билимларни ўрганиш осонроқ кечади.

Шу боис куйида ўқувчиларни гуруҳларга бўлиб, дарс ташкил қилиш ҳақида фикрлашамиз. Уларнинг турли шакллари мавжуд:

- фаол ва пассив ёки уларни аралаштириш. Бу ҳолатда ўқитувчи дарсда ягона муаммони ўрганишга қаратади ёки ўқувчилар диққати топшириқларни бажаришга қаратади. Натижада ким тез ва аниқ, бошқалар эса кейинроқ ёки чала бажарадилар. Бу билан гуруҳда кучли – фаол ўқувчилар аниқланадики, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларга фаол ёндошади. Хуллас, муаммони ойдинлаштиришда фаоллар ўқитувчига ёрдам беради. Бундай ўқувчилар аниқлангандан сўнг ижодий характердаги

вазифалар бериш билан рағбатлаш лозим. Бошқа ўқувчилар ҳам дарс жараёнида эътиборсиз қолмасликлари учун қўшимча тарқатма материаллар тайёрлаш орқали билим олишлари таъминланади.

Навбатдаги дарсга тайёргарлик кўришда унга керакли жиҳозлар ҳозирлаш билан бирга олдиндан ўқувчиларни хабардор қилиш айниқса муҳимдир.

Мисол учун: Ўзбекистонда атроф-муҳит мониторингини амалга ошириш мавзуси бўйича қуйидагича вазифалар белгиланади:

1. Атроф муҳит мониторинги.

А) Долзарблиги. Б) Саноат корхоналари. С) Ичимлик суви муаммолари. Д) Тегишли ташкилотлар.

2. Мониторинг тадқиқот усуллари.

А) Аэрокосмик усул. Б) Кимёвий усул. С) Ландшафтли индикация усули. Д) Санитария гигиеник усул.

3. Мониторингли тадқиқотлар.

А) Стационар постлар. Б) Маршрутли постлари. С) Кузатиш ва назорат

4. Мониторингни бошқарув усуллари

А) Гидрометеорология бош бошқармаси. Б) «Гидроингео» ишлаб чиқариш бошқармаси. С) Вазирликлар ва қўмиталар.

Ўқувчи маълум даражада дарсга тааллуқли маълумотларни қўшимча тўплаган ҳолда қатнашишлари таъминланади. Шунингдек, ўқувчилар 4 гуруҳга бўлиниб сардорлари аниқланган ҳолда ўқув қуроллари, ахборотлар, хариталар, карточкалар, чизғич, ҳисоботлар, дарслик, жадвал, расмлар, слайдлар каби кўргазмалар ва қўшимча тарқатма материаллар билан таъминланади.

Ўқитувчи сардор билан дарсга тайёргарлик кўриб, дарс жараёнида топшириқларни бажаришга киришадилар. Ўқитувчи дарс жараёнида маслаҳатчи сифатида қатнашади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни мустақил билим олишларини тўғри ташкил қилиш орқали билимларни пухта ўзлаштириш имконига эга бўлинади.

Ҳ.Б.Никадамбаева, П.Н.Фуломов

Ўзбекистон Миллий университети

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИ-ПУХТА ВА ЧУҚУР БИЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

География жами фанларнинг энг кекса “бобокалон”ларидан бири эканлигини Ҳ.Ҳасанов жуда тўғри изоҳлаган. Ўзбекистонда географиянинг ривожланиши узок даврларга бориб тақалади. Чунки, географик билимларнинг ривожланишида Туркистондан етишиб чиққан буюк бобокалон олимлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда географик таълимнинг ривожланиши XIX аср охири ва XX аср бошларида “янги усул” мактабларининг ташкил қилиниши ва фаолияти билан боғлиқ. География таълимининг ривожланишига маърифатпарвар Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳамда Абдулла Авлонийлар катта ҳисса қўшишган. Шўролар даврида география таълимининг йўлга қўйилиши ва ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олим Нўъмон Долимов бўладилар.

География фанлари номзоди, доцент, узок йиллар давомида Ўзбекистонда география фанининг асосий маркази бўлган Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУда) География факультетини бошқарган Нўъмон Долимович талабаларга жуда мазмунли маърузалар ўқир, ўша вақтдаги илғор педагогик методлардан фойдаланар эдилар. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин таълим тизимини жаҳон

стандарти даражасига олиб чиқиш зарур бўлиб қолди. Миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиikka, ижтимоий-сиёсий ҳаётда олдига қўйган вазифани мустақил ҳал қилишга қодир. Мўлжални тўғри ола билиш салоҳиятига эга бўлган баркамол авлодни шакллантириш вазифасини қўйди. Мазкур Қонун ва дастурлар кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш, пухта ўзлаштириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, рухий-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъуллигини ҳис этадиган баркамол авлодни тарбиялашни назарда тутди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг туб моҳияти мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, эски таълим тизимидан мерос қолган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш, бозор рақобатларига бардош бера оладиган кадрларни тайёрлаш, таълим муассасаларининг моддий базасини кучайтириш, педагог ходимлар малакасини тубдан ошириш тизимини барпо этиш, таълим тизими билан ишлаб чиқариш, фан, давлат, жамоат ташкилотлари ўртасидаги боғлиқликнинг янги тизимини яратишдир. Бу ҳолат хориж таълим тизимининг илғор ютуқларини, янги педагогик технологияларни жорий қилишни тақазо этади.

Шу ўринда муаммоли ўқитиш технологиясини жорий қилиш муҳим ўрин тутди. Муаммоли ўқитиш мантикий фикрлар тадбирлари, ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усулларини қўллаш қоидалари ва талабаларнинг тадқиқот фаолиятлари қонунларининг тизимидан иборат.

Муаммоли ўқитиш технологиясини қўллашда аввал муаммони вужудга келтирилади. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билимлар ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади.

Муаммоли вазиятнинг моҳияти талаба таниш бўлган маълумотлар, янги фактлар, ҳодисалар ўртасидаги зиддиятдир.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилардан иборат:

- талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар;
- юзага келган билиш машаққатини ҳал қилиш;
- уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли ўқитишнинг моҳияти таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ахборотларни ўқитувчи томонидан муаммоли мазмунда ўртага ташланишидан иборатдир.

Бунинг учун қуйидаги шартлар бажарилади:

- ўқув ахборотномаларининг такомиллашиб бориш тизими яратилади;
- муаммоли ўқитиш амалга оширилади;
- ахборотнинг ўқув вазифасига ўтказилиши вақтида уни ечиш усулини танлаш имконияти кўзда тутилади;
- таълим олувчининг субъектив мавқеи ҳисобга олинади;
- талабанинг билиш мақсадларини англаб етиши кўзда тутилади;
- қарор қабул қила олиши, масалани ҳал қилиши;
- натижани кўра олиши ва қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрида бўлган воситаларни баҳолай билиш имконлари эътиборга олинади.

Муаммоли ўқитишга асосланган ўқув машғулотларини ўтказиш методикаси унда қўлланиладиган методларни асослаб беришни талаб қилади. Бунда ижодий, қисман ижодий ёки эвристик ахборотларни муаммоли баён қилиш асосий метод ҳисобланади.

Муаммоли ўқитиш уч таркибий қисмдан иборат:

- маълум, яъни берилган вазифа асосида;
- номаълум-уларни топиш, янги билимларни шакллантиришга олиб келади;
- аввалги билимлар-талабалар тажрибаси, эгаллаган билимлари асосида.

Талабага номаълум бўлган ўқув муаммоси вазифа қилиб берилади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳам, натижаси ҳам номаълум бўлади, лекин талабалар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб кутилган натижа ёки ечилиш йўлини излашга тушишади.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари:

- янги билимларни шакллантиришга олиб келадиган номаълумнинг қўйилиши;
- талабаларда, номаълумни топиш йўлида изланишни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян билим захирасининг мавжудлиги.

Ўқув муаммоси босқичлари муаммоли вазият яратиш, ўқув муаммосини ечиш учун изланиш ва муаммонинг ечилишидан иборат бўлади.

Муаммоли ўқитишнинг вазифаси талабалар томонидан билимлар тизими ва ақлий ҳамда амалий фаолиятлари усуллари самарали ўзлаштиришга ҳамкорик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билиш, мустақил ўқиш, изланиш, эркин фикрлаш, мулоқотда бўлиш, хулоса чиқариш, тарбия муаммоларини ҳал қилишдир.

Адабиётлар

1. Таълим-тарбия сифати ва қирралари. Тошкент, “Фан ва технология”-2004.
2. Ғуломов П., Ваҳобов Ҳ., Абдуназаров Ў., Зайнутдинов А. Н.Д.Долимовнинг Ўзбекистонда география таълимини ривожлантиришдаги ўрни. География ва кадриятлар. Конференция материаллари. Тошкент-2001.

М.Умарова, У.Бароталиев
МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ЎЛКАШУНОСЛИК
МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

География таълимида ўлкашунослик принципи, дарснинг мавзуси ҳамда география кабинетида мавжуд бўлган ўқув методик материаллар, турли адабиётлар ҳамда бевосита ўқитувчи раҳбарлигида олиб борилган кузатишларга асосланиб қўлланилади.

География дарсларида маҳаллий материалларга таяниб дарс ўтиш, ўқувчиларда ўзлари яшаб турган жой ҳақида ўрта таълим талаб этган кўламда билим ва малака бериш билан бирга уларнинг дунёқараши кенгайишида ёрдам беради. Чунки ўқувчилар ўзлари кўрган, ҳис қилган, ўзлаштирган маълумотлар асосида дунёнинг турли қисмларидаги воқеа, ҳодисаларни, жараёнларни, объектларни идрок эта оладилар.

Яъни таълимда яқиндан-йироққа, оддийдан-мураккабга, маълумдан-номаълумга деган қадимги дидактик принцип асосида улар воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини вилоят миқёсидан Республика, сўнгра мос равишда Ўрта Осиё ва дунё даражасида ўрганадилар.

Ўлкашунослик принципига таяниб дарс ўтиш географиянинг бошланғич курсларидан бошланади ва, айниқса, Ўзбекистон табиий географияси курсини ўтишда ҳар бир мавзунини ўлка билан боғлиқ материаллар асосида тушунтириб борилса, мақсадга мувофиқ. Масалан, Ўзбекистон иқлими мавзусини ёритишда республиканинг иқлим ҳусусиятлари ва иқлим ҳосил қилувчи омилларини ёритишда ўлка билан боғлиқ материаллардан фойдаланса бўлади. Бунда ўқувчилар ўлканинг географик ўрнидан келиб чиқиб, ўзлари яшаб турган жойнинг иқлимига оид материаллар билан танишиб, унинг жойдан-жойга ўзгарб бориши сабабларини ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг маҳаллий материалларидан фойдаланишларида ўлкага оид илмий адабиётлар ҳамда «Иқлим маълумотномаси» катта ёрдам беради. Улар ёрдамида мактаб жойлашган вилоятнинг турли районларида ҳаво ҳарорати ва ёғинларнинг кўп йиллик кўрсаткичлари олинади. Сўнгра мавжуд маълумотлар ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилинади, ҳарорат ва ёғин миқдорининг ҳудудий нотекис тақсимланиши, фарқлари ҳамда уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Шу асосда ўқувчилар вилоятнинг турли пунктларида ҳаво ҳарорати ва ёғинлар миқдорининг бир-бирдан фарқ қилиши жойнинг ер юзаси тузилиши ҳамда ҳаво массаларининг йўналиши билан боғлиқ эканлигини билиб оладилар.

Юқоридаги материаллар асосида ўқувчиларга уй вазифаси сифатида мустақил топшириқлар бериш мумкин. Бунда ҳароратнинг йиллик ўзгариши графиги ёки ёғинларнинг фасллар бўйича ҳамда ойлар бўйича тақсимланишига оид диаграммалар ишланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, география таълимида ўлкага оид маълумотлардан фойдаланиш орқали ўқувчилар билимининг пухта бўлиши билан бирга уларда, ўзлари яшаб турган жой ҳақида ҳар томонлама тушунча ҳосил қилишга эришиш мумкин. Бу эса ўқувчиларни мустақил фикр юритишга ҳамда ҳаётий кўникмалар ҳосил қилишга ўргатади.

Ш.Калонова, М.А.Хайитова

Қарши Давлат университети

ҚАРШИ ШАҲРИ НОМИНИНГ ТАРИХИЙ ТАДРИЖИ ҲАҚИДА

Қарши воҳаси шунингдек, Қарши шаҳри тарихини Суғднинг жанубий қисми ҳисобланган Қашқадарёни ўтмишидан айрича тасаввур қилиб бўлмайди.

Суғд ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто»да форс битиклари, юнон-рим тарихчилари асарларида учрайди. Қашқадарё этаклари Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг шарқий қисми (Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида) уч минг йил илгари аҳоли ўтроқ яшайдиган вилоятлардан иккитаси вужудга келган. Бу икки вилоят Наутака ва Ксениппа деб юритилгани антик давр тарихчилари асарларида қайд этилади. Наутака ва Ксениппанинг жойлашуви масаласида тарихчилар ўртасида тортишувлар бўлиб келмоқда.

Биринчи гуруҳ Наутака ҳам, Ксениппа ҳам Қарши воҳасида бўлган деса, иккинчи гуруҳ Наутака Қашқадарё воҳасининг шарқий қисми, яъни Зарафшон тоғи тизмасидан Ўрадарё ва Ғузоргача бўлган ҳудудда жойлашган деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги пайтда тадқиқотчилар Ксениппани Қашқадарёнинг этаклари деб таъкидлайдилар. Александр Македонский юриши воқеалари баён қилинган тарихий манбаларда Суғдлар яшаган жойларнинг юқорида қайд қилинган номлари учрайди. Аррианнинг ёзишича, эрамизгача 329 йил баҳорида Александр Македонский аскарлари Окс-Амударёдан Суғд ерлари-Наутака ва Мароқанд (Самарқанд) шаҳрига қараб юрган. Шундай қилиб, Суғд юриши бошида Македонияликлар Қашқадарёнинг этакларини босиб олмаган. Курций Руфнинг ёзишича, ҳарбий юришнинг иккинчи босқичида Александр Македонский Сирдарё бўйидан Мароқандга келиб, сўнгра Ксениппага қараб юрган. (Квинт Курций Руф. «История Александра македонского», Москва 1963 г).

Суғдларнинг Македонияликларга қарши Спитамен раҳбарлигидаги кўзғолони ҳақидаги тарихий манбаларда Ксениппа тилга олинади. Бу ўлка аҳолиси Александр Македонскийга бўйсунмаган. У аҳоли кўп яшайдиган жой сифатида Спитамен лашкарига паноҳ вазифасини ўтаган. Янги археологик маълумотларга кўра Ксениппа вилояти Қашқадарё этакларида жойлашганлиги аниқ бўлиб қолди. Ёркўрғон бу вилоятнинг маркази саналган. Қашқадарё воҳасининг бошқа йирик маркази-Узункирни (Наутака)ни македонияликлар Спитамен кўзғолонига қадар босиб олган эди. Сабаби

Узунқир (Наутака) Бактриядан Мароқандга юриш ўтган йўл устида жойлашган. IV-VII аср Хитой манбаларида ўрта асрларда Қашқадарё этакларида мавжуд бўлган манзиллар номи қайд этилади. Уларнинг номи Нашебо ва Нашеболо каби икки хил шаклда келтирилади. Бу эса Нахшабнинг суғдча атамаси бузилган шаклидир. М.Массон бу ном маъносини Нахшаб-«нурли» ёки «тўлин ой» дейилади, деб тахмин қилади. (М.Е. Массон, «Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен», Т., 1973 г). VI-VII асрдан кейин бу ҳудуднинг яхлитлигига путур етган. У Нахшаб ва Кеш мулкларига ажралиб кетган. Шу даврдан Нахшаб ва Кешнинг ўз тангалари зарб этилган. Нахшаб тангасининг юза қисмида чопаётган от, Кеш тангасида хукмрон Ахурпатнинг кўриниши тасвирланган. (Сулейманов Р., -Древний Нахшаб,- Т., 2000 г). V асрдан бошлаб Нахшаб Қалъаи Захҳоки Морон ҳаробалари ўрнида тараққий этган. (Р.Сулейманов, М.Исамиддинов, «Ерқўрган» Т. 1984 г). Афсоналарга кўра бу шаҳарни Шох Жамшид қурдирган. Қадимий манбаларда Нахшаб номи Никшапа шаклида учрайди. Ундан Ксениппа юнонча шакл келиб чиққан. Бу ҳақда С.Шакед нашр қилган эрамиздан аввал IV аср ёки эрамизгача 330-йилларга оид оромий ёзув Афғонистондан топилган манбада маълумот берилади. (А.Саъдуллаев, «Санъат» журнали №2, 2005 йил, 6-8 бет). 710-йили Қарши шаҳрини араблар босиб олган. VII асрдан араб тарихчи ва географлари Нахшаб ўрнига Насаф номини қўллаб бошлаган. Араб манбаларида ат-Табарийда бу ном дастлаб 701-702 йилларда учрайди. («История ат-Табарий», Т., 1987 г). М.Массоннинг фикрича, шаҳарнинг бу янги номи «ўлик сувли» жой маъносини англатади. Бошқа бир тахминга кўра, «Насаб» сўзи араблар томонидан Нахшаб номидан келтириб чиқарилган. Қадимий манбалардаги Никшапа сўзида «Авесто»даги *an*-сув сўзининг мавжудлиги эътиборни тортади. «Нахшаб» сўзидаги суғдча *об*-сув сўзи эса дарё сўзи билан боғлиқ. Шаҳар номи қадимда ҳам, ўрта асрларда ҳам дарё билан боғлиқ бўлган. Насаф XI-XIII аср бошларида Шуллуктепа ўрнида Қаршининг шимолӣ-ғарбида бир неча километр масофада Қашқадарё бўйида жойлашган. Кеш (Қашқадарё) дарёси «шаҳарни кесиб ўтган», «уни иккига бўлган» ва шаҳар ўртасидан оқиб ўтган. Бундай ҳолат ҳозирги Қарши шаҳри учун ҳам ҳосдир. Мўғулнинг сўнгги хонларидан Кебек Чигатой улусида 1318-1325 йиллар вилоятнинг янги маъмурий маркази Шуллуктепанинг жанубий-шарқида Қарши қалъасини шакллантирди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, «Қарши» сўзи «қалъа», «сарой» маъноларини англатади ва қароргоҳ-сарой қурган Кебекхоннинг меъморчилик фаолиятини билдиради. Шаҳар, қалъа шу ном билан аталган. З.М.Бобурнинг «Бобурнома»да ёзишича, Қарши мўғулча сўз бўлиб «гўрхона» маъносини билдиради. «Сарой» сўзи ҳам XIII асрда сарой ва мақбараларга нисбатан қўлланилган. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, Қашқадарё этакларида жойлашган деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ривожланган вилоятлар турли даврларда турлича номланган. Шунга кўра, вилоят марказининг номи ва ўрни ҳам ўзгариб турган. Марказлардан энг қадимгиси Ёрқўрғон (Никшапа-Ксениппа) эрамизгача бўлган VIII асрларда шакллана бошлаган ва у эрамизнинг V асригача мавжуд бўлган. V асрдан бошлаб IX аср бошларигача Қалъаи Захҳоки Морон (Нахшаб) IX асрдан XIII аср бошларигача Шуллуктепа (Насаф) вилоят маркази сифатида ривожланган. Кейинги тарихий тараққиёт Қарши номи билан боғлиқ. Қадимги шаҳарларнинг вайрон қилиниши ва янгиларининг шаклланиши сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий омилларга боғлиқ. Александр Македонский босқини ва янги ерларнинг очилиши, суғориладиган майдонларнинг кенгайиши ва янги ирригация иншоотлари барпо қилиниши туфайли аҳоли кучиб кетиб Ёрқўрғон бўшаб қолган. VIII асрда араблар истилоси ва Муқанна кўзғолонининг бостирилиши туфайли Нахшаб таназзулга учради. Мўғуллар босқини натижасида Насафда ҳаёт тўхтаган. Шаҳар номи даврлар оша ўзгариб турганлиги турли асрларда унинг маркази ҳам кўчиб турган. Ёрқўрғон, Қалъаи Захҳоки Морон, Шуллуктепа, Қарши деган номлар билан юритилган.

Қашқадарё этагидаги пойтахт шаҳар Никшапа-Ксениппа, Нахшаб, Насаф, Қарши кейинги 2700 йил давомида Қашқадарё этагида ривожланиб келган вилоят марказининг тарихий номидир.

С. Усмонова, К. Қурбонов

Жиззах Давлат Педагогика институти

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Давлат таълим стандартлари» да бозор муносабатлари шароитида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни билимли ва маънавий баркамол қилиб тайёрлашдек муҳим вазифа майдонга ташланди. Мана шу вазифаларни бажаришда мактаб ўқув режасига киритилган барча фанлар қатори география фани ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

География фанининг ўқув дастурлари ҳам худди шуни ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлиб, уни қай даражада муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир дарсга ижодий ёндошишни талаб этади.

Агар географияда ўтилатган ҳар бир дарсда ўрганилаётган мавзу фақат дарсликдаги маълумотлар асосида тушунтириб қолинмасдан оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение)да шу мавзуга доир бериб борилаётган янгиликлардан ҳам фойдаланиб борилса, бу нарса, биринчидан, ўқувчиларнинг ўтилатган мавзунини чуқур ва пухта ўзлаштиришларига; иккинчидан, уларнинг шу фанга қизиқишларининг ортишига; учинчидан, кундалик воқеа ва ҳодисаларга нисбатан кузатувчанлигининг ошишига ёрдам беради.

Буни аниқ мисолларда қараб чиқайлик. 5-синфда Литосфера бобида «Зилзила ва вулконлар» ҳақидаги мавзунини ўтишда Ер юзининг қаерларида шу ҳодисалар кузатилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар аниқ вақти айтилиб, ўқиб, айтиб берилиши, шунингдек атмосфера, иқлим ҳақидаги боб ўтилётганда кундалик об-ҳаво «Ахборот», «Давр» ва «Иқлим» каби телевидение дастурлари маълумотлари асосида ёритилиб борилиши мумкин. 7-синфда «Ўзбекистон табиий географияси», 8-синфда «Ўзбекистон иқтисодий географияси» фанларидан ўтилатган ҳар бир дарсда оммавий ахборот воситалари маълумотларидан фойдаланиб бориш мумкин.

Масалан, «Ўзбекистон ички сувлари» мавзусини ўтишда қурилаётган сув омборлари, каналлар ҳақидаги маълумотларни келтириш мумкин. Бу маълумотлардан табиий географик районга тегишли ёки иқтисодий районлар ҳақидаги мавзуларни ўтишда ҳам фойдаланса бўлади.

Ўзбекистон иқтисодий географияси курси ўрганилаётганда «Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари» мавзусини ўқитишда дарсликдаги маълумотлардан фойдаланиб қолмасдан, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий алоқалари тобора кенгайтириб бораётган Хитой, Жанубий Корея, Россия давлатлари ўртасидаги товар айрибошлашнинг ошиб бораётганлиги, унинг миқдори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида берилаётган энг сўнгги маълумотлардан фойдаланиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир дарсда ўқитувчининг ишини енгиллатиш, вақтдан унумли фойдаланишни таъминлаш, ўқувчиларни дарсга тўлароқ жалб қилиш мақсадида синфларда географиядан ўтилатган мавзуларга доир оммавий ахборот воситаларида бериб борилаётган маълумотларни тўплаб борадиган «Ахборот гуруҳлари»ни ташкил қилиш жуда фойдалидир.

Бу усулда дарс талаб қилинганда ўқитувчи мавзуни баён қилгандан кейин ахборот гуруҳи томонидан шу мавзуга бағишлаб тўпланган маълумотларни эшитишни синфдаги ўқувчиларга тавсия қилади ва буни ўзи кузатиб бориб, айрим жойларини тўлдириб боради.

География дарсларида таълимнинг бундай усулидан фойдаланиш қуйидаги талабларга тўла жавоб беради:

А) Бу усул тарбиявий аҳамиятга эга, яъни ўқувчиларнинг ривожланишга қизиқишларининг ошишига таъсир кўрсатади.

Б) Бу усул оммавий, ундан ҳар бир география ўқитувчиси дарс жараёнида фойдаланиши мумкин.

В) Бу усул самарадор, яъни ўрганилаётган ўқув материални мустаҳкам эгаллашга қаратилган.

Г) Бу усулдан ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибаларига суянган, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиши мумкин.

А.Раҳматуллаев

Самарқанд Давлат университети

ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАГИ ҚОНУНИЯТЛАР ВА УЛАРДАН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ

С.В.Калесник (1970) «Ернинг умумийгеографик қонуниятлари» номли китобида 35 та қонун ва қонуниятларни берган. Булардан еттитасини кўпчилик географлар тан олишган, шулардан олтитасидан экологик муаммоларни ечишда асос сифатида фойдаланиш мумкин. Булар қуйидагилар: 1) табиатда модда ва энергиянинг айланма ҳаракати; 2) табиатнинг бир-бутунлиги; 3) табиатда ритмиклик; 4) географик зоналик ва азоналик; 5) табиатда айланма ҳаракат ва ритмиклик жараёнларида уларнинг айланиш учларининг дастлабки ҳолатга қайтмаслиги туфайли вектор йўналишда ўзгаришлар рўй беришлиги; 6) географик қобикнинг турли таксономик катталиқдаги геотизимларга бўлиниши.

Яқинда МГУ профессори В.А.Николаев (2000) «Табиий-хўжалик геотизимлар ички тузилишида хилма-хиллик» қонуниятини тавсия қилди. Бунинг моҳияти инсон хўжалик фаолияти билан ўзгартирилган геотизимлар фақат бир хил экин тури билан банд бўлмаслиги керак. Геотизимдаги бир хиллик модда ва энергия айланма ҳаракатида бузилишга сабабчи бўлади, хилма-хиллик эса геотизимни бойтади ва барқарор ривожланиш шаклланади. Биз В.А.Николаевнинг бу қонуниятини маъқуллаймиз. Суғориладиган катта майдонлардаги бир турдаги экин, энг аввало, биотада қашшоқланишни келтириб чиқаради, модда ва энергияда айланма ҳаракат миқдор ва сифат жиҳатдан бузилади, оқибатда геотизимда умумий қашшоқланиш бошланади.

Экологиядаги асосий қонуниятларни Б.Коммонер (1971) тавсия қилган. Унинг қуйидаги тўртта қонун ва қонуниятларини кўпчилик мутахассислар тан олишган; 1) дунёда ҳамма нарсалар бир-бирлари билан узвий боғланган; 2) ҳамма нарса қаёққадир кетади (ҳар қандай табиий тизим ўраб турган артоф-муҳитдаги инфорацион ва энергетик имкониятлардан фойдаланган ҳолда ривожланади); 3) табиат яхшироқ билади; 4) ҳеч нарса ўз-ўзидан берилмайди.

Бу асосий қонунлардан ташқари экологияга тааллуқли қуйидаги қонун, қоида ва принциплар мавжуд: 1) алоҳида табиий тизимлардаги модда, энергия ва информация шунчалик бир-бирлари билан чамбарчас боғланганки, шу омиллар биронтасининг ўзгариши ҳамма тизим ва поғоналарда сифат ва миқдор ўзгаришларини келтириб чиқаради; 2) кучсиз таъсир табиий тизимда бирданига жавоб реакциясини бермайди, лекин у тўпланиб, маълум вақтдан кейин кучли, кутилмаган динамик жараёнларнинг

ривожланишига олиб келади (Х.Боумен); 3) ўзининг маълум қисм элементларини йўқотган система дастлабки асл ҳолатига қайтаолмайди; 4) оптимум қонуни; 5) толерантлик қонуни (В.Шельфордники); 6) ҳар қандай табиий тизим атроф-муҳитнинг моддий, энергетик ва информацион имкониятларидан фойдаланиб ривожланиши мумкин. Мутлақо ажралган ҳолда ривожланиши мумкин эмас; 7) табиатда ҳар бир турнинг ўз ўрни бўлиб, у тўлиқ бўлиши лозим. Турнинг йўқолиши бошқа турларнинг кўпайишига олиб келади; 8) табиий тизимлардан хўжалик ишларида фойдаланилганда «чегара», «меъёр» дан ошмаслик лозим, акс ҳолда табиий тизимнинг ўз-ўзини бошқариши бузилади (оптимум қонунига ўхшаш); 9) табиий жараёнларни «қаттиққўллик» билан бошқариб бўлмайди. Бунда тизимдаги занжирсимон боғланиш бузилади.

Биологлар ва экологлар таклиф қилган юқоридаги қонуниятларнинг кўпчилиги мазмунан географик қонуниятларга анча яқин. Айниқса географиядаги «Табиатнинг бир бутунлиги», «Табиатда модда ва энергиянинг айланма ҳаракати» қонунлари экологиянинг юқоридаги қонунларнинг кўпчилигини ўзида мужассам қилган бўлиб, ҳамма табиий системаларнинг (фитоценоз, биоценоз, биогеоценоз, фация, географик қобик) бир бутунлиги, яхлитлигини тушунтириб берадиган универсал формула ҳисобланади. Биз табиатнинг бир бутунлигини тушунамиз ва эътироф этамиз, лекин ундаги компонентлар ва элементларни боғлаб турувчи «ипларни» билмаймиз. Шу сабабли ҳам рўй бераётган кўпгина жараёнлар ва ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини тушутириб бераолмаймиз. Айниқса, инсон фаолиятининг табиатга таъсири кучайган геотизимларда модда ва энергиянинг айланма ҳаракатида жадаллашиш тезлашади, бу эса табиатдаги бир бутунлик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Экологлар таклиф қилган «кучсиз таъсир табиий тизимда бирданига жавоб реакциясини бермайди, лекин у тўпланиб маълум вақтдан кейин кучли, кутилмаган динамик жараёнларнинг ривожланишига олиб келади» деб аталувчи қонун жуда жиддий экологик муаммолар билан боғланган. Буни воҳа ландшафтлари мисолида олиб қарасак, воҳаларда ичимлик сувларининг тоза эмаслиги, тупроқларнинг пестицидлар, оғир металллар, минерал ўғитлар қолдиқлари билан ифлосланаётганлиги, озик-овқат маҳсулотлари таркибида турли ҳил заҳарли моддалар қолдиқлари борлиги ва бошқа носоғлом экологик вазиятлар аста-секин аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказиши мумкин. Баъзи медиклар, генетиклар фикрича ёшлар орасида иммунитет даражаси пасайиши ўтган асрнинг 50-60-йилларидагига қараганда ҳозир 30-40% ни ташкил қилади, аҳоли ўртасида анемия, ошқозон-ичак, буйрак, жигар, турли хил аллергия касалликлар ҳам анча ошган. Генетик олим П.К.Солдатов (1983 й.) Ўзбекистон Республикасида XX асрнинг 90-йилларида туғилган ҳар 10 та гўдақдан биттасининг генида ўзгаришлар бор деб ёзади ва бу ўзгаришларни пахта далаларида кўп ишлатилган пестицидлар билан боғлиқ деб тушунтиради. Бу мисол табиатга таъсирнинг оқибати, кўриниши бўлиб, яқин келажакда янада кучли намоён бўлиши мумкин. Умуман инсон фаолиятининг табиатга таъсиридан қайтариладиган «акс-садоларнинг» кўпчилиги секин намоён бўлади. Буларни таҳлил қилиш, зарур тавсиялар беришда ҳам табиатнинг бир бутунлик қонуниятига асосланишимиз керак.

Табиий тизимлардан фойдаланганда «чегара», «меъёр» дан ошмаслик лозим, акс ҳолда табиий тизимнинг ўз-ўзини бошқариши бузилади деб аталадиган қонун «оптимум», «толерантлик» қонунларига жуда яқин. Табиий ресурслардан фойдаланишда, ерга агрохимикатлар солишда, экинларни жойлаштиришда, аҳоли зичлигида ва бошқа ҳамма соҳаларда илмий асосланган «меъёр», «чегара» бўлиши керак. Меъёрга риоя қилинса, табиатда мувозанат сақланади, геоэкологик барқарорлик

шаклланади. Шунга асосан биз экологик нуқтаи назардан воҳа геотизимлари учун «ер сигими» меъёрини ишлаб чиқдик (Раҳматуллаев А. 2002 й.).

Бу кичик мақолада юкорида кўрсатилган қонун ва қонуниятларнинг ҳар бирига алоҳида тўхташга имкониятларимиз йўқ. Экологик муаммолар таҳлил қилинганда қонуниятларга асосланиб иш олиб борилса, муаммонинг ечими осонлашади. Геоэкология география ва экология фанлари ўртасида шаклланган фан йўналиши экан, илмий-тадқиқот ишларида ҳар иккала фанлар қонуниятлари ва тадқиқот усуллари таянган ҳолда иш олиб бориш зарур. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиши география ва экологиянинг бир-бирига янада яқинлашишини жадаллаштирмоқда ва геоэкологик муаммоларга бевосита боғлиқ бўлган бир қанча оралиқ фанларнинг жадал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Буларга «Тиббиёт географияси», «Ландшафтлар геохимияси», «Мелиоратив география», «Геоэкологик картография» ва бошқалар киради. Қозир ер ҳақидаги фанлар олдида турган асосий вазибалардан бири минг йиллар давомида табиатда шаклланган мувозанатни, яъни барқарор ривожланишни сақлаб қолиш ҳисобланади. Геоэкологик муаммолар ечимига қонуниятлар орқали ёндашсак, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиш сабабларини тез аниқлаймиз, ечими ҳақида аниқ тавсия ва таклифлар берамиз.

Адабиётлар

1. Калесник С.В. – Общие географические закономерности Земли. М. 1970. с 261.
2. Николаев В.А. – Культурный ландшафт-геоэкологическая система. Вестник МГУ. серия 5. География. 2000, №6. с 3-7.
3. Коммонер Б. – Замыкающий круг. Л. Гидрометеиздат. 1974. 216 с.
4. Раҳматуллаев А. – Ўзбекистон воҳаларида антропоген юкларнинг ўсиши ва экологик муаммолар. Илмий конференция тезислари. «Табиий географиянинг регионал муаммолари». Самарқанд. 2002. 13-15 б.
5. Солдатов П.К. – Генетические последствия применения пестицидов в хлопководстве. Тез. докл. Всесоюзного симпозиума «Охраны окружающей среды в химической и нефтехимической промышленности по производству минеральных удобрений. Самарқанд. 1983. с 11-13.

3. Саидбобоев

Ўзбекистон Миллий университети ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ

Маълумки, умумтаълим ўрта мактабларида дунёнинг иқтисодий-сиёсий ва табиий географияси ўқитилади. Тарихий география фани улардан фарқли ўларок ўтмишнинг тарихий географиясини ўрганади. Бунда у давлатлар ва алоҳида минтақаларнинг турли даврлардаги ишлаб чиқариш даражалари, табиий-географик шарт-шароитлари, демографик аҳволи, сиёсий географиясини таҳлил қилади. Тарихий география фани тўғрисида XX аср бошларига қадар илмий адабиётларда аниқ тасаввур мавжуд эмас эди. Фарбда ҳам, Россия, қолаверса, Ўзбекистон тарих ва география фанида ҳам бу соҳада ҳозирга қадар турли қарашлар мавжуд. Ваҳоланки, қадимдан токи ҳозирги кунгача яратилган манбалар, тарихий асарлар мазмуни тарихий-географик маълумотларни ташкил этади.

Ҳозирда тарихчи ва географ олимлар тарихий география билан география тарихи ўртасидаги фарқни жуда яхши тушунадилар. География тарихи, кўпинча уни географик билимлар тарихи ҳам деб аташади, географик кашфиётлар ва саёҳатлар, шунингдек, географик тасаввурлар, умуман аждодларимизнинг географик дунёқарашлари тарихини

ўрганади. Тарихий география фани эса ўтмишнинг географиясини ўрганади. Шу тариқа замонавий география ва тарихий география битта объектни, аммо фарқли жихатларда тадқиқ этади. Замонавий география мазкур объектни ҳозирги ҳолатини ўрганса, тарихий география унинг ўтмиш тарихидаги ўзгаришларни таҳлил қилади.

Фан тармоғи сифатида қадимдан шаклланган тарих ва география фанларидан фарқли тарихий география анча ёш саналади. У фан сифатида бир неча юз йилдан бери мавжуд. Аниқроғи, XVI асрда Ғарбий Европада пайдо бўлган. Унинг шаклланишига XV-XVI асрлардаги икки йирик воқеа – гуманизм ва Буюк географик кашфиётлар туртки бўлган. Демак, географик кашфиётлар асосида эришилган ютуқ ва янгиликлар ҳам тарихий география фани учун илмий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин экан. Мазкур фаннинг асосчиси фламанд географ олими А.Ортелиий бўлиб, у XVI асрнинг иккинчи ярмида қадимги дунёнинг атласини ва унга ўз даврининг дунё атласини ҳам илова тарзида берган. Тарихий география замонавий география каби асосий бўлимларга бўлиб ўрганилади: 1) табиий тарихий география; 2) аҳоли тарихий географияси; 3) хўжалик (иқтисодий) тарихий географияси; 4) тарихий-сиёсий география.

Сўнги бўлимда давлатларнинг ички ва ташқи чегаралари географияси, шаҳар ва қалъаларнинг жойлашиши, ҳарбий юришлар, жангларнинг карта-схемалари, кўзғолонлар, турли озодлик ҳаракатлари географияси ҳам ўрганилади. Табиий география минг йилларда ҳам кам ўзгарган. Аммо инсоният жамияти тараққиёти учун ландшафтларнинг кам ўзгариши ҳам инсон ҳаётидаги шарт-шароитларнинг ўзгаришига сабабчи бўлган. Булар сирасига дарё оқимларининг ўзгариши, воҳаларнинг йўқолиб кетиши ва ҳоказолар киради. Улар ўз навбатида давлатларнинг аҳоли ва иқтисодий тарихий географиясига таъсир этади. Бу эса юқоридаги бўлимларнинг бир-бири билан боғлиқлиги ва ўзаро ажралмас кетма-кетлигидан далолат беради.

Юқоридаги барча географик олимлар тарихий воқеалар, шарт-шароитлар асосида таққосланиб, умумлаштирилган ҳолда тарихий география фани учун маълумот сифатида фойдаланилади.

Б.Абдурахмонов, С.Аҳмедов
Наманган Давлат университети,
Тошкент Давлат Педагогика университети
АМАЛИЙ ГЕОГРАФИЯ КУРСИДА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК
ТАЪЛИМОТЛАРНИ ЎРГАНИШ

Табиий географик таълимотларга географик қобик, географик зона, географик ландшафт ва табиий худудий комплекслар киради.

Географик қобик таълимоти география фанининг ўрганиш объекти бўлгани учун ҳам барча мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари география ўқув предметларида тўла ва ҳар томонлама кўриб чиқилган. «Амалий география» дарслигида ҳам географик қобикнинг табиий ва ижтимоий муҳитга инсоннинг таъсири ва унинг оқибатлари ҳамда уларни ўрганиш, баҳолаш ва башорат қилиш ҳақида билимлар берилди.

Географик қобик таълимоти XIX асрдан бошлаб шакллана бошлаган, 1875 йили Австралиялик геолог Эдуард Гюсс литосфера, гидросфера, атмосфера ва биосферани ажратган, 1910 йили рус метеорологи П.И. Броунов томонидан яхлит географик қобик ҳақида ғоя олдинга сурилди. XX асрнинг 30-йилларида академик А.А. Григорьев томонидан табиий географик қобик ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Кейинчалик С.В. Калесник табиий географик қобикни «Географик қобик» деб аташни таклиф этди. Мазкур таълимотни ривожлантиришда қуйидаги олимларнинг ишлари катта

аҳамиятга эга бўлди: И.П.Герасимов, М.И.Будыко, С.В.Калесник, В.М.Костяков ва бошқалар.

Географик зоналик таълимоти энг қадимги таълимотлардан бири ва табиий географиянинг асоси ҳисобланади. Географик зоналик таълимоти VI синф дарслигида тўла ёритилиб берилган, сўнгра VII синфда Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги табиат зоналари кўриб чиқилган. «Амалий география» курсида табиат зоналари инсонни унга таъсири нуқта назаридан кўриб чиқилган: шамол ва сув эрозияси; ўрмонларнинг кесилиши; даштларнинг ўзлаштирилиши; зоналар ичидаги ландшафтларнинг бузилиши ва қоказо.

Кенглик иссиқлик минтақаларининг борлиги қақидаги тахминлар антик даврдаёқ вужудга келган. Аммо у илмий йўналиш сифатида фақат 18-асрда шаклланди. 19-асрнинг биринчи ярмида мазкур таълимотнинг ривожланишига А. Гумбольдт катта ҳисса қўшди, у ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг иқлимга боғлиқ ҳолда зоналар тарқалишини аниқлади ва баландлик минтақаланиши қонунини очди. Зоналик таълимоти ҳозирги шаклда В.В. Докучаев томонидан ишлаб чиқилди.

Кейинчалик географик зоналик таълимотини ривожлантиришда С.В. Калесник, К.К. Марков, И.П. Герасимов, В.Б. Сочава ва бошқалар катта хизмат қилишди.

Географик ландшафт таълимоти амалий географияда бошқа география предметига нисбатан кенгроқ ёритилган (43-46). 14- параграфда «Ландшафт» тушунчаси, табиий ва антропоген ландшафтлар, ландшафтларнинг морфологик тузилиши (майдон, жой) ҳақида тўла ва атрофлича билимлар берилган. Бундан ташқари лойиҳалаш ишларида ландшафт тахлилини очиб бериш ва ландшафт хариталарини тузиш усуллари 15- параграфда ёритилган.

«Ландшафт» тушунчаси халқаро миқёсда кенг тарқалган. Географик ландшафт таълимотини ишлаб чиқишда академик Л.С. Берг катта ўрин тутган. Сўнгра ушбу таълимот С.В. Калесник, В.Б. Сочава, И.П. Герасимов, Ф.Н. Мильков ва бошқалар томонидан ривожлантирилди.

Табиий худудий комплекслар таълимоти ҳам «Амалий география»да атрофлича кўриб чиқилган. Дарсликнинг 13- параграфиди (40-42, б) табиат комплекси тушунчаси, табиат комплексларининг бўлиниши чизма тарзида берилган. Унда энг катта табиий худудий комплекс бўлган географик қобикни бўлиниш чизмаси берилган: Географик қобик иккита йирик комплексга, яъни қуруқлик ва сувликка бўлинган. Қуруқлик эса қуйидаги комплексларга бўлинган: табиий географик ўлкалар; табиий географик районлар; географик ландшафт. Сувлик қуйидаги табиий худудий комплексларга бўлинган: океанлар; океанларнинг қисмлари; денгизлар; қўлтиқлар ва бўғизлар.

Бундан ташқари 16 ва 17-параграфларда табиат комплексларининг барқарорлиги ва уни хўжалик ишларида ҳисобга олиш ҳамда табиат комплексларининг инсон томонидан ўзгартирилиши ҳақида ҳам билим ва кўникмалар берилган. Барқарор ва барқарор бўлмаган худудлар Ўзбекистон мисолида кўрсатилган, табиат комплексларининг инсон томонидан ўзгартирилишининг асосий йўналишлари очиб берилган. Маданий, бузилган, кучсиз, ўртача, кучли ва жуда кучли ўзгарган ландшафтлар ажратилган.

Ижтимоий ва иқтисодий географик таълимотларга қуйидагилар кирази: иқтисодий географик жойланиш; географик меҳнат тақсимооти; худудий ишлаб чиқариш комплекслари; хўжаликни худудий ташкил қилиш таълимотлари.

Иқтисодий географик жойланиш таълимоти. Иқтисодий географик жойланиш барча иқтисодий географик объектлар учун хос (давлатлар, маъмурий бирликлар, иқтисодий районлар, корхоналар, манзилгоҳлар). Иқтисодий географик жойланиш таълимоти умумтаълим мактабларининг VIII синфда Ўзбекистон иқтисодий географик жойлашишини ўрганиш билан бошланади ва IX синфда мамлакатлар иқтисодий

географик ўрнини ўрганиш билан давом этади. «Амалий география» курсида кўпроқ геосиёсий ўрин тушунчасига эътибор берилган. Унда геосиёсий ўрин тушунчаси очиб берилган ва Ўзбекистон геосиёсий ўрни ҳақида билимлар берилган. Иқтисодий географик жойлашиш таълимоти ривожлантиришда Н.Н. Баранский, Н.Н. Колосовский, И.М.Майергойз ишлари катта ўрин тутди. Н.Н.Баранский (1939) томонидан иқтисодий географик таълим тушунчасининг мазмуни ва моҳияти ишлаб чиқилди. И.М. Майергойз (1981) қуйидаги иқтисодий географик жойланишларини ажратган: транспорт–географик; саноат–географик; агрогеографик; бозор; демографик;

Меҳнатнинг географик тақсмоти таълимоти умумтаълим мактабларида IX синфда кўриб чиқилган. «Амалий география» курсида мазкур таълимот бўйича маълумотлар кам. Шунинг учун ушбу курсда мазкур таълимот бўйича XI бобда албатта билимлар берилиши лозим. Чунки у иқтисодий ва ижтимоий географиянинг амалий аҳамиятига эга бўлган таълимотларидан биридир.

Худудий ишлаб чиқариш комплекслари таълимоти. Амалий география курсида кенг ёритиб берилган. Унда қуйидаги масалалар кўриб чиқилган: ишлаб чиқариш жараёни: ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишнинг асосий омиллари; саноат корхонасини жойлаштириш ва бошқаришни географик таҳлил этиш: техник жойларини асослашда географик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш ва ҳ.к. Мазкур таълимотнинг шаклланишига ва ривожланишига Н.Н Баранский, Н.Н.Колосовский, В.М.Четыркин катта ҳисса қўшишди.

Хўжаликни ва жамиятни худудий ташкил қилиш таълимоти ҳам амалий география курсида атрофлича кўриб чиқилган. Хўжаликни ташкил қилиш масалалари XI бобда, жамиятни ташкил қилиш масалалари эса дарсликнинг иккинчи бўлимида кўриб чиқилган. Мазкур таълимотнинг шаклланишида ва ривожлантиришида А.Е.Пробст, А.Т.Хрущёв, С.А.Ковалёв, Б.С.Хорев, Э.Б.Алаевнинг ишлари катта ўрин тутди.

Х.Б.Никадамбаева, П.Н.Гулямов
Национальный университет Узбекистана
КРЕДИТНАЯ СИСТЕМА ОБУЧЕНИЯ В США

Рынок труда предъявляет особые требования к гибкости рабочей силы, то есть, гибкое сочетание и сближение процессов обучения и работы, повышения мобильности рабочей силы, гибкие подходы к продолжительности и сочетанию рабочего времени и времени обучения.

Сложившаяся система высшего образования в США не отвечала запросам общества по следующим причинам:

Есть два независимых рынка; рынок образования и рынок труда;

Цепочки “вуз-предприятие” не существует;

Развитие высшего образования определяется социальным спросом на него, а не потребностью общества в специалистах.

Поэтому была необходимость обновления содержания, структуры и организации обучения. Переход на двухуровневую систему – бакалавриат и магистратура есть обновление структуры образования. Первый цикл бакалавриат будет удовлетворять массовый социальный спрос на высшее образование.

Обучение второго цикла, в магистратуре направлена на овладение знаниями и навыками конкретных профессии.

Система академических программ и степеней в США.

Слово степень (degree) означает академическую степень, а не ученую.

Ученой степенью является только докторская.

Таким образом, существуют три степени:

- бакалавр;
- магистр;
- доктор (Ph.D) .

Высшее образование США состоит только из бакалавриата.

Степень бакалавра в США-это законченное высшее образование.

Большинство людей, получив степень бакалавра, больше не учатся.

Для выполнения большинства работ в сфере бизнеса не требуется степени выше бакалавра.

В США новые учебные программы утверждаются самими вузами, то есть, никакого одобрения сверху не требуется. Чтобы программы отвечали требованиям рынка вузы США обращают большое внимание на формирование узкоспециализированных программ или на увеличение количества предметов по выбору. Какой подход лучше-покажет время.

В США образование основано на кредитную систему обучения.

Кредитная система обучения означает:

Новое отношение к преподаванию характера и содержания обучения. Работа преподавателя существенно меняется.

Упор делается на: организацию – СРС – самостоятельной работы студента; проверку домашнего задания; подробную запись учебных достижений студентов, формирующих их итоговую оценку.

При планировании учебного процесса в кредитной системе планируются дисциплины, а не фиксированный набор дисциплин для каждой группы студентов.

Каждый студент сам выбирает дисциплины из предложенных университетом на данный семестр обязательные предметы. Для формирования учебных групп ВУЗ устанавливает обязательный минимум чисел студентов, которые должны записаться на каждую дисциплину.

В основе программы бакалавриата лежит кредитный час. Каждой дисциплине присваивается определенное количество кредитных часов.

Кредитный час – это 50 минут контактного времени в неделю на протяжении семестра.

Введение системы кредитных часов: обычный курс – 3 или 4 кредитного часа – это 3 или 4 часа в неделю на протяжении семестра.

Программа бакалавриата 120-130 кредитных часов, это делится на общеобразовательные обязательные в первом и во втором курсе 70 % и по выбору в 3 курсе 30%, точно также по специальности на обязательные 50 % и по выбору 50 %.

Студент США должен учиться столько лет, сколько потребуется, чтобы успешно завершить 120-130 кредитных часов, Средний срок обучения в США 6-7 лет.

Индивидуальная траектория обучения студента составляется с помощью эдвайзеров. Эдвайзер – это не наставник, не куратор, не воспитатель. Эдвайзер – это тот, кто консультирует студентов, как им построить свою образовательную траекторию. Эдвайзером может быть преподаватель или специальный сотрудник вуза.

Вуз определяет количество кредитных часов, не менее которых студент должен брать на каждый семестр. Максимальное количество кредитных часов на семестр, также определяется вузом на которые может записаться студент.

Индивидуальная траектория обучения студента – это проект, который студент может, даже имеет право обновлять каждый семестр. С точки зрения администрации вуза студент должен обновлять свою траекторию регулярно.

